63.052
Г-94

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА



5 · 2004

«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

“БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ” ТУРКУМИ

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi
265785

“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи
Тошкент - 2004

65.052р
Г 94

Таржимон: *Файзиев Т. Ю.*

Г 94 Ф. Г. Гуломова.
Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2004 — 440-б. ("Солиқ ва божхона хабарлари" газета кутубхонаси).

Китоб бўлғуси бухгалтерларни улар танлаган касбнинг асослари, уни ривожлантириш истиқболлари, мутахассисларга қўйиладиган асосий талаблар билан таништиради. У турли мулкчилик шаклларига мансуб корхоналарда бухгалтерия ҳисобини муваффақиятли юритиш учун зарур кўникмаларни ҳосил қилишда ёрдам беради. Бухгалтерия ҳисоби асослари билан бир қаторда миллий андозаларга ўтиш шароитида моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган.

Солиқ ҳисобига алоҳида боб бағишланган, унда асосий солиқларни ҳисоб-китоб қилиш услубияти аниқ мисолларда келтирилган. Ушбу боб У.Т.Файзиева билан ҳамкорликда ёзилган.

Қўлланма бухгалтерлар, аудиторлар, олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, малака ошириш курсларининг тингловчилари, шунингдек замонавий бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганаётган китобхонларнинг кенг доираси учун мўлжалланган.

ББК 65.052р

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004 йил.

СЎЗ БОШИ

Бизнес соҳасида ишларни муваффақиятли юритиш учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг асосий қонунларини билиш зарур. Бухгалтерия ҳисобини ўрганиш тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишда билим ва маҳоратга эга бўлиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби жуда қадимда хўжалик фаолиятининг зарурияти ва эҳтиёжи сифатида юзага келган. Бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиётини барпо этишда муҳим ўрин эгаллайди. Республикамиз иқтисодиётининг хўжалик юритишда бозор шароитларига ўтиш даврида унинг аҳамияти беқиёс равишда ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда мамлакатда мавжуд бўлган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлаштириш иқтисодиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунинг учун Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий қилинмоқда, улар эса ўз асосида халқаро стандартларга таянади ва республикамизда ҳисоб тизимининг хусусиятларини эътиборга олади.

Ушбу китобнинг мақсади - тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтер томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби асослари, тамойил ва усулларни тушунарли шаклда кенг ёритишдир. Рақамли мисолларда дастлабки ҳужжатларни тузишдан бошлаб то баланс тузишга қадар ҳисоб цикли босқичлари кўрсатилган.

Қуйидаги ҳисоб объектларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш услубиятига алоҳида эътибор берилган:

пул маблағлари ҳисоби;

иш ҳақи ҳисоби;

моддий бойликлар ҳисоби;

асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби;

маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳисоби;

тайёр маҳсулот ва товарлар ҳисоби;

жамғармалар ва корхона фаолиятининг молиявий натижалари ҳисоби;

корхоналардан олинадиган солиқлар ҳисоб-китоби ва ҳисоби тартиби.

Китобга илова сифатида Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга 1 ва 2-иловалар берилган.

I БЎЛИМ. КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

1-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, УНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

1.1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида тушунча

«Бухгалтер» атамаси XV асрда пайдо бўлган ва немис тилидан таржима қилганда *buck* – китоб, *halter* – юритувчи, яъни сўзма-сўз олганда китоб юритувчи деган маънони англатади. Ҳисоб дафтарларини юритиш билан шуғулланувчилар бухгалтер деб аталганлар. Инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби «accounting» деб номланади.

Бухгалтерия ҳисоби жуда қадимда жиддий зарурият туфайли юзага келган, чунки барча даврларда ҳам хўжаликни ўтиов ва саноқсиз, даромадларни харажатлар билан қиёсламасдан юритиб бўлмаган.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик ҳисобининг уч туридан бири бўлиб, яна статистик ва тезкор (оператив) ҳисоблар мавжуд.

Статистик ҳисоб нафақат хўжалик ҳаётининг, балки жамият ижгимоий ҳаётининг ҳам бир турдаги оммавий ҳодисаларини ўрганишга даъват этилган. Статистик ҳисоб билан, асосан, минтақа, вилоят ёки умуман республика доирасида катта ҳажмда рақамли материалларни тўплайдиган ва таҳлил киладиган давлат статистика муассасалари (хизматлар, бюролар, бошқармалар ва қўмиталар) шуғулланади. Умумлаштириш натижалари статистик тўпламлар, маълумот берувчи китоблар, журналларда эълон қилинади. Статистика идоралари ишига Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат кўмитаси раҳбарлик килади. Ўз ишларида статистика ходимлари кушинча танлаб ўрганиш усули, индекслар, ўртача кўрсаткичлар ва ҳоказолардан фойдаланадилар.

Танлаб статистик тадқиқ қилишга мисол сифатида Тошкентда яшайдиган, аҳолининг турли гуруҳларига мансуб, да-

ромадлари ва истеъмол таркиби турли даражада бўлган бир неча минг оила бюджетининг ҳисобини келтириш мумкин.

Статистика идораларининг ушбу кўнгилли ёрдамчилари даромадларининг барча манбаларини, шунингдек овқатланиш, тураржой, транспорт, қисқа муддатли ва узоқ вақт фойдаланиладиган буюмларни харид қилиш харажатларини кўрсатган ҳолда ўз даромад ва харажатларининг ҳисобини ҳар кун юритадилар. Бундай ҳисоб даромад ва харажатлар таркибини, аҳолининг турмуш даражаси ўзгаришидан далолат берадиган улар нисбатининг аниқлаш, шунингдек аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш учун яшаш минимумини белгилаш имконини беради.

Статистик маълумотлар асосида давлат бошқарув идоралари истиқболларни ишлаб чиқадилар, иқтисодий сиёсат соҳасида қарорлар қабул қиладилар, республикамиз иқтисодиётини тезкор бошқариш бобида аниқ чора-тадбирларни белгилайдилар.

Тезкор ҳисоб корхоналарда ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш мақсадларида юритилади. Тезкор ҳисоб жойнинг ўзида ва оператив иш ҳужалик операциясини содир этиш пайтида юритилади. Тезкор ҳисоб воситасида материаллар ёки товарларни етказиб бериш, тайёр маҳсулот чиқариш ва уни сотиш устидан назорат амалга оширилади. Тезкор ҳисоб маълумотлари, одатда, оғзаки, телефон ёки факс орқали берилади. Чунончи, товар станциясидан телефон орқали корхона номига юк ортилган вагонлар келгани тўғрисида хабар қилинади. Бу нарса таъминот хизмати ходимларига транспортни сафарбар қилишга доир тезкор чоралар кўриш, юкчиларга вагонларни юкдан бўшатиш учун хабар бўлади, акс ҳолда вагонлардан юкни туширмаганлик учун корхона катта миқдорда жарима тўлашига тўғри келади.

Тезкор ҳисоб маълумотларини расмийлаштиришга ҳужжатни тегишлигининг мажбурлигини унга юридик жиҳатдан исботлаш кучини бермайди. Тезкор ахборотнинг вазифасидан келиб чиққанда бундай исботлаш тақозо этилмайди. Тезкор ҳисоб олиб корхонанинг турли бўлим ва хизматлари: таъминот, сотиш бўлимлари, режалаш — нозимлик бюролари, ходимлар бўлими ва ҳоказолар шуғулланади.

Бухгалтерия ҳисоби — мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона хўжалик фаолиятини ялпи, узлуксиз ва ҳужжатларга асосланган ҳолда акс эттириш тизимидир. Демак,

катъиян ҳужжатлилиги, ялпи, узлуксиз эканлиги, аниқ қийматт баҳосига таяниши бухгалтерия ҳисобининг фарқловчи хусусиятлари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай хўжалик операциясига тегишли тарзда тузилган, барча зарурий кўрсаткичларга эга бўлган, масъул шахслар томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳужжат тузилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби узлуксиздир, чунки у кунма-кун юритилади ва барча хўжалик ҳодисалари ва жараёнларини ялпи тарзда қайд этади.

Бухгалтерия ҳисобининг фарқловчи хусусиятлари унинг хўжалик ҳисоби алоҳида турлари ўртасида марказий ўринни эгаллашини белгилаб берган. Бухгалтерия ҳисоби ахборотининг устуворлиги уни фойдали, аҳамиятли ва ишончли бўлишини белгилайди.

Ҳисобнинг учала тури мустақил, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг предметига айнан бўлган ўз ҳисоб объектига ва мазкур предметни билишнинг ўз усулларига эга. Айни вақтда улар ҳар бирининг мустақиллиги уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини шартлашини истисно этмайди.

Ҳисобнинг ҳар бир тури бир хил хўжалик операциясини турли вазиятларда кўриб чиқади, бу эса айрим босқичларда унинг фойдаланувчиларини қизиқтирадиган ахборот оқимларининг кесишишини истисно қилмайди. Бунга эришиш ҳисобнинг барча турларига хос бўлган бир ғоятда муҳим хусусият, яъни — бир хил ўлчовлардан: табиий, меҳнат ва пул ўлчовларидан фойдаланиш туфайли мумкин бўлди.

Табиий ўлчовлар (кг, м, $м^3$, л, дона ва ҳоказо) ҳисобга тақдим этилган бир хил ҳисоб объектининг миқдорий тавсифини очиб беради ва унинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда кўрсатилган бирликларда ахборот олиш учун хизмат қилади.

Бир хил ўлчов бирлигига эга бўлсада, турли хил объектлар ҳисобида табиий ўлчовлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Табиий ўлчовларга хос бўлган умумий шарт — товар-моддий бойликларнинг миқдорий ҳисоби. Улар ёрдамида умумлаштирувчи кўрсаткичларнинг олиниши истисно этилади.

Меҳнат ўлчовлари сарфланган иш вақтининг ҳисоби учун мўлжалланган. Уларнинг ўлчов бирлиги бўлиб дақиқа, соат, кунлар ҳисобланади. Улар ёрдамида маҳсулот ишлаб чиқариш

меъёрлари, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақини ҳисоблаш ва ҳоказолар назорат қилинади.

Равшанки, меҳнат ўлчовлари ҳам, табиий ўлчовлар сингари, қўллашнинг қатъиян белгиланган чегараларига эга.

Турли хил ҳисоб объектларини бирлаштириш ва уларни бир ўлчовда ифодалаш имконини берадиган бир хилдаги ва умумлаштирувчи кўрсаткич бўлиб пул ўлчови хизмат қилади. Унинг ўлчов бирлиги бўлиб миллий валюта бирлиги, яъни сўм ҳисобланади.

Пул ўлчови корхонанинг моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ, маҳсулотнинг аниқ турларини тайёрлаш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишга доир индивидуал чиқимларини ҳисоблаш имконини беради. Ана шу ва бошқа чиқимларни мазкур ўлчов ёрдамида умумлаштириш корхонанинг ҳисобот давридаги харажатларининг умумий суммасини ҳисоблаш имконини беради. Бинобарин, пул ўлчови катта назорат аҳамиятига эга. Унинг ёрдамида бошқа кўрсаткичларни (фойда, рентабеллик) олиш, улардан ҳосила кўрсаткичларни корхона даражасида ҳам, халқ хўжалиги даражасида ҳам ҳисоблаш мумкин. Пул ўлчовини қўллаш доираси анча кенг, бу эса уни мустақил равишда ҳам, табиий ва меҳнат ўлчовлари билан биргаликда ҳам қўллаш билан шартланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига кўра, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади.

Корхона раҳбари бош бухгалтер раҳбарлик қиладиган бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома шартларида жалб этилган малакали бухгалтер хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. У бухгалтерия ҳисоби юритилишини шартнома шартларида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига тақдим этиши ҳам мумкин.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан корхона раҳбарининг шахсан бухгалтерия ҳисобини юритишга ҳақли экани ҳам белгиланган. Бироқ буни асосан кичик бизнес корхоналарида, масалан, хусусий корхонада қўллаш мумкин.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

• ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиш;

• хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
• тўлиқ ва ишончли бухгалтерия ҳисоби;
• ўз вақтидаги ҳисоб-китоблар;
• ҳисоб ҳужжатларининг сақланиши;
• ташқи фойдаланувчилар учун молия ҳисоботини тайёрлаш;
• солиқ ҳисоботлари ва бошқа молия ҳужжатларини тайёрлаш.

Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобини билиш ва олган маълумотларини таҳлил қилиш маҳорати нафақат малакали бухгалтерларга, балки корхоналар раҳбарларига ҳам зарурдир. Бундай билимлар, айниқса, иши муваффақиятсизликлар, янглишишлар ва талафотлар хатари билан боғланган кичик ва хусусий фирмаларнинг раҳбарлари учун жуда муҳим. Бухгалтерия билимлари ва иқтисодий таҳлил усуллари асосларини эгаллаш раҳбарларга ушбу хатарни камайтириш, бозор иктисодиёти тамойилларини ҳис этиш, зарур қарорларни ўз вақтида ва хатосиз қўллаш имконини беради.

1.2. Бухгалтерия ахбороти ва унинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамияти

Бозор иқтисодиётида ривожланган бозорнинг барча иштирокчилари уларнинг ҳозирги ва келажакдаги хўжалик фаолияти билан боғланган қарорлар қабул қиладилар. Бошқарувнинг ҳар бир субъекти тўғри оқилона қарорни ишлаб чиқиш учун иқтисодий ахборотга эҳтиёж сезади. Масалан, тикувчилик буюмларини ишлаб чиқарадиган корхона бошқарув ходимлари қандай ишлаб чиқариш жараёнларини тўхтатиб қўйиш, қандайларидан янада катта қувватларда фойдаланиш кераклигини ҳал қилиш учун кўйлакларнинг қандай турлари урф бўлганлиги ва харидоргирлигини билиши зарур; бўлғуси хизматчилар ва инвесторлар меҳнат шартномаларини тузиш ёки ушбу компанияга пул қўйиш олдидан компаниянинг молиявий қуввати хусусида билишни хоҳлайдилар; ҳокимликлар ёки жамоат ташкилотлари сингари нотижорат ташкилотларнинг менежерлари ҳам ўз ижтимоий дастурларини режалаштиришдан олдин иқтисодий ахборотга муҳтож бўладилар. Фақат бухгалтерия ҳисоби келтирилган ҳолларнинг ҳар

бирида ёрдам бериши мумкин. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби қуйидаги саволларга жавоб бериши мумкин: хўжалик юритишга доир турли қарорларни қабул қилаётганда қандай ахборотдан фойдаланиш мумкин, у қандай олиниши керак ва уни фойдаланувчиларга қандай тарзда хабар қилиш лозим?

Иқтисодий воқеалар (хўжалик операциялари) бухгалтерия ҳисоби тизимида пул бирликларида ўлчанади. Агар воқеани пул бирликлари воситасида акс эттириб бўлмаса, у молиявий ахборот тизимининг бир қисми деб ҳисобланиши мумкин эмас. Бир маротаба ўлчанган воқеалар рўйхатга олинади ва уларнинг жами узлуксиз равишда ташкилотнинг молиявий фаолиятини тавсифлайди. Рўйхатга олиш ушбу ўлчанган воқеаларнинг хронологик кундалигини қатъий ва мунтазам равишда юритишдан иборат. Рўйхатга олиш вақтида бухгалтер, шунингдек хўжалик воқеасининг маълумотларини таснифлайди, жамлайди ва умумлаштиради.

Агар ахборот у ёки бу шаклда манфаатдор шахсларга (фойдаланувчиларга) етказилмаса, ўлчаш, рўйхатга олиш ва умумлаштиришнинг бутун жараёни маънога эга бўлмайди. Ахборот бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлаш ва тарқатиш йўли билан етказилади, уларнинг энг умумийлари молиявий ҳисобот деб номланади. Хабар қилинаётган молиявий ахборотга маъно бағишлаш учун бухгалтерлар рўйхатга олинган маълумотларни стандартлаштирилган кўринишда ва даврий асосда тайёрлайдилар ва тақдим этадилар.

Хўжалик юритишнинг бозор шароитларида бухгалтернинг асосий вазифаси нафақат бирламчи ҳужжатлар, жамғариш ва гуруҳлаш қайдномалари, журнал-ордерларга ўз вақтида батартиб ишлов бериш, ҳисоботларни ўз вақтида тузиш, балки у ҳисоботда акс эттирган ахборотни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва тушунтириш (шарҳлаш) ҳисобланади. Шарҳлаш (интерпретация) ўз ичига ҳисобот маълумотлари таҳлили ва уларнинг фойдалилиги, маъноси ва чекланишини тушунтиришни олади. Молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга жадваллар, фоизли нисбатлар, жадвал ва чизмалар орқали етказилади.

Ахборот тақдим этишнинг бундай тизими қуйидагаларга эришиш имконини беради:

• молиявий ҳисоботларнинг тушунарлилиги ва ишончли-

лиги туфайли инвестор учун ўз капиталига бўлган ёки кредит берувчи учун хатарнинг камайиш;

• хатарнинг камайиши туфайли ҳисобот тузувчи ташкилот қимматининг кўпайиши;

• хатарнинг камайиши туфайли ташкилотнинг заём ёки акциядорлик капиталини капиталининг камроқ қиймати бўйича жалб эта олиши;

• активлар сақланиши ва молиявий ҳисоботнинг тўғрилигига зарурий ишонч бағишлайдиган ички ҳисоб назорати туфайли ташкилот ҳаётий қобилиятининг ошиши;

• ташкилотнинг макро- ва микроиқтисодий баҳоси ҳамда статистик ҳисобот учун тегишли ишончли ахборот тақдим этилиши (масалан, миллий ҳисобварақлар тизими учун).

Қарорлар қабул қилиш жараёни учта асосий вақт босқичларидан таркиб топган. Булар:

• дастлабки бошқарув жараёни (режалаштириш вазифаси);

• тезкор бошқарув босқичи (жорий бошқарув вазифаси);

• бошқарувнинг якуний босқичи (назорат вазифаси).

Бухгалтерия ҳисоби бошқарувнинг барча санаб ўтилган босқичлари ва вазифаларига хос, у бошқарувнинг ҳар бир босқичини ахборий-таҳлилий таъминлаш вазифасини бажаради. Қарорни нафақат маъмурият, корхона раҳбарияти, балки иқтисодий ахборотдан бошқа фойдаланувчилар ҳам қабул қиладилар. Бухгалтерия ҳисоби ҳисоб ахборотидан фойдаланувчилар эҳтиёжларига сезгир бўлиши керак. Демак, ушбу фойдаланувчилар кимлигини ва улар амалда қандай ахборотга эҳтиёж сезишларини тушуниш лозим *(1-чизма)*.

1.3. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар

1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир деб таъкидланган.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати



1-чизма. Молиявий ахборот оқимлари

тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа тортишга доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш.

Бинобарин, бухгалтерия ҳисоби ҳўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғрисидаги маълумотни ушбу маълумотга эҳтиёжи бўлган барчаларни таъминлаш учун юритилади. Маълумотга зарурияти бўлганлар иқтисодий маълумотдан фойдаланувчилар деб аталади. Бозор иқтисодиёти шароитида маълумотдан фойдаланувчилар доираси ғоят кенг. Турли фойдаланувчиларга турлича маълумот керак бўлади. Маълумотни таҳлили асосида фойдаланувчилар ўзига керакли бўлган қарорларни қабул қиладилар.

Ахборотдан фойдаланувчилар икки гуруҳга ажратилиши мумкин:

– ички фойдаланувчилар, яъни корхонани бошқарувчилар;

– ташқи фойдаланувчилар, яъни корхонадан ташқарида бўлувчилар.

Ахборотдан фойдаланувчилар асосий гуруҳларининг тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

Ички фойдаланувчиларга қуйидагилар киради:

• корхона маъмурияти — корхона фаолиятини бошқариш ва унинг олдида турган мақсадларга эришиш учун тўлиқ жавобгар бўлган кишилар гуруҳи. Корхона кўпгина мақсадларга эга, лекин унинг рақобатнинг қаттиқ шароитларида муваффақият қозониш ва яшаб қолиши маъмуриятдан барча саъй-ҳаракатларни икки асосий мақсадга: молиявий барқарорликни таъминлайдиган фойда олишлик (рентабеллилик) ва ликвидликка жамлашни тақозо этади. Фойда олишлик (рентабеллилик) – қўйилган капиталини жалб этиш ва ушлаб туриш учун етарли бўлган фойдани ишлаб топиш қобилияти. Ликвидлик қарзларни белгиланган муддатларда тўлаш учун етарли тўлов воситаларининг мавжудлигини англатади.

Маъмурият бошқарув қарорларини қабул қилишнинг барча босқичларида: режалаштириш, тезкор бошқарув ва назоратда ҳисоб ахборотидан фойдаланади.

1-жадвал

Тижорат ташкилоти (корхона)да ахборотдан фойдаланувчилар асосий гуруҳларининг тавсифи

Т.р.	Шериклик гуруҳлари	Корхона фаолиятидаги ҳиссаси	Компенсация талаблари	Таҳлил объекти
Ички фойдаланувчилар				
1	Маъмурият, раҳбарият	Ишни билиш ва раҳбарлик қила олиш	Меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлар	Бошқарув учун фойдали барча ахборот
2	Мулкдорлар, акциядорлар	Ўз капитали	Дивидендлар	Молиявий натижалар ва молиявий аҳвол
3	Ходимлар, хизматчилар	Меҳнат тақсимотига мувофиқ ишларни бажариш	Иш ҳақи ва ижтимоий хизматлар	Молиявий натижалар
Ташқи фойдаланувчилар				
4	Маҳсулот етказиб берувчилар	Моддий ресурсларни етказиб бериш	Шартномавий нарх	Молиявий аҳвол
5	Харидорлар, мижозлар	Маҳсулот ва хизматлар хариди	Шартномавий нарх	Молиявий аҳвол
6	Қарз берувчилар, кредиторлар	Қарз капитали	Фоизлар	Баланснинг ликвидлиги
7	Инвесторлар	Инвестиция-лар	Инвестиция-лардан даромадлар	Молиявий натижалар
8	Солиқ идоралари	Солиқларга доир бериладиган имтиёзлар	Солиқлар ва бошқа йиғимлар ҳамда бадаллар	Молиявий натижалар
9	Бошқа гуруҳлар	Турлича	Турлича	Турлича

Шунинг учун зарур маълумотларни тайёрлаб, бухгалтерия жавоб бериши керак бўлган масалалар мундарижаси узлуксиз ишлашни таъминлаш учун ишлаб чиқариш захиралари билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи миқдори, етказиб берувчилар ва харидорлар, бошқа дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳолатини очиб беради;

• аввало қўйилган ўз капиталидан ўз дивидендларини оширишдан манфаатдор бўлган амалдаги ва бўлғуси мулкдорлар ва акциядорлар. Бухгалтерия ҳисоби ахбороти уларга улар томонидан қўйилган маблағлардан корхона раҳбарияти фойдаланишининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Акциядорлар ҳам уларга акциядорлик жамиятининг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолаш имконини берадиган ва акцияларни харид қилиш, тутиб туриш ёки сотиш керак ёки керак эмаслигини белгилашда ёрдам берадиган ахборотдан манфаатдорлар;

• корхона фаолиятининг барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган корхона ходимлари, хизматчилари. Улар корхонанинг уларни иш ҳақи, нафақа ва турли ижтимоий хизматлар билан таъминлаш салоҳиятини баҳолаш имкониятини берадиган ахборотдан ҳам манфаатдорлар.

Ташқи фойдаланувчиларга қуйидагилар киради:

• уларга тегишли сумма ўз вақтида тўланишини белгилаш имконини берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган, маҳсулот, товарлар ва хизматларнинг амалдаги ҳамда бўлғуси етказиб беру .чилари. Агар корхонанинг молиявий ахволи барқарор бўлса, бу ҳол унга бўлғуси етказиб берувчиларни жалб этиш имконини беради;

• айниқса улар узоқ муддатли контрактларга эга бўлсалар ва мазкур корхонага боғлиқ бўлсалар, аввало унинг фаолияти узлуксиз бўлишидан манфаатдор корхона харидорлари ва мижозлари;

• уларга кредит ва заёмлар, шунингдек уларга доир тегишли фоизлар ўз вақтида тўланишини белгилаш имконини берадиган ахборотдан манфаатдор қарз берувчилар ва кредиторлар;

• тақдим этилган инвестициялар муносабати билан муайян хатарга тўқнаш келган амалдаги ва бўлғуси инвесторлар,

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари уларга ўз молиявий ресурсларини унга қўйиш арзишини, инвестор қўйган маблағлар бўйича фоизлар ёки дивидендларнинг корхона ўз вақтида тўлай олиши ёки олмаслигини баҳолаш имконини беради;

• солиқ ҳисоб-китоблари тўғрилигини, солиқ сиёсати самарадорлигини ва уни тартибга солишни текширадиган солиқ идоралари;

• бошқа гуруҳлар. Бу гуруҳларга қуйидагилар киради:

– фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисобот маълумотларининг тегишли қоидаларига мувофиқлигини текширадиган аудиторлик хизматлари;

– ўз мижозларига уларнинг капиталларини жойлаштириш, шартномалар шартлари бажарилишини баҳолаш ва ҳоказолар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида бўлган, молиявий ва юридик масалалар бўйича маслаҳатчилар;

– эмитент қимматли қоғозларининг даромадлилиги (котировкаси) қийматини оширадиган фонд бозорининг касбий иштирокчилари.

Акциялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиш ва харид нархлари ўртасидаги фарқда, воситачилик хизматларини кўрсатишда фонд бозорининг иштирокчилари ўз молиявий натижаларини шакллантирадилар. Улар эмитентининг қимматли қоғозларига талаб ва таклиф унинг молиявий барқарорлигига боғлиқ равишда белгиланади. Молиявий барқарорлик даражасини фонд бозорининг касбий иштирокчилари фонд биржаларида руйхатга олинган эмитентларнинг вақти-вақти билан эълон қилинадиган ҳисобот маълумотлари бўйича белгилашлари мумкин;

– ҳисоботдан айрим тармоқларнинг ривожланишини истиқболни белгилаш, нисбатлар, ўсиш суръатлари ва ҳоказоларни белгилаш учун фойдаланадиган иқтисодиётни бошқариш идоралари, оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари;

– касаба уюшмалари иш ҳақи ва меҳнат шартномалари шартларига нисбатан ўз талабларини белгилаш учун, шунингдек, тузиладиган жамоа шартномаларининг асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, улар муддатини узайтириш бобида ахборотдан манфаатдорлар.

Ташқи фойдаланувчилар учун йиллик молиявий ҳисобот очиқ бўлиши керак. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-бандига мувофиқ акциядорлик жамиятлари; суғурта компаниялари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлар; юридик ва жисмоний шахслар маблағларини жамловчи инвестицион ва бошқа жамғармалар ва уларнинг бошқариш компаниялари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмаларидан ташкил топган хайрия ва бошқа ижтимоий жамғармалар; маблағлар ташкил топиш манбаи амалдаги қонунчилик билан кўзда тутилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан мажбурий ажратмалардан иборат бюджетдан ташқари жамгармалар; устав жамғармасида давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар кўрсатилган маълумотлар тўғрилиги аудиторлар томонидан тасдиқланганидан кейин, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи майига қадар йиллик молиявий ҳисоботни эълон килишлари шарт.

Ички ва ташқи фойдаланувчилар томонидан ҳисоб ахборотининг мазмунига қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, бозор иқгисодиётида бухгалтерия ҳисобининг икки тури ажратилади: молиявий ва бошқарув (ишлаб чиқариш).

Молиявий ҳисоб корхона ходимлари таркибига кирмайдиган ташқи фойдаланувчилар учун ахборот тақдим этиш мақсадини қўяди.

Бошқарув ҳисоби ички фойдаланувчилар — корхонани бошқаришни амалга оширадиган менежерлар учун ахборот тайёрлайди.

Молиявий ҳисоб билан бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарқлар ва ўзаро боғлиқликни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1.4. Молиявий ва бошқарув ҳисоби, уларнинг фарқлари ва ўзаро боғлиқлиги

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобини молиявий *(financial accounting)* ва бошқарув (managerial accounting) ҳисобларга бўлиш қабул қилинганлигини айтиб ўтган эдик. Ушбу бўлиниш узил-кесил эмас, бухгалтерия ҳисобининг ана шу турлари ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас.

Бироқ, ахборотни молиявий ва бошқарув ахборотларга бўлишнинг асосий мезонларини ажратиш мумкин.

Молиявий ҳисоб корхона фаолиятининг натижалари билан боғланган ва молиявий ахборотнинг (молиявий ҳисобот шаклида) асосий фойдаланувчилари бўлиб ташқи фойдаланувчилар ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби харажатларни шакллантириш, назорат қилиш ва режалаштириш жараёни, бошқарув қарорларини танлаш билан боғланган ва ушбу ахборот фақат корхона менежерларига етиб боради. Молиявий ҳисобот у ёки бу даражада тартибга солинади ва унинг учун талаблар, меъёрлар қоидалар ва тамойиллар тизими ишлаб чиқилган. Бошқарув ҳисоби – ҳар бир корхонанинг ички ишидир. Бошқарув ҳисобини юритиш учун хатто икки ёқлама ёзув қоидасига риоя қилинмаслиги мумкин.

Демак, ҳозирги бозор иқтисодиётида молиявий ва бошқарув ҳисобларининг алоҳида вазифалари муносабати билан иллари ягона бўлган бухгалтерия борган сари молиявий ва бошқарув ҳисобларига ажралиб боряпти *(2-чизма)*.

Агар бизнинг бухгалтерия ҳисоби тизимимизни хориждаги билан қиёсласак, харажатлар ҳисоби, ички ҳисобот ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бошқарув ҳисобига, бошқа хил бухгалтерия ахборотини молиявий ҳисобга киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатларда молиявий ҳисобни қўйиш ва юритиш корхонанинг ўз ваколатига киради. Бироқ, бундай ҳисобни юритиш ва ҳисобот тузишнинг қоида ва тамойиллари миллий қонунчилик ёки бухгалтерларнинг касбий ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган умумқабул қилинган миллий андозалар билан тартибга солинади. Бундай тартибга солишнинг зарурлиги фойдаланувчиларнинг турли гуруҳлари томонидан асосланилган қарорлар қабул қилиши учун холис ва мазмундор ахборотнинг зарурлиги билан шартланади.

Молиявий ва бошқарув ҳисобларининг асосий тафовутлари қуйидагилардан иборат.

Ахборотдан асосий фойдаланувчилар.

Молиявий ҳисобот ахборотидан фойдаланувчилар одатда ҳисоботни тайёрлаган фирмадан ташқарида бўладилар. Фирма раҳбарияти тайёрланган ҳисоботнинг сифати учун жавоб беради. Бошқарув ҳисоби ҳисоботлари ички фойдаланувчилар

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI Ahborot-resurs markazi



2-чизма. Корхонани бошқариш тизимида молиявий ва бошқарув ҳисоблари

2-жадвал

Тавсиф	Молиявий ҳисоб	Бошқарув ҳисоби
1	2	3
Ахборотдан фойдаланувчилар	Ташқи фойдаланувчилар	Ички фойдаланувчилар
Ҳисоб юритиш мақсадлари	Ташқи фойдаланувчилар учун ҳисобот тузиш	Менежерларни ахборот билан таъминлаш
Ҳисоб юритиш мажбурийлиги	Мажбурий	Мажбурий эмас
Ёпилаш тезлиги	Бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий андозалари билан чекланган	Бошқарув қарорини яхшилаш харажатлари нисбатидан ташқари қатъий чеклашлар мавжуд эмас
Ишончлилик ва ҳисоб бирликлари	Умумий ишончлилик, ҳисоблаш ва ўлчаш, пул ўлчагичи	Келажакка йўналганлик; табиий ва шартли-табиий ўлчагичлар
Ҳисоб ахборотини акс эттириш усули	Икки ёқлама ёзув усули	Ҳар қандай фойдали тизим
Ҳисобот тузиш даврийлиги	Йил ёки чорак	1 соатдан 10-15 йилга қадар ўзгаради
Ахборотнинг аниқлик даражаси	Анча аниқ ва холис	Таҳминий, тақрибий баҳолар
Ҳисобнинг асосий объектлари	Умуман ташкилот	Айрим цехлар, бўлим ёки муаммо
Оҳтимолий жавобгарлик	Ташқи фойдаланувчилар олдида жавобгарлик пайдо бўлишининг доимий хатари	Менежерлар ва марказлар олдидаги жавобгарлик

учун тайёрланади ва ташқи фойдаланувчиларга тақдим этилмайди. Ҳисобот маълумотлари ахбороти катъий тижорат махфийлигини ўз ичига олади. Бундай ҳисоботларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режалари, маҳсулот бирлиги таннархининг калькуляциялари, даромад ва харажатлар сметалари, капитал қўйилмалар режалари ва ҳоказолар киради.

Ҳисоб юритиш мақсадлари.

Молиявий ҳисоб пул жараёнида шаклланадиган ахборотни қамраб олади. У асосан ташқи фойдаланувчиларга йўналган, лекин корхонанинг ички бошқаруви учун ҳам фойдаланилади. Шунинг учун кўпинча ташқи ҳисоб деб аталади. Молиявий ҳисоб юритилиши, одатда, тартиблаштирилади. Корхона томонидан барча манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этиладиган даврий мажбурий ҳисобот тузиш молиявий ҳисобнинг мақсади ҳисобланади.

Бошқарув ҳисоби корхона доирасида бошқариш учун зарур бўлган ҳисоб ахборот турларини қамраб олади. Бошқарув ҳисобининг асосий мақсади — фаолиятнинг аниқ соҳалари ва турлари учун масъул корхона менежерларини ахборот билан таъминлашдир. Уни юритиш меъёрлари ва қоидалари корхонанинг ўзи томонидан белгиланади.

Ҳисоб юритишнинг мажбурийлиги.

Мулкчилик шаклидан ва бизнес туридан қатъий назар барча корхоналар молиявий ҳисоб юритишлари ва тегишли идораларга молиявий ҳисобот тақдим этишлари шарт. Бошқарув ҳисоби учун бундай мажбурийлик белгиланган эмас. Бундай ҳисоб юритилиши ҳар бир корхонанинг ички иши ҳисобланади ва одатда раҳбарият кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

Танлаш эркинлиги.

Молиявий ҳисоб хўжалик операцияларини ва тасдиқланган стандартлар ҳамда қоидалар асосида уларни баҳолашни акс эттириши керак. Бошқарув ҳисоби қатъий чеклашларга эга эмас. Унинг асосий моҳияти — бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фойдали бўлиш.

Вақт йўналиши ва ўлчов бирликлари.

Молиявий ҳисобот бўлиб ўтган хўжалик операцияларини тарихий (дастлабки) баҳолашда пул ифодасида (сўм ёки доллар), яъни ушбу операциялар содир этилган кундаги баҳода акс эттиради. Бошқарув қарорларини қабул қилиш пайтида

ўлчови бўлгуси валютага таянилади, чунки бошқарув ҳисоби келгусида содир этиладиган операциялар: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми; фойда; инвестициялар ва ҳоказоларни баҳолайди. Бундан ташқари, бошқарув ҳисоби киши соат, машина) соат ва бошқа шартли — табиий кўрсаткичларни ишлатади.

Ҳисоб ахборотини акс эттириш усули.

Фирманинг молиявий ҳисоботи пул (қиймат) ифодасида тузилади ва Бош дафтарда барча ҳисобварақлар бўйича якуний натижаларни умумлаштиради. Хўжалик операцияларини ҳисобварақларда икки ёқлама ёзув усули билан акс эттириш зарур. Бошқарув ҳисоби маълумотларини икки ёқлама ёзув тизими бўйича акс эттириш ва Бош дафтарда умумлаштириш шарт эмас. Ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш учун тезкор ҳисобни таъминлайдиган ҳар қандай фойдали тизимдан фойдаланиш мумкин.

Ҳисоб тузишнинг даврийлиги.

Молиявий ҳисобот вақти-вақти билан белгиланган муддатларда тузилади. Бошқарув ҳисоботи учун аниқ муддатлар белгиланган эмас. У ҳар куни, ҳар ой ва ҳар чоракда тузилиши мумкин.

Ахборотнинг аниқлик даражаси.

Молиявий ҳисобот хўжалик операциялари содир этилганидан кейин тузилади, шунинг учун холис хусусиятга эга ва аудиторлик текширувидан ўтказилиши мумкин. Бошқарув ҳисоби келгусида содир этиладиган операциялар билан ишлайди. Шунинг учун унинг ахбороти эҳтимолий ва нохолис хусусиятга эга.

Ҳисобнинг асосий объектлари.

Молиявий ҳисобот умуман корхона бўйича тузилади ва умумлаштирилган кўрсаткичларни акс эттиради. Бошқарув ҳисоби одатда алоҳида таркибий бўлинмалар (корхона цехлари, иш жойлари, бўлим ва бўлинмалари) тўғрисидаги ахборотни акс эттиради. Бунда алоҳида муаммо ёки корхонанинг муайян гури бошқарув ҳисобининг объекти бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоботларда корхона (ташкилот) бир бутун яхлит объект сифатида қаралади.

Бошқарув ҳисоби корхонанинг кичик бўлинмаларига — фаолиятнинг айрим турлари, алоҳида маҳсулотлар, ташкилий бўлинмалар, жавобгарлик марказлари бўйича йўналтирилган.

Эҳтимолий жавобгарлик.

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот тамойиллари бузилганда акциядорлар, кредиторлар ва бошқа фойдаланувчилар судга мурожаат қилиб, корхонани йиллик бухгалтерия баланси ва ҳисоботида келтириладиган ахборотни бузишда айблашлари мумкин.

Бошқарув ҳисоби ахборотидан фойдаланилган ҳисоботлар ҳисобнинг умумқабул қилинган тамойилларига мувофиқ қўлиши шарт эмас ва фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун мўлжалланган эмас.

Менежер нотўғри қарорлар учун жавобгарликка тортилиши мумкин, лекин бошқарув ҳисоби маълумотлари эмас, балки хатти-ҳаракатлар (масалан, тижорий сирни ошкор қилиш) жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлиши мумкин.

Молиявий на бошқарув ҳисобларидаги тафовутларни кўриб чиқиш билан бир вақтда уларнинг ўхшашлигини ҳам қайд этиш керак.

Молиявий ҳисобнинг кўпчилик кўрсаткичлари бошқарув ҳисобида ўз ифодасини топади. Молиявий ҳисоб учун умумқабул қилинган тамойиллар бошқарув ҳисобига нисбатан ҳам амал қилади, чунки бошқарув аппарати фақат текширилмаган, нохолис фикр ва баҳоларга асосланиши мумкин эмас.

Бошқарув ҳисобининг тезкор ахбороти молиявий ҳужжатларни тузиш учун ҳам ишлатилади, зеро бошлангич ахборотни йиғиш ягона қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ўхшашликни белгилайдиган энг муҳим омил шундан иборатки, молиявий ва бошқарув ҳисоблари маълумотларидан бошқарув соҳасида ҳамда корхонанинг бозордаги стратегиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш учун фойдаланилади.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқади: молиявий ва бошқарув ҳисоблари ўртасида ўзаро чамбарчас алоқа мавжуд ва шунинг учун бундай ажратиш мутлақ эмас, ҳисобнинг ана шу икки тури ўртасида аниқ чегара ўтказиб бўлмайди.

1.5. Ўзбекистон Республикасида молиявий (бухгалтерия) ҳисобини меъёрий тартибга солиш

Молиявий ҳисобни турли даража ва мақомга эга бўлган меъёрий ҳужжатларга, яъни қонунларга, стандартларга, йўриқномаларга, тавсияларга мувофиқ юритиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоби юритилишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қуйидаги тизим бўйича ифодалаш мумкин:

Биринчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Қонунлар ва Кодекслар, Олий Мажлиснинг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Биринчи босқичга мансуб бўлган асосий қонунчилик-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб 1996 йил 30 августда 279-сон билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ҳисобланади.

Ушбу Қонун бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари, тамойиллари, ҳисоб ва ҳисоботни ташкил этиш ва асосий йўналишлари ҳамда молиявий ҳисобот таркиби, тақдим этиш ва чоп этиш тартибини белгилайди.

Шуниндек, ушбу босқичга 1996 йил 26 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқалар киради.

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишга оид Вазирлар Маҳкамасининг муҳим қарорларига 1999 йил 5 февралдаги (кейинги ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» мансуб.

Иккинчи босқич: Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС).

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандатлари Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун асосида, унинг қоидаларини тартибга солиш мақсадида, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисоби маълум бир объектини ҳисобга олиш ва баҳолашнинг асосий қоидалари

ва тартибини тартибга солади. Шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 21 та БҲМС ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган. Меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи босқичида ягона тартибга солувчи идора бўлиб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қуйидагилардан иборат:

- ЎзР БҲМС "Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос".
- ЎзР 1-сонли БҲМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот".
- ЎзР 2-сонли БҲМС "Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар".
- ЎзР 3-сонли БҲМС "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"
- ЎзР 4-сонли БҲМС "Товар-моддий захиралар".
- ЎзР 5-сонли БҲМС "Асосий воситалар".
- ЎзР 6-сонли БҲМС "Ижара ҳисоби".
- ЎзР 7-сонли БҲМС "Номоддий активлар".
- ЎзР 8-сонли БҲМС "Жамланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларида сармояларни ҳисобга олиш
- ЎзР 9-сонли БҲМС "Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот".
- ЎзР 10-сонли БҲМС "Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами бўйича кўрсатиладиган маълумотлар.
- ЎзР 11-сонли БҲМС "Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар.
- ЎзР 12-сонли БҲМС "Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш".
- ЎзР 14-сонли БҲМС «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот».
- ЎзР 15-сонли БҲМС "Бухгалтерия баланси".
- ЎзР 16-сонли БҲМС "Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятнинг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари".
- ЎзР 17-сонли БҲМС "Капитал қурилишга оид пудрат шартномалари".
- ЎзР 19-сонли БҲМС "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш".

• ЎзР 20-сонли БҲМС “Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган тартибда ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тўғрисида”.

• ЎзР 21-сонли БҲМС “Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқномаси”.

• ЎзР 22-сонли БҲМС «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларни ҳисобга олиш».

Учинчи босқич: Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идораларнинг йўриқномалари, услубий тавсиялари, низомлари, хатлари. Учинчи босқичга мансуб бўлган меъёрий ҳужжатлар, яъни йўриқномалар, низомлар, тавсиялар кўпчилик ҳолларда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қимкорликда, айрим ҳолларда эса, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк ва бошқа идоралар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Буларнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг тармоқ ёки бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини аниқлаштиришдан иборат. Учинчи босқичга мансуб муҳим ҳужжатлар: 2004 йил 17 сентябрда тасдиқланган «Чет эл валюта билан операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида Низом», 2004 йил 29 августда тасдиқланган «Асосий воситаларни баланслар ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом», солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномалар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Тўртинчи босқич: бу хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқиладиган, юқори бошқарув идораси ёки корхона раҳбари томонидан тасдиқланадиган, аниқ бир корхонада бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳужжатлардир. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати;
- хўжалик операцияларининг дастлабки ҳужжатлар шакллари;
- ҳужжатлар айланиш жадваллари;
- ҳисобварақлар ишчи Режаси ;
- бухгалтерия аппарати ходимларининг лавозим йўриқномалари;
- ички ҳисобот шакллари, уларни тақдим этиш ва тасдиқлаш тартиби.

1.6. Бозор шароитида бухгалтер касби

Бухгалтерия ҳисоби билан бевосита боғлиқ бўлмаган кишиларнинг кўпчилиги бухгалтерия ҳисоби — жуда зерикарли ва қизиқиш уйғотмайдиган машғулот, бухгалтер касби ижодий касб эмас деб билади. Бундай фикр ушбу касбнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини билмаслик билан боғланган. Бухгалтер жамиятда бошқарув жараёнига алоқасиз, ҳужжатларга ёпишиб олган ходим сифатида қабул қилинади. Бухгалтерни кўпинча ёрдамчи ўринларда тасвирлайдиган ва ҳамма унга истеҳзо аралаш муносабатда бўладиган оммавий ахборот воситалари ҳам бунга бир қадар даражада имкон яратган.

Ҳақиқатан, собиқ иттифоқ даврида дастлабки ҳужжатларга ўз вақтида ва батартиб ишлов берган, жамғариш ва гуруҳлаш қайдномалари, журнал-ордерлар ва бошқа ҳисоб регистларини тўлдирган, зарур ҳисоботларни ўз вақтида тузган ва тошпирган бухгалтер яхши ходим бўлиб ҳисобланган.

Бухгалтерия ҳисобини автоматизациялаш энг паст даражада эди, шунинг учун қўлда бажариладиган бир хилдаги иш бухгалтерга ўзи ишлаб чиқадиган ахборотни ҳар томонлама ва чуқур иқтисодий таҳлил килиш учун вақт қолдирмасди. Бундай таҳлилга талаб ҳам йўқ эди.

Режанинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси ҳисобланарди ва бутун таҳлил ҳақиқий маълумотларни режадагилар билан таққослашдан иборат бўларди, режанинг ўзи ҳам «вертикал» бўйича, яъни маъмурий - буйруқбозлик усули билан тузиларди. Шундай қилиб, бундай таққослаш фойдасиз ва кераксиз эди.

Бухгалтерия ҳисобига ҳам ўз таъсирини кўрсатган маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳисоб ходимларининг фикр доирасини чеклаган, уларнинг корхоналар иш самарадорлигини ошириш учун воситалар ва имкониятларни излашга йўналтирилган ташаббусини сўндирган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобат ва яшаб қолиш муаммолари бошқариш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш қуроли сифатида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ва аҳамиятини кучайтиришни тақозо этади.

Рақобат шароитида бозордаги хатти-ҳаракатни белгилаш мақсадида турли даражаларда бошқарув қарорларини тайёр-

олиш, асослаш ва қабул қилиш учун зарур корхонанинг ишлаб чиқариш — молиявий фаолияти тўғрисидаги тўлиқ, ишончли ва ўз вақтидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби ҳисоблашларида шакллантириш бозор шароитида бухгалтерия ҳисобининг вазифаси ҳисобланади.

Бухгалтер касби бозор иқтисодиёти шароитида қизиқарли, ижодий, нуфузли ва нисбатан юқори ҳақ тўланадиган касблардан ҳисобланмоқда. Лекин бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бериш учун бухгалтер юқори малакали мутахассис бўлиши керак. У нафақат бухгалтерия ҳисобида, балки иқтисодиёт, ҳуқуқ, солиққа тортиш, математика, статистика, бошқарув, иқтисодий таҳлил ва аудитда ҳам чуқур билимларга эга бўлиши керак. Бухгалтер — мутахассис математик усулларни, компьютер техникасида ишлаш кўникмаларини эгаллаши, бухгалтерия ҳисобида автоматизациялашган ахборот технологияларини фойдаланишини, ҳисобот кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил эта олиши керак. Юқорида кўрсатилганларни бирлаштирадиган бундай бухгалтер учун амалий тажриба ва ўқишнинг ўзи етарли эмас. Ҳозирги вақтда савдони бухгалтерлар ташкил этиши керак. Билимлари ва тажрибаси бухгалтер консультанти, маслаҳатчи, иқтисодчи, олимлар ва аудитор сифатида муваффақиятли ишлаши мумкин.

Ривожланган хорижий мамлакатларда, бухгалтерия ҳисоби соҳасида олий маълумот олишдан ташқари, бухгалтерлар ўзларининг касбий малакаларини касбий бухгалтер малакасини олиш аттестациясидан ўтиш йўли билан тасдиқлашлари, ягона мажмуа имтиҳонини топширишлари ва тегишли сертификат олишлари керак. Бу эса бухгалтер кўрсатадиган хизматлар сифатини кафолатлайди.

Америка Қўшма Штатларида бухгалтерларни сертификатлаштиришдан бир неча касбий жамоат ташкилоти шуғулланади, уларнинг энг нуфузлилари Америка дипломли жамоат бухгалтерлари институти (AICPA); Америка бухгалтерлар уюшмаси (AAA) ва ҳоказолар ҳисобланади.

Буюк Британияда малакали бухгалтер унвонини олиш учун ўқитиш ва имтиҳонларни қабул қилиш масалалари билан Сертификатланган ва дипломли бухгалтерларнинг уюшмаси (ACCA); Бошқарув ҳисобига доир бухгалтерларнинг дипломли институти (CIMA) ва ҳоказолар шуғулланади.

Аттестация бухгалтерия ҳисоби ва аудит, иқтисодий таҳлил, солиққа тортиш, молиявий-банк фаолияти ва фуқаролик ҳуқуқий масалалари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг меъёр ва стандартлари бўйича ўтказилади.

Имтиҳон топшириш билан бирга бухгалтер ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади ва бухгалтерларнинг касбий ахлоқ Кодексига риоя қилиш тўғрисида қасамёд қилади, шунинг учун уларни қасамёд этган бухгалтерлар деб ҳам аташади.

Америка қасамёд этган бухгалтерлар институтининг касбий хулқ Кодексида қуйидаги ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган:

– холис ва манфаатлар ихтилофидан мустақил бўлинглар;

– ўз касбий мажбуриятларингизни барчасини виждонан бажаринглар;

– касбий ахлоқ меъёрларга риоя қилинглар;

– ўз лаёқат даражангизни доимо ошириб боринглар;

– касбий ва ахлоқий мулоҳазаларда сезгир бўлинглар;

– махфий тутиладиган ахборотни ошкор этманглар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида бухгалтерлар кўп йўналишлар бўйича ихтисослашуви мумкин.

Молиявий ҳисоб. Молиявий ҳисоб билан шуғулланадиган бухгалтерлар ташқи фойдаланувчилар учун зарур ахборотни тайёрлайдилар, яъни корхонанинг ташқи ҳисоботини тузиш улар ишининг пировард маҳсулоти хисобланади.

Бошқарув ҳисоби. Бошқарув бухгалтерларининг асосий вазифаси бўлиб корхонани бошкарадиган ички фойдаланувчилар – менежерлар учун ахборот тақдим этиш ҳисобланади.

Мустақил аудиторлик фаолияти. Сертификати бор бухгалтер лицензияга эга бўлган аудиторлик фирмаларида аудиторлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Аудиторнинг малакали аудиторлик хулосасини бериш вазифаси молиявий ҳисобот корхонанинг молиявий аҳволи ва муайян давр учун унинг фаолияти натижаларини қанчалик холисона ёритишдан иборатдир. Бунинг учун дастлабки ҳужжатлар, пул маблағларининг қолдиқларини текшириш амалга оширилади, моддий бойликларни ўтказилган инвентарлашларнинг ишончлилиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳақиқийлиги ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлиги, хўжалик операцияларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқ-

...ларнинг белгиланган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлиги белгиланади. Текширув тугаганидан кейин аудитор аудиторлик хулосасини беради, унда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи хусусида ўз фикрини билдиради. Акциялар олди-сотдиси, инвестициялаш, кредит ва қарзлар тақдим этиш чоғида аудиторлар томонидан текширилган ҳисоботлардан фойдаланадиган мулкдорлар, акциядорлар, омонатчилар, кредиторлар ва банкларнинг тақдири аудиторнинг виждонан ишлашига боғлиқдир.

Солиққа тортиш. Бухгалтерлар солиққа тортиш бобида шундай маслаҳат хизматларини кўрсатадилар. Улар солиқ декларацияларини тайёрлашда ёрдам берадилар, мижозларга келгуси солиқларни қонуний асосда қисқартириш имконини берадиган тавсиялар тақдим этадилар. Солиққа тортишга доир бухгалтерияни юритишга катта билим ва тажрибани талаб этади, чунки корхона фаолиятининг амалда исталган соҳаси у ёки бу даражада солиққа тортиш билан боғланган.

Бюджет ҳисоби. Бухгалтерлар контракт ёки келишув шартларига асосан давлат муассасалари ва ҳукумат идораларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида, мактаблар ва бошқа бюджет ташкилотларида ишлайдилар. Улар бухгалтерия ҳисобини юритишда бюджет маблағларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга оширадилар.

Педагогик фаолият. Педагогик фаолият мактаблар, колледжлар, техникумлар, институтлар, университетлар, бухгалтерия ва аудиторларни тайёрлаш курсларида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу муассасаларда бухгалтер ва аудиторларни тайёрлаш масъулиятли ва муҳим иш, шунинг учун унга чуқур назарий билимлар ва амалий иш тажрибасига эга бўлган энг лаёқатли ходимларни жалб этиш зарур.

2-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

2.1. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари (элементлари)

Қонун ҳужжатларига кўра бухгалтерия ҳисобини юритиши шарт бўлган муассасалар, ташкилот ва корхоналар бухгалтерия ҳисобининг субъектлари деб номланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган барча юридик шахслар, шу жумладан бюджет маблағларидан молияланадиган ишлаб чиқариш, тижорат, ишлаб чиқариш-тижорат корхоналари, банклар, суғурта, илмий-тадқиқот, маслаҳат, жамоат ва нотижорат ташкилотлари, жамғармалар, сиёсий партиялар, давлат муассасалари ва ҳокимликлар, ширкатлар, бирлашма ва уюшмалар бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт.

Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланадиган шахслар, шунингдек кичик корхоналар бухгалтерия ҳисобини ҳисоб, ҳисобот ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими 1999 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 87-сон билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида» 20-сон Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) бўйича юритишлари мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби объектлари корхонада ҳисобга олинган бир турдаги элементлар гуруҳини акс эттиради. Корхонанинг активлари унинг мажбуриятлари, ўз капитали, даромад ва харажатлари, фойда, зарари бухгалтерия ҳисобининг элементлари ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби объектларининг таснифи «Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»да берилган.

2.2. Корхона активлари ва уларнинг гуруҳланиши

Корхона активлари бошқача айтганда — корхона эгалик қиладиган ва унинг ёрдамида ўзининг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширадиган хўжалик воситаларининг хилма-хил турларидир.

Корхонанинг активлари қуйидаги учта талабга жавоб берганда молиявий ҳисоботга киритилади.

корхона мулкчилигида бўлганда;

унинг учун муайян қийматга эга бўлганда;

келгусида корхона учун иқтисодий фойда келтириш қобилиятига эга бўлганда.

Корхона активлари икки турга бўлинади: *узоқ муддатли ва жорий (айланма) активлар (3-чизмага қаранг).*

Узоқ муддатли активларга фойдали ишлатиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган мол-мулк киради. Фойдали ишлатиш муддати — унинг мобайнида мол-мулкдан фойдаланиш корхонага даромад ёки иқтисодий фойда келтирадиган давр.

Жорий активларга бир йилдан камроқ муддатда фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулк киради, ундан бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ фойдаланилади, у ўз қийматини бутунлай ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар нархига ўтказади.

Узоқ муддатли активларга мол-мулкнинг қуйидаги турлари киритилади:

асосий воситалар. Буларга бир йилдан ошадиган давр мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида ёки корхонани бошқариш учун меҳнат воситаси сифатида фойдаланиладиган, шунингдек, хизмат муддатидан қатъий назар, ҳар бир донаси (тўплами) учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик маоши миқдорига эллик баравари миқдоригача бўлган буюмлар киради. Улар эскириб боради ва аста-секин қисмлар бўйича ўз қийматини маҳсулот, ишлар ёки хизматлар қийматига ўтказади.

Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар, транспорт, ҳисоблаш техникаси, асбоб ва ускуналар, иш ҳайвонлари ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик кўчатлар ва ҳоказолар киради;



3-чизма. Корхона мол-мулкини таркиби ва жойлаштирилиши бўйича гуруҳлаштириш

номоддий активлар — узоқ фойдаланиладиган (бир йилдан ортиқ), пулда баҳоланадиган ва даромад келтирадиган, лекин моддий кўриниш ва ашёвий шаклга эга бўлмаган объектлар. Уларга ердан, табиий ресурслар, товар белгилари, савдо марказларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар ва ҳоказолар киради;

капитал қўйилмалари - корхонанинг асосий воситалар яратишни ва харид қилишни учун сарфлаган ва уларнинг ҳисобга олинмаганлиги сабабли асосий воситалар таркибига ҳали қабул қилинмаган маблағлари. Масалан, агар корхона бино қураётган бўлса, барча харажатлар қурилиш тугаллангунига қадар капитал қўйилмалари таркибида ҳисобланади;

— *узоқ муддатли молиявий қўйилмалар.* Уларга бир йилдан ортиқ муддатга фойдаланиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва ҳоказо)ни харид килишга доир корхона харажатлари киритилади. Бу қимматли қоғозлар бошқа корхоналар фаолиятига маблағлар қўйилганидан гувоҳлик беради ва шунга биноан даромад (дивиденд) олиш ҳуқуқини тақдим этади.

— *узоқ муддатли дебиторлик қарз* - бу мазкур корхонага тўлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг қарзи.

Жорий активларига энг ликвидли маблағлар киради (лотинча *ligvidus* — суюқ, оқувчан), чунки улар мажбуриятларга тўлаш учун доимо пул маблағларига айланиш циклида бўлади. Улар таркибига қуйидагилар киритилади:

— *ишлаб чиқариш захиралари* - ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш пайтида фойдаланиш учун мўлжалланган хомашё, материаллар, харид қилинаётган ярим тайёр ва бутловчи маҳсулотлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар, бошқа материаллар, арзон ва тез эскирувчан буюмлар захиралари;

— *тугалланмаган ишлаб чиқариш* - мазкур корхонада ишлов бериш ва белгиланган синовларнинг барча босқичларидан ўтмаган, бутланмаган, шунингдек техника назорати ёки буюртмачи томонидан қабул қилинмаган маҳсулот;

— *тайёр маҳсулот* - мазкур корхонада ишлов берилиши тўлиқ тугалланган, стандартлар талаблари ва техник шартларга жавоб берадиган, техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ва тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулот;

— *пул маблағлари* - кассадаги нақд пуллар ва талаб қилиб олингунгача депозитлар, шунингдек ҳисоб-китоб, валюта ва банкнинг бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар;

— *қисқа муддатли дебиторлик қарзи* — жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур корхонадан тўлаш муддати бир йилдан кам бўлган қарзлари.

2.3. Корхона активларнни шакллантириш манбалари

Бухгалтерия ҳисобида нафақат мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилиши, балки ҳосил бўлиш манбаларини кўриб чиқадиган ва маблағлар корхона томонидан нималар ҳисобига харид қилинганини кўрсатадиган кўрсаткичлар ҳам акс эттирилиши керак.

Улар шунингдек **пассивлар** деб аталади. Шаклланиш манбалари бўйича активлар хусусий маблағлар (хусусий капитал) ҳисобига харид қилинган активлар ва заём маблағлар (мажбуриятлар) ҳисобига харид қилинган активларга ажратилади.

Корхона мол-мулкини шакллантириш манбаларини гуруҳлаш *4-чизмада* келтирилган.

Ўз маблағлари (хусусий капитал) манбалари корхонага доимий фойдаланиш учун бириктирилган бўлиб ва унинг хўжалик фаолияти жараёнида тўлдирилади.

Қарз маблағлари (заём капитали) манбалари корхона тасарруфига муайян муддатга келиб тушади, бу муддат тугаганидан кейин улар мулкдорга фоиз тўлаб ёки тўламасдан қайтарилиши керак.

Ўз маблағлари манбасига жамликда хусусий капитални ташкил этадиган устав, қўшилган ва резерв капитали, тақсимланмаган фойда, резервлар, мақсадли қўйилмалар, дотация ва субсидиялар киради.

Устав капитали — корхонанинг ўз мол-мулкини шакллантиришнинг асосий манбаи. У таъсис ҳужжатлари билан белгиланган ҳажмларда унинг фаолиятини таъминлаш учун корхонани барпо этиш пайтида асосий воситалар, номоддий активлар ва пул маблағлари кўринишида мол-мулкка муассислар қўшган улушларининг қийматини кўрсатади. Ушбу сумма корхона уставида акс эттирилади ва таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳамда уставни қайтадан рўйхат-



4-чизма. Активларни шакллантириш манбаларини гуруҳлаш

дан ўтказиш ёки унга қўшимчалар киритиш йўли билан корхона муассислари қарори бўйича ўзгартирилиши мумкин.

Қўшилмча капитал эмиссия даромадларидан иборат, бу даромад акцияларни қўшимча равишда чиқариш ва уларни номиналдан ортиқча нархда сотишдан пайдо бўлади.

Резерв капитали қонунчилик ва таъсис хужжатларига мувофиқ соф фойдадан ажратмалар йўли билан барпо этилади. Ундан ҳисобот йилида ушбу мақсаллар учун фойда бўлмаганда ёки етарлича бўлмаганда дивидендлар тўлашда, ҳисобот йилидаги корхонанинг кутилмаган зарарлари ва талафотларини қоплашда фойдаланилади. Унга юридик ва жисмоний шахслардан бепул олинган мол-мулкнинг қиймати ҳам киритилади.

Тақсимланмаган фойда – корхона фаолиятининг мусбат (ижобий) молиявий фаолияти, у даромаллар харажатлардан ошиб кетганда пайдо бўлади.

Резервлар ички ресурслар ҳисобига, келгуси харажатларни корхонанинг ҳисобот йилидаги чиқимларига бир маромда киритиш йўли билан барпо этилади. Уларга даргумон карзлар бўйича, ходимларнинг таътилларига тўланадиган ҳақ, асосий фондларни таъмирлаш харажатларини қоплаш учун ва бошқа резервлар киради.

Мақсадли тушумлар - бу грантлар ва субсидиялар, яъни ҳукумат идоралари, юридик ва жисмоний шахслардан мақсадли молиялаш кўринишидаги қайтариб берилмайдиган тушумлар.

Мажбуриятлар - бу мазкур корхонанинг бошқа юридик ва жисмоний шахсларга қарзлари, бошқача қилиб айтганда - бу бизнинг корхонамизнинг кредиторлик қарзи. Мажбуриятлар ўтган даврдаги келишувлар ёки ўтган даврдаги воқеалар натижасидир, яъни корхонада мажбуриятлар ҳосил бўлишига олиб келувчи воқеалар содир этилган (пул маблағлари ўтказилмаган ҳолда иш ҳақи, турли ажратмалар, солиқлар ҳисобланган, товарлар харид қилинган ва бошқалар). Мажбуриятларни тартибга солиш, яъни улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш ўзида иқтисодий нафларпи мужассамлаган иқтисодий ресурсларни камайишига олиб келади.

Мажбуриятларга банклар кредитлари, бошқа корхоналар заёмлари ва кредиторлик қарзи киради, улар жамликда қарз (заём) капиталини ташкил этади.

Банк кредитлари ёки ссудалари бир йилдан ортиқ муддатга олинган узоқ муддатли ва бир йилдан кам муддатга олинган қисқа муддатли кредит (ссуда)ларга бўлинади.

Юридик ёки жисмоний шахслардан олинган заёмлар ёки, қарзлар ҳам узоқ муддатли ва қисқа муддатли турларга бўлинади.

Муддати узайтирилган мажбуриятлар - бу жорий даврда хўжалик юритиш ҳолатлари ва ходисалари билан вужудга келган, келгуси даврлардаги молиявий натижалар бўйича хисоботларда олинадиган даромадлар. Буларга ижара берувчи томонидан олдиндан олинган ижара тўлови, олдиндан сотилган чиптлар бўйича маблағлар, кейинги йилда даврий таъмирлашга обуна бўйича тўловлар ва бошқалар киради.

Кредиторлик қарзи – корхонанинг бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан қарзи, одатда товар-моддий бойликларни олишнинг, хизматлар кўрсатилиши, олдиндан тўланган маблағлар олиниши вақти билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиниш вақти ўртасидаги узилиши туфайли юзага келади. Унга маҳсулот етказиб берувчилар ва харидорлар, ўз ходимлари, бюджет, ижтимоий суғурта идоралари ва ҳоказолардан қарзлар киради.

Кредиторлик қарз тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатли ва тўлов муддати бир йилдан кам бўлган қисқа муддатлига бўлинади.

Маҳсулот етказиб берувчилардан қарз корхона товар олиб, лекин ҳали унинг учун ҳақ тўламаганда юзага келади. Корхона харидордан олдиндан ҳақини олиб, лекин товарни ҳали жўнатиб жўнатмаганда харидорлардан қарз пайдо бўлади.

Корхонанинг ўз ходимларидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича узоқ мажбуриятлари ходимларга иш ҳақини ҳисоблаш билан тўлаш вақти ўртасида узилишнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича қарз солиқларни ҳисоблаш вақти билан уларни тўлаш ўртасида узилиш туфайли юзага келади.

Ижтимоий суғурта идораларидан қарз ҳам бухгалтерияда ушлаб қолинган ажратмаларни ҳисоблаш вақти билан маблағларни ҳисоб-китоб варағидан ўтказиш вақти ўртасидаги узилиш оқибати натижасида вужудга келади.

2.4. Даромадлар ва харажатлар, фойдалар ва зарарлар

Даромадлар - бу ҳисобот даврида активларни ошишига ёки мажбуриятларни камайишига олиб келувчи иқтисодий нафларни ошишидир.

Даромадларга маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ёки бошқа активларни сотишдан тушум, олинадиган фоизлар ва дивидендлар, ижара тўлови, валюта ҳисобварақлари бўйича курс фарқлари, бепул молиявий ёрдам ва бошқалар киради.

Бухгалтерия ҳисобида даромадлар пул олинган даврда эмас, балки ҳақиқатдан ҳам ишлаб топилган даврда тан олиниши (акс эттирилиши) лозим. Масалан, корхона харидорлардан олдиндан тўлов олган тақдирда, бу пайтда мажбуриятлар пайдо бўлади, товар ортилган, яъни даромад тан олинган пайтда эса, ушбу мажбуриятлар камаяди. Агар корхона пул олмасдан туриб товарни юклаб жўнатса, товарни юклаб жўнатиш пайтида харидорларни корхона олдида дебиторлик қарзи вужудга келади, яъни активлар ошади.

Харажатлар - ҳисобот даврида активларни камайишига ёки мажбуриятларни ошишига олиб келувчи иқтисодий нафни камайишидир. Харажатларга маҳсулот (ишлар, хизматлар)-ни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, маъмурий ва умумхўжалик харажатлари, фоизлар ва дивидендлар, ижара ҳақларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар, манфий курс фарқлари ва бошқа харажатлар киради.

Бухгалтерия ҳисобида даромадлар каби, харажатлар ҳам улар учун пул ўтказилган даврда эмас, улар ҳақиқатда амалга оширилган даврда акс эттирилиши лозим. Чунончи, маҳсулот ёки товарларни сотиш пайтида улар таннархининг ҳақиқатдаги камайиши акс эттирилади, шунингдек ёритиш, иситиш, ижара ҳақи, тўланадиган фоизлар каби харажатлар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида акс эттирилиши лозим, бу эса мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келади, чунки улар учун тўловлар келгуси ҳисобот даврида амалга оширилади.

Маълум бир давр учун корхона фаолияти бўйича молиявий натижаларни аниқлашда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ, яъни фойда ёки зарар аниқланади.

Фойда - бу даромадларнинг харажатлардан ошишидир, натижада капитал ошиши вужудга келади (мулкдорлар қўйилмалари ҳисобига эмас).

Зарар - бу харажатларнинг даромадлардан ошишидир, натижада корхона капитали камайиши вужудга келади.

3-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСУЛЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари

Бухгалтерия ҳисоби объектларини ўрганишда фойдаланиладиган турли усуллар ва услубларнинг жами унинг усуллари (методлари) деб аталади. Бухгалтерия ҳисоби усулининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ҳужжатлаштириш, инвентарлаш, ҳисобварақлар, икки ёқлама ёзув, баҳолаш, калькуляция, баланс, ҳисобот.

Ҳужжатлаштириш – бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳужжатларда ёппасига акс эттириш усулидир. Ҳар бир хўжалик операцияси бухгалтерия ҳисобида фақат уларнинг тўғри ва холисона расмийлаштирилиши, шунингдек ушбу операциянинг қонун талабларига мувофиқлиги текширувдан ўтган ҳужжатлар асосида акс эттирилиши керак. Ҳужжатларда бажарилган операциянинг моҳияти, унинг миқдорий баҳоси ва пулдаги ифодаси акс эттирилади. Ҳужжатларда берилган маълумотларнинг ишончлилиги операцияни ўтказиш учун жавобгар шахсларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Инвентарлаш – корхонанинг ҳақиқатда мавжуд бўлган мол-мулкини бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотлар билан қиёслаш усули. Инвентарлашдан асосий мақсад бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг ишончлилигини ва мол-мулкнинг сақланиши устидан назоратни таъминлаш ҳисобланади.

Инвентарлаш белгиланган муддатларда, моддий жавобгар шахслар алмашганда, аудиторлар ёки тергов идораларининг талабига кўра ўтказилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари – бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳар куни ва мунтазам равишда акс эттириш усули. Ҳисобварақлар ёрдамида хўжалик операциялари бир турдаги иқтисодий аломатлар бўйича тизимлаштирилади ва гуруҳларга ажратилади, шунингдек мол-мулк, уни шакллантириш манбаларининг ҳолати ва хўжалик операциялари тўғрисида жорий ахборот тўпланади.

Икки ёқлама ёзув – хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида рўйхатдан ўтказиш усули. Ушбу усул шундан иборатки, ҳар бир хўжалик операциясининг суммаси бир вақтда икки ҳисобварақда акс эттирилади.

Баҳолаш – бухгалтерия ҳисобининг турли хил объектлари тўғрисида умумлаштирилган маълумотлар олиш учун мол-мулк, уни шакллантириш манбалари ва хўжалик операцияларини пулда ифодалаш усули.

Таққослаш мақсадида мол-мулкни ва унинг манбаларини баҳолаш амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ягона қоидалар бўйича ўтказилиши керак.

Калькуляция – харажатларни гуруҳлаштириш ва тайёрланган маҳсулот, бажарилган ишлар ёки тайёрланган моддий бойликлар бирлиги таннархини белгилаш усули.

Бухгалтерия баланси – муайян санага (одатда йил чорагининг биринчи кунига) корхонанинг мол-мулкини ва мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотни иқтисодий гуруҳлаштириш ва пул баҳосида умумлаштириш усули.

Корхонанинг мол-мулки балансда икки гуруҳ бўйича кўрсатилади: бир гуруҳ мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилишини кўрсатади, иккинчиси эса мол-мулкни шакллантириш манбаларини акс эттиради. Бинобарин, баланснинг иккала қисми бир хил мол-мулкни кўрсатади, лекин турли гуруҳларда, шунинг учун иккала қисм ўзаро тенгдир.

Корхонанинг ҳисоботи корхонанинг муайян давр (чорак, йил) учун молиявий-хўжалик фаолиятини тавсифлайдиган умумлаштирилган кўрсаткичлар тизимини ўз ичига олади. Бухгалтерия ҳисоботи мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъий назар барча корхоналар учун ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона қоидалар ва шакллар бўйича тузилади.

Бухгалтерия ҳисоботи турли идораларга (солиқ инспекциялари, солиқ кар, юқори ташкилотлар, статистика муассасалари ва ахборот кан турли фойдаланувчилар) тақдим этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маълумотдан фойдаланувчилар бир неча хўжалик юритувчи субъектлар бўйича маълумотни таҳлили асосида ўз қарорларини қабул қилишади. Масалан, агар инвестор ўз маблағларини қўйилмага сарфламоқчи бўлса у, энг маъқул қарорни қабул қилиш мақсадида, бир неча компанияларни молиявий ҳисоботини таҳлил қилади. Шунинг учун тақдим этиладиган маълумот стандарт кўринишда бўлиши, яъни бир хил ёндошиш ва тамойилларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

3.2. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари

Тамойил – бухгалтерия ҳисобининг асоси, бошланғич нуқтаси, кейинги барча тасдиқлар ундан келиб чиқади.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги асосий тамойиллари белгиланган:

- бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;
- бухгалтерия ҳисобининг узлуксизлиги;
- хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;
- ахборотнинг ишончлилиги;
- ҳисоблаш;
- гадбиркорлик (эҳтиёткорлик);
- иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- корхона фаолиятининг давом этаётганлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Тилга олинган тамойиллардан ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама усулда юритиш тамойили барча хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида икки марта, яъни бир ҳисобварақнинг чап ва

бошқа бир ҳисобварақнинг ўнг томонларида акс эттирилиб, бунда корхона хўжалик фаолияти натижаларининг мувозанатланган бўлишини таъминлашини англатади.

Узлуксизлик тамойилига мувофиқ корхона молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган операциялар амалга оширилишига кўра дастлабки ҳужжатларда қайд этилади ва хўжалик операциялари тўла якунланмагунча бухгалтерия ҳисобида узлуксиз акс этгирилади.

Пулда баҳолаш тамойили активлар ва пассивларни пул билан ифодалаш молиявий ҳисоботнинг универсал ҳисоб кўрсаткичи сифатида пул ўлчовидан фойдаланишни англатади. Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта – сўмда юритилади.

Ахборотнинг ишончлилиги тамойили бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим бўлган барча ахборот тўғри, ишончли бўлиши кераклигини, яъни юридик кучга эга бўлган дастлабки ҳисоб ҳужжатлари билан тасдиқланган бўлиши кераклигини англатади.

Ахборот ўринли, аммо моҳиятига кўра нотўғри бўлиши мумкин, бу унинг нотўғри акс эттирилишига олиб келади, масалан, зарарлар ва юридик ҳаракатлар бўйича мажбуриятлар ҳаракати ва миқдори баҳоланаётган бўлса, корхона учун мажбурият миқдори ва ҳолатлари ноаниқ акс эттирилган бўлиши мумкин.

Ҳисоблаш тамойили даромадлар (фойда)ни ва харажатларни пул маблағлари олинган ёки тўланган пайтда эмас, балки улар амалда бажарилган пайтда тан олиниши лозимлигини тақозо этади. Чунончи, ҳисоблаш тамойилига мувофиқ харидорлар ва буюртмачилардан пул олинган пайтда маҳсулот сотилган деб эмас, балки у юклаб жўнатилган пайтда сотилган деб ҳисобланади, чунки юклаб жўнатилган пайтдан бошлаб ушбу маҳсулотга эгалик қилиш ҳуқуқи харидорга ўтади ва харидор мазкур ҳуқуқни олиш билан биргаликда, барча ҳатарлар ва тақдирланишларга эгалик қила бошлайди. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобида харажатлар ҳам пул ўтказилган пайтда эмас, балки улар вужудга келган даврда акс эттирилиши лозим.

Фараз қилайлик, корхона ижара берувчи билан ижара тўғрисида шартнома тузган ва контракт талабларига мувофиқ бир йилга 360000 сўм миқдорда олдиндан тўловни амалга

оширган. Ижарачи ушбу суммани олдиндан тўланган ижара сифатида, яъни келгуси давр харажатлари тариқасида акс эттириши ва унинг 1/12 қисмини, яъни 30000 сўмни ҳар ойнинг охирида харажатларга ўтказиши лозим. Ижарага берувчи олинган ижара тўловини олинган пайтда муддати узайтирилган мажбуриятлар таркибида, яъни келгуси давр даромадларида акс эттириши керак, ҳақиқий даромад ҳар ойнинг охирида 30000 сўм миқдорда акс эттирилади.

Корхона 2004 йил 1 декабрда бир йил муддатга йилига 20 фоиз тўлаш шарти билан банкдан 3000000 сўм суммада қисқа муддатли кредит олган. Контракт шартларида кредитнинг ярим суммасини 6 ойдан кейин, қолган ярмисини эса - бир йил муддатда қайтарилиши лозимлиги кўзда тутилган. Ҳисоблаш тамойилига мувофиқ 2004 йил 31 декабрда бухгалтер ушбу кредит бўйича декабр ойига тўғри келадиган фоизлар суммасини қуйидагича ҳисоблаши лозим:

3000000 х 20% : 100 : 12 = 50000 сўм.

Ушбу сумма 2004 йил бўйича молиявий фаолият харажатларига киритилиши керак.

Оқилоналик ёки (эҳтиёткорлик) тамойили, ҳисобот ҳужжатлари активлар ва фойданинг оширилган баҳоланишига ҳамда мажбуриятларнинг пасайтирилган баҳоланишига йўл қўймаслигини назарда тутади. Бу, шунингдек, корхонага эҳтимолий йуқотишлар ёки зарарларни акс эттириш учун эҳтимолий фойдани акс эттиришдан кўра камроқ асослар керак бўлишини англатади. Эҳтиёткорлик тамойили акс этган ҳоллардан бири энг паст баҳолаш қоидаси: таннарх ёки бозор нархи буйича баҳолаш ҳисобланади. Бу қоида шуни англатадики, агар корхона ўз ахборот воситаларини бир нархда сотиб олган бўлса ва ҳозирги кунга келиб уларнинг бозор нархи тушган бўлса, унда корхона ҳисобот ҳужжатларида ўз воситаларини жорий бозор нархларида акс эттириб, фарқни жорий давр молиявий натижаларига киритиши лозим бўлади. Аммо агарда айланма активларининг бозор нархи шу ҳисобот даврида ошган бўлса, корхона ўз активларини мана шу ошган бозор нархида сотмагунга қадар ўз хужжатларига ҳеч қандай ўзгаришлар киритмайди. Бундай ёндашув бухгалтерия ҳисобида бозор вазиятининг ўзгарувчанлигини ва корхона ҳамда унинг мулкдорлари хўжалик фаолиятининг бунга боғ-

лиқ таваккалчилигини акс эттириш имконини беради. Шунинг учун корхона ўз айланма воситаларини ҳисобда уларни сотгунга қадар мана шу икки нархнинг энг пасти бўйича акс эттириши лозим.

Бу тамойил яширин резервлар ёки оширилган таъминот яратиш, активлар ёки фойдани атайлаб ошириш билан бир қаторда, шунингдек пассивлар ёки харажатларни камайтириш ҳуқуқини бермайди, фақат шундай қилинганда молиявий ҳисобот шартлари холис ва ишонарли бўлади.

Бинобарин, эҳтиёткорлик ёки консерватизм тамойили бухгалтерда икки бир бирига зид баҳолаш усулидан фойдаланиш имконияти бўлган тақдирда, у корхона аҳволини имкони борича яхши ифодалайдиган усулни эмас, балки уни ёмонроқ кўринишда тавсифлайдиганини танлаши лозим. Бухгалтер активлар ва даромадлар ошириб кўрсатилмаслиги, мажбуриятлар ва харажатлар эса камайтирилмаслан кўрсатилиши юзасидан назорат қилиб бориши керак. Фойда ёки даромад ҳисобга олиниши тўғрисида гап юритилганда, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши операция содир этилгандан кейин амалга оширилиши, зарарлар ва харажатлар тўғрисида гап юритилганда эса - улар бухгалтерия ҳисобида вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий пайтда акс эттирилиши лозим. Корхонада захирада ҳар бир донаси 500 сўм бўлган 300000 сўмлик моддий бойликлар мавжуд деб фараз қилайлик. Хозирги пайтда ушбу материалларнинг ҳар бир донасининг бозор нархи 700 сўмгача кўтарилган тақдирда, улар олдинги 500 сўм нарх билан ҳисобга олиниши керак. Фойда фақат материаллар сотилгандан кейин тан олинади. Лекин бозорда ушбу материалларнинг нархи ҳар бир донаси учун 400 сўмгача тушиб кетган тақдирда, ёки зиён етказилиши, ушбу захираларнинг тўлиқ ёки қисман эскириши туфайли, қайта баҳолаш ўтказилиши ва захирадаги материалларнинг қийматини ҳақиқийга етказилиши керак.

Консерватизм тамойилининг асосий қоидаси бўлиб қуйидаги ҳисобланади: *Фойдани оширманг, зарарларни камайтирманг.*

Консерватизм тамойили Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида акс эттирилган. Молиявий ҳисобот асос бўладиган тамойил - консерватизм тамойили асосида тайёрлани-

ни тўғрисидаги меъёр 1998 йил 14 августда 475-сон билан тасдиқланган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича концептуал асослар»нинг 21-бандида қайд этилган.

Шунингдек, консерватизм тамойилини қўллаш 1998 йил 7 августда 486-сон билан тасдиқланган «Товар-моддий захиралар» 4-БҲМСнинг 19-бандида кўзда тутилган. Ушбу бандда молиявий ҳисоботда барча активлар уларни сотишдан ёки фойдаланишдан кутилаётган суммадан юқори акс эттирилмаслиги учун товар-моддий бойликлар зарарланган, тўлиқ ёки қисман эскирган, уларни сотиш нархи камайган бўлса, захиралар ҳаддан ташқари жамланган бўлиб уларнинг айланишини секинлашган ҳолатларда нархларни камайтириш амалиётини қўлланиши тўғрисида сўз юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, эҳтиёткорлик тамойили (энг кам олҳолаш тамойили) молиявий қўйилмаларни ҳисобга олиш амалиётида қўлланилади, бу эса 1999 йил 16 январда 30-сон билан тасдиқланган «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» 12-сонли БҲМСда акс эттирилган.

Ушбу стандартнинг 13-бандида қисқа муддатли (жорий) активлар сифатида табақалаштирилган инвестициялар бухгалтерия балансида бозор қиймати ёки ички харид қилиш қиймати ва бозор қийматидан энг ками бўйича ҳисобга олинишни кераклиги қайд этилган. Бозор қиймати ўзгариши муносабати билан вужудга келадиган даромад ёки зарар қайта олҳолаш амалга оширилган ҳисобот даврида ҳисобга олинади.

Консерватизм тамойилига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан даргумон қарзлар бўйича захиралар ташкил этиш кўзда тутилган, улар белгиланган муддатда қопланмаган дебиторлик қарзларини инвентарлаш асосида молиявий йил (ҳар чоракда) давомида ташкил этилиши мумкин. Чет эл амалиётида даргумон дебиторлик қарзлар вужудга келган пайтда ушбу резервларни ташкил этиш мумкин.

Консерватизм тамойилини қўллаш корхоналар ва ташкилотлар ҳисоботда фойдани ва тегишли равишда фойда солиғини камайтириш мақсадида асосланмаган ҳолда харажатларни оширишга интилишларига имконият туғдирмаслиги лозим.

Иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилига риоя қилинганда ахборот тақдим этилиши назарда тутилган

операциялар ва бошқа ҳодисалар фақат юридик шаклга кўра эмас, балки ўзининг моҳияти ва иқтисодий воқелигига мувофиқ тарзда ҳисобга олиниши ҳамда тақдим этилиши керак. Битимлар ёки бошқа ҳодисалар моҳияти доимо ҳам уларнинг юридик шаклига мувофиқ бўлавермайди. Масалан, корхона активларни бошқа корхоналарда сақлаши мумкин, ҳужжат эса мулкни шу томонга юридик тарзда берилганлигини акс эттириши керак.

Масалан, корхона томонидан янги русумдаги хизмат автомобилини сотиб олиш ҳолати ўз-ўзидан қонунга ҳилоф эмас. Лекин ушбу харид корхонанинг молиявий ҳолати барқарор бўлмаган, айниқса пул маблағлари йўқлиги сабабли, ҳисобланган иш ҳақи тўловлари кечиктирилган пайтда амалга оширилган бўлса, ушбу хўжалик операциясини ноқонуний деб ҳисоблаш керак.

Корхона (муассаса) фаолиятининг давомийлиги тамойилига, биноан молиявий ҳисобот корхона доимий ишлаб турганлиги ва яқин келажакда ўз операцияларини давом эттириши асосида тузилган. Корхонанинг ўз операцияларини тугатиш ёки улар ҳажмини жиддий камайтириш мақсади йўқ, бунга эҳтиёж ҳам сезмайди деб ҳисобланади. Агар бундай мақсад ёки эҳтиёж бор бўлса, молиявий ҳисобот бошқача асосда тузилиши мумкин. Мазкур тамойил бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати корхонанинг мавжуд бўлиш муддатига мувофиқ келиши лозимлигини англатади, яъни бухгалтерия ўз фаолиятини корхона тугагунга қадар давом эттиради, корхона фаолияти тўхтаган кундан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳам тўхтатилади.

Кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги тамойили, биринчидан, корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бошқа корхоналар фаолияти тўғрисидаги худди шундай ахборотлар билан қиёсланадиган бўлишини, иккинчидан, мазкур корхонада қўлланиладиган изчилликнинг сақланишини ва шу орқали бир неча ҳисобот даврларидаги корхона фаолиятига оид маълумотларнинг қиёсланувчанлиги таъминланишини талаб қилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар молиявий ҳолатнинг ривожланиш тамойиллари ва самарадорлигини аниқлаш учун маълум муддатидан сўнг корхона молиявий ҳисоботини қиёслай олишлари керак. Фойдаланувчилар турли корхоналарнинг мо-

молиявий аҳволи ҳамда молиявий аҳволдаги ўзгаришларни баҳолаш учун корхоналар молиявий ҳисоботини қиёслай олишлари керак.

Қиёсланувчан бўлишнинг зарурлиги ҳисобининг бирхиллаштирилган стандартларини юритиш йўлида тўсиқ бўлолмайди. Агар тасдиқланган ҳисоб сиёсати ўринлилик ва ишончлилик тамойилларига мувофиқ келмаса, корхона учун операция ёки ҳодисалар ҳисобини айни ўша йўсинда юритиш мажбурияти ўрнатилиши номақбулдир.

Фойдаланувчилар маълум муддатдан сўнг корхонанинг молиявий аҳволини, унинг самарадорлиги ва бундаги ўзгаришларни қиёслашлари учун молиявий ҳисобот олдинги давр ҳисоботининг ахборотини кўрсатиши муҳимдир.

Қиёсланувчанлик тамойили шуни англатадики, бухгалтер томонидан танлаб олинган ҳисоблаш усуллари изчиллик билан қўлланилиши ва ҳисобот даври давомида ўзгартирилмаслиги лозим. У кўрсаткичлар бир қатор даврлар бўйича қиёсланишини таъминлайди. Усуллар ўзгартирилган тақдирда ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари ва ишончлик ҳисоботга илова қилинган тушунтиришлар хатида ва корхонанинг келгуси йиллардаги ҳисоб сиёсати кўрсатилган буйруқда акс эттирилиши лозим.

Молиявий ҳисобот тарқатилган ахборот тўғри бўлиши учун холис бўлиши, яъни унда ҳеч қандай оғишлар бўлмаслиги керак. Молиявий ҳисобот, агар у олдиндан назарда тутилган натижаларга эришиш мақсадида қарор қабул қилиш ёки бир фикрга келишга таъсир этса, холис бўлолмайди.

Бетарафлик тамойили, шунингдек, корхона тегишли даврлардаги ўз фаолияти натижалари тўғрисида молиявий ҳисобот кўринишида манфаатдор идоралар олдида ҳисобот бериши лозимлигини ҳам англатади.

Ҳисобот даври даромадларининг шу давр харажатларига мувофиқлиги тамойили мазкур ҳисобот даврида шу давр даромадларини олиш имконини берган харажатларни акс эттиришини англатади. Агар айрим харажатлар ва даромадлар турлари ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш қийин бўлса, унда харажатлар бирорта тақсимлаш тизимига кўра бир неча ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу, масалан, бир қатор иншоотларга тақсимланадиган амортизацияланадиган харажатларга даҳлдордир. Бундан ташқари, бўлажак даврлар харажатлари-

ни акс эттириш масаласи ҳам шу ерга киритилади, улар муайян даромадлар келтирадиган тегишли даврларда ҳисобдан чиқарилади. Мазкур тамойил ҳисоблаш тамойили билан бирга ишлайди ва барча даромадлар ҳамда уларни олишга қилинган барча тегишли харажатлар айни бир ҳисобот даврида ҳисобга олинишини таъминлайди. Яъни, агар сотишдан олинган тушум 2003 йилда ҳисобга олинган бўлса, сотилган маҳсулотнинг таннархи 2004 йилда ҳисобга олиниши мумкин эмас.

Активлар ва мажбуриятларни ҳақиқий баҳолаш тамойили уларнинг таннархи ёки сотиб олиш қиймати баҳолашга асос бўлишини назарда тутади.

Шунингдек, ***даврийлик тамойилини*** ажратиш мумкин - бу молиявий ҳисобот мунтазам равишда тайёрланиши тамойилидир. Четэл амалиётида молиявий ҳисобот бир йилда бир маротаба тайёрланади ва молиявий йил тақвимий йил билан мос келиши шарт эмас. Масалан, айрим фирмалар ўз молиявий йилини 1 июлдан то 30 июнгача ёки 1 сентябрдан то 31 августгача давом этишини афзал кўрадилар. Ўзбекистонда 1 январдан то 31 декабргача бўлган давр ҳисобот йили бўлиб ҳисобланади ва ҳисобот ҳар чоракда тақдим этилади.

3.3. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари

Режалаштириш, ташкил этиш ва тартибга солиш билан бир вақтда бухгалтерия ҳисоби бошқарувнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби муайян вазифаларни бажаради, уларнинг асосийлари қуйидагилардир: ахборот билан таъминлаш, назорат қилиш, мулкнинг сақланишини таъминлаш, таҳлил қилиш.

Ахборот билан таъминлаш вазифаси. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятини тавсифлайдиган, ўз вақтида берилган ва ишончли ахборотнинг ўрни ва аҳамияти ошиб боради.

Бухгалтерия ҳисоби турли фойдаланувчилар учун ахборотнинг асосий манбаи ҳисобланади, улар, ана шу ахборотдан фойдаланиб, бошқарувга доир зарур қарорларни ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар.

Бухгалтерия ҳисоби тизимида бутун мол-мулкнинг ҳолати ва ҳаракати, уни шакллантириш манбалари, хўжалик жа-

ростлари ва уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот баъзи бир умумлаштирилган кўринишда қайд этилади ҳамда тўпланади. Бу ахборотдан корхона фаолиятини истиқболларини белгилаш учун тезкор статистик ҳисоб фойдаланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ахборотига катта талаблар қўйилади. Ахборот холис, ишончли, ўз вақтида ва тўғри бўлиши керак, у юқори сифатли ва фойдаланувчилар учун самарали бўлиши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби томонидан олинадиган ахборотнинг натижаси корхонанинг молиявий ҳолати натижаларини яхшилаши керак.

Назорат вазифаси. Мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш бухгалтерия ҳисоби назорат вазифасини кучайтиришни тақозо этади. Бухгалтерия ходимлари ресурсларнинг турли хилларидан фойдаланишни устидан олиб бораётган назоратни амалга оширишлари керак. Назорат — аниқ бир бизнес-режаларда мўлжалланган иқтисодий ўрганилаётган объектларнинг белгилаш имконини берувчи фаолият.

Агар олдиндан ўрганилаётган белгиланган меъёрлар ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш фарқ қилса, таққослаш тегишли тузатишларни амалга оширишга имконини беради.

Назоратнинг уч тури мавжуд: дастлабки, жорий ва якуний.

Дастлабки назорат қонқарув қарорлари қабул қилиниши ва хўжалик операциялари содир этилишига қадар амалга оширилади. Бизнес-режалар, лойиҳалар, лойиҳа-смета ҳужжатлари, шартнома ва контрактлар ва ҳоказолар унинг объектлари бўлиши мумкин. Дастлабки назоратдан мақсад — мансабдор шахслар ғайриқонуний ҳаракатларининг, иқтисодий жиҳатдан мақсадга номувофиқ хўжалик операцияларининг олдини олиш, хўжалик ресурсларини тежаб-тергаб ва самарали сарфлашни таъминлаш, ноилгаб чиқариш харажатларига, хўжалик операцияларига доир ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришга йўл қўймаслик.

Жорий назорат хўжалик операцияларини содир бўлган вақтида амалга оширилади. Унинг мақсади хўжалик операцияларини содир этиш жараёнида хўжалик фаолиятида четга чиқишларни аниқлаш ҳисобланади. Жорий назорат моддий ҳамда пул ресурсларининг эҳтимолий ўғирланишлари ва талафотларини ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Якуний назорат хўжалик операциялари содир этилганидан кейин дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари (ҳисоб регистрлари) ва бухгалтерия ҳисоботи асосида амалга оширилади. Бундай назоратдан мақсад — муайян давр учун хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги ва қонунийлигини текшириш, агар йўл қўйилган бўлса, ишдаги камомадлар, қонунбузарликлар ва суиистеъмолликларни аниқлаш, корхонанинг фаолиятини янада яхшилаш учун ресурсларни очиш ва сафарбар қилиш.

Мулкнинг сақланишини таъминлаш. Бухгалтерия ҳисобини тўғри йўлга қўйиш мулкнинг сақланишини таъминлаш, турли хил ўғирлик ва талафотлар йўлига ғов қўйиш имконини беради. Бунинг учун корхонада муайян шарт-шароитлар яратилиши: жиҳозланган омборхоналар, тўғри ишлайдиган назорат-ўлчов асбоблари, ўлчов идишлари ва ҳоказолар мавжуд бўлиши керак.

Мулкчиликнинг шакллари хилма-хил бўлган, мулкдорлар, инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар сони кўпайган шароитда ушбу вазифанинг аҳамияти кескин равишда ошади.

Мол-мулкни инвентарлашни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш, унинг натижаларини бухгалтерия ҳисобида холисона акс эттириш ушбу вазифани рўёбга чиқариш учун муҳим восита ҳисобланади.

Таҳлилий вазифа. Ишончли ва юридик жиҳатдан асосланган ахборотдан корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Таҳлил - қабул қилинган қарорларни уларни яхшилаш мақсадида изчил ўрганиш жараёнидир.

Корхона томонидан қабул қилинган бозор стратегияси ва тактикасининг тўғрилигини белгилаш учун ҳамда уларни яхшилаш мақсадида барча турдаги ресурслар ва харажатлардан оқилона фойдаланиш, айниқса инфляция шароитида нархларни қўллаш мунтазам равишда чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши зарур. Ушбу таҳлил мавжуд резервларни очиш ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу билан корхонанинг оладиган фойдасини кўпайтириш имконини беради.

4-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

4.1. Бухгалтерия баланси тўғрисида умумий тушунча

Аввал таъкидланганидек, бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси фойдаланувчиларни корхона фаолияти тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Корхонани самарали бошқариш учун аввало мол-мулк, унинг турлари ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар зарурдир. Бундай маълумотлар одатда муайян санага (одатда ой ёки чоракнинг биринчи кунига) пул баҳосида, умумлаштирилган гуруҳий кўринишида тақдим этилади. Ушбу маълумотлар бухгалтерия балансини таққослаш йўли билан олинади.

Бухгалтерия баланси – пул баҳосида ифодаланган ва муайян санага тузилган, мол-мулкни унинг таркиби ва жойлаштирилиши ҳамда уни шакллантириш манбалари бўйича иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаштириш ва умумлаштириш усулидир.

Баланс ўз тузилишига кўра икки томонли жадвалдан иборат. Мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилиши келтирилаётган чап қисм *"актив"* деб номланади, ўнг қисм мол-мулкни шакллантириш манбаларини акс эттиради ва *"пассив"* дейилади. Бинобарин, баланснинг чап ва ўнг қисмларида бир хил сумма, яъни корхонанинг мол-мулки акс эттирилади, фақат турли гуруҳларда. Мол-мулкнинг ҳар бир тури корхонага бирор-бир манба ҳисобига келиб тушади. Шунинг учун активнинг умумий суммаси пассивнинг умумий суммасига тенг бўлиши керак (баланс валютаси). Баланс (французча *balance* – тарози) тенглик, мувозанат аломатини англатади.

Баланс умумлаштируви объектларни акс эттиришнинг икки ёқлама хусусияти билан тавсифланади, унинг маъноси шундан иборатки, объектлар балансда икки маротаба кўрсатилади ва икки жиҳатдан қаралади.

Балансни корхона молиявий ҳолатининг кенг қамровли тасвири билан таққослаш мумкин.

Бухгалтерия баланси корхонанинг ҳисобот даври учун молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади. Унинг ёрдамида мол-мулкнинг таркиби ва ту-

зилиши, корхонанинг фойда олиши ва унинг ликвидлилиги, айланма маблағларининг айланувчанлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати ва динамикаси белгиланади. Манфаатдор фойдаланувчилар бухгалтерия баланси ахборотини ўрганиб, корхона нималарга эгалигидан, унинг салоҳияти ва мулкдорлардан олинган мол-мулкдан қандай фойдаланилаётганлигидан хабардор бўладилар.

Бухгалтерия балансидан корхонанинг тўлов қобилияти, яъни у ўзининг жорий (ликвид) маблағлари билан мажбуриятларни қоплай олиши ёки унга молиявий қийинчиликлар хавф солаётгани аниқланади.

Баланс тенглигини қуйидаги тенглама кўринишида тасаввур этиш мумкин:

Активлар = Мажбуриятлар (заём капитали) + Хусусий капитал

Ушбу тенглама бухгалтерия ҳисобининг асоси ҳисобланади. Бу ерда активлар корхона мол-мулкининг умумий қийматини кўрсатади. Мажбуриятлар (заём капитали) акгивларнинг камайишини тақозо этади, чунки улар ўз муддатида юридик ёки жисмоний шахсларга қайтарилиши керак бўлган кредиторлик қарзи миқдорини кўрсатади. Хусусий капитал корхонага унинг мулкдорлари қилган қўйилмалар қийматини тавсифлайди ва агар у ўзининг кредиторлари билан ҳисоб-китоб қилса, мулкдорда қоладиган маблағлардан иборат бўлади. Шунинг учун ушбу тенгламани қуйидаги кўринишда кўрсатиш мумкин:

Хусусий капитал = Активлар — Мажбуриятлар

Ушбу тенглама капиталга нисбатан қолдиқ тамойилини акс эттиради, яъни кредиторлар мол-мулкка биринчи навбатда даъво қилиш ҳуқуқига эгалар. Агар кредиторларга нисбатан корхонанинг қарз мажбуриятлари бажарилмаса, улар қарзларни суд орқали ундириш ҳуқуқига эга бўладилар. Инвесторлар қолдиқ даъво ҳуқуқигагина эгалар. Айни вақтда тенглама корхона активлари миқдори ва корхона кредиторлари ҳамда мулкдорларининг унинг капиталини шакллантиришда иштирок этиш даражасини кўрсатади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ана шу нисбатга боғлиқ.

Баланслар турли хиллари мавжуд:

оддий баланс, у ҳар бир ой ёки чоракда тузилади;

йиллик баланс, бир йиллик иш якунларини тавсифлайди;

кириш баланси, янги корхона бунёд этилаётганида ёки мавжуд ишлаб турган ўзгартирилаётганида тузилади;

яхлит баланс, вазирликлар, корпорациялар, концернлар томонидан айрим якуний балансларни бирлаштириш йўли билан тузилади;

консолидацияланган баланс, ўзаро иқтисодий жиҳатдан боғланган, юридик жиҳатдан мустақил корхоналар балансларини бирлаштириш йўли билан тузилади. Бундай балансларни холдинг компаниялари (бошқа компаниялар акцияларининг назорат тўпламларига эга бўлган), шўъба ва қарам ташкилотлари билан бирга асосий корхоналар тузадилар;

брутто - баланс (итальянча *brutto* - қўпол, кир), ўз ичига "Асосий воситаларнинг эскириши". "Номоддий активларнинг амортизацияси", "Сотиб олинган хусусий акциялар" сингари тартибга солувчи моддаларни олади;

нетто - баланс (итальянча *netto* - тоза), унда юқорида кўрсатилган моддалар бўлмайди.

Чунончи, "брутто" балансида асосий воситалар, мол-мулк тури сифатида, активда кўрсатилади, уларнинг эскириши эса пассивда. "Нетто" балансида иккала модда активда акс эттирилади, лекин бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати дастлабки қийматдан эскириш чиқариб ташланган ҳолда кўрсатилади, шунинг учун умумий якунда, яъни баланс воситасида ушбу сумма акс эттирилмайди. "Брутто" балансида пассивда корхона фойдаси, активда эса ундан фойдаланиш кўрсатилади, айни вақтда "Нетто" балансида пассивда фойда суммаси билан ундан фойдаланиш ўртасидаги фарқ сифатида тақсимланмаган фойдагина кўрсатилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси корхоналарида нетто-баланс тузилади, у Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ келади.

4.2. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сон буйруғига мувофиқ мулкчилик шакли-

дан қатъий назар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва юридик шахс ҳисобланган, банк ва суғурта ташкилотларидан ташқари барча корхона ва ташкилотлар ягона шакл бўйича баланс тузадилар.

Баланснинг актив ва пассиви бўлимларга, бўлимлар алоҳида гуруҳларга, гуруҳлар эса баланс моддаларига бўлинади. Мол-мулкнинг айрим турларини, уни шакллантириш манбаларини, корхона мажбуриятларини тавсифлайдиган, баланс активи ва пассивининг кўрсаткичи (сатри) бухгалтерия баланс моддаси деб аталади.

Баланс активи икки бўлимга бўлинади: *узоқ муддатли активлар ва айланма активлар.*

Акгивнинг биринчи бўлими узоқ муддатли активларни акс эттиради.

"Асосий воситалар" моддаси бўйича корхонада мавжуд бўлган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, уларнинг эскириш суммаси, шунингдек қолдиқ қиймати кўрсатилади.

"Номоддий активлар" моддаси корхона тасарруфида бўлган, сезилмайдиган объектлар қийматини дастлабки қиймати бўйича тавсифлайди.

Кейинги "Эскириш" моддаси ушбу активларнинг қопланган қиймати суммасини кўрсатади. "Қолдиқ қиймат" моддасининг суммаси эскириш чиқариб ташланган ҳолда дастлабки қийчат сифатида ҳисоб-китоб қилинади.

Биринчи бўлимнинг кейинги моддаларида корхона томонидан шўъба корхоналарга, асосий воситалар қурилиши ва харид қилинишига, қимматли қоғозларни сотиб олишга инвестицияланган суммалар акс этгирилади.

Активнинг иккинчи бўлими айланма активларини акс эттиради.

Ушбу бўлим моддалари корхонада мавжуд бўлган моддий бойликлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, сотиш учун мўлжалланган товарлар, кассадаги, банкдаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлардаги пул маблағлари суммаси, қисқа муддатли қўйилмалар суммаси ва дебиторлик қарзини акс эттиради.

Бухгалтерия балансининг пассиви ҳам икки бўлимга бўлинади: ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлар. Пассив моддаларининг мазмунини яхши англаш учун пассивда нималар

...ни тушуниш лозим. Агар активда мол-мулкнинг ишлаб чиқариш турлари акс эттирилса, пассив мол-мулкнинг ана шу мол-мулкни манбаларни акс эттиради.

Пассивнинг биринчи бўлимида устав, қўшилган ва резерв капиталлар, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва резервлар акс эттирилади.

Пассивнинг иккинчи бўлимида корхонанинг банкдан олинган ссудалар бўйича, бошқа корхоналардан, бюджетдан, ходимлардан иш ҳақи бўйича, ижтимоий суғурта идоралари ва бошқа кредиторлардан қарзи акс эттирилади.

Бухгалтерия балансининг тузилиши *3-жадвалда* келтирилган.

3-жадвал

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ - 1-сонли шакл

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010		
Эскириш суммаси (0200)	011		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.010 - 011)	012		
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр.020 - 021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан:	030		
Қимматли қоғозлар (0610)	040		
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100		
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
шундан: муддати ўтган	111		

Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр.012+022+030+090+100+110+120)	130		
II. Жорий активлар			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан:	140		
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот (2800)	170		
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100)	190		
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+230+240+250+ 260+270+280+290+300+310)	210		
шундан: муддати ўтган	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270		
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310		
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоб-китоб ҳисобварағидаги пул маблағлари (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360		
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390		
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390)	400		

Пассив			
I. Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410		
Қўшилган капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500)	430		
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450		
Мақсадли тушумлар (8800)	460		
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470		
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470)	480		
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	490		
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570		
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700++710+720+730+740+750+760)	600		
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610		
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630		
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640		

Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660		
Олинган бўнаклар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680		
Сугурталар бўйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700		
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720		
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760		
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770		
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780		

Раҳбар _____

Бош бухгалтер _____

4.3. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия балансига таъсири

Корхоналарда ҳар куни турли хўжалик операциялари содир этилади ва корхоналарнинг фаолияти ана шу операциялардан шаклланади. Омборга материаллар келиб тушади, кейин улар ишлаб чиқаришга топширилади. Ишлаб чиқаришда улардан маҳсулот тайёрланади, маҳсулот харидорларга сотилади. Олинган пул маблағлари ҳисобига корхона материалларнинг янги туркумларини харид қилади, ўз ходимларига иш ҳақи тўлайди, харид қилинган материаллардан янгидан маҳсулот яратилади ва харидорларга сотилади, шу тариқа ишлаб чиқариш фаолияти цикли доимо такрорланади.

Ҳар бир хўжалик операцияси мол-мулк ёки унинг манбалари таркибида ўзгаришга олиб келади ёки бир вақтнинг ўзида мол-мулкнинг таркиби ва мол-мулкни шакллантириш манбалари таркиби ўзгаради. Бунда балансни умумлаштириш усулини қўллаш актив якунларининг баланс пассиви якунлари билан тенглиги сақланишини таъминлайди.

Бухгалтерия балансига таъсири бўйича барча хўжалик операцияларини тўртта турга бўлиш мумкин.

Буни мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, ҳисобот даврининг бошланишида корхона баланси (қисқартирилган) қуйидаги мазмунда эди.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	30 000
Касса	100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	35 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Биринчи турдаги операциялар мол-мулк таркибида ўзгаришларга олиб келади. Бунда баланс валютаси ўзгармайди.

Биринчи операция. Корхона кассасига банкдаги ҳисоб-китоб варағидан пул — 10 минг сўм олинган. Бу операция активнинг иккинчи бўлимида жойлашган "Касса" ва "Ҳисоб-китоб варағи" сингари баланс моддаларига дахл этади. Кассадаги пуллар қолдиғи 10 минг сўмга кўпаяди, ҳисоб-китоб варағидаги пуллар қолдиғи эса ана шу суммага камаяди, яъни баланс активининг ичида мол-мулк ўзгариши юз берди ва умуман олганда баланс валютаси ўзгармади.

Биринчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	120 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	30 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Иккинчи турдаги операциялари корхона мол-мулкини шакллантириш манбаларининг таркибида ўзгаришларга олиб келади, яъни фақат баланс пассивига дахл этади. Ушбу ҳолда баланс валютаси ўзгармайди.

Иккинчи операция. Корхона муассислари йиғилишининг қарори бўйича тақсимланмаган фойда қисми 15 минг сўм суммасида устав капиталига қўшилади. Мазкур хўжалик операцияси "Тақсимланмаган фойда" ва "Устав капитали" сингари пассив моддаларига дахл этади. Ушбу операциядан кейин тақсимланмаган фойда 15 минг сўмга камаяди, устав капитали эса ана шу суммага кўпаяди, яъни баланс пассиви ичида суммаларнинг кўчирилиши юз беради ва умуман олганда баланс валютаси ўзгармайди.

Иккинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив		**Пассив**	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	42 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Учинчи турдаги операциялар мол-мулкнинг таркиби ва мол-мулк манбаларининг таркибини ўзгартиради, айни вақтда уларни кўпайтиради. Бунинг устига баланс валютаси актив бўйича ва пассив бўйича тенг суммага ошади.

Учинчи операция. Етказиб берувчилардан 20 минг сўмлик материаллар олинди. Ҳисоб-китоб ҳали қилинмаган. Ушбу хўжалик операцияси "Ишлаб чиқариш захиралари" актив моддасига ва "Мол етказиб берувчиларга қарз" пассив моддасига дахл этади.

Ушбу операциядан кейин корхонадаги ишлаб чиқариш захиралари кўпаяди ва айни вақтда корхонанинг мол етказиб берувчилардан қарзи кўпаяди, чунки ҳали уларга пул ўтказилмаган.

Баланс валютаси актив бўйича ҳам, пассив бўйича ҳам 20 минг сўмга кўпайди.

Учинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	62 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	35 200
Ҳисоб-китоб варағи	25 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	198 000	Баланс	198 000

Тўртинчи турдаги операциялар мол-мулкнинг таркиби ва манбаларнинг таркибини ўзгартиради, айни вақтда уларни камайтиради. Бунинг устига баланс валютаси актив бўйича ва пассив бўйича тенг миқдорга камаяди.

Тўртинчи операция. Ҳисоб-китоб варағидан етказиб берувчилардан олинган материаллар учун 20 минг сўм ўтказилди. Ушбу хўжалик операцияси "Ҳисоб-китоб варағи" актив моддасига ва "Мол етказиб берувчилардан қарз" пассив моддасига дахл этади.

Ушбу операциядан кейин пуллар ҳисоб-китоб варағида 20 минг сўмга камаяди ва айни вақтда корхонанинг етказиб берувчилардан қарзи 20 минг сўмга камаяди.

Баланс валютаси актив ва пассив бўйича 20 минг сўмга камаяди.

Тўртинчи операциядан кейин баланс қуйидаги кўринишни олади.

Актив		Пассив	
Мол-мулк таркиби	Сумма, сўм	Мол-мулк манбалари	Сумма, сўм
Асосий воситалар	100 000	Устав капитали	135 000
Ишлаб чиқариш захиралари	62 400	Тақсимланмаган фойда	15 000
Касса	10 100	Мол етказиб берувчилардан қарз	15 200
Ҳисоб-китоб варағи	5 500	Бюджетга қарз	12 800
Баланс	178 000	Баланс	178 000

Корхонада қандай операция юз бермасин, уни юқорида кўрсатилган тўртта операция туридан бирига киритиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: хўжалик операцияси балансда қандай ўзгаришларга олиб келмасин, у фақат мол-мулкнинг таркиби ва жойлаштирилишини ёки уни шакллантириш манбаларини ўзгартириши, уларнинг суммасини кўпайтириши ёки камайтириши мумкин, лекин актив билан пассив ўртасидаги тенгликни бузмайди.

5-БОБ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТИЗИМИ ВА ИККИ ЁҚЛАМА ЁЗУВ

5.1. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ва уларнинг тузилиши

Бухгалтерия балансида мол-мулкнинг ва уни шакллантириш манбаларининг таркиби вақти-вақти билан акс эттирилади, яъни баланс ой ёки чоракда бир маротаба тузилади. Лекин ҳисобда фақат даврий манбалар билан чекланиб бўлмайди, чунки бухгалтерия ҳисоби ялпи ва узлуксиз бўлиши керак. Бундай ҳар кунги ва узлуксиз ҳисоб бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида амалга оширилади. Ҳисобварақлар мол-мулк, уни шакллантириш манбалари ва хўжалик операцияларининг жорий ҳисобини юритиш учун мўлжалланган.

Агар балансни фотосурат, яъни фотоаппаратнинг бир лаҳзада оладиган тасвири билан таққослаш мумкин бўлса, ҳисобварақларни видеокассета ёки видеокамера билан суратга олишга қиёслаш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари – мол-мулкни унинг таркиби ва жойлаштирилиши, уни шакллантириш манбалари ва бир турдаги операциялар бўйича жорий акс эттириш, гуруҳлаш ва тезкор назорат қилиш усулидир.

Ҳисобварақлар мол-мулкнинг ёки мол-мулк манбаларининг ҳар бир тури учун очилади ва юритилади, бир турдаги хўжалик операцияларини акс эттириш учун ҳам ҳисобварақлар мавжуд. Корхоналарда қўлланиши керак бўлган ҳисобварақларнинг рўйхати қонунчилик томонидан Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасида тартибга солинади. Масалан, асо-

ишлаб чиқаришдаги воситаларнинг ҳаракати билан боғланган барча операциялар 0110-0199 "Асосий воситаларни ҳисобга олувчи" ҳисобварақларида, материаллар кирими чиқими 1010-1090 "Материалларни ҳисобга олувчи" ҳисобварақларида, кассада нақд пул билан ҳаракати 5010-5020 "Касса"даги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларида юритилади ва ҳоказо.

Ташқи кўриниши бўйича ҳисобварақлар икки томондан иборат жадвални эслатади. Ҳисобварақнинг номи жадвалнинг юқори қисмида ёзилади.

Ушбу жадвалда ҳисобварақнинг чап қисми "дебет" (лотинча *debet* — қарздор), ҳисобварақнинг ўнг қисми "кредит" (лотинча *credit* — ишонади) деб аталади.

Энг биринчи бор пайдо бўлган пайтида ҳисобварақлар қарзларни, яъни дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш учун ишлатилган. Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши билан ҳисобварақларда нафақат қарзлар, балки мол-мулк ва унинг манбаларининг барча турлари ҳам ҳисобга олина бошлади, лекин ҳисобварақнинг чап томони "дебет", ўнг томони эса "кредит" деб аталиши рамзий ном бўлиб сақланиб қолди. Ҳисобварақларда мол-мулк ва унинг манбаларининг ҳисобот йили боши ва охиридаги ҳолати акс эттирилади. Ушбу манбалар қолдиқлар ёки "сальдо" деб аталади. Дебет ва кредитда мол-мулк ёки унинг манбалари таркибидаги кўпайиш ёки камайиш акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг аҳамияти шундан иборатки, улар бухгалтерия ҳисобининг асосий усулларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий жиҳатдан бир турдаги объектлар бўйича хўжалик операцияларининг тизимга солиниши ва жорий акс эттирилишини таъминлайди ва бошқарувни такомиллаштириш ҳамда моддий воситалар ва пул маблағларининг сақланишини таъминлаш мақсадида тезкор ахборот олиш учун ишлатилади.

Ҳисобга олиш элементларини туркумланишига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари доимий (бухгалтерия баланси ҳисобварақлари) ва вақтинчалик (молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобварақлари) ҳисобварақларга ажратилади. Вақтинчалик ҳисобварақлар шунингдек транзит деб аталади.

Доимий ҳисобварақлар - бу бухгалтерия баланси элементлари акс эттириладиган ҳисобварақлардир. Улар активларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари, мажбуриятларни ҳисобга олиш

ҳисобварақлари ва капитални ҳисобга олиш ҳисобварақларидан иборат. Ушбу ҳисобварақларда ҳар бир ҳисобот даврининг охирида қолдиқ (сальдо) аниқланади. Қуйида баланс ҳисобварақларининг чизмаси келтирилган:

ДОИМИЙ ҲИСОБВАРАҚЛАР

АКТИВЛАР = МАЖБУРИЯТЛАР + КАПИТАЛ

Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
Ҳисобот даврининг бошига активлар қолдиғи (сальдо)			Ҳисобот даврининг бошига мажбуриятлар қолдиғи (сальдо)		Ҳисобот даврининг бошига активлар қолдиғи (сальдо)
Активларнинг ошиши	Активнинг камайиши	Мажбуриятларнинг камайиши	Активларнинг ошиши	Капиталнинг камайиши	Активларнинг ошиши
Ҳисобот даврининг охирига активлар қолдиғи (сальдо)			Ҳисобот даврининг охирига мажбуриятлар қолдиги (сальдо)		Ҳисобот даврининг охирига активлар қолдиғи (сальдо)

Вақтинчалик (транзит) ҳисобварақлар - бу молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементлари акс эттириладиган ҳисобварақлардир. Булар таркибига даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари, харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари фойдаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари ва зарарларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари киради. Ушбу ҳисобварақлар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида ёпилади ва шунинг учун улар ҳеч қачон қолдиқ (сальдо)га эга бўлмайди.

ВАҚТИНЧАЛИК ҲИСОБВАРАҚЛАР

ДАРОМАДЛАР		ХАРАЖАТЛАР	
Даромадларнинг камайиши	Даромадларнинг ошиши	Харажатларнинг ошиши	Харажатларнинг камайиши
ФОЙДАЛАР		**ЗАРАРЛАР**	
Фойданинг камайиши	Фойданинг ошиши	Зарарларнинг ошиши	Зарарларнинг камайиши

Балансининг актив ва пассивга бўлинишига мувофиқ ҳисобварақлар актив ва пассив ҳисобварақларга бўлинади.

Активлар таркиби ва унинг айрим турлари ҳаракатини ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар **актив** ҳисобварақлар деб юритилади. "Асосий воситалар", "Материаллар", "Миллий валютадаги пул маблағлари", "Ҳисоб-китоб варағи" ва бошқа ҳисобварақлар актив ҳисобварақларга мисол бўла олади.

Капитал ва мажбуриятларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган ҳисобварақлар **пассив** ҳисобварақлар деб аталади. "Устав капитали", "Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари", "Узоқ муддатли заёмлар" ва бошқа ҳисобварақлар пассив ҳисобварақларга киради.

Актив ҳисобварақлар дебетида ҳисобот даврининг боши ва охиридаги қолдиқлар, шунингдек мол-мулкнинг кўпайиши билан боғланган барча ўзгаришлар, кредитда — мол-мулкнинг таркибида камайиш билан боғлиқ барча ўзгаришлар акс этади. Бошланғич сальдо ҳисобга олинмаган ҳолда кўпайиш ва камайишларнинг умумий суммаси айланмалар деб аталади.

5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" актив ҳисобварағининг чизмасини келтирамиз (сўмда).

Дебет *5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари"* *Кредит*

Сана	Ёзув мазмуни	Сумма	Сана	Ёзув мазмуни	Сумма
	01.01.2004 йилга қолдиқ (сальдо)	100			
	Мол-мулкнинг таркибида кўпайиш (+)			Мол-мулкнинг таркибида камайиш (-)	
08.01	Иш ҳақи тўлаш учун ҳисоб-китоб варағидан пул келиб тушди	40 000	08.01	Иш ҳақи берилди	40 100
12.01	Маҳсулот сотилганлик учун пул келиб тушди	57 000	13.01	Ҳисоб-китоб варағига тушум тошширилди	57 000
29.01	Хизмат сафари бўйича бўнак беришга пул келиб тушди	8 000	30.01	Хизмат сафарига бўнак берилди	7 500
	Айланмалар	105 000		Айланмалар	104 600
	01.02.2004 йилга қолдиқ (сальдо)	500			

Агар 01.01.2004 йилга бўлган қолдиқни – Сб, дебет бўйича айланмаларни – Ад, кредитлар бўйича айланмаларни – Ак 01.02.2004 йилга бўлган сальдони Ся деб белгиласак, бунда

$$Ся = Сб + Ад - Ак$$

$$500 = 100 + 105\,000 - 104\,600$$

Пассив ҳисобварақларда дебет ва кредитнинг вазифаси актив ҳисобварақларга тамомила тескари. Уларда бошланғич ва пировард сальдо кредит бўйича, капитал ва мажбуриятлар кўпайиши кредит бўйича, уларнинг камайиши эса дебет бўйича акс эттирилади.

Пассив ҳисобварақ чизмасини келтирамиз.

Мисол учун 6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари" ҳисобварағини оламиз.

Дебет *6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари"* *Кредит*

Сана	Ёзув мазмуни	Сумма	Сана	Ёзув мазмуни	Сумма
				01.01 га сальдо	120 000
5.01	Банкнинг қисқа муддатли ссудаси қайтарилди	90 000	15.01	Банкдан қисқа муддатли ссуда олинди	100 000
20.01	Банкка қисқа муддатли ссуда қайтарилди	110 000	27.01	Банкдан қисқа муддатли ссуда олинди	150 000
	Айланмалар	200 000		Айланмалар	250 000
				01.02.2004 йилга (сальдо)	170 000

Пассив ҳисобварақларда пировард қолдиқ қуйидагича чиқарилади:

$$Ся = Сб + Ак - Ад$$

$$170\,000 = 120\,000 + 250\,000 - 200\,000$$

Актив ҳисобварақларда сальдо фақат дебетли бўлиши мумкин, чунки маблағларни мавжуд бўлганидан ортиқча сарфлаб бўлмайди, пассив ҳисобварақлар бўйича сальдо фақат кредитли бўлади, чунки қарзни қоплашда, корхона қарзидан кўпроқ миқдорда тўламайди.

Активлар акс эттириладиган актив ҳисобварақлар бўйича ва активлар манбалари кўрсатиладиган пассив ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар баланс билан боғланади, яъни актив ҳисобварақлар қолдиқлари баланс активида, пассив ҳисобварақлар қолдиғи эса пассивида кўрсатилади.

Шунингдек контрактив ва контрпассив ҳисобварақлар ҳам мавжуд.

Контрактив ҳисобварақлар - бу пассив ҳисобварақлар, лекин актив-нинг соф қийматини ҳисоблаш учун улар бўйича сальдо муайян актив ҳисобварағининг сальдо суммасидан айирилади. Масалан, 0200 «Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳининг ҳисобварақлари мажбуриятлар бўйича пассив ҳисобварақлардир, лекин улар баланснинг активида 0100 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» гуруҳи ҳисобварақларидан кейин жойлаштирилади, чунки асосий воситалар қолдиқ қийматини ҳисоблаш учун уларни қийматини камайтиради. Бундай ҳисобварақларга 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағига нисбатан контрактив бўлган ва харидорлар дебиторлик қарзи суммасини камайтириб унинг соф суммасини кўрсатадиган 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» ҳисобварағи киради.

Контрпассив ҳисобварақлар - бу актив бўлган ҳисобварақлардир, лекин муайян пассив ҳисобварақлар бўйича қолдиқларни камайтириш учун улар бўйича қолдиқ баланснинг пассивида акс эттирилади. Масалан, 8600 «Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби ҳисобварақлари» гуруҳининг ҳисобварақлари актив ҳисобварақлар бўлганлиги билан, улар баланснинг пассивида 8300 «Устав капитали ҳисоби ҳисобварақлари» гуруҳидан кейин жойлаштирилади ва акциядорлик жамиятининг акциядорлик капитали камайишига олиб келади.

5.2. Ҳисобварақлардаги икки ёқлама ёзув ва уни асослаш

Корхоналарнинг хўжалик фаолияти кўп сонли операциялар ва хўжалик вазиятларидан ташкил топади. Уларнинг ҳаммаси мол-мулкнинг ёки унинг манбалари таркибида ёхуд бир вақтнинг ўзида иккаласида ўзгаришларни юзага келтиради.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида хўжалик операциялари натижасида юз берадиган ўзгаришларни акс эттириш учун икки ёқлама ёзув усули қўлланилади.

Икки ёқлама ёзув шундай ёзувки, унинг натижасида ҳар бир хўжалик операциясининг суммаси ҳисобварақларда икки маротаба: бир ҳисобварақ дебетида ва айни вақтда ўзаро бог-

ланган бошқа ҳисобварақ кредитида акс эттирилади. Чунки хўжалик операциялари юзага келтирадиган ўзгаришлар икки ёқлама хусусиятга эга ва ҳисобнинг икки алоҳида объектига, бинобарин, иккита ҳисобварақка дахл этади. Ҳар бир хўжалик операцияси икки ҳодисага олиб келади.

Чунончи, агар корхона товарларни харид қилса, бир томондан, омбордаги товарлар қолдиғи кўпаяди ва, бошқа томондан, албатта ушбу товарлар қандай манбалар ҳисобига харид қилинганлиги кўрсатилади: нақд пулга сотиб олинганда нақд пул камаяди, кредитга харид килинганда ушбу товарларни етказиб берувчиларга қарз пайдо бўлади. Шунинг учун, хўжалик операциясини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш мақсадида ўзаро боғланган икки ҳисобварақда биргина суммани қайд этиш зарур.

1494 йилдаёқ итальян математиги Лука Пачоли икки ёқлама ёзув усулини асослаб берган. Унинг ҳисобварақлар ва ёзувлар тўғрисидаги рисоласида кўрсатилишича, ҳисобварақлар бўйича ёзувларни бир вақтнинг ўзида "бермоқ" ва "эга бўлмоқ" остида қайд этиш зарур ва агар "бермоқ" ва "эга бўлмоқ"да жойлаштирилган суммалар қўшилса, якунлар бир хил чиқиши керак.

Хўжалик операциялари ҳисобварақларида икки ёқлама ёзув усули билан акс эттириш тартибини қуйидаги мисолларда кўриб чиқамиз.

1-мисол. Кассага банкдаги ҳисоб-китоб варағидан нақд пул - 5 минг сўм келиб тушди. Ушбу операция натижасида пул суммаси ҳисоб-китоб варағида камайди ва кассада ана шу суммага кўпайди. Иккала ҳисобварақ актив ҳисобварақдир. Шунинг учун 5 минг сўм 5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" ҳисобварағи дебети ва 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредитида ёзилади.

Д-т 5010(А) К-т		Д-т 5110(А) К-т	
(+)			(-)
5000 кассадаги пулнинг кўпайиши			5000 ҳисоб-китоб варағида пулнинг камайиши

2-мисол. Муассислардан бири устав капиталига улуш сифатида баҳоси 100 минг сўмлик компьютерни тақдим этди. Ушбу

мол етказиб асосий воситалар кўпаяди ва устав капитали ҳам кўпаяди. 0150 "Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси" ҳисобварағи актив 8330 "Пай ва қўйилмалар" ҳисобварағи пассив. Шунинг учун 100 минг сўмни 0150 "Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси" ҳисобварағи дебети ва 8330 "Пай ва қўйилмалар" ҳисобварағи кредити бўйича ёзиш керак.

Д-т 0150(А) К-т		Д-т 8330(П) К-т	
(+) 100 000 асосий воситаларнинг кўпайиши			(+) 100 000 устав капиталининг кўпайиши

3-мисол. Ҳисоб-китоб варағидан маҳсулот етказиб берувчиларга 8 минг сўм миқдорида олдиндан ҳақ ўтказилган. Ушбу операция натижасида ҳисоб-китоб варағидаги пуллар камайди ва мол етказиб берувчининг корхонага қарзи (дебиторлик қарзи) кўпайди. 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи – актив, 4310 "Товар-моддий қийматликлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" ҳисобварағи ҳам активдир. Шунинг учун 8 минг сўм 4310 "Товар-моддий қийматликлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" ҳисобварағи дебетига ва 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредитига ёзилади.

Д-т 4310(А) К-т		Д-т 5110(А) К-т	
(+) 8 000 мол етказиб берувчининг дебиторлик қарзи кўпайиши			(-) 8 000 ҳисоб-китоб варагида пулнинг камайиши

4-мисол. Мол етказиб берувчидан 8 минг сўмлик материаллар олинди. Демак, омбордаги материаллар кўпаяди ва мол етказиб берувчиларнинг қарзи камаяди. 1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобварағи омбордаги мавжуд материалларни ҳисобга олади ва актив ҳисобланади. 4310 "Товар-моддий қийматликлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" ҳисобварағи ҳам активдир. Шунинг учун 8 минг сўм 1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобварағи дебети ва 4310 "Товар-моддий қийматликлари учун мол етказиб

берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" ҳисобварағи кредитига ёзилади.

Д-т 1010(А) К-т		Д-т 4310(А) К-т	
(+) 8 000 омбордаги материалларнинг кўпайиши			(-) 8 000 мол етказиб беручилар дебиторлик қарзининг камайиши

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, хўжалик операцияларини икки ёқлама ёзув усули билан акс эттириш натижасида муайян ҳисобварақлар ўртасида ўзаро мантиқий боғлиқлик юзага келади, у **ҳисобварақлар корреспонденцияси (контировкаси)** ёки **бухгалтерия ўтказмаси** деб аталади.

Бухгалтерия ўтказмалари *оддий* ва *мураккаб* турларга бўлинади. Икки ҳисобварақка дахл этадиган ёзувлар оддий (юқорида келтирилган мисолларга қаранг), уч ва ундан ортиқ ҳисобварақка дахлдорлари мураккаб ўтказмалари дейилади.

5-мисол. Ҳисоб-китоб варағидан ўтказилди: а) банкка қисқа муддатли ссуда учун — 10 минг сўм; б) корхона кассасига — 15 минг сўм. Жами — 25 минг сўм. Демак, бухгалтер қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади:

Д-т 5110(А) К-т		Д-т 6810(П) К-т		Д-т 5010(А) К-т	
	(-) 25 000 ҳисоб-китоб варағидаги пулларнинг камайиши		(-) 10 000 банкка ссуда бўйича қарзнинг камайиши		(+) 15 000 кассада пулларнинг кўпайиши

Ушбу операция натижасида ҳисоб-китоб варагида пуллар камаяди, кассада эса кўпаяди, айни вақтда корхонанинг банкка ссуда бўйича қарзи камаяди.

Икки ёқлама ёзув усули катта назорат аҳамиятига эга, чунки битта хўжалик операцияси тенг суммада икки маротаба — бир ҳисобварақнинг дебети ва бошқа ҳисобварақнинг кредити бўйича акс эттирилади. Шунинг учун мазкур операция бўйича суммалар тафовути юзага келиб қолса, йўл қўйилган хато аниқланади.

5.3. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг амалий қўлланиши

2004 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг барча корхоналари ҳисобни бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисобварақлар режасига мувофиқ олиб боришлари шарт. 21-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома" БҲМС Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрда тасдиқланган.

Бухгалтерия ҳисоби Янги ҳисобварақлар режасини татбиқ этиш Ўзбекистон Республикаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби юритишни иложи борича халқаро стандартларга яқинлаштириш ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини татбиқ этиш имкониятини яратади. Янги ҳисобварақлар режасининг эскисидан фарқлари ва унинг афзалликларида тўхталиб ўтамиз.

Янги ҳисобварақлар режасида ҳисобварақларни гуруҳлашда тўрт рақамли усул киритилган, субҳисобварақлар бекор қилинган ва бухгалтерия ҳисобининг алоҳида объектларини ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар қўлланилади. Бу бухгалтерия ҳисоби объектлари тўғрисида муфассал ва тўлиқ маълумот олиш имкониятини беради. Масалан, материалларни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар қуйидагилардан иборат:

1010 «Хомашё ва материаллар»;

1030 «Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар»;

1030 «Ёқилғилар»;

1040 «Эҳтиёт қисмлар»;

1050 «Қурилиш материаллари».

Ҳисобварақлар режасида ҳисобварақларнинг гуруҳланиши «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»га мувофиқ молиявий ҳисобот элементларини гуруҳланиши билан мос келади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари 5 қисм ва 9 бўлимга ажратилган. Балансдан ташқари ҳисобварақлар алоҳида кўрсатилган. 1-8 қисмларларда бухгалтерия баланси ҳисобварақлари, яъни сальдога эга бўлиши мумкин ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган ҳисобварақлар жойлаштирилган. Улар

доимий ҳисобварақлар деб аталади. 9 бўлимда молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот бўйича ҳисобварақлар, яъни вақтинчалик (транзит) ҳисобварақлар жойлаштирилган, улар ҳеч қачон сальдо (қолдиқ)га эга бўлмайди, чунки ҳар ойда ёпилади. Ҳисобварақларнинг бундай жойлаштирилиши молиявий ҳисобот тайёрлаш муолажасини соддалаштиради.

Янги ҳисобварақлар режасининг яна бир фарқи ва афзаллиги уларда актив-пассив ҳисобварақлар мавжуд эмаслигидан иборат. Чунончи, агар эски ҳисобварақлар режасида бир вақтнинг ўзида дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳисобга олиш мумкин бўлган 60, 62, 68, 70, 76 ҳисобварақлар мавжуд бўлса, Янги ҳисобварақлар режасида улар дебиторлар қарзларини акс эттириш учун (4010-4890) «Олинадиган ҳисобварақлар» актив ҳисобварақлар ва кредиторлардан қарзларни ҳисобга олувчи (6010-6990) «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» пассив ҳисобварақларга ажратилган. Бу молиявий ҳисоботда актив-пассив ҳисобварақлар бўйича жамланган сальдо акс эттирилиш ҳолатларини олдини олиш имкониятини беради. Олинадиган ҳисобварақлар корхона томонидан харидорлар ва буюртмачиларга ёзиб берилган ва харидор томонидан тўлангандан кейин олиниши лозим бўлган ҳисоварақлар-фактуралар суммасини акс эттиради. Тўлаш учун ҳисобварақлар мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан олинган ҳисобварақлар-фактуралар суммасини акс эттиради ва улар олдидаги кредиторлик қарзларни ифодалайди. Эски ҳисобварақлар режаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш бўнак суммаси бўйича қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 70 «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисобкитоблар»

К-т 50 «Касса»

Бу ерда 70 пассив ҳисобварақ актив ҳисобварақка айланади, чунки у ходимларнинг корхона олдида ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақи бўйича қарзини акс эттиради. Янги ҳисобварақлар режасида махсус 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар» ҳисобвараги кўзда тутилган. Шундай қилиб ушбу операция бўйича қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар»

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

Ходим хизмат сафари учун 36 минг сўм бўнак олган бўлиб

40 минг сўмга ҳисобот тақдим этган деб фараз қилайлик. Эски ҳисобварақлар режаси бўйича бу қуйидагича ифодаланади:

Бўнак берилиши:

Д-т 71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» - 36 минг сўм.

К-т 50 «Касса» - 36 минг сўм

Бўнак ҳисоботи суммасига:

Д-т 26 «Давр харажатлари» - 40 минг сўм

К-т 71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» - 40 минг сўм

Бўнак ҳисоботи бўйича ортиқча сарфланган сумма берилишига:

Д-т 71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» - 4 минг сўм

К-т 50 «Касса» - 4 минг сўм

Бу ҳолатда 71 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» актив ҳисобварақ корхонанинг ҳисобдор шахс олдида 4 минг сўм миқдордаги кредиторлик қарзини акс эттиради, бу эса услубий нотўғридир. Янги ҳисобварақлар режаси бўйича бу қуйидагича акс эттирилади:

Бўнак берилиши:

Д-т 4220 «Хизмат сафарига берилган бўнаклар» - 36 минг сўм

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 36 минг сўм

Бўнак ҳисоботи суммаси бўйича:

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар» - 40 минг сўм

К-т 4220 «Хизмат сафарига берилган бўнаклар» - 36 минг сўм

К-т 6970 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» - 4 минг сўм

Бўнак ҳисоботига асосан ортиқча ишлатилган пул бўйича:

Д-т 6970 «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» - 4 минг сўм

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 4 минг сўм

Эски ҳисобварақлар режасига асосан солиқлар бўйича бўнак тўловларини ҳисоблашда қуйидаги ўтказма берилади:

Д-т 68 «Бюджет билан ҳисоб-китоблар»

К-т 51 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Бу ҳолатда 68-сонли «Бюджет билан ҳисоб-китоблар« пассив ҳисобварағи бюджетнинг корхона олдидаги дебиторлик қарзини ифодалайди. Янги ҳисобварақлар режаси бўйича со-

лиқлар бўйича ўтказилган тўловлар қуйидаги ёзув билан ифодаланади:

Д-т 4410 «Солиқлар бўйича бўнак тўловлари»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Эски ҳисобварақлар режасида 75-сонли ҳисобварақ бир вақтнинг ўзида таъсисчиларнинг устав капиталига бўлган дебиторлик қарзини ва таъсисчиларга ҳисобланган дивидендлар бўйича қарзларни акс этар эди. Янги ҳисобварақлар режасида ушбу операциялар турли ҳисобварақларда акс эттирилади. Устав капиталига таъсисчилардан олинган улушлар қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0110-0190, 1010-1090, 5010, 5110 ва бошқалар

К-т 4610 «Таъсисчиларининг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари» таъсисчиларга ҳисобланган дивидендлар суммасига:

Д-т 8710 «Тақсимланмаган фойда»

К-т 6610 «Тўланадиган дивидендлар»

Ҳисобварақлар режасининг I-қисмидаги ҳисобварақлар узоқ муддатли, яъни бир йилдан ортиқ бўлган муддатда иқтисодий наф келтирадиган активларни акс эттиради. Эски ҳисобварақлар режасидан фарқли ҳолда Янги ҳисобварақлар режасининг «Асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли активлар» деб номланган I-қисмида узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар киритилган. Корхона харидорлар ва буюртмачилар билан бир йилдан ортиқ бўлган муддатда қопланиши кўзда тутилган контракт тузган бўлган тақдирда, ушбу дебиторлик қарзи 0900-0990-сонли «Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатлар ҳисобварақлари» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади. Агар контракт бир йилдан кам бўлган муддатга тузилган бўлса ушбу дебиторлик қарзи 4010-4810-сонли «Олинадиган ҳисобварақлар» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади. Худди шундай ҳолат келгуси давр харажатларига ҳам тааллуқлидир. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларнинг узоқ муддатли қисми, бир йилдан узоқ муддатга берилган ижара бўйича олдиндан тўловлар 0900-0990-сонли ҳисобварақларда, жорий қисми, яъни жорий йил давомида ҳисобга олинадиган харажатлар эса 3110-3190-сонли ҳисобварақларда акс эттирилади.

Жорий (айланма) активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар Янги ҳисобварақлар режасининг 2-5 бўлимларида ҳисобга олинади. Буларга ТМЗни, бир йилдан кам бўлган дебиторлик қарзларини, пул маблағлари ва улар эквивалентларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар киради.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари жорий мажбуриятларни (6-сонли бўлим) ва узоқ муддатли мажбуриятларни (7-сонли бўлим) ҳисобга олиш ҳисобварақларига ажратилади. Корхона банкдан уч йил муддатга ҳар йили 1/3 қисмини қайтариш шарти билан 3000 минг сўмлик узоқ муддатли кредит олди деб фараз қилайлик. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга ошириш лозим:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» - 3000 минг сўм

К-т 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» - 2000 минг сўм

К-т 6950 «Тўланадиган узоқ муддатли мажбуриятлар» - 1000 минг сўм

Кейинги ҳисобот даврида тегишли суммани узоқ муддатли мажбуриятлардан жорий қисмига ўтказиш лозим:

Д-т 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» - 1000 минг сўм

К-т 6950 «Тўланадиган узоқ муддатли мажбуриятлар» - 1000 минг сўм

Бинобарин, Янги ҳисобварақлар режасида активлар ва мажбуриятлар узоқ ва қисқа (жорий) муддатли қисмларга аниқ ажратилган. Бу хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини жорий активлар ва жорий мажбуриятлар нисбатидан иборат бўлган ликвидлик коэффициенти ёрдамида мунтазам равишда баҳолаш имкониятини яратади. Жорий ликвидлилик коэффициенти корхона ўзининг жорий маблағлари билан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплашлигини баҳолаш имкониятини беради. Ушбу кўрсаткичнинг энг яхши даражаси 2,0 ҳисобланади.

8-бўлимда хусусий капитални ҳисобга олувчи, яъни устав, қўшилган, резерв капитали тақсимланмаган фойда ва резервларни ифодаловчи ҳисобварақлар акс эттирилади.

9-бўлимда даромадлар ва харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар акс эттирилган. Ушбу ҳисобварақлар ҳар бир ҳисобот даврининг охирида 9900-сонли «Якуний молиявий натижа ҳисобвараги» билан ёпилади. 9910-сонли ҳисобварақнинг дебет ва кредит айланмаси орасидаги фарқ 8710-сонли «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағига ўтказилади.

Янги ҳисобварақлар режасини татбиқ этиш бухгалтерия ҳисобини ислоҳот қилишда яна ҳам йирик қадам ҳисобланади ва ахборотдан фойдаланувчиларни тўлиқ ва ўз вақтидаги маълумотлар билан таъминлаш имкониятини яратади.

Кичик корхоналар қисқартирилган Ҳисобварақлар режасини қўллаши мумкин. Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақ тавсифланган, уни қўллаш бўйича кўрсатмалар берилган ва бухгалтерия ўтказмаларининг намунавий рўйхати келтирилган.

6-БОБ. ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА ИНВЕНТАРЛАШ

6.1. Ҳужжатлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти

Бухгалтерия ҳисоби қатъиян ҳужжатли ва у ҳужжатлар асосида юритилиши керак. Ҳар қандай хўжалик операцияси аввал дастлабки ҳужжат билан расмийлаштирилади, у ҳисоб ёзувларини асослаш учун хизмат қилади ва юридик исботлаш кучига эгадир.

Корхонада ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳужжатлар айланишини юргизиш 2003 йил 23 декабрда 131-сон билан ЎзР Молия вазирлигининг буйруги билан тасдиқланган ва 2004 йил 14 январда 1297-сон билан ЎзР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Бухгалтерия ҳисобидаги ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

Бухгалтерия ҳужжати – (лотинчасига *documentum* - исбот) муайян хўжалик операциясини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ёки унинг ҳақиқатда содир этилганлик ҳолатини тасдиқлайдиган ёзма гувоҳномадир.

Ҳужжатларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар ҳисоб ёзувлари манбалари ҳисобланади ва хўжалик операцияларининг қонунийлиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш учун хизмат қилади.

Мулкнинг бут сақланиши учун курашда ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта. Ҳужжатлар ёрдамида моддий жавобгар шахслар ҳаракатларининг тўғрилиги назорат қилинади, улар томонидан қимматликлар ва мол-мулк олиниши ҳамда бери-

шининг асослилиги текширилади. Ҳужжатлаштириш ҳўжалик, камомад ва талафотлар, суиистеъмол қилиш ҳолатларини очиб ташлаш, шунингдек уларнинг олдини олиш имконини беради.

Ҳужжатларнинг юридик аҳамияти шундан иборатки, улар корхона билан бошқа ташкилотлар ёки шахслар ўртасида юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш пайтида гувоҳнома, далил ҳисобланади. Улардан хўжалик суди идоралари турли даъволар юзасидаги масалаларни ҳал этиш, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини текшириш чоғида фойдаланадилар.

Лекин ҳужжат барча кўрсатилган талабларга риоя этилган ҳолда тузилган ва расмийлаштирилган тақдирдагина юридик исбот кучига эга бўлади.

Ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш. Дастлабки ҳужжатлар операция содир этилган пайтда ёки у тугаганидан кейин тузилади. Ҳужжатларни тузиш тартиби, уларнинг ҳаракати ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун топшириш муддатлари корхонада тасдиқланган ҳужжатлар айланма жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Дастлабки ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида ва сифатли расмийлаштирилишини, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишини, шунингдек уларда берилган ахборотнинг ишончлилигини таъминлайдилар.

Ҳужжатни сифатли, равшан ва тўлиқ тўлдириш. Ҳужжатлар бланклари компьютер ёки ручкада аниқ, батартиб ва тушунарли тарзда тўлдирилади. Ёзувлар учун қаламдан фойдаланиш тақиқланади. Дастлабки ҳужжатлар ва регистрларда бўш қолган қаторлар албатта чизиқ билан ёпилади. Уларда таъкидланмаган тузатишлар бўлишига йўл қўйилмайди. Тузатилган хатолар ҳужжатни тузган шахслар имзоси билан тасдиқланиб, тузатиш санаси кўрсатилиши керак. Пул ҳужжатларида ҳеч қандай, ҳатто таъкидланган тузатишларга йўл қўйилмайди.

Кўпгина дастлабки ҳужжатлар тасдиқланган намунавий шакллар бўйича тузилади. Агар ҳужжат бўйича намунавий шакл кўзда тутилмаган бўлса, унда қуйидаги мажбурий реквизитлар бўлиши керак:

- ҳужжатнинг номи ва рақами;

- корхонанинг номи;
- ҳужжатни тузиш санаси ва унинг тузилган манзили;
- хўжалик операциясининг мазмуни;
- ҳисоб ўлчовлари (миқдор, сумма);
- хўжалик операцияларини содир этиш ва ҳужжатни расмийлаштириш учун масъул шахсларнинг имзолари. Имзолар тушунарли бўлиши керак.

Санаб ўтилган реквизитлар ҳар бир бухгалтерия ҳужжатида бўлиши керак, қолган ахборот эса ҳужжатлаштирилаётган операцияларнинг хусусияти билан белгиланади.

Компьютер техникасидан фойдаланиш реквизитлар миқдорини камайтириш, уларга ишлов бериш ва уларни тўлдириш тезкорлигини ошириш имконини беради.

Белгиланган талабларни бузган ҳолда тузилган ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайди ва содир этилган операцияларнинг тўғрилиги ҳамда қонунийлигининг исботи бўла олмайди.

Бухгалтерия ҳужжатлари ҳар доим ҳаракатда бўлади. Тузилганидан кейин улар бухгалтерияга келиб тушади ва сўнгра бошқа идораларга юборилади. Тўлдириш ёки олиниш пайтидан бошлаб ижронинг якунланиши ва архивга топширилишига қадар ҳужжатларнинг ҳаракати ҳужжатлар **айланмаси** деб аталади.

Корхона бухгалтерия ҳисобидаги ҳужжатларнинг ҳаракати (тайёрлаш ёки бошқа корхоналардан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлов бериш, архивга топшириш) жадвал билан тартибга солинади. Ҳужжатлар айланишини тайёрлаш ишларини ташкил этиш корхона раҳбари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ у томонидан белгиланган шахс амалга оширади. Ҳужжатлар айланиш жадвали корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Жадвал корхонада энг мувофиқ ҳужжатлар айланишини, яъни ҳар бир ҳужжат ижро этилиши юзасидан энг мувофиқ бўлган ижрочилар сонини, бўлинмада энг кам муддатда ижро этилиш муддатини кўзда тутиши лозим. Ҳужжатлар айланиш жадвали корхонада барча ҳисоб ишини яхшилашга, бухгалтерия ҳисобининг назорат вазифасини кучайтиришга йўналиши лозим. Ҳужжатлар айланиш жадвали корхонанинг ҳар бир бўлинмаси ёки ижрочилари томонидан ҳужжатларни яратиш, текшириш ва уларга ишлов бериш юзасидан, ҳар бир ижрочи, уларнинг ўзаро

мажбуриятлари ва ижро этиш муддатларини белгилаган ҳолда, бажариладиган ишларга оид чизма ёки ишлар рўйхати кўринишида расмийлаштирилади. Бажариладиган ишлар рўйхати сифатида қуйида ҳужжатлар айланишининг намунавий жадвали келтирилган.

№	Ҳужжатни тайёрлаш					Ҳужжатни текшириш				Ҳужжатларга ишлов бериш		Архивга бериш	
	Сони	Тайёрлаш учун масъул	Расмийлаштириш учун масъул	Ижро учун масъул	Ижро муддати	Текширишга масъул	Ким тайёрлаган	Тақдим этиш тартиби	Тақдим этиш муддати	Ижрочи	Ижро муддати	Ижрочи	Ижро муддати
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
2	2	Цех	МТТБ бухгалтерия	Омбор	Ҳар куни соат ——— гача	Бухгалтерия	1 нусха цех; 1 нусха бух.	Ҳисобот даврида, реестр даврида	Ҳар куни соат ——— гача	Бухгалтерия	Ҳар куни	Бухгалтерия	Чорак якунланганда

Корхона бўйича ҳужжатлар айланишининг намунавий жадвали

Корхона ходимлари ҳужжатлар айланиш жадвалига мувофиқ ўзларининг хизмат доирасига тааллуқли бўлган ҳужжатларни тайёрлайдилар ва тақдим этадилар. Бунинг учун ҳар бир ижрочига жадвалдан тегишли кўчирма тақдим этилади. Кўчирмада ижрочи бажариши лозим бўлган ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддати ва кўрсатилган ҳужжатлар корхонанинг қайси бўлинмасига тақдим этилиши қайд этилади. Ҳужжатлар айланиш жадвалига риоя қилиш, шунингдек ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлигига ушбу ҳужжатларни тайёрлаган ва имзо чеккан шахслар масъул ҳисобланади. Ҳужжатлар айланиши бўйича жадвалга ижрочилар томонидан риоя қилиниши юзасидан назоратни корхона раҳбари ёки амалдаги қонунчиликка мувофиқ тайинланган шахс олиб боради.

Ҳужжатлар айланмасининг умумий босқичлари қуйидагилардан иборат: ёзиш; ҳужжатни текшириш ва қабул қилиш; ишлов бериш; сақлаш. Бутун мазкур жараён ҳужжатлар айланмасини имкони борича соддалаштириш ва қисқартиришни таъминлаш мақсадига хизмат қилиши керак.

Ҳужжатлардан иккинчи маротаба фойдаланиш йўли билан суиистеъмолликлар қилишнинг олдини олиш мақсадида уларнинг баъзи бирлари тасдиқланади. Бу нарса "Олинди", "Тўланди", "Берилди" ва шунга ўхшаш махсус тамғани босиш билан расмийлаштирилади.

Бухгалтерияга келиб тушган ҳужжатлар моҳияти, шакли ва арифметик ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги бўйича текширилади, баҳоланади ва муайян тартибда гуруҳланади.

Моҳият бўйича текширув ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хўжалик операцияларининг амалдаги қонунчиликка, қоидалар, меъёрлар, сметаларга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Масалан, бўнак ҳисоботларида ҳисоб-китоб тартибини ва кунлик, тураржой, йўл ҳаракатлари миқдори ва ҳоказоларни текшириш зарур.

Ҳужжатларни шакл бўйича текширув барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганини белгилашни, имзоларни, матн ва рақамлар аниқ бўлишини белгилаш мақсадини кўзлайди.

Ҳисоб-китоблар умумий якунлар чиқаришнинг тўғрилигини текшириш *арифметик* текширув дейилади.

Баҳолаш – ҳужжатларда кайд этилган хўжалик операцияларининг пулдаги баҳосини белгилашдир.

Сўнгра аломатлари бўйича бир турдаги ҳужжатлар гуруҳларга ажратилади, гуруҳлар бўйича якунлар жамғариш қайдномаларига ёзилади.

Ишлов бериш операциялар бўйича ҳисобварақлар корреспонденциясини белгилаш билан тугалланади. Ҳисобварақлар корреспонденцияси одатда ҳужжатларнинг ўзига қўйилади ёки алоҳида расмийлаштирилади.

Узил-кесил бухгалтерия ишловидан кейин барча ҳужжатлар тикилади ва сақлаш учун жорий архивга топширилади, бу ерда уларнинг бут сақланиши таъминланади.

Корхоналарнинг дастлабки ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини улар учун белгиланган сақлаш муддатлари мобайнида корхона бухгалтериясида сақланади, шундан сўнг улар йўқ қилиниши ёки марказий архивга топширилиши керак. Ҳужжатлар ва бухгалтерия ҳисоботларини сақлаш муддатлари "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланади.

6.2. Инвентарлаш, унинг турлари ва ўтказиш тартиби

Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари корхона мол-мулки ва унинг манбаларининг ҳолати ҳамда ҳаракати тўғрисида аниқ ахборот бериши керак. Ҳужжатларнинг маълумотлари ҳақиқатда мавжудлик маълумотлари билан мос тушиши керак. Бироқ, баъзи ҳолларда муайян сабабларга кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларнинг ҳақиқатдаги маълумотлардан тафовути юз беради. Бу ҳол сақлаш чоғидаги табиий камайиш (сочилиш, буғланиб кетиш, қуриб камайиш, тўкилиш ва ҳоказо) натижасида, ҳужжатлардаги хатолар туфайли, қайта навларга ажратиш ёки нотўғри тортиш, суиистеъмолликлар ва ўғирликлар натижасида юз бериши мумкин.

Инвентарлаш деб ҳақиқатда мавжуд бўлган мол-мулк ва молиявий мажбуриятларни уларни муайян санадаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш йўли билан аниқлаштиришга айтилади.

Инвентарлаш мақсадлари, уни ўтказиш қоидалари, фарқларни тартибга солиш ва инвентарлаш натижаларини расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда тасдиқланган "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" деб номланган 19-сон БҲМС билан тартибга солинган.

Инвентарлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади: ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни аниқлаш; ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш; ҳисобда мажбуриятлар тўлиқ акс эттирилишини текшириш.

Қуйидаги ҳолларда инвентарлашни ўтказиш шарт:

- мол-мулк ижарага топширилаётганида, сотиб олинаётганида, сотилаётганида, давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилишида;
- асосий воситалар ва товар-моддий бойликлар қайта баҳоланаётганида;
- моддий жавобгар шахслар алмашганида;
- ўғирлик ва суиистеъмол қилиш, шунингдек қимматликларни шикастлаш ҳолатлари аниқланганда;
- табиий офатлар, ёнғин, ҳалокатлар юз берганда ёки ғайриоддий вазиятлар юзага келтирган бошқа фавқулодда вазиятларда;

- хўжалик юритувчи субъект тугатилаётганда (қайта тузилаётганда);

- йиллик молиявий ҳисобот тузиш олдидан.

Товар-моддий бойликлар бир йилда камида бир маротаба, асосий воситалар икки йилда камида бир маротаба, кутубхона фондлари беш йилда камида бир маротаба, пул маблағлари ва пул ҳужжатлари, қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир маротаба, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар чоракда инвентарланади.

Инвентарлашни ўтказиш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан инвентарлаш комиссияси ташкил этилади, унинг таркибига бош (катта) бухгалтер киради. Комиссияга корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари бошчилик қилади. Раҳбарнинг буйруғи билан инвентарлашни ўтказиш муддатлари, объектлари ва тартиби белгиланади. Инвентарлашни ўтказишдан олдин тайёргарлик иши олиб борилади. Инвентарлашни бошлаш олдидан барча дастлабки ҳужжатларга ишлов бериш тугалланади. Барча товар-моддий бойликлар номлари, нав ва ҳажмларига кўра жойлаштирилиши керак. Инвентарлаш бошланишидан олдин комиссия моддий жавобгар шахслардан барча ҳужжатлар бухгалтерияга ёки комиссияга топширилганлиги ва уларнинг жавобгарлигига келиб тушган барча бойликлар кирим қилинганлиги, ишлатилганлари эса чиқимга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилганлиги хусусидаги тилхатни олади.

Инвентарлаш бойликлар жойлашган ерда ўтказилади, унда моддий жавобгар шахсларнинг иштирок этиши шарт. Инвентарлаш вақтида операциялар тўхтатиб қўйилади.

Бойликларнинг мавжудлиги инвентарлаш пайтида уларни албатта санаш, тарозида тортиш ва ўлчаш йўли билан белгиланади. Моддий бойликлар кўп миқдорда бўлган ҳолларда уларни танлаб текширишга рухсат берилади. Устма-уст қўйиб қалаштириб сақланаётган бойликлар техник ҳисоб-китоб йўли билан ҳисобланади.

Аниқланган ва ҳисоблаб чиқилган бойликлар махсус инвентарлаш рўйхатларида батафсил қайд этилади. Рўйхатларга комиссиянинг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар имзо чекадилар. Рўйхат охирида моддий жавобгар шахслар комиссия бойликларни уларнинг бевосита иштирокида текширганлигини, комиссия аъзоларига нисбатан бирор-бир даъ-

ларнинг йўқлиги ва рўйхатда санаб ўтилган бойликларнинг масъулиятли сақлашга қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган тилхат берадилар.

Бухгалтерияда инвентарлаш рўйхатларининг маълумотлари ҳисобда кўрсатилган қолдиқлар билан солиштирилади ва тафовутлари (ортиқча ёки камомад) аниқланган бойликлар бўйича солиштириш қайдномаларини тузадилар. Солиштириш қайдномаларини комиссия ва моддий жавобгар шахслар имзолайдилар.

Инвентарлаш тугаганидан сўнг унинг тўғри ўтказилганлигини назорат тарзида текшириш амалга оширилиши мумкин. Бундай текширувлар натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва махсус дафтарда қайд этилади.

Инвентарлаш тўғрисидаги буйруқ, инвентарлаш рўйхати, солиштириш қайдномаси, инвентарлаш далолатномалари ва назорат текширувларини ҳисобга олиш дафтарларининг намунавий шакллари 19-сон БҲМСга иловаларда келтирилади.

Инвентарлаш натижасида аниқланган камомад ва ортиқча чиқишлар 2004 йилда ЎзР АВ томонидан 1334-сон билан рўйхатга олинган «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ тартибга солинади.

Ушбу Низомга асосан инвентарлаш натижасида моддий жавобгар шахс айби билан ҳосил бўлган ва аниқланган мол-мулк камомади бозор нархида айбдорлардан ундирилиши шарт. Мол-мулкни хақиқий ва бозор нархлари орасидаги фарқ корхона фойдасига ўтказилиб солиққа тортиш базасини оширади.

Инвентарлаш ва бошқа текширувлар пайтида аниқланган ҳақиқатда мавжуд бойликларнинг бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан тафовутлари қуйидаги тартибда йўлга солинади:

- ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа мол-мулк кирим қилиниши ҳамда тегишлича корхонанинг молиявий натижаларига ҳисобланиши, ундан кейин ортиқчаликнинг пайдо бўлиш сабаблари ва айбдор шахслар белгиланиши керак;

- белгиланган меъёрлар доирасида бойликларнинг камайиши раҳбарнинг фармойишига кўра ишлаб чиқариш ёки муомала чиқимларига қўшилиб ҳисобдан чиқарилади;

- камайиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади,

шунингдек бойликлар шикастланишидан кўрилган талафотлар айбдор шахслар зиммасига юкланади;

- аниқ айбдорлари аниқланмаган камайиш меъёрларидан ортиқча бойликлар камомади ҳамда бойликлар шикастланишидан кўрилган талафотлар, бундай камомад ва талафотларнинг олдини олишга доир кўрилган чора-тадбирларни кўрсатиб, ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Инвентарлаш натижалари инвентарлаш тугалланган ойнинг ҳисоб ва ҳисоботида, йиллик инвентарлаш бўйича эса – йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилиши керак.

Инвентарлаш натижаларининг маълумотлари инвентарлашда аниқланган натижалар қайдномасида акс эттирилади (19-сон БҲМС 5-илова).

6.3. Ҳисоб регистрлари. Ҳисоб регистрларида хатоларни тузатиш усуллари

Ҳисоб регистрлари – ҳисоб ахборотини қайд этиш учун мўлжалланган махсус шаклдаги жадваллардир. Уларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ва бухгалтерия ҳисоботида акс эттириш учун дастлабки ҳужжатлардаги ахборот тизимлаштирилади ва тўпланади. Компьютер техникасидан фойдаланганда тизимлаштириш компьютерда амалга оширилади ва унинг хотирасига киритилади. Заруриятга караб ушбу маълумотлар қогозга чиқарилади.

Ҳисоб регистрларидаги ёзувлардан корхонанинг хўжалик фаолиятини назорат қилиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, кейинги иқтисодий таҳлил ва бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида тавсиялар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Ҳисоб регистрларида ҳужжатнинг рақами ва операциянинг қисқача мазмуни кўрсатилади, дастлабки ҳужжатнинг ўзи эса одатда ҳисоб регистрига тикиб қўйилади, бу эса унинг бут сақланишига имкон беради.

Ҳисоб регистрларининг маълумотлари бўйича бухгалтерия ҳисоботи, шу жумладан баланс ва ҳисобот калькуляциялари тузилади. Агар у ҳисобот регистрларидан келиб чиқса ва дастлабки тасдиқловчи ҳужжатларига асосланса, ана шундагина ҳисобот ишончли деб ҳисобланади.

Ҳисоб регистрлари ҳисоб ёзувларининг хусусияти, маз-

мун ҳажми, тузилиш шакли ва ташқи кўриниши бўйича ажратилади *(6-чизма)*.



6-чизма. Ҳисоб регистрлари таснифи

Ҳисоб ёзувларининг хусусиятига кўра ҳисоб регистрлари хронологик (рўйхатга олиш журналлари) ва мунтазам (омбор ҳисоби варақчалари, касса дафтари ва ҳоказо) турларга бўлинади.

Хронологик ёзув – хўжалик операцияларининг содир этилиши изчиллигида, кўпинча ҳужжатларнинг бухгалтерияга келиб тушиш тартиби бўйича хронологик тартибда ёзишдир. Улар ҳисобининг тўлиқлигини текшириш, ой учун умумий жиланма ва ҳужжатларнинг бут сақланишини аниқлаш учун назорат аҳамиятига эга.

Мунтазам регистрлар хўжалик операцияларини муайян тизимда (гуруҳда) рўйхатга олиш учун мўлжалланган. Масалан, Бош дафтарда ҳисобварақлар корреспонденцияси кўрсатилган ҳолда бирга жамлама ҳисобварақлар келтирилган.

Мазмун ҳажми бўйича регистрлар жамлама ва таҳлилий турларга бўлинади.

Жамлама ҳисоб регистрлари хўжалик операцияларини умумлаштирилган кўринишда ва фақат пул ифодасида ёзиш учун

мустақкамланган (тушунтириш матнисиз, фақат сана, рақам ва бухгалтерия ўтказмасининг суммасини кўрсатиб).

Таҳлилий ҳисоб регистрлари айрим таҳлилий ҳисобварақлар бўйича бир турдаги операцияларни ҳам қўлда, ҳам табиий ифодалаш учун ишлатилади. Таҳлилий регистрлардаги ёзувлар анча батафсил, бу ерда операциянинг қисқача мазмуни келтирилади.

Тузилиш шакли бўйича бир томонлама, икки томонлама ва шахматсимон регистрлар мавжуд.

Бир томонлама регистрлар — моддий бойликлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа операцияларни ҳисобга олиш учун турли варақчалардир. Уларда дебет ва кредит ёзувларининг алоҳида устунлари бирлаштирилган. Улар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Сана	Операция рақами	Ёзув мазмуни	Кирим, сўм	Чиқим, сўм	Қолдиқ, сўм

Регистрнинг икки томонлама шаклда ёзувлар алоҳида — чапда қандайдир маблағларни кирими, ўнгида — чиқими бўйича амалга оширилади. Ёзувларни бундай ажратиш, бир томондан, айланмани кирим бўйича ҳам, чиқим бўйича ҳам ҳисоблаш мумкинлиги сабабли қулайдир, лекин бошқа томондан, чиқим бўйича ёзувлар кирим бўйичагидек кўпроқ бўлиши мумкин. Икки томонлама регистр қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Кирим				**Чиқим**			
Сана	Операция т.р.	Ёзув мазмуни	Сумма, сўм	Сана	Операция т.р.	Ёзув мазмуни	Сумма, сўм

Регистрнинг шахматсимон шаклида горизонтал бўйича дебетланадиган ҳисобварақлар, вертикал бўйича эса — кредитланадиган ҳисобварақлар жойлашади. Регистрнинг шахматсимон шакли қуйидаги кўринишга эга булади:

Ҳисобварақлар дебети	Ҳисобварақлар кредити					
	1010	2010	2810	5110	6010	ва ҳ.к
1010					12 000	
2010	80 000					
2810		150 000				
5110						
ва ҳ.к						

Ташқи кўриниши бўйича ҳисоб регистрлари варақчалар, дафтарлар, қайдномалар, машинаграммалар ва ҳоказоларга таснифланади.

Варақчалар қоғоз ёки юпқа картондан тайёрланади, алоҳида қутилар — картотекаларда сақланади ва гуруҳлар ёки кичик гуруҳларга бўлинади.

Дафтарлар махсус устунчаларга ажратилган, тикилган ва рақамланган қоғоз варақларидан иборат. Дафтарларнинг барча саҳифалари олдиндан рақамланади, дафтар тикилади, дафтарнинг охирида саҳифалар миқдори кўрсатилади ҳамда бош бухгалтер ва раҳбарнинг имзолари қўйилади.

Қайдномалар (йиғма варақлар) алоҳида варақлар ёки бирга тиркалган бир нечта варақдан иборат бўлиб, улар жилдларда сақланади.

Машинограммалар — компьютер техникасида қоғозга кўчириладиган ҳисоб регистрларидир.

Баъзан ҳисоб регистрларини тўлдириш пайтида якунларни нотўғри ҳисоблаш, рақамларни нотўғри ёзиш туфайли хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Ушбу хатоларни тузатиш зарур. Хатоларни тузатишнинг бир нечта усули мавжуд.

Агар хато регистрда умумий якун чиқарилишига қадар аниқланса, бундай ҳолда *корректура усули* қўлланилади. Хато ёзув нотўғри ёзувни ўқиш мумкин бўладиган бир чизиқ билан чизилади ва устига тўғри сумма ёзилади. Хатони тузатиш изоҳ қилиш ва ҳужжатда — уни тасдиқлаган шахсларнинг имзолари билан; ҳисоб регистрларида — тузатишни амалга оширган шахснинг имзоси билан тасдиқланиши керак. Изоҳ ҳисоб регистрининг ҳошияларида тузатилган ёзув сатрининг қаршисига қайд этилади.

Қўшимча ёзув усули ҳисобварақлар корреспонденцияси бузилмаган, лекин ёзув кераклигидан кам суммада қилинган тақдирда қўлланилади. Бундай ҳолда тўғри ва нотўғри суммалар ўртасидаги фарққа ўша корреспонденцияда қўшимча ёзув тузилади.

Мисол. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун омбордан 55 минг сўмлик материаллар сарфланган, ҳисобда нотўғри сумма — 50 минг сўм акс эттирилган. Тасдиқловчи ҳужжат сифатида йўл қўйилган хато тўғрисида маълумотнома тузилади, унинг асосида қўшимча равишда оддий сиёҳ билан 5 минг сўм сум-

масига ёзув қайд этилади. Ҳисобварақларда бу қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Д-т	2010 "Асосий ишлаб чиқариш"	К-т
1) хато		
50 000		
2) қўшимча ёзув		
5 000		
жами тўғриси		
55 000		

Д-т	1010 "Хомашё ва материалар"	К-т
Қолдиқ	1) хато	
55 000	50 000	
	2) қўшимча ёзув	
	5 000	
	жами тўғриси	
	55 000	

"Қизил сторно" (манфий ёзув) усули нотўғри ҳисобварақлар корреспонденциясини тузатиш пайтида ёки тўғри сумма хато суммадан кам бўлганда қўлланилади. Нотўғри корреспонденция қўлланилганда хатони тузатиш учун ҳисобварақларда иккита корреспонденция қилинади. Бир ўтказма айнан нотўғри ўтказмани такрорлайди, лекин қизил сиёҳ билан ёзилади, бу эса чегиришни англатади. Агар қизил сиёҳ бўлмаса, сумма рамка билан ўралади. Умумий суммани чиқариш пайтида қизил сиёҳ билан ёзилган сумма умумий якундан чегирилади. Натижада хато ёзув умумий якундан ўчирилади. Тўғри ёзув оддий сиёҳ билан ёзилади ва кейин умумий якунга киритилади.

Мисол. Корхонада асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 25 минг сўмлик материаллар берилган дейлик. У ўтказмада нотўғри кўрсатилган:

Д-т 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" – 25 000 сўм.

К-т 1010 "Материаллар" – 25 000 сўм.

Қуйидаги ўтказмани бериш зарур эди:

Д-т 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" – 25 000 сўм.

К-т 1010 "Хомашё ва материаллар" – 25 000 сўм.

Тузатиш учун биринчи ўтказма қизил сиёҳ билан ёзилади (шартли равишда рамка билан ўралган).

Д-т 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" – 25 000 сўм

К-т 1010 "Хомашё ва материаллар" – 25 000 сўм

Сўнгра тўғри ўтказма тузилади:

Д-т 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" – 25 000 сўм.

К-т 1010 "Хомашё ва материаллар" – 25 000 сўм

Ҳисобварақларда бу ҳол қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Д-т 2310(А) К-т	Д-т 1010(А) К-т	Д-т 2010(А) К-т
1) 25 000 сўм хато ёзув 2) 25 000 сўм тузатиш	1) 25 000 сўм 2) 25 000 сўм 3) 25 000 сўм	3) 25 000 сўм тузатилган

Хато сумма тўғри суммадан катта бўлган ҳолда ҳам "қизил сторно" усули қўлланилади.

Мисол. Маҳсулот етказиб берувчилардан 100 минг сўмлик товарлар олинди, ҳисобда 120 минг сўм суммаси акс эттирилди. Мазкур ҳолда 20 минг сўмлик фарқни сторнолаш зарур.

Д-т 1010 "Хомашё ва материаллар" – 120 000 сўм.

К-т 6010 "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" – 120 000 сўм.

Сторнолаш ёзуви:

Д-т 1010 "Хомашё ва материаллар" –20 000 сўм.

К-т 6010 "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" –20 000 сўм.

Д-т 1010 К-т	Д-т 6010 К-т
Қолдиқ 500 000 сўм 1) 120 000 сўм нотўғри сумма 2) 20 000 сўм сторнолаш	1) 120 000 сўм нотўғри сумма 2) 20 000 сўм сторнолаш

Агар корхонанинг жорий йил учун ҳисоботида инвентаризация пайтида ёки бошқа ҳолларда ҳисобот маълумотларини бузишга йўл қўйилганида ушбу маълумотларни тузатиш бузилиш йўл қўйилган давр (ой, чорак, йил) учун ҳисоботларда, шунингдек кейинги барча ҳисоботларда ўсиб борувчи якуний маълумотларда амалга оширилади.

6.4. Бухгалтерия ҳисоби шакллари

Бухгалтерия ҳисоби шакли – ўзаро боғланган ҳисоб регистрлари тизими ва уларда шаклланган бухгалтерия ҳисоби объектларини акс эттириш тартибидир. Бухгалтерия ҳисоби шаклини жамлама ва таҳлилий ҳисоб регистрларининг таркиби ва ўзаро алоқаси, регистр ташқи кўриниши ва тузили-

ши шакли, уларда хўжалик операцияларини қайд этишдаги изчиллик ва унинг усуллари тавсифлайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг қуйидаги шакллари қўлланилади: *соддалаштирилган; мемориал-ордер; журнал-ордер; автоматизациялашган.*

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 16-моддасига кўра кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган шаклда юритишлари мумкин. Кичик тадбиркорлик субъектлари учун ҳисоб юритиш ва ҳисоботни тузиш тартиби 1999 йил 23 ноябрда ЎзР Молия вазирлиги томонидан 87-сон билан тасдиқланган "Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобни соддалаштирган ҳолда юритиш ва ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида"ги 20-сон БҲМСда тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидаги мезонлар бўйича бўлинади:

1. Мулкчилик шаклларидан қатъий назар ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ўртача йиллик ходимлари сони ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишидан кўп бўлмаган; савдо, хизматлар кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 10 кишидан кўп бўлмаган микрофирмалар.

2. Мулкчилик шаклларидан қатъий назар қуйидаги соҳаларда кичик корхоналарда:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металларга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочга ишлов бериш, мебел саноати ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноатида банд бўлган ўртача йиллик ходимлари сони 100 кишидан кўп бўлмаган;

- машиносозлик, металлургия, ёқилғи-қувват ва кимё саноатлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш саноат жабҳасида банд бўлган ўртача йиллик ходимлари сони 50 кишидан кўп бўлмаган;

- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва жамоат овқатланиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ўртача йиллик ходимлари сони 25 кишидан кўп бўлмаган.

Барча хўжалик операциялари дастлабки ҳужжатлар асосида хўжалик операциялари регистрида қуйидаги шакл бўйича рўйхатга олинади:

Хўжалик операциялари реестри

Тр	Сана	Дастлабки ҳужжат номи ва рақами	Операция мазмуни	Сумма	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
					дебет	кредит

Реестр маълумотларига кўра кейин Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш дафтари тўлдирилади, у тикилиши, рақамланиши ва раҳбар ҳамда бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланиши керак.

Дафтар ҳисобот давринг бошида ҳар бир ҳисобот даври бўйича алоҳида қолдиқлар суммалари ёзувлари билан очилади. "Операция мазмуни" деб номланган 4-устунда ой ва операция мазмуни ҳар бир ҳужжатнинг келиб тушишига қараб хронологик изчилликда қайд этилади. Бунда Дафтарда "Назорат суммаси" ўстунида рўйхатга олинган ҳар бир операция бўйича суммалар икки ёклама ёзув усули билан ва айни вақтда мол-мулк ва унинг манбалари тегишли турларининг "Дебет" ва "Кредит" устунлари буйича акс эттирилади.

Барча ҳисобварақлар дебет айланмаларининг умумий якуни "Назорат суммаси" якуни бўйича кредит айланмаларининг умумий якунига тенг бўлиши керак (операцияларни рўйхатга олиш дафтарининг шакли 4-жадвалда келтирилган).

Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишлар жараёни анча мураккаб бўлган кичик корхоналар ҳисобнинг қайднома шаклини қўллашлари мумкин. Бунда дастлабки ҳужжатлардан ёки хўжалик операциялари реестридан олинган маълумотлар шакллари 20-сон БҲМСга иловаларда келтирилган тегишли объектларни ҳисобга олиш қайдномаларида қайд этилади:

- молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш кайдномалари (В-1);
- пул маблағларини ҳисобга олиш қайдномалари (В-2);
- маҳсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш кайдномалари (В-3);
- ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномалари (В-4);

- товар -моддий захираларни ҳисобга олиш қайдномалари (В-5);
- меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисобга олиш қайдномалари (В-6);
- ҳисобот даври харажатларини ҳисобга олиш қайдномалари (В-7);
- асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олиш қайдномалари (В-8);
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномалари (В-9);
- йиғма қайднома (В-10);
- соф даромад ҳисоб-китоби (В-11).

Ҳар бир хўжалик операцияси иккита қайдномада ёзилади: бирида – ҳисобварақ дебети бўйича, бошқасида – ҳисобварақ кредити бўйича. Бу қайдномаларда таҳлилий ҳисоб ҳам юритилади.

4-жадвал

Хўжалик операцияларини ҳисобга олиш дафтари

Т.р.	Сана	Ҳужжатнинг номи ва рақами	Операция мазмуни	Назорат суммаси	Машина ва ускуналар (0130)		Машина ва ускуналар эскириши (0230)		Хомашё ва материаллар (1010)		Касса (5010)		Ҳисоб-китоб варағи (5110)		Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар (6010)		Харидор ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар (4010)		Бюджетга тўланадиган қарзлар (6410)		ва ҳ.к.
					д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т	

Мемориал-ордер шакли дастлабки ҳужжатлар маълумотларини мемориал ордерларда акс эттиришга асосланган.

Касса операциялари ҳисоби бўйича
2004 йил март учун мемориал ордер

Ёзув учун асос	Ҳисобварақ дебети бўйича	Ҳисобварақ кредити бўйича	Сумма

Мемориал ордерлар операциялар якунланишига қараб бевосита дастлабки ҳужжатлар асосида ёки улар олдиндан гу-

рўйхатга олиш журнали

Мемориал ордерларнинг тартиб рақамлари	Ордер санаси	Сумма

Кейин мемориал ордерлар маълумотлари Бош дафтарга ёзилади, у қуйидаги мазмундаги икки томонлама ёйиқ жадвал шаклига эга бўлади:

Бош дафтар

Дебет 5010 "Касса" ҳисобварағи Кредит

Сана	Мемориал ордер рақами	Ҳисобварақлар кредити				Дебет бўйича жами	Сана	Мемориал ордер рақами	Ҳисобварақлар дебети				Кредит бўйича жами
		9010	5110	6520	6990 ва бошқ.				5110	6710	4220	6990 ва бошқ.	

Бош дафтар бўйича айланмалар рўйхатга олиш журналидаги барча мемориал ордерларнинг якуний суммаси билан таққосланади. Сўнгра Бош дафтардаги алоҳида жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма кейинги шаклнинг айланма қайдномаси бўйича жойланади.

Ҳисобварақ номи	Бошланғич қолдиқ (Сб)		Ой учун айланмалар (А)		Якуний қолдиқ (Ся)	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит

Айланма қайдномаси асосида баланс тузилади.

Журнал-ордер шакли кредит аломати бўйича тузиладиган журнал-ордерлардаги маълумотларни жамғариш тамойилига асосланган, яъни журнал-ордерда ой учун бирор-бир ҳисобварақ ёки ҳисобварақлар гуруҳининг кредити бўйича барча операциялар жамғарилади. Мисол тариқасида "Касса" деб номланган 1-сон журнал-ордер шаклини келтирамиз.

Сатр рақами	Сана	Ҳисобварақлар дебетига						Кредит бўйича жами
		5110	5510	5710	4220	6990	ва ҳ.к.	

Журнал-ордер шакли учун рўйхатга олишнинг шахматсимон ёзуви хосдир. Баъзи журнал-ордерларда жамлама ҳисоб таҳлилий ҳисоб билан қўшиб юритилади (6-сон журнал-ордер, 7-сон журнал-ордер).

Журнал-ордер шаклида Бош дафтар ҳисобварақлари ёйиқ тарзда ҳисобварақ дебети бўйича айланмаларни ва умумий сумма билан ҳисобварақ кредити бўйича айланмани акс эттиради, чунки кредит айланмаларнинг батафсил ёритилиши журнал-ордернинг ўзидаёқ берилган.

Бош дафтар журнал-ордер шаклида қуйидаги кўринишда бўлади:

Ой	Дебет бўйича айланмалар				Дебет бўйича жами	Кредит бўйича айланмалар	Сальдо	
	- сон ҳисобварақ кредитидан	- сон ҳисобварақ кредитидан	- сон ҳисобварақ кредитидан	ва ҳ.к.			дебет	кредит

Бош дафтар ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа регистрлари асосида баланс тузилади. Жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномаси тузилмайди.

Хўжалик амалиётида электрон-ҳисоблаш машиналари ва компьютер техникасидан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобининг янги шакли — автоматизациялашган шаклнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу эса ҳисоб ахборотига ишлов бериш ва ҳисобот тузиш жараёнини кўп маротаба жадаллаштирди. ЭҲМ катта ҳажмдаги ахборотни хотирада сақлашга қодир, бу эса қоғоз ишлатиш харажатларини қисқартириш имконини беради.

Автоматизациялашган шаклда хўжалик операциялари тўғрисидаги ахборот иш жойларида жойлашган периферия курилмаларидан келиб тушади ёки одатдаги ҳужжатлар ва ҳисоб бланкларида қайд этилади. Йиғилган ахборот компьютерга ўтказилади, бу ерда у ишланади ва умумлаштирилади. Ишлов бериш хусусияти дастурий таъминотга боғлиқ, у ана шу жараённи бошқаради ва унинг тўғрилигини автоматик равишда текширади. Ишлов берилган маълумотларни ЭҲМ ҳисоб учун талаб қилинадиган у ёки бу машинограммалар кўринишида беради.

Ҳисоб юритишнинг автоматизациялашган шаклини қўллаш бухгалтерия ходимларининг анча кам миқдори билан анча қисқа муддатларда зарур ахборот олиш имконини беради.

6.5. “Балансдан балансгача” ҳисоб цикли

Ҳисоб цикли — бухгалтерия ҳисоботини тузишга олиб келинган изчил қадамлар туркумидир. Ушбу цикл ҳар бир ҳисобот даврида такрорланади. Ҳисоб циклини қуйидаги қадамларга бўлиш мумкин:

1-қадам. Хўжалик операцияси ҳолатини белгилаш, дастлабки ҳужжатларни йиғиш ва уларга ишлов бериш.

2-қадам. Хўжалик операцияларини ҳисоб регистрларида рўйхатдан ўтказиш ва уларда бухгалтерия ўтказмаларини тузиш.

3-қадам. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини очиш.

4-қадам. Хўжалик операцияларини Бош дафтар ҳисобварақлари бўйича жойлаштириш.

5-қадам. Ҳисобварақлар бўйича айланмаларни санаш ва ҳисобот даври охирида қолдиқ чиқариш.

6-қадам. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш.

“Балансдан балансгача” ҳисоб циклини тавсифлайдиган шартли мисол келтирамиз. Тушунтириш қулай бўлиши учун корхонада бухгалтерия ҳисоби мемориал-ордер шаклида юритилади деб фараз қиламиз.

Корхонада 01.01.2004 йилдаги ҳолат бўйича мол-мулк ва унинг манбаларининг қуйидаги турлари мавжуд эди.

Ускуналар дастлабки қиймати бўйича 300 минг сўмни, уларнинг эскириши — 90 минг сўмни, материаллар 60 минг сўмни ташкил этган. Омборда 84 минг сўмлик тайёр маҳсулот қолдиқлари мавжуд. Юклаб жўнатилган маҳсулот учун харидорлар қарзи — 70 минг сўм. Олинган материаллар учун етказиб берувчилардан қарз — 102 минг сўм.

Корхонанинг ҳисоб-китоб варагида 246 минг сўм бор, иш ҳақи бўйича қарз — 120 минг сўм, ижтимоий суғурта идораларидан қарз — 36 минг сўм, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари — 36 минг сўм. Корхонанинг устав капитали 290 минг сўм миқдорида шакллантирилган. Банкдан қисқа муддатли ссуда бўйича қарз бор — 72 минг сўм. Корхонанинг фойдаси 86 минг сўмни ташкил этди.

Ана шу маълумотлар асосида кириш балансини (қисқартирилган) тузамиз.

Ҳисоб-варақ т.р.	Актив	Сумма	Ҳисоб-варақ т.р.	Пассив	Сумма
0130	Ускуналар	300 000	8330	Пай ва улушлар	290 000
0230	Ускуналар эскириши	90 000			
	Ускуналар қолдиқ қиймати	210 000	6990	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	72 000
1010	Хомашё ва материаллар	60 000	6010	Мол етказиб берувчига тўланадиган ҳисобварақлар	102 000
2010	Асосий ишлаб чиқариш	36 000	6710	Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар	120 000
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	84 000	6520	Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар	36 000
5110	Ҳисоб-китоб варағи	246 000	8710	Тақсимланмаган фойда	86 000
4010	Олинадиган ҳисобварақлар	70 000			
	Баланс	706 000		Баланс	706 000

2004 йил январида корхонада журналда рўйхатга олинадиган ва уларга бухгалтерия ўтказмалари тузиладиган қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилади.

1-қадам. Хўжалик операциялари ҳолатини белгилаш.

1. Етказиб берувчилардан 30 минг сўмлик материаллар олинди. Ҳали ҳисоб-китоб қилинмаган.

2. Ҳисоб-китоб варағидан иш ҳақи бериш учун кассага пул олинди – 120 минг сўм.

3. Кассадан иш ҳақи берилди – 120 минг сўм.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун омбордан материаллар берилди – 24 минг сўм.

5. Ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи ҳисобланди – 150 минг сўм.

6. Ижтимоий суғурта идораларига иш ҳақидан ажратмалар ҳисобланди – 60 минг сўм.

7. Иш ҳақидан даромад солиғи ушланди – 37,5 минг сўм.

8. Ҳисоб-китоб варағидан маҳсулот етказиб берувчиларга қарзни тўлаш учун 42 минг сўм утказилди.

9. Ҳисоб-китоб варағига харидорлардан 37 минг сўм олинди. Маҳсулот ўтган ойда юклаб жўнатилган.

10. Омборга ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди – 95 минг сўм.

11. Ҳисоб-китоб варағидан банкнинг қисқа муддатли ссудаси қайтарилди – 50 минг сўм.

1. Биринчи операция натижасида омбордаги материаллар қиймати 30 минг сўмга кўпайди, лекин корхонанинг маҳсулот етказиб берувчилардан қарзи ана шу суммага ошди, чун-

ки ҳали улар билан ҳисоб-китоб килинмаган. Бунда 1010 "Хомашё ва материаллар" актив ҳисобварағи иштирок этади, у омборда материаллар мавжудлигини акс эттиради. Омборда мавжудий бойликлар кўпайганлиги муносабати билан 30 минг сўм 1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади. Айни вақтда ушбу операцияда 6010 "Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиғаи ҳисобварақлар" ҳисобварағи иштирок этади. У корхонанинг етказиб берувчилардан қарзини акс эттириши сабабли ушбу ҳисобварақ пассивдир. Пассив ҳисобварақларнинг кўпайиши кредит бўйича акс эттирилади, шунинг учун 30 минг сўм 6010 "Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" ҳисобварағи кредитида акс эттирилади.

2. Иккинчи операция кассада пулнинг кўпайишига ва унинг ҳисоб-китоб варақда камайишига олиб келди. Иккала ҳисобварақ актив. Шунинг учун 120 минг сўмни 5010 "Миллий валютадаги пул маблағи" ҳисобварағи дебетида ва 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи кредитида акс эттириш зарур.

3. Иш ҳақи берилиши кассада пулнинг камайишига ва корхонанинг иш ҳақи бўйича қарзини камайишига олиб келади. Ушбу қарз 6710 "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" пассив ҳисобварағида акс эттирилади. Шунинг учун 6710 "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи 120 минг сўмга дебетланади 5010 "Миллий валютадаги пул маблағи" ҳисобварағи эса ушбу суммага кредитланади.

4. Ушбу операция натижасида омбордаги мавжуд материаллар камаяди, асосий ишлаб чиқариш харажатлари эса кўпаяди. Бунда 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ва 1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобварақлари иштирок этади. Иккала ҳисобварақ актив, шунинг учун 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи, дебетланади, 1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобварағи эса кредитланади.

5. Ушбу операцияда 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ва 6710 "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари иштирок этади. Иш ҳақини ҳисоблашда асосий ишлаб чиқариш харажатлари кўпаяди, лекин айни вақтда корхонанинг ходимлардан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзи кўпаяди. Шунинг учун 150 минг сўмни 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи дебетига ва 6710 "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги кредитига ёзиш зарур.

6. Ҳар бир корхона иш ҳақидан ижтимоий суғурта ва таъминот идораларига мажбурий ажратмаларни амалга ошириши керак. Ушбу ажратмалар харажатларга киритилади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" актив ҳисобварағи ва корхонанинг ижтимоий суғурта идораларидан қарзни ҳисобга оладиган 6520 "Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" пассив ҳисобварағи иштирок этади. Ушбу операция натижасида харажатлар ва ижтимоий суғурта идораларига қарз кўпаяди, шунинг учун 60 минг сўм 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи дебети ва 6520 "Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар" ҳисобварағи кредити бўйича акс эттирилади.

7. Даромад солиғи бюджетга ўтказилиши керак, лекин солиқ ҳозирча фақат ушланганлиги, аммо бюджетга ўтказилмаганлигини эсда тутиш зарур. Бунда икки пассив ҳисобварақ иштирок этади – 6710 "Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар", унда корхонанинг иш ҳақи бўйича ходимлардан қарзи камаяди, чунки солиқ иш ҳақидан ушланган, ва 6410 "Бюджет билан ҳисоб-китоблар", унда корхонанинг бюджетдан қарзи кўпайган. Шунинг учун 6710 ҳисобварақ 37,5 минг сўмга дебетланади ва 6410 ҳисобварақ шу суммага кредитланади.

8. Ушбу операция ҳисоб-китоб варағида пулнинг ва корхонанинг етказиб берувчилардан қарзининг камайишига олиб келади (биринчи операцияда ушбу қарз кўпайди, пул ўтказилиши билан эса камайди). Шунинг учун 42 минг сўмни 6010 ҳисобварақ дебети ва 5110 ҳисобварақ кредити бўйича ёзамиз.

9. Ушбу операция ҳисоб-китоб варағида пулнинг кўпайишига ва харидорларнинг корхонамиздан қарзи камайишига олиб келади. Маҳсулот юклаб жўнатилган ўтган ойда харидорнинг корхонадан қарзи юзага келди, чунки харидор ҳали унинг учун ҳисоб-китоб килгани йўқ. 4010 ҳисобварақ харидорларнинг корхонадан дебиторлик қарзини акс эттиради, шунинг учун у активдир. 37 минг сўмни 5110 ҳисобварақ дебети ва 4010 ҳисобварақ кредити бўйича ёзамиз.

10. Ушбу операция натижасида омбордаги тайёр маҳсулот қиймати кўпаяди, асосий ишлаб чиқариш харажатлари эса камаяди, чунки улар энди тайёр маҳсулотга кўчирилган. Бунда 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот" ва 2010 "Асосий ишлаб

чиқариш" ҳисобварақлари иштирок этади. Иккала ҳисобварақ актив, шунинг учун 95 минг сўм 2810 ҳисобварақ дебети ва 2010 ҳисобварақ кредити бўйича акс эттирилади.

11. Ушбу операцияда 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" актив ҳисобварағи ва 6810 "Банкнинг қисқа муддатли ссудалари" пассив ҳисобварағи иштирок этади. У ҳисоб-китоб варағида шунинг камайишига ва илгари олинган кисқа муддатли ссуда учун корхонанинг банкдан қарзи камайишига олиб келади. Шунинг учун 50 минг сўмни 6810 ҳисобварақ дебети ва 5110 ҳисобварақ кредитига ёзамиз.

Шу тариқа ҳисобот даврида 11 хўжалик операцияси юз берган, уларга доир дастлабки ҳужжатлар йиғилган ва ишлов берилган. Дастлабки ҳужжатлар асосида ушбу хўжалик операцияларининг моҳияти англанган ва улар бўйича бухгалтерия ўтказмалари тузилган. Сўнгра иккинчи қадамни қўямиз, яъни рўйхатга олиш журнали бўлган ҳисоб регистрида ушбу хўжалик операцияларини рўйхатга оламиз. Бухгалтерия ўтказмалари ҳам шу ерда акс эттирилади.

2-қадам. Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш журнали.

Т.р.	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, сўм	Ўтказма	
			дебет	кредит
1	Етказиб берувчилардан материаллар олинди	30 000	1010	6010
2	Ҳисоб-китоб варағидан кассага иш ҳақи бериш учун пул олинди	120 000	5010	5110
3	Кассадан иш ҳақи берилди	120 000	6710	5010
4	Материаллар маҳсулот ишлаб чиқаришга берилди	24 000	2010	1010
5	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи ҳисобланди	150 000	2010	6710
6	Ижтимоий суғурта идораларига ажратма ҳисобланди	60 000	2010	6520
7	Иш ҳақидан даромад солиғи ушланди	37 500	6710	6410
8	Ҳисоб-китоб варағидан мол етказиб берувчиларга ўтказилди	42 000	6010	5110
9	Ҳисоб-китоб варағига харидорлардан олинди	37 000	5110	4010
10	Омборга ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот олинди	95 000	2810	2010
11	Ҳисоб-китоб варағидан банк ссудаси қайтарилди	50 000	6810	5110

3-қадам. Кириш баланси асосида ҳисобварақларни очиш ҳисоб ишининг кейинги босқичидир. Баланс активида жойлашган, ҳисобварақлар бўйича бошланғич қолдиқлар (Сб) ушбу ҳисобварақлар дебети бўйича ёзилади, баланс пассиви-

да жойлашган ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар ҳисобварақлар кредитида акс эттирилади.

Д-т	0130	К-т
01.01 га Сб 300 000		

Д-т	0230	К-т
	01.01 га Сб 90 000	

Д-т	1010	К-т
01.01 га Сб 60 000		

Д-т	2010	К-т
01.01 га Сб 36 000		

Д-т	2810	К-т
01.01 га Сб 84 000		

Д-т	5010	К-т
01.01 га Сб 0		

Д-т	5110	К-т
01.01 га Сб 246 000		

Д-т	4010	К-т
01.01 га Сб 70 000		

Д-т	8330	К-т
	01.01 га Сб 290 000	

Д-т	6810	К-т
	01.01 га Сб 72 000	

Д-т	6010	К-т
	01.01 га Сб 102 000	

Д-т	6710	К-т
	01.01 га Сб 120 000	

Д-т	6520	К-т
	01.01 га Сб 36 000	

Д-т	8710	К-т
	01.01 га Сб 86 000	

4-қадам. Ҳисобварақлар очилганидан кейин уларда рўйхатга олиш журналидаги хўжалик операцияларининг суммалари акс эттирилади, яъни ҳисобварақлар бўйича қайд этилади. Акс эттириш рўйхатга олиш журналидаги хўжалик операцияларини акс эттирадиган изчилликда амалга оширилади. Аввал биринчи хўжалик операция суммасини — 1010 ҳисобварақ дебети ва 6010 ҳисобварақ кредитида 30 минг сўмни, сўнгра иккинчи хўжалик операцияси суммасини — 5010 ҳисобварақ

...ости ва 5110 ҳисобварақ кредитида 120 минг сўмни акс эттирамиз ва ҳоказо.

Ҳисобварақларга барча 11 операция ёзилганидан кейин бешинчи қадамни қўямиз, яъни дебет бўйича айланмалар (Ад) ва кредит бўйича айланмаларни (Ак) ҳисоблашга ҳамда ҳисобот даври якунига сальдо (Ся) чиқаришга киришамиз.

Д-т	1010	К-т
Сб 01.01 га 60 000		
1) 30 000		

Д-т	6010	К-т
	Сб 01.01 га 102 000	
	1) 30 000	

Д-т	5010	К-т
Сб 01.01 га 0		
2) 120 000		

Д-т	5110	К-т
Сб 01.01 га 246 000		
	2) 120 000	

5-қадам. Юқорида айтилганидек, бошланғич сальдо (Сб)ни ҳисобга олмасдан кўпайиш ва камайишларнинг умумий суммаси айланмалар деб аталади. Агар ҳисобварақда кўпайиш ёки камайишлар бўлмаса айланмалар нолга тенг бўлади, агар битта сумма бўлсаю, у ҳам айланмаларга тенг бўлса, икки ёки уч сумма қўшилади. Пировард сальдо (Ся) актив ҳисобварақларга қуйидаги тарзда чиқарилади:

$$Ся = Сб + Ад - Ак$$

Пассив ҳисобварақлар бўйича пировард сальдо куйидагича чиқарилади:

$$Ся = Сб + Ак - Ад$$

Бешинчи қадам қўйилганидан кейин ҳисобварақлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Д-т	0130	К-т
Сб 300 000		
А 0	А 0	
Ся 300 000		

Д-т	0230	К-т
	Сб 90 000	
А 0	А 0	
	Ся 90 000	

Д-т	1010	К-т
Сб 60 000		
1) 30 000	4) 24 000	
А 30 000	А 24 000	
Ся 66 000		

Д-т	2010	К-т
Сб 36 000		
4) 24 000	10) 95 000	
5) 150 000		
6) 60 000		
А 234 000	А 95 000	
Ся 175 000		

Д-т	2810	К-т
Сб 84 000		
10) 95 000		
А 95 000	А 0	
Ся 179 000		

Д-т	5010	К-т
Сб 0		
2) 120 000	3) 120 000	
А 120 000	А 120 000	
Ся 0		

Д-т	5110	К-т
Сб 246 000		
9) 37 000	2) 120 000	
	8) 42 000	
	11) 50 000	
А 37 000	А 212 000	
Ся 71 000		

Д-т	4010	К-т
Сб 70 000		
	9) 37 000	
А 0	А 37 000	
Ся 33 000		

Д-т	8330	К-т
	Сб 290 000	
А 0	А 0	
	Ся 290 000	

Д-т	6810	К-т
	Сб 72 000	
11) 50 000		
А 50 000	А 0	
	Ся 22 000	

Д-т	6010	К-т
	Сн 102 000	
8) 42 000	1) 30 000	
А 42 000	А 30 000	
	Ся 90 000	

Д-т	6710	К-т
	Сб 120 000	
3) 120 000	5) 150 000	
7) 37 500		
А 157 500	А 150 000	
	Ся 112 500	

Д-т	6520	К-т
	Сб 36 000	
	б) 60 000	
А 0	А 60 000	
	Ся 96 000	

Д-т	8710	К-т
	Сб 86 000	
А 0	А 0	
	Ся 86 000	

Д-т	6410	К-т
	Сб 0	
	7) 37 500	
А 0	А 37 500	
	Ся 37 500	

Ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш учун айланма қайдномасини тузиш мумкин. Унда якунларнинг учта тенг жуфтлиги бўлиши керак. Дебет бўйича бошланғич сальдо якуни кредит бўйича бошланғич сальдо якунига тенг бўлади, чунки биз уни кириш баланси активи ва пассивининг маълумотларидан тўлдирамиз, дебет бўйича айланмалар якунлари кредит бўйича айланмаларга тенг, зеро барча операциялар икки ёқлама ёзув усулида рўйхатга олинган. Ва ниҳоят, дебет бўйича пировард сальдо якунлари кредит бўйича пировард сальдо якунларига тенг бўлади, бу эса ҳисобот даври охиридаги баланс ҳисобланади.

Жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномаси

Ҳисоб-варақлар	Сб		Айланмалар		Ся	
	д-т	к-т	д-т	к-т	д-т	к-т
0130	300 000	-	-	-	300 000	-
0230	-	90 000	-	-	-	90 000
1010	60 000	-	30 000	24 000	66 000	-
2010	36 000	-	234 000	95 000	175 000	-
2810	84 000	-	95 000	-	179 000	-
5010	-	-	120 000	120 000	-	-
5110	246 000	-	37 000	212 000	71 000	-
4010	70 000	-	-	37 000	33 000	-
8330	-	290 000	-	-	-	290 000
6810	-	72 000	50 000	-	-	22 000
6010	-	102 000	42 000	30 000	-	90 000
6710	-	120 000	157 500	150 000	-	112 500
6520	-	36 000	-	60 000	-	96 000
8710	-	86 000	-	-	-	86 000
6410	-	-	-	37 500	-	37 500
	796 000	796 000	765 500	765 500	824 000	824 000

6-қадам. Якуний балансни тузиш. Айланма қайдномаси маълумотлари асосида ҳисобот даври охирига баланс тузилади. Балансга қолдиқлари мавжуд бўлган ҳисобварақларгина киритилади, шунинг учун кўпинча жамлама ҳисобварақлар бўйича айланма қайдномаси, айланма баланси, баланс эса сальдо баланси деб аталади.

У қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Ҳисоб-варақ т.р.	Актив	Сумма	Ҳисоб-варақ т.р.	Пассив	Сумма
0130	Ускуналар	300 000	8330	Устав капитали	290 000
0230	Ускуналар эскириши	90 000	6810	Банкнинг қисқа муддатли кредитлари	22 000
	Ускуналар қолдиқ қиймати	210 000	6010	Етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар	00
1010	Хомашё ва материаллар	66 000	6710	Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш	
2010	Асосий ишлаб чиқариш	175 000		буйича ҳисоб-китоблар	112 500
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	179 000	6520	Ижтимоий суғурта буйича ҳисоб-китоблар	96 000
5110	Ҳисоб-китоб вараги	71 000	8710	Тақсимланмаган фойда	86 000
4010	Харидорлар билан ҳисоб-китоблар	33 000	6410	Бюджет билан ҳисоб-китоблар	37 500
	Баланс	734 000		Баланс	734 000

6.6. Корхонанинг ҳисоб сиёсати

Бухгалтерия ҳисоби қонунлар, давлат идоралари томонидан тасдиқланган стандартлар, низомлар, йўриқномалар асосида юритилади. Лекин кўпгина қонун хужжатлари корхонага бухгалтерия ҳисобини юритишда, актив ва пассивларни баҳолаш усулларини, у ёки бу харажатларни ҳисоб-китоб қилиш усулларини белгилашда танлаш имконини беради. Чунончи, "Товар-моддий захиралар (ТМЗ)" деб номланган 4-сон БҲМСда ТМЗ қийматини икки усулдан бири – ФИФО ёки ўрта ҳисобланган қиймат формуласи (AVECO) билан аниқлаш таклиф қилинган, "Асосий воситалар" деб номланган 5-сон стандартда амортизацияни ҳисоблаб ёзишнинг тўрт усули кўрсатилган: тенг меъёрлар усули, ишлаб чиқариш усули, камайиб бораётган қолдиқ усули, йиллар суммаси усули. Ўз хусусиятларидан келиб чиқиб корхона ўзи учун афзал усулни танлаши мумкин.

Ҳисоб сиёсати – имкони борича тезкор, тўлиқ ва холис ахборотни шакллантириш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойиллари ва қоидаларининг жамлигидир. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш асослари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда 474-сон билан тасдиқланган "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" деб номланган 1-сон БҲМСда шакллантирилган.

Корхона сиёсатини танлаш ва шакллантиришга қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- мулкчилик шакли ва ташкилий-ҳуқуқий шакл (МЧЖ, АЖ, ҚК, ЁТАЖ, давлат корхонаси ва ҳоказо);
- фаолият тури ёки тармоққа мансублик (саноат, қишлоқ хўжалиги, курилиш, савдо ва ҳоказо);
- ишлаб чиқариш ҳажмлари, ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони ва ҳоказо;
- солиққа тортиш тизими (турли имтиёзлар, солиқлардан озод этиш);
- нарх белгилаш, маҳсулот етказиб бериш масалаларида ҳаракатлар эркинлиги даражаси;
- корхонани узоқ муддатли истиқболга иқтисодий ривожлантиришнинг мақсад ва вазифалари, инвестициялар дастурлари ва уларнинг йўналганлиги ва ҳоказо;
- ахборот олиш учун моддий-техника базанинг ривожланиш даражаси (ташкилий техника воситалари, дастурий воситалар мавжудлиги ва ҳоказо);
- бухгалтерия ва маъмурият ходимларининг малака даражаси;
- корхона ишининг самарадорлигидан моддий манфаатдорлик ва бажариладиган мажбуриятлар доираси учун моддий жавобгарлик тизими.

Корхона томонидан танланган ҳисоб сиёсати олдиндан муассислар (мулкдорлар)нинг баённомага киритилган қарори ёки Раислар кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши, шундан сўнг раҳбарнинг имзоси билан расмийлаштирилиши керак.

Янги барпо этилган корхона ўзи танлаган ҳисоб сиёсатини давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кўпи билан 90 кун ўтгач расмийлаштиради.

Корхона ўзи қабул қилган ҳисоб сиёсатига йил давомида риоя килиши керак. Зарурат туғилганда ҳисоб сиёсатига ўзгартишлар киритилиши мумкин, лекин фақат янги ҳисобот йилининг бошларида. Ўтган йил учун йиллик ҳисоботга тушунтириш хатида бу нарса албатта кўрсатилади.

Танланган ҳисоб сиёсати нафақат бухгалтерия ҳисоби усуллари ва услубиятини рўёбга чиқаришнинг самарадорлик даражасига, балки корхонанинг молиявий ҳолатига, маблағлардан оқилона фойдаланишга, бошқарув қарорларининг тезкорлигига ҳам таъсир кўрсатади.

Қуйида корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқнинг намунавий лойиҳаси келтирилган. У тўрт бўлимдан иборат: умумий қоидалар, ҳисоб услубиятининг танланган вариантлари, ҳисоб техникасининг танланган вариантлари, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш. Санаб ўтилган вариантлардан корхона биттасини танлайди.

ТАСДИҚЛАЙМАН:

_____

(корхона раҳбари, исми-шарифи)

Тошкент ш. 2004 йил "___" _____

_____**нинг 2004 йилга**

(корхона номи)

ҳисоб сиёсати тўғрисида

БУЙРУҚ

1. Умумий қоидалар

1.1. _____да бухгалтерия ҳисоби

(корхона номи)

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, стандартлар ва бошқа меъёрий хужжатлар ҳамда йўрикномавий хужжатларга биноан юритилади.

1.2. Бухгалтерия ҳисоби мол-мулк, капитал, мажбуриятлар ва барча хўжалик операцияларини узлуксиз, ўзаро боғланган, ҳужжатли акс эттириш йўли билан табиий ва пул ифодасида юритилади.

1.3. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун корхона раҳбари масъулдир.

1.4. Бош бухгалтер ҳисобварақларда барча хўжалик операциялари акс эттирилиши ва назоратини, белгиланган муддатларда тезкор ахборот тақдим этилишини таъминлайди.

1.5. Бош бухгалтер қонун хужжатларига зид бўлган операциялар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва ижро этиш учун қабул қилиш хуқуқига эга эмас.

2. Ҳисоб услубиятининг танланган вариантлари

2.1. Корхонада харид қилиш санасида қуйидаги қийматга эга бўлган воситалар асосий воситаларга киритилмайди, балки инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобланади:

1-вариант – энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам миқдордаги;

2-вариант – энг кам иш ҳақининг 40 бараваридан кам миқдорда;

3-вариант – энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан кам миқдордаги ва ҳоказо.

2.2. Асосий воситалар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан қопланади:

1-вариант – бинолар ва иншоотлар бўйича тўғри чизиқли (тенг меъёрли) усул бўйича;

2-вариант – ускуналар ва транспорт воситалари бўйича ишлаб чиқариш усули бўйича;

3-вариант – компьютерлар бўйича амортизациянинг икки бараварли меъёри билан камайиб борувчи қолдиқ усули бўйича;

4-вариант – бошқа асосий воситалар бўйича йиллар суммаси усули бўйича (кумулятив усул).

2.3. Номоддий активлар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан қопланади. Сўнгра номоддий активлар рўйхати, уларнинг қиймати, ушбу активлардан фойдаланишнинг тахминий муддатлари келтирилади.

2.4. Корхонада ишлаб чиқариш харажатларга ўтказилаётган моддий ресурсларнинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида материалларни баҳолашнинг қуйидаги варианти қўлланилади:

1-вариант – материалларни харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича;

2-вариант – келиб тушиш вақти бўйича дастлабки туркумларнинг таннархи бўйича (ФИФО);

3-вариант – ўртача ҳисобланган таннарх бўйича (AVECO).

2.5. Сотиш, реализация учун харид қилинган товарлар қуйидагича ҳисобга олинади:

1-вариант – харид қиймати бўйича;

2-вариант – сотиш қиймати бўйича.

2.6. Корхонада ишлаб чиқариш харажатларини гуруҳлаш, маҳсулот таннархини калькуляциялаш ва молиявий натижаларни шакллантириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

1-вариант – таннархни калькуляциялашнинг оддий усули;

2-вариант – бўлимли усул;

3-вариант – буюртмали усул;

4-вариант – меъёрий усул.

2.7. Тайёр маҳсулот балансда қуйидагича акс эттирилади:

1-вариант – ҳақиқий таннархи буйича;

2-вариант — сотишнинг соф қиймати буйича.

2.8. Келгуси даврлар харажатлари ҳисобда алоҳида сатр билан акс эттирилади ва улар тегишли муддат давомида корхона харажатларига киритилади. Сўнгра харажатларнинг турлари санаб чиқилади:

а) янги ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга;

б) газета ва журналларга обуна бўлишга;

в) ижара тўлови ва ҳоказо.

2.9. Қуйидагилар калькуляция даври ва молиявий натижаларни белгилаш даври ҳисобланади:

1-вариант — ҳисобот ойининг охири;

2-вариант — ҳисобот чорагининг охири;

3-вариант — ҳисобот йилининг охири.

2.10. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишидан олинган тушум қуйидагича белгиланади:

1-вариант — маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) юклаб жўнатиш ва харидор томонидан ҳисоб-китоб хужжатлари тақдим этилишига караб;

2-вариант — харидорлар (буюртмачилар) томонидан ҳисоб-китоб хужжатлари ва юклаб жўнатилган маҳсулотнинг қиймати тўланишига қараб.

2.11. Узоқ муддат ичида бажариладиган ишлар ва хизматлар бўйича (бир йилдан ортиқ муддатли ишларни бажариш шартномалари бўйича) ишлар сотилишидан олинган тушум ва молиявий натижалар қуйидагича белгиланади:

1-вариант — шартнома бўйича ишлар тўлиқ бажарилганидан кейин;

2-вариант — шартнома бўйича ишларнинг ҳар бир босқичи тугалланганидан кейин.

2.12. Бўлғуси харажатларни ишлаб чиқариш (муомала) чиқимларига бир меъёрда киритиш мақсадида корхона қуйидаги резервларни барпо этади (ҳисоблаб чиқилади):

а) ходимларга олдиндан таътил пулини тўлашга;

б) асосий воситаларни таъмирлаш харажатларига;

в) йил якунлари бўйича мукофотларни тўлашга ва ҳоказо.

2.13. Даргумон қарзлар деб топилган ва уларни ҳисоблаб чиқариш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда дебиторлик қарзлари бўйича даргумон қарзлар резерви барпо этилиб, резерв суммаси давр харажатлари таркибига киритилади.

2.14. Корхона фойда ҳисобига резерв капиталини барпо этади, у таъсис ҳужжатларига биноан қуйидаги миқдорда белгиланган:

1-вариант – фойданинг 5 фоизи;

2-вариант – фойданинг 10 фоизи;

3-вариант – фойданинг 15 фоизи ва ҳоказо.

2.15. Келгуси даврларнинг муддати узайтирилган даромадлари алоҳида модда билан ҳисобга олинади. Ушбу даромадлар улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда хўжалик фаолиятининг натижаларига киритилади.

2.16. Корхона томонидан олинган қарз (заём) ва кредитлар қуйидагича баҳоланади:

1-вариант – ҳисобот даври охирида тўланиши керак бўлган фоизларни ҳисобга олган ҳолда;

2-вариант – ҳисобот даври охирида заём шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган фоизларни ҳисобга олмасдан.

2.17. Шартномалар бўйича юзага келадиган жарималар, пенялар, боқимандалар ва шу сингари қарзлар қуйидагича ҳисобга олинади:

1-вариант – шартномалар бўйича қарз пайдо бўлишига караб;

2-вариант – уларни қарздор тан олишига қараб ёки хўжалик судининг уларни ундириш тўғрисидаги қарори олинганда.

3. Ҳисоб техникасининг танланган вариантлари

3.1. Корхонада бухгалтерия ҳисоби қуйидагича юритилади:

1-вариант – соддалаштирилган шакл бўйича;

2-вариант – мемориал-ордер шакли бўйича;

3-вариант – журнал-ордер шакли буйича;

4-вариант – автоматизацияланган шакл бўйича.

3.2. Корхона мол-мулк, мажбуриятлар ва хўжалик операциялари ҳисобини қуйидагиларга мувофиқ икки ёқлама ёзув усули билан юритади:

1-вариант – бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси билан;

2-вариант – бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг иш режаси билан.

3.3. Асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

1-вариант – улар пайдо бўлган даврда;

2-вариант – илгари барпо этилган таъмирлаш фонди ҳисобига;

3-вариант – маҳсулот таннархига бир меъёрда киритиш мақсадида келгуси даврлар харажатларига.

3.4. Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш ҳисоби қуйидагича юритилади:

1-вариант – бевосита 1010-1090 ҳисобварақларда;

2-вариант – 1510 ва 1610 ҳисобварақлардан фойдаланиб.

3.5. Товар моддий бойликлар сарф харажатлари қуйидагича юритилади:

1-вариант – ТМЗларни узлуксиз ҳисобга олишдан фойдаланиб;

2-вариант – ТМЗларни даврий ҳисобга олишдан фойдаланиб.

3.6. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби қуйидагича юритилади:

1-вариант – бевосита 2010 ҳисобварақда;

2-вариант – олдиндан 2510 ҳисобварақда жамланади ва кейин 2010 ҳисобварақҳа ҳисобдан чиқарилади.

3.7. Маҳсулот чиқариш ҳисоби қуйидагича юритилади:

1-вариант – ҳақиқий таннарх бўйича;

2-вариант – ҳисобланган (режали) нархлар бўйича.

3.8. Билвосита харажатлар маҳсулот (ишлар ва хизматлар) турлари ўртасида тақсимланади:

1-вариант – ушбу харажатлар меъёрномаларига мутаносиб равишда;

2-вариант – меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига мутаносиб равишда;

3-вариант – моддий харажатларга мутаносиб равишда;

4-вариант – асосий харажатлар суммасига мутаносиб равишда.

3.9. Харажатлар йиғма ҳисоби қуйидагича юритилади:

1-вариант – ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланилмайдиган усул бўйича;

2-вариант – ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиладиган усул бўйича.

3.10. Валюта ҳисобварақлари ва хорижий валютадаги операциялар бўйича курс фарқлари қуйидагича акс эттирилади:

1-вариант – тўғридан-тўғри ўтказиш усули ёки бевосита 9540 ёки 9620 ҳисобварақда;

2-вариант – жамлаш усули ёки олдиндан 3190 ёки 6230 ҳисобварақда жамланади ва ҳисобот даври охирида 9540-9620 ҳисобварақҳа ҳисобдан чиқарилади.

3.11. Ҳисобнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида корхона мол-мулк ва мажбуриятларни қуйидагича инвентарлайди:

1-вариант – бухгалтерия ҳисоби стандартларига кўра;

2-вариант – корхонада белгиланадиган тартиб ва муддатларга кўра (муддатлар саналади).

3.12. Аниқланган ортиқча мол-мулк инвентарлаш тамомланган ойнинг молиявий натижаларига кирим қилинади ва қайд этилади.

3.13. Мол-мулк камомади, шунингдек табиий камайиш меъёрларидан ортиқча шикастланиш айбдор шахслардан ундирилади. Агар камомадлар айбдори аниқланмаса, камомадлардан кўрилган талафотлар қарор қабул қилинган ойнинг давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади. Айбдор шахслардан ундирилган сумма билан етишмаётган ТМЗ баланс қиймати ўртасидаги фарқ молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилади.

4. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

4.1. Корхонада бухгалтерия ҳисобини қуйидагилар амалга оширади:

1-вариант – корхона бухгалтерияси;

2-вариант – тегишли мутахассис томонидан контракт асосида;

3-вариант – корхона раҳбари;

4-вариант – аудиторлик фирмаси.

4.2. Корхонада бухгалтерия ҳисоби қуйидагича ташкил этилган:

1-вариант – марказлаштирилган шаклда;

2-вариант – марказлаштирилмаган шаклда;

3-вариант – аралаш шаклда.

Муассислар йиғилиши (Раислар кенгаши) томонидан кўриб чиқилган ва унинг қарори билан маъқулланган.

2004 йил "___" _____ даги ____ -сон баённома.

Йиғилиш раиси _____
(имзо)

Йиғилиш котиби _____
(имзо)

II БЎЛИМ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

7-БОБ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИ

7.1. Кассада нақд пуллар ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 16 октябрда тасдиқлаган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 5 ноябрда 519-сон билан рўйхатга олинган "Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот" деб номланган 9-сон БҲМСда пул маблағларига шундай таъриф берилган: "пул маблағлари – кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинадиган депозитлар, шунингдек ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа банк ҳисобварақларидаги маблағлардир".

Ҳисоб-китобларни нақд пул билан амалга ошириш учун корхона, ташкилот ва муассасалар кассага эга бўлиши керак. Нақд пулларни қабул қилиш, бериш ва вақтинча сақлаш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган ва бошқа хоналардан ажратилган хона касса дейилади. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари кассани жиҳозлашлари ва касса хонасида, шунингдек уларни банк муассасасидан етказиб бериш ва банкка топширишда пулларнинг бут сақланишини таъминлашлари шарт.

Нақд пулларни бевосита корхона кассасидан олиш ва сарфлаш билан боғлиқ операциялар касса операциялари деб аталади. Корхонанинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 январда 1/16-сон билан тасдиқлаган (кейин ўзгартишлар киритилган). «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби» билан йўлга қўйилади.

Барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар ўз кассасида нақд пуллар қолдиғи лимитлари доирасида нақд пулларга эга бўлишлари ва уларни тушумдан меъёрлар доирасида ишлатишлари мумкин. Кассадаги нақд пуллар қолдиғи лимитларини банк муассасалари корхона раҳбари билан келишиб белгилайди.

Нақд пулларни зарур эҳтиёжлар учун тушумдан сарфлаш меъёрларини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1998 йил 11 мартда 58-3-сон қарор билан белгилаб қўйган.

Касса операцияларини юритиш учун корхона ходимлар жадвалида кассир белгиланади, у ўзи қабул қилган барча бойликлар бут сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади. Кассирни тайинлаш тўғрисидаги буйруқ чиқарилгач корхона раҳбари уни «Халқ хўжалигида касса операцияларини юритиш тартиби» билан таништириши, у билан тўлиқ шахсан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиши шарт. Кассир ҳеч кимга ўзининг мажбуриятларини бажаришни ишониб топшира олмайди. Кассирни вақтинча алмаштириш зарурати туғилганда унинг мажбуриятлари корхона раҳбарининг буйруғига асосан бошқа ходимга юкланади, у билан, ўз навбатида, тўлиқ шахсан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Кассир ўз ишини тўсатдан қолдирган тақдирда (касаллик ва ҳоказо сабаб билан), унинг ҳисоботида турган бойликлар бошқа кассирга корхона раҳбари ва бош бухгалтер ҳозирлигида ёки корхона раҳбари тайинлаган шахслардан иборат комиссия ҳозирлигида топширилади, бунда комиссия аъзолари имзолаган, бойликларни қайта санаш ва топшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома албатта тузилади. Кўп миқдорда бўлинмалари бўлган йирик корхоналарда иш ҳақи, вактинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, нафақа ва мукофотлар тўланишини бошқа шахслар (тарқатувчилар) ҳам амалга оширишлари мумкин. Ушбу шахслар билан ҳам тўлиқ шахсан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади ва уларга ҳам кассирларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари татбиқ этилади.

Корхона раҳбари кассада, уларни банк муассасасидан етказиб беришда ёки ҳисоб-китобига топшириш чоғида пул маблағларининг бут сақланишини таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериши керак.

Касса учун алоҳида хона ва тегишлича жиҳозланган сейф ажратилиши керак. Иш тугаганидан кейин кассир касса сейфини қулфлайди ва муҳрлайди. Сейф калитлари ва муҳрлар кассирда, калитларнинг нусхалари кассир муҳрлаган пакетлар, кутичаларда корхона раҳбарида сақланади.

Корхона кассасига нақд пулларни қабул қилиш КО-1 шаклидаги кирим ордери бўйича ўтказилади (1-намунага қаралсин).

КО-1 шакли

«Умид» кичик корхонаси
(корхона ташкилот)

76-сон кирим касса ордери

Кун	ой
29	*04*

2003 й.

	Корреспонденция-ловчи ҳисобварақ ва илова ҳисобварақ		Таҳлилий ҳисоб шифри	Сумма	Мақсадли белгилаш шифри
	9010			312489	

Қабул қилди *Йўлдошев Л.Н.дан*
Асос *товарлар сотилиши*
Уч юз ўн икки минг тўрт юз саксон
тўққиз сўм 00 тийин
(сўз билан)

Илова _____

Бош (катта) бухгалтер *(имзо)*
Кассир *(имзо)*

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

1-намуна

«Умид» кичик корхонаси
(корхона ташкилот)

76-сон кирим касса ордери
КВИТАНЦИЯ

Қабул қилди *Йўлдошев Л.Н.дан*

Асос *товарлар сотилиши*

Уч юз ўн икки минг

тўрт юз саксон

тўққиз сўм 00 тийин

«29» 04 2000 й.

М.Ў.

Бош (катта) бухгалтер *(имзо)*
Кассир *(имзо)*

2-намуна

Кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш дафтари

Кирим ҳужжати		Сумма		Изоҳ	Чиқим ҳужжати		Сумма		Изоҳ
сана	рақам	сўм	тийин		сана	рақам	сўм	тийин	
2.01.2003	1	35 000	00	Маҳсулот сотилишидан тушум	3.01.2003	1	53 000	00	1-сон қайдномаси бўйича иш ҳақи бериш
5.01.2003	2	1 000	50	Ғ.Аҳмедов ёрдамчи ҳисоботидан	7.01.2003	2	2 100	00	Ҳисобот бериш билан ИХЖ харидига бериш
	3			ва ҳ.к.		3			

У икки қисмдан иборат: кирим ордери (бланкнинг чап қисми) ва унга доир квитанция (ўнг қисм). Кирим касса ордерини бухгалтерия ёзади ва бош бухгалтер ёки у ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Кассага топширилгунига қадар кирим ордери мажбурий тартибда кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади (2-намунага қаралсин).

Дафтар икки қисмдан иборат: чап қисмида кассага пул маблағларининг кирими, ўнг қисмида — уларнинг чиқими қайд этилади.

Кирим ордери ижро этиш учун бевосита кассага топширилади, бу ерда кассир ордер тўғри расмийлаштирилганлигини, бош бухгалтер имзосининг борлиги ва ҳақиқийлигини текширади, пулларни қабул қилади, кирим ордери ва квитанцияни имзолайди. Пул киритган шахсга кирим ордерига доир квитанция берилади. Пуллар касса ордери бўйича фақат у тузилган кунда қабул қилинади.

Кассага нақд пуллар ҳисоб-китоб варағи ёки банкдаги бошқа ҳисоб-варақлардан келиб тушганда ҳам кирим касса ордери тузилади ва унга доир квитанция тўлдирилади. Квитанция пулни кейин ҳисоб-китоб варағидан ҳисобдан чиқариш учун банк муассасасининг кўчирмасига тиркаб қўйилади.

Кассадан нақд пулларни бериш чиқим касса ордерлари (3-намунага қаралсин) ёки чиқим касса ордери ўрнини босадиган махсус тамға қўйиладиган бошқа ҳужжатлар (тўлов қайдномалари, пул беришга аризалар, тўловномалар ва ҳоказо) асосида амалга оширилади. Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат бўйича алоҳида шахсга пул берилаётганида кассир олувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилишини талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, ким томонидан ва қачон берилганини ёзиб олади ҳамда олувчидан тилхат ёздириб олади. Агар чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат пулни бир неча шахсга бериш учун тузилган бўлса, олувчилар ҳам уларнинг шахсини тасдиқлайдиган кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этадилар ва тўлов ҳужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Кассир пулни фақат чиқим касса ордери ёки ишончномада кўрсатилган шахсга беради. Агар пулни бериш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга

қилинган белгиларни текширади ҳамда улар бўйича берилган ва депонентга ўтказилган суммаларни санаб чиқади.

Кирим касса ордери ва уларга доир квитанциялар, шунингдек чиқим касса ордерлари ва улар ўрнини босадиган ҳужжатларни бухгалтер сиёҳ ёки шарикли ручкада аниқ ва равшан қилиб тўлдириши ёки машинада (ёзув, ҳисоблаш машинкаси) ёзилиши керак. Ушбу ҳужжатларда ҳеч қандай ўчириш, устига ёзиш ёки тузатишларга, ҳатто таъкидлаб ўтилсада, йўл қўйилмайди.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни пул топширувчи ёхуд олувчи шахсларнинг қўлига бериш тақиқланади.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатларни олиш пайтида кассир қуйидагиларни текшириши шарт:

а) ҳужжатларда бош бухгалтер имзосининг ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатда — корхона раҳбари ёки у ваколат берган шахсларнинг рухсат берувчи имзосининг мавжудлига ва ҳақиқийлигини;

б) ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилганини;

в) ҳужжатларда санаб ўтилган иловаларнинг мавжудлигини.

Ана шу талаблардан ақалли биттасига риоя қилинмаган тақдирда кассир ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кирим ва чиқим касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар пул олингани ёки улар бўйича пул берилганидан сўнг дарҳол кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатлар эса сана (кун, ой, йил) кўрсатилган ҳолда "Тўланган" тамғаси ёки ёзуви қўйилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ташкилотда нақд пулларнинг барча тушумлари ва берилишини кассир касса дафтарида ҳисобга олади (6-намунага қаралсин).

Ҳар бир ташкилот фақат битта касса дафтарини юритади, у рақамланиши, ип билан тикилиши ва сўргичли ёки мастикали муҳр билан муҳрланиши керак. Касса дафтаридаги варақлар миқдори мазкур ташкилот ёки юқори идора раҳбари ёхуд бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтаридаги ёзувлар шарикли ручка, сиёҳқалам ёки сиёҳда қоракўз орқали икки нусхада юритилади. Варақлар-

6-намуна

2003 йил 31 январ учун
КАССИР ҲИСОБОТИ

Ордер тр	Ҳужжатлар сони	Кимдан олинган, кимга берилган	Сумма				Корреспондлик ҳисобварағи
			кирим		чиқим		
			сўм	тийин	сўм	тийин	
		Кун бошидан қолдиқ	2 700	-			
5	1	Харидорлардан олинган	35 000	-			4010
7	1	Ҳисоб-китоб варағига киритилган			35 000	-	5410
		ва ҳ.к.					
		Кун учун жами Кун охирида қолдиқ Баланс	35 000 2 700	- -	35 000	-	

нинг иккинчи нусхалари қирқиладиган бўлиши керак, улар кассирга ҳисобот бўлиб хизмат қилади. Варақларнинг биринчи нусхалари касса дафтарида қолади. Варақларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари бир хил рақамлар билан рақамланади.

Касса дафтарига ёзувларни кассир ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босадиган ҳар бир ҳужжат бўйича пул олиши ёки беришидан сўнг дарҳол амалга оширади. Ҳар куни, иш кунининг охирида кассир бир кунлик операциялар якунларини ҳисоблайди, кейинги кун учун кассадаги пуллар қолдиғини чиқаради ва касса дафтарида имзо қўйдирган ҳолда иккинчи қирқма варақни (бир кун учун касса дафтаридаги ёзувлар кўчирма нусхасини) кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга кассир ҳисоботи сифатида бухгалтерияга топширади. Касса дафтарини тўғри юритиш устидан назорат ташкилот бош бухгалтерига юкланади.

Касса операциялари ҳисоби учун ҳисобварақлар режасида 5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" актив ҳисобварағи кўзда тутилган. Ҳисобварақ сальдоси кассада бўш пуллар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу ҳисобварақ дебети бўйича тушум хусусиятига боғлиқ ҳолда турли ҳисобварақлар кредитидан корхона кассасига келиб тушган пуллар, кредит бўйича эса — турли ҳисобварақлар дебетига кассадан нақд пул билан берилган суммалар акс эттирилади (7-чизма).

7-чизма

5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ҳисобварағи бўйича энг кўп учрайдиган ҳисобварақлар корреспонденцияси

5010 “Миллий валютадаги пул маблағлари” ҳисобварағи

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
	С — ой бошида кассадаги пуллар қолдиғи		
5110	Корхонанинг ҳисоб-китоб варағидан нақд пуллар келиб тушди	Иш ҳақи, нафақалар, мукофотлар нақд пуллар билан берилди	6520, 6710
6820, 7820	Қарзга нақд пуллар олинди	Қарзлар нақд пул билан қопланди	6820, 7820
4220, 4230	Ҳисобдор шахслар томонидан ишлатилмаган пул маблағлари бунагининг қолдиғи топширилди	Ижро варақалари бўйича нақд пул билан берилди	6900
		Депонентланган иш ҳақи берилди	6720
4730	Камомадлар, растраталар, угирликлар бўйича қарз нақд пуллар билан қопланди	Ҳисобот берин шарти билан хўжалик эҳтиёжлари ва хизмат сафари харажатларига берилди	4220, 4230
9010, 9210, 9220	Сотилган маҳсулот, модлий бойликлар, кўрсатилган хизматлар, асосий воситалар нақд пуллар билан тўланди	Модлий ёрдам берилди	9430
4890	Дебиторлик қарзи қопланди. Болалари болалар муассасаларида тарбияланган учун ота-оналарнинг бадаллари	Болалар туғилгани муносабати билан ва ҳоказоларга дотация ва бир талти нафақалар берилди	6520
9390	Кассани инвертарлаш (нафтиш қилиш) бўйича аниқланган ортиқча сумма	Кассадаги бўш пул маблағларининг лимитдан ортиқча қолдиғи топширилди	5110
4710	Кредитга сотилган товарлар ва ҳоказолар учун қарзни қоплашга нақд пуллар билан бадал топширилди	Акциядорлардан уларга тегишли акциялар сотиб олинди	8610
		Инкассаторларга топширилган тушум	5710
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан суммалар келиб тушди	Ходимларга берилган заём суммаси акс эттирилди	4720
4610	Муассислар томонидан уларнинг устав фондига улушлари ҳисобига киритилди	Муассислар ва акциядорларга дивидендлар тўланди	6610
		Инвертарлаш пайтида аниқланган пул маблағлари камомади акс эттирилди	5910

Журнал-ордер шаклида "Миллий валютадаги пул маблағлари" ҳисобварағининг кредити бўйича операциялар 1-сон журнал-ордерда *(7-намуна)*, дебет бўйича эса — 1-сон қайдномада *(8-намуна)* акс эттирилади.

1-сон журнал-ордер ва 1-сон қайдномани тўлдириш мисолини келтирамиз.

Айтайлик, бир ой давомида корхона кассаси бўйича қуйидаги операциялар амалга оширилди.

6-жадвал

Касса бўйича операциялар

Хўж. опер. т.р.	Сана	Ҳужжат	Операция мазмуни	Д-т	К-т	Сумма
1	*3.01*	*1-сон кирим ордери*	*Хизмат сафарларига олинди*	*5010*	*5110*	*4 000*
4	*8.01*	*1-сон чиқим ордери*	*Ҳисобот бериш шарти билан С.Тўлагановга берилди*	*4220*	*5010*	*800*
5	*10.01*	*2-сон чиқим ордери*	*Ҳисобот бериш шарти билан А.Исоқовга берилди*	*4220*	*5010*	*450*
6	*11.01*	*2-сон кирим ордери*	*Сотишдан тушум келиб тушди*	*5010*	*9010*	*3 000*
10	*12.01*	*3-сон чиқим ордери*	*Тушум ҳисоб-китоб варағига киритилди*	*5110*	*5010*	*3 000*
16	*15.01*	*3-сон кирим ордери*	*С.Тўлаганов бўнагининг қолдиғи киритилди*	*5010*	*4220*	*100*
18	*16.01*	*4-сон чиқим ордери*	*А.Исоқовга ортиқча сарфи учун берилди*	*6970*	*5010*	*50*
30	*18.01*	*5-сон чиқим ордери*	*Ортиқча сарфи учун Г.Ҳамидовга берилди*	*6970*	*5010*	*150*
46	*28.01*	*1-сон кирим ордери*	*Иш ҳақига олинди*	*5010*	*5110*	*12 000*
47	*28.01*	*6-сон чиқим ордери*	*Иш ҳақи, нафақалар тўланди*	*6710*	*5010*	*12 000*
55	*31.01*	*5-сон кирим ордери*	*Кассага харидорлардан олинди*	*5010*	*4010*	*35 000*
56	*31.01*	*7-сон чиқим ордери*	*Кассадан ҳисоб-китоб варағига киритилди*	*5110*	*5010*	*35 000*

7-намуна

5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" ҳисобварағи кредити бўйича 1-сон журнал-ордер 2003 йил январ

5010 ҳисобварақ кредити бўйича 1-сон журнал-ордер					
Чиқим ордери т.р.	5010 ҳисобварақ кредитига				Кредит бўйича жами
	5110	4220	6710	6970	
1		800			800
2		450			450
3	3 000				3 000
4, 5				200	200
6			12 000		12 000
7	35 000				35 000
	38 000	1 250	12 000	200	51 450

8-намуна

Орқа томони

5010 ҳисобварақ дебети бўйича 1-сон қайднома							
Сана	Кирим ордери т.р.	Ҳисобварақлар кредитидан 5010 ҳисобварақ дебетига					Дебет бўйича жами
		5110	4220	4010	9010	ва б.	
Бошланғич сальдо							50
3.01	1	4 000					4 000
8.01							
10.01	2				3 000		3 000
12.01							
15-18.01	3		100				100
28.01	4	12 000					12 000
31.01	5			35 000			35 000
Жами:		16 000	100	35 000	3 000		54 100
Якуний сальдо							2 700

Ся = Сб + Ад - Ак
2700 = 50 + 54 100 - 51 450

7.2. Ҳисоб-китоб варағи бўйича ҳисоб тартиби

Корхоналар ўртасида банк орқали ҳисоб-китоб варағи воситасида қилинадиган ҳисоб-китоблар икки шаклда амалга оширилиши мумкин: нақдсиз ўтказишлар йўли билан ва нақд пулли тўловлар кўринишида.

Пул маблағлари ҳисоби, ҳисоб-китоблар ва кредитлар бўйича бухгалтерия ҳисоби қуйидагиларни таъминлаши керак:

-нақдсиз ўтказишлар ҳамда нақд пуллар йўли билан зарур ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш;

– ҳисоб регистларида пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракатини ҳамда ҳисоб-китоб операцияларини тўлиқ ва тезкор акс эттириш;

– пул маблағларидан лимитлар, сметаларга мувофиқ тегишли мақсадларда фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш;

– пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳолатини инвентаризациясини ташкил этиш ва белгиланган муддатларда ўтказиш;

– кассада, банклардаги ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб-варақларда мавжудлиги ва бутлиги устидан назорат қилиш;

– ҳисоб-китоб-тўлов интизомига риоя қилиниши, модий бойликлар ва хизматлар учун суммалар, шунингдек кредитлаш тартибида олинган маблағларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 2002 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1122-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низомга (янги таҳрирда) мувофиқ тартибга солинади.

Банк муассасаларида ҳисоб-китоб варағини очиш учун корхона қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

– корхона раҳбари имзоланган ҳисоб-китоб варағини очиш тўғрисидаги ариза;

– корхонанинг давлат рўйхатига олингани тўғрисида ҳужжат;

– корхона уставининг нотариус тасдиқлаган кўчирма нусхаси;

– нотариус тасдиқлаган имзолар намуналари ва муҳр изи кўрсатилган варақча;

– корхона барпо этиш тўғрисида таъсис шартномаси (муассис, муассислар умумий йиғилиши қарори)нинг кўчирма нусхаси;

– солиқ идоралари ва Ижтимоий суғурта фонди идораларида ҳисобга қўйилгани тўғрисида маълумотнома.

Барча банк ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқи корхона раҳбари ёки у томонидан тайинланган шахсга, иккинчи имзо ҳуқуқи эса корхона бош бухгалтерига тегишлидир. Агар корхона ходимлар жадвалида бухгалтер лавозими кўзда тутилган бўлса, иккинчи имзо ҳуқуқи зиммасига бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва ҳисоботлар тузиш юклатилган шахсга тақдим этилади.

Имзолар намуналари ва муҳр изи бўлган варақчани корхонани рўйхатга олган ҳокимлик ёки нотариус тасдиқлаши керак.

Банк ҳисоб-китоб вараги бўйича амалга оширилаётган операцияларнинг хусусияти устидан назорат қилади.

Корхонанинг хоҳишига қараб маҳсулот сотиладиган жой бўйича бошқа шаҳарлардаги банкларда сотишдан олинган тушумни ҳисоблаш, буюртмачилардан бўнаклар олиш, етказиб берувчиларнинг товар ва хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек бошқа операциялар бўйича тўловларни амалга ошириш учун илова ҳисоб-китоб варақлари очилиши мумкин.

Илова ҳисоб-китоб варағини очиш учун корхона банкка уни очиш тўғрисида илтимоснома тақдим этиб, у бўйича амалга ошириладиган операциялар хусусиятини ва илова ҳисобварағини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган шахсларни кўрсатиши керак. Кўрсатилган ҳужжатга корхона раҳбари, унинг бош бухгалтери имзо чекади ва муҳр билан тасдиқланади.

Ҳисоб-китоб вараги бўйича барча операциялар белгиланган шаклдаги тўлов (банк) ҳужжатлари асосида, ҳисобварақ эгасининг розилиги билан амалга оширилади. Бундай ҳужжатларга чеклар, пул бадали тўғрисидаги эълонлар, тўлов топшириқномалари, векселлар киради.

Нақд пулларни банк ҳисоб-китоб варағидан корхона кассасига меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақалар, касаллик варақлари бўйича нафақалар, мукофотлар, хизмат сафарлари ва хўжалик харажатларини тўлаш учун чеклар асосида беради.

Ундирувчилар фармойишларига кўра маблағларни сўзсиз

тартибда ҳисобдан чиқариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

— солиқ идораларининг давлат бюджетига ўз вақтида киритилмаган солиқлар ва солиқ бўлмаган тўловларни ундириш тўғрисидаги фармойиши бўйича;

— ижтимоий суғурта фонди идораларининг боқимандаларини ундириш тўғрисидаги фармойиши бўйича.

Ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш пайтида нақдсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

— тўлов топшириқномалари;

— аккредитивлар;

— инкассо;

— чеклар билан ҳисоб-китоблар;

— пластик варақчалар ёрдамида.

Тўловчилар билан маблағ олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар шакли шартнома (келишув) билан белгиланади.

Тўлов топшириқномаси мижознинг ўз ҳисобварағидан олувчи ҳисобварағига муайян суммани ўтказиш тўғрисида унга хизмат кўрсатувчи банкка топшириғи ҳисобланади (9-намунага қаранг).

9-намуна

Тўлов топшириқномаси № *0000000050* **0505411002**

(электрон)

Сана *30.04.2003*

Тўловчининг номи *«ELAMON» ХФ*

Тўловчи ҳисобварағи рақами *20208000703985763001*

Тўловчи банкининг номи *Тошкент ш., «Ўзсаноатқурилишбанк» СҚБ Тошкент вилоят бўлими*

Сумма *246734,00*

Солиқ тўловчининг коди *202808798*

Тўловчи банк коди *00490*

Олувчи номи *«ЗСУ» ГИ*

Олувчининг ҳисобварағи кредити *20296000903733978001*

Олувчи банкининг номи *Тошкент ш., ТИФ миллий банк МВБ Сергали бўлими*

Сумма сўз билан *Икки юз қирқ олти минг етти юз ўттиз тўрт сўм 00 тийин*

Олувчи банкининг коди *00869*

Тўлов тафсилотлари: *27.04.2003 йилдаги 29-сон шартномага кўра дераза блоклари учун ҚҚСсиз 15% олдиндан тўлов*

М.Ў. Раҳбар: *Л.И.Петров*

Бош ҳисобчи: *Б.Р.Саматова*

Банк	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди

Тўлов топшириқномалари билан ҳисоблашишлар кўпинча олдиндан ҳақ тўлашда ишлатилади, бунда харидор аввал пулни утказади, сунгра етказиб берувчидан товар олади. У одатда, агар тўловчи ва олувчига турли банкларда хизмат кўрсатилса, икки нусхада ва, агар тўловчи билан олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада ёзиб берилади (8-чизмага қаранг).

8-чизма

Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар



Етказиб берувчи товарни юклаб жўнатган, ишни бажарган ва хизматлар кўрсатган ҳамда тўловчидан муайян суммани тўлашни талаб этганда кейинги тулов чогида тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар қўлланилади (10-намунага қаралсин). Ҳисоб-китобларнинг унибу шакли акцепт шакли деб ҳам аталади. Товарнинг юклаб жўнатилгани ҳақида зарур ҳужжатларга эга бўлган етказиб берувчи тўлов талабномасини ёзади ва уни ўз банкига инкассога (тўловни талаб қилиб олишга) топширади. Етказиб берувчининг банки уларни акцепт ва тўловни ундириш учун харидорнинг банкига юборади (9-чизмага қаралсин).

Акцепт — тўловчининг тўлашга розилиги булиб, уни банк муассасасининг талабларини олгандан кейин битта шаҳардаги ҳисоб-китобларда — уч кун мобайнида, бошқа шаҳарлари ҳисоб-китобларда — беш кун мобайнида тақдим этиши керак. Агар товар ёки хизматлар буюртирилган бўлмаса, товарларнинг сифатсизлиги ёки бут эмаслиги аниқланган, товарлар нархи келишилмаган бўлса тўлашдан бош тортишга ҳақлидир. Бош тортиш асосланиши ва банкка ёзма шаклда тақдим этилиши керак.

10-намуна

Тўлов талабномаси *№ 0000000933* **0505411001**

(электрон)
Сана *30.04.2003*
Тўловчининг номи *«QUYOSHDAN HIMOYALASH BUYUMLARI» ШК*
Дебет тўловчи ҳисобварағи *20296000903733978001*
Тўловчи банкининг номи *Тошкент ш., ТИФ Миллий банки Сирғали бўлими*
Сумма *21561,42*
Солиқ тўловчининг коди *202486608*
Тўловчи банк коди *00869*
Олувчи номи *«Тошкент-сут» АЖ*
Олувчининг ҳисобварағи кредити *20210000801312240001*
Олувчи банкининг номи *Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси банки «Пахтабанк» ПХБ*
Сумма ёзув билан: *Йигирма бир минг беш юз олтмиш бир сўм 42 тийин*
Олувчи банкининг коди *00869*
Тўловчи тафсилотлари: *дераза блоклари учун, 01.02.2003 йилдаги 293-сон шартнома, юклаб жўнатиш санаси 12.04.2003 йилдан 13.04.2003 йилгача*

М.Ў. Раҳбар: *Д.И.Петров*
Бош бухг.: *Б.Р.Саматова*

Банк	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди

9-чизма

Ҳисоб-китобларнинг акцепт шакли



Аккредитив — харидор банкининг етказиб берувчининг бошқа шаҳардаги банкига юклаб жўнатилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун харидорнинг аккредитив аризасида кўзда тутилган шартларда ҳисобварақлар (тўловномалар)га тўлашни амалга ошириш топшириғи (10-чизма ва 11-намунага қаралсин).

10-чизма

Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар



11-намуна

АККРЕДИТИВГА АРИЗА N: 05

Сана	*2003 йил 10 февраль*
Тўловчининг номи	*"Нур" КК*
Дебет тўловчи ҳисобвараги	*20296000400118010001*
Тўловчи банкининг номи	Тўловчи банки ЎзСҚБ коди 00440
Сумма	*185700*
Олувчи номи	*"Сплайн" КК*
Кредит аккредитив ҳисобварақ	*20208000000500239001*
Олувчи банкининг номи	Олувчи банки *Трастбанк* коди *00491*
Сумма ёзув билан:	*Бир юз саксон беш минг етти юз сўм*

Амал қилиш муддати *10 кун* шартнома *166-сон*
Буюртма *16/2-сон* Буюртма санаси *2.02*
Товар ёки хизматлар номи *ММХ/16/2 компьютери*

Ҳужжат тури

Қўшимча шартлар

Раҳбар *Акбаров* _____
Ф.И.Ш. (имзо)

Бош бухгалтер *Бердиев* _____
Ф.И.Ш. (имзо)

М.Ў.

Банк	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин: *қопланган (депонентланган) ва қопланмаган (кафолатланмаган).*

Қопланган (депонентланган) аккредитив очиш пайтида эмитент-банк тўловчининг ўз маблағларини эмитент-банк мажбуриятлари амал қиладиган бутун муддатга етказиб берувчининг банк (бажарувчи банк) тасарруфига ўтказадиган аккредитивлар қопланган (депонентланган) аккредитивлар деб ҳисобланади.

Қопланмаган (кафолатланган) аккредитив бажарувчи банкда эмитент-банк билан бевосита корреспондентлик муносабатлари бўлганда, етказиб берувчи аккредитивнинг барча шартлари бажарилганда, унда очилган эмитент-банк корреспондентлик ҳисобварағидан аккредитивнинг бутун суммасини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини бериш йўли билан очилади.

Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар *чақириб олинадиган* ёки *чақириб олинмайдиган* бўлиши мумкин.

Чақириб олинадиган аккредитив етказиб берувчи билан олишидан келишмасдан эмитент-банк томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя қилинмаганда).

Чақириб олинмайдиган аккредитив унинг фойдасига очилган етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар маблағлар тўловчининг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилган ҳолда қўлланилади (12-намунага қаралсин).

12-намуна

4000998-сонли ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАСИ

Сана *18.01.2000 йил*
Тўловчининг номи *"Нур" КК*

Дебет
Тўловчининг ҳисобварағи *20296000400118010001*
СТИР *201689419*

Тўловчи банкининг номи — Тўловчи банки *ЎзСҚБ* коди *00440*
Сумма *1139*
Олувчи номи *Чилонзор туман ДСИ*

Кредит
Олувчи ҳисобварағи *23402000900100001429*

Олувчи банк номи — Олувчи банки *Чилонзор СҚБ* коди *00427*
Сумма ёзув билан: *Бир минг бир юз ўттиз тўққиз сўм*
Тўлов тафсилотлари *Фойда солиғи бўйича пеня*

Раҳбар _____ (имзо)

Бош бухгалтер _____ (имзо)

М.Ў.

Банк	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди

Инкассо топшириқларини қуйидагилар тақдим этиши мумкин:

солиқ идоралари – давлат бюджетига ўз вақтида киритилмаган солиқлар ва солиқ тўловлари (пенялар, жарималарни) ундириш тўғрисида;

бюджетдан ташқари фондлар — агар бу нарса қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, боқимандаларни ундириш муассисида;

божхоналар идоралари — уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;

бошқа идоралар қонунчиликка биноан.

Чеклар билан ҳисоб-китоблар пайтида маҳсулотни юклаб жўнатиш амалда уни тўлаш вақти билан мос тушади. Бунинг учун корхона ўз банкидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун чек дафтарчаси олади. Чеклан маблағларни ҳисобдан чиқариш банкка икки нусхада чеклар реестрлари ва чекларнинг ўзини тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Чеклар ўн кун давомида ҳақиқий ҳисобланиб, лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчаларидан иборат бўлади. Чек бланклари дафтарча қилиб тикилади, улар қатъий ҳисобот бланклари ҳисобланади. Чек дафтарчаси лимити чек берувчи томонидан ёзилиши мумкин бўлган ва банк томонидан тўланиши керак умумий энг юқори суммани билдиради.

Лимитланган чек дафтарчасини олиш пайтида ўтказма берилади:

Д-т 5520 К-т 5110

Етказиб берувчилар тўловномаларини лимитланган чек дафтарчасидан чеклар билан тўлаш қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Д-т 6010, 6990 К-т 5520

Лимитланмаган чек дафтарчасини олиш ҳеч қандай бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилмайди (11-чизмага қаранг).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида чеклар билан ҳисоб-китоблар амалиётда қўлланилмаяпти.

Банклар мижозлар билан ҳисоб-китобларда ва ўз операцияларини ўтказиш чоғида мемориал ордерлардан фойдаланишлари мумкин *(13-намунага қаралсин)*.

Банк тўловчи бўлган ҳолларда мемориал-ордерлар банк раҳбари ва бош бухгалтер ҳамда мазкур банк ҳисобварағини юритувчи бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

11-чизма

Чеклар билан ҳисоб-китоблар



13-намуна

644/9623-сонли МЕМОРИАЛ ОРДЕР

Сана *27.04.2003 йил*
Тўловчи номи *"Нур" КК*

Дебет
Тўловчининг ҳисобварағи *20290004001180100001*
СТИР *201689419*
Тўловчи банкнинг номи Тўловчи банк
ЎзСҚБ коди *00440*
Сумма *480*
Олувчининг номи *"Ўзсаноатқурилиш банк" АТБ ОПЕРУ*

Кредит
Олувчининг ҳисобварағи *45249000600000440001*
Олувчи банкининг номи Олувчи банк
ЎзСҚБ коди *06440*

Сумма ёзув билан *Тўрт юз саксон сўм*
Тўлов
тафсилотлари *операцион хизмат кўрсатганлиги учун*

Раҳбар _____
(имзо)

Бош бухгалтер _____
(имзо)

М.Ў.

Банк	Текширилди	Маъқулланди	Банк томонидан ўтказилди

Корхона ҳисобварағида пул маблағлари етишмаганда банк уни 2-сон картотекага ўтказади ва корхонани ўз маблағларининг мустақил тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Маблағларни ҳисоб-китоб варағидан ҳисобдан чиқариш ушбу ҳолда банк ҳужжатлари билан белгиланган навбатлилик тартибида амалга оширилади. Фавқулотда ҳолларда маблағларни жўнатиш ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вақти-вақти билан (ҳар куни ёки банк томонидан белгиланган бошқа муддатларда) корхона банкдан ҳисоб-китоб варағидан кўчирма олади. Операция мазмуни унда шартли код билан алмаштирилади. У ҳисоб-китоб вараги бўйича операциялар амалга оширилганидан кейин берилади. Кўчирмага барча тасдиқловчи ҳужжатлари илова қилинади.

Кўчирманинг бухгалтерия ишловида банк корхонанинг қарзлари сифатида чиқаётганини эътиборда тутиш керак, чунки банк пул маблағларини сақлайди ва улардан ўз айланмасида фойдаланади. Шу сабабли маблағлар қолдиқлари ва айланмалар шахсий ҳисобварақ кредити бўйича ёзилади, чунки ушбу суммалар банкнинг корхонадан қарзини кўрсатади, пулларни бериш ва ўтказиш эса дебет бўйича кўрсатилади, чунки ушбу ҳолда банкнинг қарзи камаяди. Демак, банк учун корхонанинг ҳисоб-китоб вараги — пассив ҳисобварақ. Корхона учун эса у актив ҳисобварақ, шунинг учун бухгалтер ушбу операцияларни 5110 "Ҳисоб-китоб вараги" ҳисобварағига тескари тартибда ёзади.

Банк кўчирмаси бухгалтер томонидан текширилади ва ҳошияга қаламда корреспонденцияланувчи ҳисобварақлар шифри кўрсатилади. Кўчирмага илова қилинган ҳужжатларда ана шу ҳисобварақлар кўрсатилади. Банк кўчирмаларида тузатишлар, ўзгаришлар, устидан чизишларга йўл қўйилмайди. Корхонанинг ҳисоб-китоб варағида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракатини ҳисобга олиш учун 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" актив пул ҳисобварағи ишлатилади (12-чизма).

12-чизма

Энг кўп учрайдиган ҳисобварақлар корреспонденцияси
5110 "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
	Ой бошида кассадаги пуллар қолдиғи		
9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010	Маҳсулот, асосий фондлар ва бошқа воситаларни тўлашга харидорлардан келиб тушган суммалар, ижара тўлови	Хўжалик харажатларини туланган банк хизматлари, жарималар, пенялар	9430
5010	Кассадаги пул қолдиқлари, сотишдан олинган тушум, меҳмонхоналар, ётоқхоналардан келиб тушган суммалар, уй-жой тўловларининг ҳисоб-китоб варағига кирим қилиниши	Иш ҳақи, нафақалар, мукофотлар, хўжалик харажатлари учун нақд пуллар берилиши	5010
5510, 5520	Ишлатилмаган чек дафтарчалари, аккредитивларни қайтарии	Лимитланган чек дафтарчалари, аккредитивлар олиш	5510, 5520
5810, 0610	Қимматли қоғозларга уюшлар суммасининг банк томонидан қайтарилиши	Етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзни қопланга ўтказмалар	6010
4800	Етказиб берувчилар камомадини қопланга кирим қилиш	Солиқларни бюджетга ўтказиш	6410
4610	Муассислардан устав фондига бадал ҳисобига олинган маблағлар	Нафақа жамғармаси, бандлик фондига қарзни тўлаш учун ўтказмалар	6520

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
4890	Дебиторлардан қарзни қоплашга кирим қилинди	Муассисларга дивиденд тўлаш	6610
9330	Корхона томонидан олинган жарималар, пенялар кирим қилинди	Юқори ташкилотни тутиб туришга, уюшган ва шўъба корхоналарга ўтказмалар	6110
4830, 4840	Корхона томонидан олинган дивиденд ва фоизлар	Банкларга, етказиб берувчиларга фоизларни тўлашга, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш харажатлари	9610
6810, 6950, 7810	Корхона томонидан олинган банкнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссудалари	Банкнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитларини қайтариш	6950, 6810
6820, 7820	Корхонанинг бошқа ташкилотлардан олинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли заемлар	Корхонанинг бошқа ташкилотлардан олган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзларини қайтариши	6950, 6820

5110 ҳисобварақ дебети бўйича тушум хусусиятига боғлиқ ҳолда турли ҳисобварақлар кредитидан ҳисоб-китоб варағига маблағларнинг келиб тушишига доир хўжалик операциялари ҳисобварақ кредити бўйича эса — харажат йўналишига боғлиқ ҳолда турли ҳисобварақлар дебетига ҳисоб-китоб варағидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга доир хўжалик операциялари акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб варағи бўйича операциялар ҳисоби 2-сон журнал-ордерда кредит бўйича ва 2-сон қайдномада дебет бўйича юритилади (14 ва 15-намуналарга қаралсин).

Корхонада бир ой давомида қуйидаги хўжалик операциялари амалга оширилди дейлик.

7-жадвал

Ҳисоб-китоб варағи бўйича операциялар

Хўж. опер. т.р.	Сана	Ҳужжат	Операция мазмуни	Д	К	Сумма
1	2	3	4	5	6	7
1	3.01	1-кўчирма	Хизмат сафарларига олинди	5010	5110	4 000
1а	3.01	1-кўчирма	Фойда солиғи бўнаги бюджетга ўтказилди	4410	5110	3 000
10	12.01	2-кўчирма	Тушум ҳисоб-китоб варағига киритилди	5110	5010	3 000
14	14.01	3-кўчирма	Материаллар учун етказиб берувчига тўловнома тўланди	6010	5110	40 000
26	21.01	4-кўчирма	Ксерокс сотилгани учун воситачига ўтказилди	6990	5110	1 000
			Солиқлар, ушлаб қолишлар тўланди:			
42	27.01	5-кўчирма	а) даромад солиғи	6410	5110	3 380
43	27.01	5-кўчирма	б) Нафақа жамғармасига	6520	5110	5 000
44	27.01	5-кўчирма	в) иш ҳақи пудрат шартномалари бўйича Жамғарма банкидаги ҳисобварақларга ўтказилди	6710	5110	8 400
45	28.01	6-кўчирма	Ксерокс учун олинди	5110	4010	43 000
46	28.01	6-кўчирма	Иш ҳақига олинди	5010	5110	12 000
			Ҳисоб-китоб варағига олинди:			
53	30.01	7-кўчирма	а) харидорлардан сотилган маҳсулот учун	5110	4010	8 000
54	30.1	7-кўчирма	б) тўлов муддати ўтгани учун пенялар	5110	4860	280
56	31.01	8-кўчирма	Харидорлардан олинган маблағлар кассадан ҳисоб-китоб варағига киритилди	5110	5010	35 000
57	31.01	8-кўчирма	ҚҚС бюджетга ўтказилди	6410	5110	20 000

14-намуна

2-сон журнал-ордер

2-сон журнал ордер 5110-ҳисобварақ кредити бўйича							
Кўчирма	5110 ҳисобварақ кредитидан ҳисобварақлар дебетига						5110 ҳисобварақ кредити бўйича жами
Сана	5010	6010	6410	6520	6710	6990	4410	
3.01	4 000						3 000	7 000
14.01		40 000						40 000
21.01						1 000		1 000
27.01			3 380	5 000	8 400			16 780
28.01	12 000							12 000
31.01			20 000					20 000
Жами	16 000	40 000	23 380	5 000	8 400	1 000	3 000	96 780

15-намуна

Орқа томони

5110 ҳисобварақ дебети бўйича қайднома						
Кўчирма		Ҳисобварақлар кредитидан 5110 ҳисобварақ дебетига				5110 ҳисоб-варақ дебети бўйича жами
	Сана	5010	4010	4860	бошқ.	
Бошланғич сальдо						50 000
1	3.01					
2	12.01	3 000				3 000
3	14.01					
4	21.01					
5	27.01					
6	28.01		43 000			43 000
	30.01		8 000	280		8 280
7	31.01	35 000				35 000
Жами:		38 000	51 000	280		89 280
Якуний сальдо						42 500

Ся = Сб + Ал - Ак

7.3. Валюта ҳисобварағи бўйича операцияларни ҳисобга олиш тартиби

Валюта бойликлари — корхонанинг хорижий валюталардаги пул активлари ва пассивларидир. Улар қуйидагиларни қамраб олади:

— хорижий валютани, яъни тегишли хорижий давлатда ёки давлатлар гуруҳида муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланадиган банкнотлар, хазина билетлари, тангалар кўринишидаги пул белгиларини ва ҳисобварақлардаги хорижий давлатлар пул бирликлари ҳамда халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағларни;

— хорижий валютадаги қимматли қоғозларни — хорижий валютада ифодаланган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар), фонд бойликлари (акциялар, облигациялар) ва бошқа қарз мажбуриятларини.

Хорижий валюта ва хорижий валютадаги қимматли қоғозлар билан операциялар икки турга бўлинади:

— жорий валюта операциялари;

— капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари. Қуйидагилар жорий валюта операциялари ҳисобланади:

— товарлар, ишлар ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича тўлов муддатини кечиктирмасдан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун, шунингдек экспорт-импорт операцияларини 180 кундан кўп бўлмаган муддатга кредитлаш билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хорижий валютани республикага ва республикадан ташқарига ўтказишлар;

— 180 кундан кўп бўлмаган муддатга молиявий кредитлар олиш ва тақдим этиш;

— омонатлар, инвестициялар, кредитлар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ бошқа операциялар бўйича республикага ва республикадан ташқарига фоизлар, дивидендлар ва бошқа дивидендларни ўтказишлар;

— савдо хусусиятига эга бўлмаган ўтказишлар, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, пенялар, алиментлар суммаларини ўтказишлар, шунга ўхшаш бошқа операциялар.

Жорий валюта операцияларини корхоналар чеклашларсиз амалга оширишлари мумкин. Капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томо-

ишлаб белгиланган тартибдагина амалга оширилиши мумкин.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига қуйидагилар киради:

– бевосита инвестициялар, яъни кейинчалик даромад олиш ва корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш мақсадида корхонанинг устав капиталига қўйилмалар;

– портфел инвестициялари, яъни қимматли қоғозлар харидлари;

– валютада кредит ва заёмлар тақдим этиш ва олиш;

– жорий ҳисобланмайдиган бошқа валюта операциялари.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиясига эга бўлиш лозим.

Валюта бойликлари ва операцияларининг бухгалтерия ҳисоби:

– корхона фаолиятининг таркибий қисмлари сифатида валюта операциялари акс эттирилишини;

– корхона валюталарининг ҳақиқий аҳволини ҳақиқий акс эттиришни;

– валюта битимларининг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, валюта бойликларининг мавжудлиги, уларнинг бутлиги ва тўғри фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг базавий валютаси сифатида миллий валюта – сўм қўлланилади. Яъни барча ҳисоб ёзувлари, ушбу ёзувларда акс эттирилади-ган хўжалик операцияларида ҳақиқатда ишлатилган валютанинг туридан қатъий назар, сўмларда юритилиши керак.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун валюта маблағларини тўлаш-тўланадиган хорижий валюталарнинг сўмдаги эквивалентини аниқлашдан иборат. Сўмдаги эквивалент валюта курси асосида хорижий валютани сўмларга қайта ҳисоблаш (конвертация) йўли билан белгиланади. Бундай қайта ҳисоблаш қуйидагича ўтказилади:

хорижий валютани сўмларга қайта ҳисоблаш асоси бўладиган курс тури белгиланади;

конверсия ўтказилиши керак бўлган сана белгиланади;

ҳисоб-китоб ўтказилади;

— курслари фарқ суммаси ҳисоблаб чиқарилади ва ҳисобга олинади.

Валюта курси — бошқа миллий ёки халқаро валюталарнинг сўмда ифодаланган нархи. У аукционлар, биржалар, банклараро бозорда талаб ва таклиф асосида, тижорат банклари ва бошқа юридик шахслар ва фуқаролар томонидан валюта олди-сотдиси пайтида, яъни ички валюта бозорида шаклланади.

Валюта курси доимо ўзгариб туради, шунинг учун хорижий валютани сўмга ёки аксинча конвертациялаш операциясини бажариш пайтида қайси кун курсидан фойдаланишни характерини аниқ белгилаб олиш зарур.

Умумий қоидага кўра қайта ҳисоблаш операция амалга оширилган кундаги курсдан фойдаланилади. Чунончи, ҳисоб мақсадлари учун банклари валюта ҳисобварағига маблағларни кирим қилиш ёки ундан ҳисобдан чиқариш чоғида операция амалга оширилган кунда, яъни валюта ҳисобварағидан банк кўчирмасида кўрсатилган санада амал қилган курсдан фойдаланилади. Айни шу сумма маблағлар кирими ёки чиқими сифатида ҳисобга қабул қилиниши керак.

Алоҳида ҳолларда операцияни амалга ошириш санаси қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларда кўрсатилади. Амалиётда, кўпчилик ҳолларда, қайта ҳисоблаш санаси операциянинг иқтисодий ва юридик мазмунидан келиб чиқиб қабул қилинади. Корхона валюта операцияси натижасида ҳосил бўлган муайян мулкий объект ёки мажбуриятни тан оладиган (ҳисобга қабул қиладиган) ва ушбу сана у ёки бу ҳисоб-китоб-пул ҳужжатида белгиланган сана билан мос тушадиган кун ана шундай сана ҳисобланади. Масалан:

— ҳисобот учун берилган суммалар бўйича хорижий валютада қарз ҳосил бўлиши — корхона кассасидан сумма берилган кун (чиқим касса ордери санаси);

— илгари ҳисобот учун берилган суммалар бўйича хорижий валютадаги қарзни қоплаш — бунак ҳисоботини тасдиқлаш санаси;

— экспортга юклаб жўнатилган маҳсулот учун хорижий валютада қарзнинг пайдо бўлиши (юклаб жўнатиш пайти бўйича тушумни белгилаш чоғида) — хорижий харидорга тўловнома тақдим этиш санаси;

импорт божини тўлашга доир қарзнинг пайдо бўлиши [illegible] божхона расмийлаштируви [illegible] куни;

импорт божини тўлашга доир қарзни қоплаш — божхона расмийлаштируви куни.

Меҳнат мажбуриятларини бажарганлик учун иш ҳақи ва [illegible] ҳисоблаш — даромад солиғи ҳисобланган ойнинг охирги тақвимий куни;

меҳнат мажбуриятларини бажарганлик учун иш ҳақи ва [illegible] ҳисобланган суммасидан даромад солиғи бўйича қарзнинг ҳосил бўлиши — даромад солиғи ҳисобланган ойнинг охирги тақвимий куни.

Ҳужалик операциясини амалга оширишга санаси билан унинг [illegible] ёзиб чиқилган исталган пул позициялари бўйича ҳисоб-китоб санаси ўртасидаги даврда расмий курснинг ўзгаришидан келиб чиқадиган курсдаги фарқлар юзага келади.

Курслар фарқлари — уларни бухгалтерия ҳисобида рўйхатга олиш [illegible] санаси билан ҳисоб-китоб ҳақиқатда амалга оширилган санада [illegible] ёки тўланиши санасидаги курс бўйича валюта активлари ва пассивлари [illegible] ўртасидаги фарқлардир.

Курснинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда мусбат ва манфий (курснинг йўқотишлари) курслари фарқлар пайдо бўлади.

Юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун хорижий валюта олган корхоналар хорижий валютани 5210 "Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари" ҳисобварағида ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларига олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича қайта ҳисоб-китоб қилиб, сумларда ҳисобга оладилар.

Корхонанинг валюта маблағлари банкнинг валюта ҳисобварақларида сақланиши керак.

Корхона Ўзбекистон Республикаси ҳудудида исталган ваколатли банкда валюта ҳисобварақларини очиши мумкин. Корхона томонидан чет эллаги хорижий банкда ҳисобварақ очиши валютага доир операцияларни амалга оширишни учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсати талаб қилинади. Бунда корхона кўрсатилган ҳисобварақлардаги маблағлар қолдиқларига доир ҳисобот ва бошқа маъ-

лумотларни Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда тақдим этиши шарт.

Қуйидагилар корхона ҳисобварақларига хорижий валютадаги маблағлар тушуми манбалари бўлиши мумкин:

– экспорт товарларига ҳақ тўлашга ваколатли банк орқали хориждан ўтказилган суммалар;

– ҳисобварақ эгаларидан сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашга бошқа соҳиблар (норезидентлар, дастлабки воситачилар, транспорт, суғурта ва бошқа ташкилотлар)нинг валюта ҳисобварақларидан ўтказилган суммалар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рухсат этилган бошқа манбалар.

Валюта ҳисобварақдан маблағлар ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра қуйидаги мақсадларга ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

– ҳисобварақ эгасининг экспорт-импорт операциялари бўйича қабул қилинган банк шаклида хорижга ўтказиш;

– импорт қилинадиган товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлашга кейин хорижга ўтказиш учун ваколатли банк мижозлари ҳисобланган ташқи иқтисодий ташкилотлар ҳисобварақларига ўтказиш;

– ушбу корхоналар ишлаб чиқарилган товарлар ҳақини тўлашга бошқа соҳиблар (норезидентлар, дастлабки воситачилар, транспорт, суғурта ва бошқа ташкилотлар) валюта ҳисобварақларига ўтказиш;

– банк комиссияси, почта-телеграф, хизмат сафарлари харажатларини тўлаш, валюта савдоларида сотиш учун банклардан олинган хорижий валютадаги кредитлар бўйича қарзларни тўлашда фойдаланиш;

– қонун ҳужжатларида рухсат этилган бошқа мақсадларда фойдаланиш.

Валюта операцияларининг бухгалтерия ҳисоби юритилишини Адлия вазирлиги 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатга олинган Хорижий валютадаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш Низоми билан тартибга солинади.

Ушбу Низомга мувофиқ корхоналар ҳар ойда балансининг валюта моддаларини, хусусан:

– кассадаги, банкдаги депозит ва ссуда ҳисобварақлари-

...ни валюта маблағларини, шу жумладан аккредитивларни ...

хорижий валютадаги пул ҳужжатларини;

хорижий валютада ифодаланган қисқа муддатли ва ...

...ни қимматли қоғозларини;

...еонторлик ва кредиторлик қарзларини, хорижий валютада ифодаланган кредит ва заёмларни қайта баҳолашдан ...

...ни олиб ташлаш керак.

Қуйидагилар қайта ҳисобланмайди:

корхона хорижий валютада харид қилган мол-мулк (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликлар, инвентар ва хўжалик анжомлари);

хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона устав капитали (фонди)нинг ҳажмлари ва унинг иштирокчилари (муассислари) улушларининг нисбати.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ...ги ҳисобот ойининг охирги санасида валюта ҳисоб-...ни қайта баҳолаш курсларидан фойдаланган ҳолда ...ларида акс эттирилиши билан амалга оширилади.

Валютанинг валюта молиявий ...ларини ҳар ой қайта баҳолаш натижасида вужудга келтирилган ва ...ларни тушунган мусбат ва манфий курс фарқлари корхонанинг ихтиёрига қараб бухгалтерия ҳисобида икки хил усул билан акс эттирилиши мумкин:

молиявий-хўжалик фаолияти натижасига ***тўғридан-тўғри ...тказиш усули***; бунда мусбати - молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга, манфийси - молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга ўтказилади;

жамлаш усули; бунда мусбати даставвал муддати узайтирилган даромадлар, яъни 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» ҳисобварағида, манфийси муддати узайтирилган харажатлар, яъни 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» ҳисобварағида жамланади ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

...чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ...лар қопланиб бориши (ёки ҳисобдан чиқарилиши) ...ида;

б) қонун ҳолатларда балансининг тегишли валюта модда-лари билан ҳужалик операциялари олиб борилиши учун.

Курс фарқлари бўйича бухгалтерия ҳисобини соддалаштириш мақсадида тегишли равишда 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» ва 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» ҳисобварақларидаги мусбат ва манфий курс фарқларини курс фарқи ҳисобдан чиқарилаётган ҳисобот ойи охирига чет эл валютаси бирлигига тўғри келадиган ўртача курс фарқ бўйича ҳисобдан чиқаришга рухсат этилган.

Қўлланилаётган курс фарқларини ҳисобдан чиқарини усули албатта хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳисобдан чиқарилган мусбат курс фарқи 9540 «Валюта курсларидан олинадиган даромадлар» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади ва даромадлар (фойда) солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани оширади, манфий курс фарқи эса 9620 «Валюта курсларидан қурилдиган зарарлар» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади ва даромадлар (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базани камайтиради.

Зарар билан фаолият қурилини олдини олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларга кредиторлик қарзларини қопланиш (ҳисобдан чиқарилиш) якунини муддатигача ушбу қарз бўйича жамланган манфий курс фарқини, молиявий-хўжалик фаолияти натижаси бўйича, уларни қоплаш учун етарли даромадлар четарасида ҳисобдан чиқарини рухсат этилган.

Курс фарқларини ҳисобга олиш бўйича мисоллар.

1-мисол. Кассадаги, валюта ҳисобварағидаги валюта маблағларини ва хорижий валютадаги дебиторлик қарзини қайта баҳолаш чоғида юзага келадиган курслари фарқлар бухгалтерия ҳисобининг тартиби:

– мусбат курслари фарқ суммасига:

Д-т 5020 "Чет эл валютасидаги пул маблағлари" ҳисобварағи 5210 "Валюта ҳисобварағи", дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш бўйича 4310, 4010, 6010, 6990 ҳисобварақлар ва ҳоказо.

К-т 6230 "Бошқа муддати узайтирилган даромадлар" ҳисобварағи.

[illegible] курсининг ўзгариши муносабати билан [illegible] олиниган фойда ёки зарарга келтирилган мажбурият суммасини;

[illegible] 6990 "Бошқа тегишли давр харажатлари" ҳисобварағи.

[illegible] 6610, 6710, 6810, 6910, 6990 мажбуриятлар ҳисобварақларининг кредитига:

[illegible] ни пластик картага ўтказиш борини билан қўйидаги ёзувларни киритилади:

[illegible] курс фарқлари бўйича:

[illegible] 6730 - Бошқа мулкни узайтирилган даромадлар»

[illegible] 9630 - Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар

[illegible] курс фарқлари бўйича:

[illegible] 9630 - Валюта курсларидаги фарқлардан қурилдиган харажатлар

[illegible] 6990 - Бошқа тегишли давр харажатлари».

2-мисол. [illegible] ни устав капитали (фонди)ни шаклланиш [illegible] курсдаги фарқни акс эттириш тартиби:

[illegible] ни рўйхатдан ўтказиш санасида устав капиталининг пул [illegible] акс эттириш шартлари:

[illegible] 6610 - "Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича [illegible] ҳисобварағи

[illegible] 6730 & 6830 - "Устав капиталини ҳисобга олувчи" ҳисобварақлар

муассисларидан улушларнинг ҳақиқатда келиб тушиш санасида

[illegible] 0110-0190 "Асосий воситалар", 0410-0490 "Номоддий активлар", 1010-1090 "Материаллар", 2810 "Омбордаги [illegible] маҳсулот", 2910 "Омбордаги товарлар" ҳисобварақларининг [illegible] ни ҳисобга олиш учун ҳисобварақлар ва [illegible]

[illegible] 6610 "Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича [illegible] ҳисобварағи.

[illegible] ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш санасида ва [illegible] ларнинг ҳақиқий олиши санасида Марказий банк курси [illegible] курсдаги фарқ суммасини [illegible] чиқариш:

[illegible] 6610 "Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича [illegible] ҳисобварағи.

К-т 8420 "Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи" ҳисобварағи

Мазкур курсдаги фарқ корхона даромади ҳисобланмайди ва фойдадан, фонда (даромад) солигига тортилмайди.

3-мисол. Экспорт операциялари бўйича курсдаги фарқларнинг бухгалтерия ҳисоби тартиби:

– маҳсулот, товарларни хорижий харидорга юклаб жўнатиш:

Д-т 4010 "Харидордан ва буюртмачилардан олинган даромадлар ҳисобварақлари.

К-т 9010-9030 "Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган даромадлар" ҳисобварағи;

– юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9110-9130 "Сотилган тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи" ҳисобварағи;

К-т 2810 "Тайёр маҳсулот", 2910 "Товарлар" ҳисобварақлари ва ҳоказо;

– хорижий харидорнинг қарзини транзит валюта ҳисобварағига ҳисоблаб ёзиш:

Д-т 5210 "Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварағи" ҳисобварағи

К-т 4010 "Харидорлардан ва буюртмачилардан олинадиган" ҳисобварақлар.

– айни вақтда товарни юклаб жўнатиш санасида ва валюта маблағларини ҳисобдан ёзиш санасига Марказий банк курслари ўртасидаги миқдордаги курсдаги фарқ акс эттирилади:

Д-т 4010 "Харидорлардан ва буюртмачилардан олинадиган" ҳисобварақлар

К-т 9540 "Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар" ҳисобварағи.

4-мисол. Импорт операциялари бўйича курсдаги фарқларнинг ҳисобга олиш тартиби:

– хўжалик шартномасига кўра хорижий етказиб берувчидан товар-моддий бойликлар олинди:

Д-т 1010-1090 "Материаллар", 2910 "Товарлар" ҳисобварақлари;

К-т 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" ҳисобварағи;

товар-моддий бойликлар учун валюта ҳисобва-
пудратчига ўтказилди:

Д-т 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўла-
ҳисобланган ҳисоблашувлар" ҳисобварағи.

К-т 9420 "Маъмурий ички ҳисобдаги валюта ҳисобварағи"

мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича курс-
фарқи суммасига:

Д-т 9630 "Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган
зарарлар" ҳисобварағи.

К-т 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўла-
ҳисобланган ҳисоблашувлар" ҳисобварағи.

1-мисол. Нақдсиз ҳисобот учун берилган суммаларни қо-
ошган ҳолдаги курслари фарқини қоплаш тартиби.

Курслари фарқ берилиш кунидаги курс бўйича ҳисобот топ-
шириш пайти олиб келган хизмат сафари харажатларига берилган
аванслар ҳисоботи ҳисоботи тасдиқланган кундаги курс бўйи-
ча ҳисобланган сўм эквивалентлари тақдим этилган сумма ўртасида
фарқ чиқади. Бухгалтерия ҳисобида мазкур валюта операци-
ялари акс эттирилган санадаги Марказий банк
курси ишлатилиб акс эттирилади.

Корхона кассасидан хизмат сафари харажатларига хори-
жий валютада сумма берилди (чиқим касса ордерини ёзиш
пайти):

Д-т 1220 "Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар"
ҳисобварағи.

К-т 9020 "Чет эл валютасидаги пул маблағлари" ҳисобварағи;

ҳисобот учун берилган суммалар ҳисобига қилинган ха-
ражатларни ҳисобдан чиқарилиш (бўнак ҳисоботини тасдиқлаш
пайти):

Д-т 2010 "Асосий ишлаб чиқариш", 9420 "Маъмурий ха-
ражатлар" ҳисобварағи.

К-т 4220 "Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар"
ҳисобварағи.

курслари мусбат фарқ суммасига:

Д-т 4220 "Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар"
ҳисобварағи.

К-т 9540 "Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган да-
ромадлар" ҳисобварағи.

Валюта операцияларини ўтказиш пайтида корхона савдо операцияларидан хорижий валютада олинган тушумнинг 50% ҳажмидаги бир қисмини мажбурий тарзда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига сотиш тўғрисидаги қоидаларга асосланиши лозим.

Валюта тушуми корхонанинг ҳисоб-китоб варағига келиб тушганда ваколатли банк уни бу ҳақда кейинги кундан кечиктирмай хабардор қилади. Корхона, ўз навбатида, унбу банкка валютанинг 50%ини операция амалга оширилган кунда Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича мажбурий сотиш тўғрисида топшириқ беради (тўлов топшириқномаларини тақдим этади). Корхона маблағлар валюта ҳисобварағига ёзилган санадан бошлаб ўн иш куни давомида валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотишга тўлов топшириқномасини тақдим этмаган тақдирда ваколатли банкнинг ўзи кўрсатилган маблағларни сотишни амалга оширади. Корхона пеняларни мажбурий тарзда сотиш белгиланган суммадан, муддати ўтган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда тўлайди.

Олинган тушумнинг 50%ини мажбурий сотиш қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

Д-т 9220 "Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи.

К-т 5210 "Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари" ҳисобварағи.

Ҳисоб-китоб варағига 50% хорижий валютани мажбурий сотишнинг келиб тушиши:

Д-т 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағи.

К-т 9210 "Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи.

Корхона Ўзбекистон Республикаси ички бозорида хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартиб ва мақсадларда, ваколатли банклар орқали харид қилиш ҳуқуқига эгадир. Хизмат сафари харажатлари, шартнома-контрактлар бўйича мажбуриятларни бажаришга доир операциялар ва ҳоказолар ана шундай мақсадли пуналишлар ҳисобланади.

Сумга харид қилинган хорижий валютани қайд этиш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади.

...харид қилиш кунидаги курс бўйича чет эл валютасини ...сотиш учун ҳисоб-китоб ҳисобварағидан сўм қурини... ...ги маблағларни ўтказиш:

Д-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи».

в) банк кўчирмаси бўйича валюта ҳисобварағига чет эл ...ютасини ўтказиш:

Д-т 5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари»

К-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар».

г) мусбат курс фарқини акс эттириш:

Д-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар»

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган да...»

д) манфий курс фарқини акс эттириш:

Д-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган ...»

Д-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар»

Чет эл валютасининг сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйи... ...тартибда акс эттирилади:

а) МБ курси бўйича чет эл валютасини валюта ҳисобидан ...ш:

Д-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар»

К-т 5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари»

б) МБ курси бўйича валютани блок ҳисобварағидан ҳисоб... ...чиқариш:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача ...ниб кетиши»

К-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар»

в) банк кўчирмаси бўйича сотилган валютанинг сўм ...ришидаги эквивалентини ҳисоб-китоб ҳисобварағига ...ш:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача ...ниб кетиши»

г) мусбат курс фарқини акс эттириш:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача ...ниб кетиши»

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган да...»

д) манфий курс фарқларини акс эттириш:

Д-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар»

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши»

Курс фарқларини ҳисобга олиш бўйича вазиятлар

1-вазият. Товарларни сотиб олиш.

2003 йил 3 февралда $20000лик товар МБ курси бўйича кирим қилинган. Божхона юк декларациясини (БЮД) тўлдириш санаси ҳолатига курс 1 доллар учун 960 сўмни ташкил этган. Товарни кирим қилиш (20000 х 960 = 19200,0 минг сум) қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 2910 «Омбордаги товарлар» - 19200,0 минг сўм

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 19200,0 минг сўм

28 февралда сўмга нисбатан долларнинг курси 965 сўмгача кўтарилди. Курс фарқи 965 - 960 = 5 х 20000 = 100,0 минг сўмни ташкил этади.

Тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:

Д-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар» - 100,0 минг сўм

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 100,0 минг сўм

Жамлаш усули бўйича:

Д-т 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» - 100,0 минг сўм

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 100,0 сум

15 мартда тўлов кунига 968 сўм курс бўйича товар тўланди. Курс фарқи 968-965 = 3 х 20000 = 60,0 минг сўм.

Тўғридан-тўғри усул бўйича:

Д-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 19300,0 минг сўм

Д-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар» - 60,0 минг сўм

К-т 9210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари» - 19360,0 минг сўм.

Жамлаш усули бўйича:

Д-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 19300,0 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 100,0 минг сўм

Д-т 9610 «Божхона кечиктирилган давр харажатлари» - 100,0 минг сўм

К-т 9610 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари» - 19360,0 минг сўм.

7 вариант. Товарларни сотиш.

Корхона МБ 1 доллар учун 963 сўм курси бўйича $2000лик. товарни 2000 х 963 = 1926,0 минг сумлик товар ортилган.

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 1926,0 минг сўм

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 1926,0 минг сўм.

28 февралда курс 1 доллар учун 965 сўмгача кўтарилган, 965 - 963 = 2 х 2000 = 4,0 минг сўм.

Тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 4,0 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 4,0 минг сўм.

Жамлаш усули бўйича:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 4,0 минг сўм

К-т 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» - 4,0 минг сўм.

12 мартда харидордан пул келиб тушган. Пул келиб тушган куни МБ курси 1 доллар учун 975 сўмни ташкил этган. 975 - 965 = 10 х 2000 = 20,0 минг сўм.

Тўғридан-тўғри ўтказиш усули бўйича:

Д-т 5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари» - 1950,0 минг сўм

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 1930,0 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 20,0 минг сўм

Жамлаш усули бўйича:

Д-т 5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари» - 1950,0 минг сўм

Д-т 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» - 4,0 минг сўм

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 1930,0 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курслари фарқдан олинадиган даромадлар» - 24,0 минг сўм.

Соддалаштириш мақсадида қолган бошқа мисоллар тўғридан-тўғри ўтказиш усули асосида келтирилган.

3-вазият. 50% валюта тушумини сотиш.

16 мартда 50% валюта тушуми МБ курси 1 доллар учун 975 сўмдан $ 1000 га сотилган. 1000 х 975 = 975,0 минг сўм.

Д-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар» - 975,0 минг сўм

К-т 5210 «Чет элдаги валюта ҳисобварақлари» - 975,0 минг сўм.

Ҳисоб-китоб ҳисобварағига суммалик эквивалентини ўтказиш:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 975,0 минг сўм

К-т 5530 «Бошқа махсус ҳисобварақлар» - 975,0 минг сўм.

4-вазият. Валюта ҳисобварағини қайта баҳолаш.

2003 йил 31 декабрда валюта ҳисобварағида $ 1500 бўлган, МБ курси 1 доллар учун 965 сўмни ташкил этган, январ ойи мобайнида валюта ҳисобварағида бирорта ҳам операция амалга оширилмаган.

2004 йил 31 январда курс 1 доллар учун 975 сўмни ташкил этган. Курс фарқи 1500 х (975 - 965) = 15,0 минг сўмни ташкил этади ва қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 5210 «Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари» - 15,0 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курслари фарқдан олинадиган даромадлар» - 15,0 минг сўм.

5-вазият. Ҳисобдор суммалар бўйича курс фарқи.

2003 йил 12 февралда $ 300 ҳисоботга берилди, курс 1 доллар учун 970 сўм, яъни 970 х 300 = 291,0 минг сўм. Бунак берилиши қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бунаклар» - 291,0 минг сўм

К-т 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» - 291,0 минг сўм.

2003 йил 20 февралда $280 бунак ҳисоботи тақдим этилган ва тасдиқланган, $20 кассага қайтарилган, курс 973 сўм.

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар» (973 х 280) - 272,4 мин сўм

Д-т 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» (20 х 973) - 19,46 минг сўм

К-т 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бунаклар» (300 х 970) - 291,0 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олиналиган даромадлар» - 0,9 минг сум.

6-вазият. Устав капиталини шакллантиришда курс фарқини акс эттириш тартиби.

2003 йил 5 февралда Қўшма корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва АҚШ $ 150000 суммада устав капитали рўйхатга олинган, курс 1 доллар учун 960 сум. 150000 х 960 = 144000 минг сўм.

Д-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» - 144000 минг сўм

К-т 8330 «Пай ва қўйилмалар» - 144000 минг сўм.

2003 йил 20 февралда курс 1 долларга 965 сум бўлиб амалга 150000 х 965 = 144750 минг сумлик бадал киритилган.

Д-т 5210 «Мамлакат ичидаги валюта ҳисобварақлари» - 144750 минг сўм

К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» - 144000 минг сум

К-т 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи» - 750 минг сўм.

Корхона устав капитали (фонди)ни шакллантиришда таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш сана ҳолатига Марказий банк белгилаган курслар ва устав капитали (фонди)га амалга оширилган маблағлар киритилган сана ҳолати орасидаги курс фарқлари бухгалтерия ва статистика ҳисобида 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи» ҳисобварағида қўшимча капитал сифатида акс эттирилади.

7.4. Банклари бошқа ҳисобварақлар бўйича операциялар ҳисоби

Банкдаги махсус ҳисобварақлар бўйича операциялар ҳисобини 22800 "Банклари махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари бўйича ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобварағида юритиш

лади. Ушбу ҳисобварақ республика ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа махсус ҳисобварақларда бўлган Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ва хорижий валютадаги маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, шунингдек мақсадли молиялаш маблағлари (тушумлар) алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

5500 "Банклардаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобварағига қуйидаги ҳисобварақлар очилиши мумкин:

5510 "Аккредитивлар".

5520 "Чек дафтарчалари" ва бошқа.

5530 "Бошқа махсус ҳисобварақлар".

5510 "Аккредитивлар" илова ҳисобварағида аккредитивларда бўлган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади. Аккредитив шаклида ҳисоб-китобларни амалга оширии тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади.

Аккредитив шакли харидорлар ва товарни етказиб берувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун қўлланилади. Товар харидори (товар аккредитиви) аккредитив аризасини расмийлаштиради, бу билан ўз банки бўлимига унга юклаб жўнатилган маҳсулот, муайян етказиб берувчиларга товар-молдий бойликлар учун тўловномаларни тўлашга мўлжалланган аккредитив тақдим этишни топширади.

Аккредитив очиш тартибида корхонанинг ҳисоб-китоб варағидан маблағларни ҳисобдан чиқаришни банк аккредитивга доир ариза асосида амалга оширади. Аккредитив ёпилганда маблағлар қолдиғи аккредитив очилган корхонанинг ҳисобварағига қайд этилади.

Нақдсиз ҳисоб-китоблар учун қўлланиладиган ҳисоб-китоб чеклари корхонанинг чек берувчи ҳисобварағидан олувчи — чек тутувчи ҳисобварағига муайян пул суммасини ўтказиш хусусидаги ёзма топшириғи ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга бўлинади:

— лимитланган чек дафтарчаларидан;

— банк томонидан акцептланмаган;

— банк томонидан акцептланган;

бир талғи, исми ёзилган (ҳисоб-китобли).

Лимитланган дафтарчалардан чеклар. Харидорлар томони... қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари бўйича қабул қили... товарлар учун, агар улар ҳақиқатан харидорлар томони... олиб чиқилган ёки уларга етказиб берилган бўлса, кўрса... хизматлар учун ҳисоб-китобларда, шунингдек "Ўзбе... темир йўллари", "Ўзбекистон ҳаво йўллари" кўрса... хизматлар учун доимий ҳисоб-китобларда алоқа хизмат... ва божхона русум-қоидалари учун ҳисоб-китобларда ... қилади.

Чек дафтарчасини олиш учун банкка ариза топширилади ... корхона муҳрининг изи қўйилган ҳолда корхонанинг ...ооварағи бўйича операцияларни амалга ошириш учун ҳуж...ларга имзо чекиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан имзо... лимитланган чек дафтарчаси эгасининг шахсий ҳисоб-...рағида маблағларни депонентлаш учун тўлов топшириқно... ...ркалади.

Чеклар тўлов суммаларини белгилаш пайтида ёзилади ва ...исоб-китоб варағини тасарруф этиш ҳуқуқига эга шахслар ...монидан имзоланади. Истисно сифатида лимитланган даф...рчалардан чекларни харидорнинг масъабдор шахслари имзо...лари мумкин, улар товарни жойлаштирган корхонанинг ишончно...си бўйича оладилар ва уларнинг чекларни имзолаш ҳуқуқи ...ончномала алоҳида кўрсатилади. Чекларда ҳисобварақ эгаси ...рининг изи бўлиши керак. Улар берилган кунини ҳисобла...ида, ўн кун давомида ҳақиқий ҳисобланади.

Банк томонидан акцептланмаган чекларни солиқ идоралари ...юджет даромадларини қайтариш пайтида қўллайдилар.

Банк томонидан акцептланган чекларни бюджет ташкилот... олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун бир тал... ҳисоб-китобларида, шунингдек солиқ идоралари бюджет ...маларини Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва маълумот...ириш агентлиги орқали қайтараётганида қўлланилади.

...0-5530 "Банклардаги махсус ҳисобварақлардаги пул ...ларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобварағида ...лар ҳаракати бўйича бухгалтерия ўтказмалари қуйида...ичишини олади:

...олиқ кучирмасига кўра аризага биноан аккредитив (чек ...рғизиси) очилиши (олиниши):

Д-т 5510-5530 "Банклардаги махсус ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобвараги.

К-т 5110 "Ҳисоб-китоб варағи" (ёки 6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари") ҳисобвараги:

– етказиб берувчилардан қарзнинг аккредитив ёки чеклан ҳисобдан чиқарилиши (тўланиши):

Д-т 6010 "Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар" ёки 4810-4890 "Турли дебиторлик қарзларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар".

К-т 5510-5530 "Банклаги махсус ҳисобварақларда пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобвараги;

– аккредитив ва чек лафтарчасидан фойдаланилмаган суммаларни қайд этиш:

Д-т 5110 "Ҳисоб-китоб вараги" ёки 6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари" ҳисобвараги.

К-т 5510-5530 "Банклаги махсус ҳисобварақларда пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар" ҳисобвараги.

Ушбу ҳисоб-китобларнинг таҳлилий ва жамлама ҳисоби банк кўчирмалари асосида 3-сон журнал-ордерда юритилади.

8-БОБ. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИ

8.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари ва миқдорини, шунингдек бошқа қўшимча ҳақ ва устама ҳақларни республика қонун ҳужжатлари асосида мустақил равишда белгилайди.

Иш ҳақи ходимлар даромадининг асосий манбаи ҳисобланади ва корхона ишининг пировард натижаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ишлаб чиқаришга қўшган меҳнат ҳиссаси билан белгиланади.

Иш ҳақи маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) харажатларининг калькуляция ҳисобини ташкил этади. Иш ҳақи ишлаб чиқариш (муомала) чиқимла-

ини бир қисми сифатида маҳсулот таннархини шакллан-
тирилиши ва пировардида — корхона томонидан фойда олини-
ши таъсир кўрсатади. Шунинг учун иш вақтидан ташқари
ишга ҳақ тўлаш ва бир меъёрдаги иш шароитларидан бошқа
ҳолатларни чиқишлар сингари иш ҳақига доир ноишлаб чиқариш
харажатларини камайтириш ва уларга йўл қўймасликка эътибор
бериш муҳимдир.

Корхона бухгалтериясининг муҳим вазифаси — иш ҳақини
тўғри ҳисоблаш ва уни ўз вақтида беришдир.

Ходимларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси (ёки
контракти) ва у имзоланганидан кейин корхона раҳбари-
нинг уни ишга қабул қилиш тўғрисида имзолаган буйруғи
(фармойиши) билан расмийлаштирилади.

Корхона бўйича ходимлар жадвали ишлаб чиқилади ва
тасдиқланади, у барча ходимларнинг рўйхати бўлиб, улар
лавозимининг миқдори кўрсатилади.

Ходимлар бўлимида ҳар бир ходимга шахсий варақча (кар-
точка) тўлдирилади, раҳбар ходимлар ва мутахассисларга
нисбатан ташқари, шахсий варақа юритилади. Ҳар бир ходимга
ишга қабул қилиш пайтида табел рақами берилади, бундан
ташқари ишлаб чиқариш ва иш ҳақини ҳисобга олишга доир
барча ҳужжатларга шу рақам қўйилади.

Корхонанинг бухгалтерия хизмати томонидан ҳар бир хо-
димга **шахсий ҳисобварақаси** очилади, унда ходимнинг иш
ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ойма-ой жамланиб борилади
(*намунага қаралсин*).

Асосий ва қўшимча иш ҳақи мавжуд.

Асосий иш ҳақига ишланган вақт, бажарилган ишлар миқ-
дори ва сифати учун ходимга ҳисобланадиган иш ҳақи: иш-
таҳлар бўйича тўлов; тариф ставкалари; мукофотлар;
ишнинг бир меъёрдаги шароитларидан четга чиқишлар; тун-
ги вақтидан ташқари ишлаганлик муносабати билан
қўшимча тўловлар; бригадирлик учун қўшимча ҳақ; ишчи-
лардан бўлмаган ҳолда ишламаганлик учун тўлов ва ҳока-
золар киради.

Қўшимча иш ҳақини меҳнат бўйича қонун ҳужжатларида
белгиланган ишланмаган вақт учун тўловлар: навбатдаги
таътил; эмизикли оналар ишидаги танаффуслар; ўсмир-
лар ишининг қисқартирилган соатлари; давлат ва жамоат мажбуриятла-

16-намуна

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИНИНГ ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚАСИ

Мухин Петр Егорович

(фамилияси, исми, шарифи)

Хизмат бўйича ҳаракат					Ушлаб қолишлар					Таътиллар		
Сана	Асос	Хизмат жойи	Лавозим	Маош	Ушлаб қолиш хусусияти	Сумма	Муддат-лар	Асос	Қўшимча маълумотда белгилар ва ҳ.к.	Қайси давр учун	Қайси вақтдан	Қайси вақтгача
7.11.	13-сон буйруқ		Опера-тор	7700	даромад солиғи, нафақа жамғармаси							
10.01.	3-сон буйруқ			11600	даромад солиғи, нафақа жамғармаси							

Сана	Тўлов қайдно-маси рақами	Тўлов даври	Тегишли								Ушланди										Берилади	
			асосий маош		мукофот		касаллик варақалари-и бўйича тўлаш		жами		даромад солиғи		нафақа жамғар-маси		касаба уюшмала-ри бадали		ижро варақала-ри бўйича		жами			
30.11. 2003	2	11	7700	=					7700	=	1199	=	140	=	77	=			1416	=	6284	=
27.12. 2003	1	12	7700	=	1500	=			9200	=	1702	=	184	=	92	=			1978	=	7222	=
26.01. 2004	1	01	11600	=					11600	=	2058	50	290	=	116	=			2497	50	9135	50
ва ҳоказо																						

...ини бажарганлик учун тўловлар; ишдан бўшатиш пайтида ...ладиган бир галги нафақалар ва ҳоказолар киради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий шакллари *ишбай* ва *вақт-...и* шакллар ҳисобланади.

Ишбай иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар) миқ-...ри ва унинг бирлиги учун нархлар асосида ҳисобланади.

Мисол. III тоифали токар бир ойда 80 детал тайёрлади. Бир ...тал учун ишбай нарх — 250 сўм. Унинг иш ҳақи 20 минг ...мни (250 х 80) ташкил этди.

Ишбай ҳақнинг *ишбай-мукофот* ва *аккорд* шакллари ҳам ...ланилади.

Ишбай-мукофот шакли ишлаб чиқариш меъёрларини ба-...рганлик ва ошириб бажарганлик учун мукофотлар тўлаш-...ни назарда тутади.

Мисол. III тоифали токар меъёр 70 детал бўлгани ҳолда ...детал тайёрлади, ишбай нарх — маҳсулот бирлиги учун — ...0 сўм. Ишлаб чиқариш меъёрини ошириб бажаришнинг ...ар бир фоизи учун ишбай ҳақнинг суммасидан 3 фоиз миқ-...орида мукофот белгиланади. Ишлаб чиқариш меъёрини ба-...ариш фоизи:

114% = (80 : 70 х 100);

мукофот миқдори — 42% (14 х 3);

ишбай ҳақ суммаси — 20 000 сўм (250 х 80);

мукофот суммаси — 20 000 х 42 : 100 = 8 400 сўм;

умумий иш ҳақи суммаси — 20 000 + 8 400 = 28 400 сўм.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг **аккорд** шаклида иш ҳақи унинг ...лашининг кўрсатилган муддатларини ҳисобга олган ҳолда ...арилган ишларнинг бутун ҳажмига ҳисобланади. Умумий ...ш ҳақи бригаданинг ҳар бир аъзоси ишлаган вақт ва бри-...а аъзосининг тоифасига (тариф ставкасига) мутаносиб ...ларига тақсимланади. Умумий иш ҳақининг бир қисми, ...ги бригада ишлаб топган ҳақ ва вақт меҳнатда иштирок ...ги коэффициентини (МИК) ҳисобга олган ҳолда тақ-...ланиши мумкин.

...натда иштирок этишнинг ҳақиқий коэффициентини ...ининг ҳар бир аъзосига бригада кенгаши корхона раҳ-...и томонидан тасдиқланган баённомани расмийлаштириш ...ида белгилайди.

...натда ҳақ тўлашнинг аккорд шаклида МИКдан фой-

даланган ҳолда бригада ишчилари ўртасида ишбай меҳнат ҳақининг тақсимланишини кўриб чиқамиз (8-жадвал).

Тўрт кишидан иборат бригада 132 минг сўмлик аккорд ишини бажарди, шу жумладан иш ҳақи тариф бўйича 103891,2 сўмни, ишбай ҳақ 16108,8 сўмни, мукофот 12 минг сўмни ташкил этган.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли иш ҳақини ходим томонидан ишланган вақт миқдоридан ва бир соат иш учун тариф ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишни назарда тутади.

Мисол. II тоифали чилангар 2003 йил июнда 170 соат ишлаган. Бир соат учун тариф ставкаси 120 сўмга тенг. Унинг иш ҳақи 20 400 сўмни (120 х 170) ташкил этди.

Вақтбай-мукофот тўлови вактбай иш ҳақининг бир тури ҳисобланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ушбу тизими сифат ва миқдор кўрсаткичлари учун мукофот ҳисоблашни назарда тутади. У вақтбай ишландиган ишчилар ойлик лавозим маошлари белгиланган хизматчилар иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади. Мукофот тасдиқланган ва корхонада амал қилаётган мукофотлаш тўғрисидаги низом буйича, ишланган вақт ва лавозим маоши ёки тариф ставкасини назарда тутиб ҳисобланади. Мукофотлаш тўғрисидаги низом корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариш шартлари ва хусусиятларига татбиқан ишлаб чиқилади ҳамда корхона раҳбари ёки муассисларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланади.

Мисол. Муҳандис 2003 йил май ойида 16 кун ишлаган. Ойда иш кунлари сони 22 кун. Ойлик лавозим маоши — 16 минг сўм. Май учун мукофот фоизи — 75%. Лавозим маоши буйича ҳақ 11636 6 сўм (16000 : 22 х 16). Мукофот 8727.27 сўмга тенг (11636,36 х 75 : 100). Умумий иш ҳақи 20363,63 сўмни ташкил этди (11636,36+8127,27).

Тунги вақтдаги иш учун ҳақ (тунги вақт деб соат 22.00 дан 6.00 гача бўлган вақт ҳисобланади) жамоа шартномасида ёки умумий йигилиш томонидан кўзда тутилган миқдорларда тўланади.

Иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун ҳақ тўлаш. Қонун билан белгиланган иш вақтидан ташқари ишлаш ишдан ташқари ишлаш ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлашга фавқулодда ҳолларда корхона касаба уюшмасининг рухсати

МИКдан фондаланган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд шаклида иш ҳақини бригада аъзолари ўртасида тақсимлаш

Ф.И.Ш.	Табел рақами	Касби	Тоифаси	Ишбай тариф ставкаси	Ишланган вақт, соат	Тарифли иш ҳақи, сўм. 2-уст. х 3-уст.	МИК	Келтирилган тарифли иш ҳақи, 4-уст. х 5-уст	Келтирилган коэффициент. 6-уст. жами 6-уст.	Ишбай ҳақ, сўм. 7-уст.х 16108,8	Мукофот, сўм. 7-уст х 12000	Жами иш ҳақи, сум. 4-уст. + 8-уст. + 9-уст.
А	Б	В	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ахмедов И.С.	*42*	*бетончи*	*III*	*140,0*	*170*	*23800,0*	*1,1*	*26180,0*	*0,226*	*3640,6*	*2712,0*	*30152,6*
Шукатов А.Б.	*46*	*бетончи*	*IV*	*168,0*	*154*	*25872,0*	*1,2*	*31046,4*	*0,268*	*4317,2*	*3216,0*	*33405,2*
Ким С.И.	*52*	*дурадгор*	*III*	*140,0*	*154*	*21560,0*	*0,9*	*19404,0*	*0,168*	*2706,2*	*2016,0*	*26282,2*
Леонов И.К.	*60*	*дурадгор*	*IV*	*201,6*	*162*	*32.659,2*	*1,2*	*39191,0*	*0,338*	*5444,8*	*4056,0*	*42160,0*
Жами						**103891,2**		**115821,4**		**16108,8**	**12000,0**	**132000,0**

билан пул қўйилади. Иш вақтидан ташқари ишлашга, қонунчиликка мувофиқ, ҳомиладор аёллар, уч ёшгача фарзанди бор аёллар, ўн саккиз ёшга етмаган ходимлар, машғулот кунларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Ҳунар-техника билим юрти (ҲТБЮ) ва мактабларда ўқийдиган ходимлар жалб этилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун камида икки баравар ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига кўра иш вақтидан ташқари ишланганлик ишланган соатнинг сонига қараб ишламаслик (отгул) билан қопланиши мумкин. Бунда ҳақ бир ҳисса ҳисобида тўланади.

Байрам ва дам олиш кунларида ишлаганлик учун икки баравар миқдорда ҳақ тўланади. Агар ходим бунинг ҳисобига бошқа куни дам олса, ҳақ бир ҳисса ҳисобида тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ҳисоб-китоби. Даволаш (тиббиёт) муассасасининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (бюллетен) тўлаш суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Нафақа миқдори касал бўлишдан олдинги ишланган ой учун ўртача иш ҳақи, касаллик кунлари сони ва умумий иш стажига боғлиқдир. Иш стажи 8 йилгача бўлса иш ҳақининг 60%и, 8 йилдан ошса 80%и тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш натижасидаги, 16 ёшга етмаган, 3 ва ундан кўп фарзанди бўлганда, меҳнатда жароҳат олиш ва ишлаб чиқаришда шикастланишда, уруш ногиронлари ва ҳоказоларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, стаждан қатъий назар, 100% миқдорида тўланади.

Иш ҳақи суммасига тўловнинг барча турлари киритилади, бундан меҳнатга ҳақ тўлашга кирмайдиган бир галги тусдаги тўловлар мустасно. Касал бўлишдан олдинги охирги ой иш ҳақига ўтган йил учун мукофот ва тақдирлашларнинг ўртача ойлик суммаси қўшилади.

Ойлик меҳнат ҳақи оладиган шахсларга нафақа касал бўлишдан олдинги охирги иш учун маошдан келиб чиқиб ҳисобланади, унга ўтган охирги 12 ой учун ўртача ойлик мукофот қўшилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси барча ҳолларда энг кам меҳнат ҳақидан кам бўлмаслиги (ноишлаб чиқариш тармоқлари учун туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) ва нафақа ҳисобланадиган иш

ҳақидан кўп бўлмаслиги керак. У барча ҳолларда ҳақиқий иш ҳақи бўйича ҳисобланади.

Мисол. Ходим 2003 йил декабрида уч кун касал бўлди, бу ҳақда табелда қайд этилди ва тиббиёт муассасасининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаси билан тасдиқланди. Умумий иш стажи — 17 йил. Ўтган ой (ноябр) учун иш ҳақи: ишбай — 9 минг сўм; вақтбай — 1400 сўм; вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси — 600 сўм; ўтган йил учун ўртача ойлик мукофот — 880 сўм.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоб-китоб қилиш учун ўртача иш ҳақи ҳисоб-китобига 11280 сўм (9000 + 1400 + 880) киритилиши керак. Ноябрда 22 иш куни бор. Ўртача бир кунлик иш ҳақи 512,72 сўмни (11280 : 22) ташкил этди. Иш стажи ва касаллик кунлари сонини ҳисобга олганда нафақа 1230,52 сўмга тенг (512,72 х 3 х 0,8).

Таътилларни тўлаш ҳисоб-китоби. Ходимлар ҳар йили меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга, уни мазкур корхонада олти ой узлуксиз ишлашдан сўнг олади. Таътил учун тўлов суммаси таътилдан олдинги ишланган ой учун иш ҳақи суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китобга бир галги тақдирлашлардан ташқари, ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобланадиган тўловларнинг барча турлари қабул қилинади. Иш ҳақи суммасига йиллик мукофотларнинг 1/12 қисми киритилади.

Олинган сумма 25,4 га (бир ойда иш кунларининг ўртача сони) бўлинади ва таътил кунлари сонига кўпайтирилади.

Мисол. Ишчи 2003 йил апрелида 24 кунга таътилга чиқди. Унинг март учун иш ҳақи: ишбай — 6 минг сўм; вақтбай — 2 минг сўм; тунги вақтда ишлаганлик учун — 700 сўм; вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси — 500 сўм; Наврўз байрами муносабати билан мукофот — 2 минг сўм; ўтган йил учун ўртача ойлик мукофот — 800 сўм. Таътил пулини ҳисоб-китоб қиламиз: (6 000 + 2 000 + 700 + 800) = 9 500 сўм. Наврўз байрами муносабати билан берилган мукофотни ҳисоб-китобга киритмаймиз, чунки у бир галги мукофот. Таътил пулини белгилаймиз: (9 500 : 25,4 х 24) = 8 976,37 сўм.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра асосий меҳнат таътилининг 15 кун давом этиши белгиланган, лекин ходимлар қўшимча таътиллари-

нинг муддати жамоа шартномасида бир неча кун кўпроқ қилиб белгиланиши мумкин. Қонун ҳужжатлари бўйича таътил муддати билан жамоа шартномасида белгиланган муддат ва компенсациялар ўртасида ҳисобланган суммадаги фарқ «Харажатлар таркиби тўғрисидаги низом»нинг 1-иловасига кўра фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базага киритилиши керак. Бизнинг мисолда у қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

(9 500 : 25,4 х 15) = 5610,23 сўм

8 976,37 – 5610,23 = 3366,14 сўм.

Демак, таътил пули – 3326,14 сўм ҳисобланган ойда фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган база кўпайтирилиши лозим.

8.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштириш

Ишлаб чиқариш хусусияти, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тизимидан келиб чиқиб, корхонада дастлабки ҳужжатларнинг қуйидаги шакллари қўлланилади: *ишбай ишлашга наряд; йўналиш варақаси (харитаси); маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида билдирги; ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳисобга олиш қайдномаси; ишларни қабул қилиш далолатномаси.*

Нарядлар (топшириқлар) якка тартибдаги маҳсулот тайёрлайдиган ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Бир галги ва жамғариш, шунингдек якка тартибдаги ва бригада нарядлари мавжуд. Бир галги нарядлар бўйича смена ёки ой давомида бир турдаги иш расмийлаштирилади, жамғариш нарядлари эса ой охирида ёпилади ва турли хил ишларни акс эттиради *(17-намунага қаралсин).*

Якка тартибдаги наряд бир ишчининг ишини расмийлаштиради, агар иш бригада томонидан бажарилса, бригада ишини акс этадиган бригада нарядлари расмийлаштирилади. Маҳсулот цехлар бўйича навбатма-навбат ишлов бериш йўли билан тайёрланадиган туркумли (серияли) ишлаб чиқаришларда маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобга олиш учун йўналиш хариталари қўлланилади.

Агар йўналиш харитаси бўйича ишларни бир неча ишчи бажарса, улар ҳар бирининг иш ҳақи жамғарилиши маҳсулот ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги биллдирги бажарилади.

«Наргиза» масъулияти чекланган жамият

Ишбай тизим бўйича тўланади
тўланмайди

2003 йил 1 мартдаги 22-сонли наряд

Объект номи *А маҳсулоти* шифр 20
Бригада (касб) *токар*
звено
Бригадир (звено бошлиғи) *Сиротин А.С.* табел рақами 9

Ишларни бажариш муддати
бошланиши *1*
якунланиши *30*

Бир хил меъёрлар ва баҳолар ва калькуляция рақами	Ишлар ва ишлаб чиқариш шароитлари баёни	Ўлчов бирлиги	Топшириқ			Бажарилиши			Харажатлар шифри
			ишлар сони	бирликка		ишлар сони	ишнинг бажарилиши меъёри бўйича кишн/кун (киши/соат) сони	иш ҳақи суммаси	
				вақт меъёри	баҳо (нарх)				
3	*Токарлик ишлари. 18-сон детал*	*дона*	*70*		*90,0*	*70*		*6700,0*	*20*

Топшириқ берди *уста Андреев*
Бажарилган ишни қабул қилди *уста Андреев*
Олти минг уч юз сўм, 00 тийин суммасига нарядни тўлаш учун тасдиқлайман
Корхона раҳбари *Степанов*
11-сон ҳисоб-китоб-тўлов қайдномасига киритилди
Бухгалтер *Котин*

Ишчилар бир турдаги операцияларни бажарадиган, ишлаб чиқариш оммавий хусусиятга эга бўлган корхоналарда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш қайдномаси билан расмийлаштирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизимида бригада ишлаб чиқарган маҳсулот ишларни қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Ишнинг бир меъёрдаги шароитлардан четга чиқишлар қўшимча ҳақ тўлаш варақалари билан расмийлаштирилади.

Вақтбай иш ҳақини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий ҳужжат бўлиб фойдаланилган иш вақти табели ҳисобланади. У иш жойларида бригадирлар, усталар, цех, бўлим бошлиқлари томонидан тўлдирилади. Ишда бўлмаслик кунлари шифрлар билан акс эттирилади: "К" – касалланиш, "Д" – дам олиш кунлари, "Т" – таътил ва ҳоказо *(18-намунага қаралсин)*.

Тегишлича расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар ой охирида бухгалтерияга тошпирилади, бухгалтерия ходимлари уларни диққат билан текширадилар, сўнгра ҳар бир ходимга тегишли бўлган иш ҳақини ҳисоблайдилар ва маълумотларни ишлов учун ҳисоблаш марказига топширадилар ёки компьютерга киритадилар. Ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи ходимнинг шахсий ҳисобварағида кўрсатилади.

8.3. Ходимлар билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби

Иш ҳақи бир ойда бир ёки икки маротаба берилади. Бўнаклар солиқларни чегирган ҳолда маошнинг 50% миқдорида берилади.

Корхона бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларини расмийлаштириш учун фойдаланиладиган асосий регистр бўлиб ҳисоб-китоб қайдномаси ҳисобланади. У цех ва бўлимлар бўйича тузилади ва қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: тўлов турлари бўйича ҳисоблашлар – 6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи кредити бўйича айланма; иш ҳақидан ушлаб қолишлар – 6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети бўйича айланма. Фарқ қўлга бериладиган суммани ташкил этади.

2003 йил декабр учун 1-цех буйича иш вақтини ҳисобга олиш

ТАБЕЛИ

Фамилияси, исми, шарифи	Табел. рақами	Касб (вазифа)	Код	Ой кунлари																								
				1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	Оғоҳлар I-ярми учун жами	16	17	18	19	20	21	22	23	24
Ҳамзаев Н.С.	42	ишчи	ИШ	Я	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Д	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я		Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я	Я	Я
Пулатов А.Б.	46	ишчи	ИШ	Я	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Д	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я		Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я	Я	Я
Каримов Н.	52	оператор	ИШ	Я	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Д	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я		Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я	Я	Я
Исаков В.К.	60	оператор	ИШ	Я	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Д	Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я		Я	Я	Д	Д	Я	Я	Я	Я	Я

28	26	2	28	29	30	31	Ишга келиш кунлари: Келиш-кетиш ишлатган	Ишга келиш кунлари: Сменада ишлаш соати ўрнига тўлаш	Ишга келмаслик кунлари: Ишлаб чиқаришдаги таътил	Ишга келмаслик кунлари: Туғруқ олдидан бўлиш ва туғруқ таътили	Ишга келмаслик кунлари: Касаллик	Ишга келмаслик кунлари: Қонун олдида рухсат этилган бошқа ишга келмасликлар	Ишга келмаслик кунлари: Ва мураббий рухсати билан	Ишга келмаслик кунлари: Оилага қарашли соғлиқ чиқмаслик	Ишга олинган ва бўшатилган кунлари	Ишга тақдирланган соатлар: Қарийб кўзсиз қолиш	Ишлатилган соатлар: Кечки ишдан ва ишдан кейин қолиш	Ишлатилган соатлар: Жами	Ишлатилган соатлар: Ишга тақдирланган ишкорлар	Ишлатилган соатлар: Ўқиш таъти
Я	Я	Я	Я	Я	Я															
Я	Я	Я	Я	Я	Я						0									
Я	Я	Я	Я	Я	Я															
Я	Я																			

Цех, участка (бўлим) бошлиғи *Н. Гуробов*

Ҳисоб-китоб қайдномасининг охирги кўрсаткичи иш ҳақи тўлаш учун тўлов қайдномасига қайтадан ёзилади. Ушбу қайдноманинг титул варағида корхона раҳбарининг ижозат берувчи имзоси қўйилади. Иш ҳақининг берилиши уч кун давомида амалга оширилиши керак. Ходимлар томонидан ўз вақтида олинмаган иш ҳақи депонентга қўйилади, яъни иш ҳақининг кейинги берилишигача олиб қўйилади. Кассир ходимнинг фамилияси қаршисига "Имзо" устунига "Депонентга ўтказилган" тамғасини кўяди ёки қўлда ёзади. Сўнгра кассир тўлов қайдномасининг титул варағида нақд пул билан тўланган ҳақиқий суммани, депонентга қўйилган иш ҳақи суммасини кўрсатади, имзолайди ва қайдномани бухгалтерга топширади. Ҳар бир ходимнинг депонентга қўйилган иш ҳақи депонент варақасига ўтказилади. Берилган бутун иш ҳақига чиқим касса ордери тузилади, у кассадан пулни ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иш ҳақининг таҳлилий ҳисоби ҳар бир ходимнинг шахсий ҳисобварақларида юритилади.

Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби шу номли 6710 ҳисобварақда юритилади. Ушбу ҳисобварақ кредитида ҳисобланган иш ҳақи, нафақалар, компенсациялар, дебетда эса – барча ушлаб қолишлар ва берилган иш ҳақи акс эттирилади. 6710 ҳисобварақ бўйича асосий ўтказмалар чизмаси қуйида келтирилади.

6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар"

Д-т ҳисобварақлар кредити		К-т ҳисобварақлар дебети	
		Сальдо – корхонанинг иш ҳақи бўйича ходимлардан қарзи	
6410	Иш ҳақидан ушланган даромад солиғи суммалари	Маҳсулот тайёрлаганлик учун ишчиларга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш, шу жумладан мукофотлар ва компенсация тусидаги тўловлар	2010
6520	Иш ҳақидан нафақа жамғармасига ушланган суммалар	Ёрдамчи цехлар ходимларига иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш	2310

Иш ҳақини депонентга ўтказиш, ижро варақалари бўйича ушланган суммалар (алиментлар), ушланган касаба уюшмаси бадаллари, иш ҳақини жамғарма-банкка ўтказиш	Ускунага қараш билан банд ишчиларга, асосий цехлар бошқаруви ва уларга қарайдиган аппаратга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш, шу жумладан мукофотлар	2510
Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобига берилган маҳсулот учун ушланмалар	Хизмат курсатувчи хўжаликларда тайёр маҳсулотни сотиш билан банд корхонанинг бошқарув ва хизмат кўрсатиш аппаратига иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш, шу жумладан мукофотлар, компенсациялаш ва рағбатлантириш тусидаги устама ва қўшимча тўловлар	9410, 9420, 9430
Ҳисобот учун берилган, ишлатилмаган суммаларни ушлашлар		
Кредитга сотилган товарлар, ссуда, моддий зарар, камомад учун ушлашлар	Асосий воситаларни тугатиш билан банд ишчиларга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш	9210
Йул қўйилган яроқсизлик (брак) учун ушланмалар	Капитал қурилишда ва ускунани монтаж қилишда банд ишчиларга иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш	0810, 0820
Кассадан иш ҳақи, нафақалар, мукофот ва компенсацияларни бериш	Акциялар бўйича дивиденд ва даромадларни ҳисоблаб ёзиш	8710

8.4. Даромад солиғи ва иш ҳақидан бошқа ушланмалар ҳисоби

Даромад солиғи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январда тасдиқланган "Жисмоний шахслар даромадидан олиналиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома асосида ушлаб қолинади.

Фуқаролар томонидан пул ёки натура шаклида олинган даромадларининг жамланма суммаси солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг жамланган йиллик даромадига ҳодим томонидан олинадиган (олинган) пул ёки бошқа маблағлар ёхуд у томонидан бепул олинган, яъни қуйидагилар киради:

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадларга жисмоний шахс томонидан меҳнат шартномаси бўйича ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича меҳнат қилганлигидан олган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадларга шунингдек қуйидагилар киради:

а) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш нархи ёки таннархи ўртасидаги манфий фарқлар;

б) фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун жисмоний шахс (иш берувчи)нинг харажатлари;

в) иш берувчи қарори билан ҳисобдан чиқарилган уни олдидаги ходимнинг қарз суммалари;

г) ўз ходимлари ҳаёти ёки соғлиғини ихтиёрий суғурталаш учун бадалларни тўлаш бўйича иш берувчининг сарф-харажатлари;

д) жисмоний шахслардан ушлаб қолиниши лозим бўлган тўловлар учун иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар суммаси;

е) уз ходимининг бевосита ёки билвосита даромади бўйича иш берувчининг бошқа харажатлари.

Бундай харажатларга ходимнинг ўзи тўланши лозим бўлган суммалар учун юридик шахс томонидан тўланган маблағлар киради.

Масалан, маиший хизматлар, истиқомат қилиш учун тўловлар, давлат нафақасига қўшимча тўловлар, йўл чиптаси қиймати (хизмат юзасидан бориб келишлар учун фойдаланиладиган йўлкира варақачаларидан ташқари. Бунда сотиб олинади-

...ий транспортдан фойдаланиш варақачалари меҳнати ...ми юзасидан бориб келишлар билан боғлиқ бўлганлиги, ...ининг фаолият тури, сотиб олиш мақсади иш берувчининг ...ини ёки буйруғи (фармойиши) билан белгиланади), овқатла... учун қўшимча тўловлар, газета ва журналларга обуна ... учун суммалар, сайёҳлик йўлланмалари учун тўловлар, ...порт секцияларига доимий патталар харид қилиш ва шунга ...ашаш бошқа харажатлар бундай харажатларга киради.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига олинган фо...лар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган ...ромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорликдан олган даромад...ларига, ушбу даромадни олиш билан боғлиқ бўлган барча ...харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар че...ирилиб ташланган ҳолда, товарлар (ишлар, хизматлар)ни со...ишдан, амалдаги қонунчилик билан таъқиқланмаган хусу...ий тартибда амалга ошириладиган бошқа фаолиятдан олин...ган барча тушумлар киради.

Қуйидагилар корхонанинг солиққа тортиш даромадига киритилмайди:

• давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъми...оти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳ...нат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўша...ган нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, вақтин...ча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларидан (шу жумладан, ...оланинг бемор аъзосини парваришлаш нафақаларидан) таш...кари, шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағ...ларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган на...фақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

• олинадиган алиментлар;

• олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ...ўқув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес ...мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари ...томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган ...стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармала...рининг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;

• давлат нафақалари, шунингдек уларга устамалар;

• шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа ...турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган сумма-

лар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганликлари учун олади ган суммалар;

• майиб бўлиш ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан боғлиқ ҳолда, шунингдек боқувчисининг вафот этганлиги муносабати билан кўрилган зарарни қоплаш юзасидан олинадиган суммалар;

• уларни ишлаш учун чет элга юборилиши муносабати билан фуқаролар томонидан давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотларидан хорижий валютада олади ган, қонун билан белгиланган миқдорларда иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар;

• тадбиркорлик фаолияти доирасида амалга оширилган сотишдан олинган даромаддан ташқари жисмоний шахсларга хусусий мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олинган суммалар;

• шахслар хусусий ёрдамчи хўжалигида устириб етказган қора мол, қўён, сувсар, балиқ, парранда тирик қурининши билан бир қаторда улар сўйилгандан кейин хом ва қайта ишлов берилган ҳолда, шунингдек асаларичилик маҳсулотлари ва ушбу хўжаликда етиштирилган боғдорчиликнинг табиий қурининшдаги ёки қайта ишланган маҳсулотлари сотилишидан олинган даромадлар суммаси. Фуқароларда хусусий ёрдамчи хўжалиги мавжуд эканлиги давлат бошқарувининг маҳаллий идоралари ёки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари томонидан берилган маълумотнома билан тасдиқланади;

• юридик шахслардан бир йил давомида энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда олинган қимматбаҳо совғалар қиймати, шунингдек халқаро ва республика танловлари ҳамда мусобақаларида олинган анъанавий совринлар қиймати суммалари;

• фуқароларнинг сугурта бўйича олади ган суммалари;

• бир йил мобайнида берилган моддий ёрдам суммалари:

— табиий офатлар, бошқа фавқулодда ҳолатлар муносабати билан берилади ган моддий ёрдам суммалари — гулалигича;

— вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзолари вафот этганлиги муносабати билан ходимга берилади ган моддий ёрдам суммалари — энг кам иш ҳақининг ун бараваригача миқдорда;

— бошқа ҳолларда — бир йил давомида энг кам иш ҳақининг ун икки бараваригача миқдорда;

• депозит сертификатлар бўйича олинган даромадлар, банк-
[illegible]ги омонатлар ва давлат хазина мажбуриятлари бўйича
[illegible]ар ва ютуқлар;

• фуқароларнинг иш ҳақи ва солиққа тортиладиган бошқа
даромадларининг давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш,
хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олиш,
"Ўзуйжойжамғармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой обли-
гацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кре-
итларни узишга йўналтирилган суммалари, шунингдек акция-
лар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жами-
ятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивиденд-
лар. Мазкур мол-мулк сотилганида ("Ўзуйжойжамғармабанк"нинг
шахси кўрсатилган уй-жой облигациялари бўйича олинган уй-
жойлардан ташқари) илгари солиққа тортилган озод қилинган
даромадларга умумий асосларда солиққа тортилади.

"Ўзуйжойжамғармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой об-
лигациялари бўйича олинган уй-жой харид қилинган кунидан
бошлаб беш йил давомида сотилган ёки бошқача тусда берилган
бўлларда, шунингдек у ижарага берилганда даромад солиғи бўйи-
ча имтиёз бекор қилинади, солиқ солиш ёки бошқача бериш
учун амал қилган ставкалар бўйича тўлиқ ҳажмда ундирилади;

• патент эгаси бўлган жисмоний шахснинг (лицензиар-
нинг) саноат мулки объектларидан ўз ишлаб чиқаришида
фойдаланишдан ёки фойдаланиш бошланган санадан эътибо-
ран амал қилиш муддати доирасида уларга лицензиялар со-
тишдан, шунингдек лицензиат саноат мулки объектларидан
фойдалана бошлаган санадан эътиборан ушбу фойдаланиш-
дан олган даромади суммаси:

– ихтиролар ва селекция ютуғидан — беш йил давомида;

— фойдали моделдан — икки йил давомида;

• болалар дам олиш оромгоҳлари ва бошқа соғломлантири-
ш оромгоҳлари, ота-оналарнинг болалари билан дам оли-
ш учун махсус мўлжалланган санаторий-курорт муассасаларига
ўлланмалар учун болалар ва ўсмирларга бериладиган йўлланмалар
ийматини, шунингдек ўз ходимларининг амбулатория ёки
ликлиник тиббий хизматдан фойдаланиш қийматини тўлиқ
ёки қисман компенсациялаш тартибида корхоналар, муассаса-
лар ва ташкилотлар ўз ходимларига ёки улар учун тўлаган
[illegible]ар. Кўрсатиб ўтилган тўловлар жумласига ногиронлар-

нинг соғломлаштириш ва санаторий-курорт муассасаларига берилган йўлланмалари қийматини, даволаниш ва тиббий хизматдан фойдаланиш, ногиронликнинг олдини олиш мақсадида техника воситалари сотиб олиш учун ҳамда ногиронларнинг саломатлигини тиклаш учун қилинган харажатларни тўлиқ ёки қисман тўлаш тартибида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тўлаган суммалар ҳам киради;

• амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрлар доирасидаги компенсация тўловлари, меҳнат шартномасини бекор қилиш пайтида фойдаланилмаган таътил учун бериладиган компенсациялар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида даромад солиғи бўйича муайян имтиёзлар назарда тутилган.

Дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар идоралари, МҲХ ходимлари, гастрол-концерт фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган шахслар — гастрол-концерт фаолиятидан олинган даромадлари бўйича ва шу сингари бошқа муайян жисмоний шахсларнинг даромадлари даромад солиғидан тўла озод қилинади, Ўзбекистон Қаҳрамони, уруш қатнашчилари, ногиронлар ва бошқа шу сингари фуқаролар ҳар бир ишланган ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромад солиғини тўлашдан озод этилади.

Солиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган жадвал бўйича ушланади.

2004 йилнинг 1 январида жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкалари

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	Даромад солиғининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш баравардан ошадиган сумманинг 21 фоизи
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдордан	Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинадиган солиқ + ўн баравардан ошадиган сумманинг 30 фоизи

...ий иш жойидан олинадиган даромадлардан жисмоний ...даромад солиғини ҳисоблаш тақвимий йил бошида ...ойда солиқ солинадиган жами даромад суммасидан ...ибидан ўсиб борувчи якун билан амалга оширилади.

...давомида асосий иш жойи ўзгарган тақдирда фуқаро ...ш ва янги иш жойи бўйича жами даромаддан солиқни ...мий йил бошидан ҳисоблаш учун янги иш жойидаги ...ерияга йил давомида тўланган даромадлар ва ушлан...оқ суммаси тўғрисида маълумотнома топшириши шарт. ...умотнома топширилмаган тақдирда солиқ энг юқори ...ла бўйича ушланади.

...осий иш жойи билан боғлиқ бўлмаган даромадлардан, ...фот ва тақдирланишлар суммаларидан солиқ юқорида кўрса...ган жадвал бўйича ушланади.

...осий иш жойидан ташқари жисмоний шахслар олган ...ромадлардан солиқнинг узил-кесил суммасини солиқ хиз...и идораси тақдим этилган декларациялар маълумотлари ...ича ҳисоблайди.

2004 йил январ учун жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари

...ланган даромад миқдори	Солиқ суммаси
...440) = 27200 сўмга қадар	Даромад суммасининг 13%и
...440) = 27200 + 1сўмдан = ...5440) = 54400 сўмга қадар	3536 + 27200 сўмдан ошган сумманинг 21%
...сўм + 1 сўм ва ундан юқори	9248 сўм + 54400 сўмдан ошадиган сумманинг 30%

1-мисол. Корхона ходимига 2004 йилнинг январ ойига 25000 ...иш ҳақи ҳисобланди. Юқоридаги жадвалда келиб чиқиб ...об-китоб биринчи шкала бўйича амалга оширилади ва да...ад солиғи қуйидагини ташкил этади:

...5000 х 13% : 100 = 3250 сўм.

...мисол. Ходимга 2004 йил январ ойи учун 38000 сўм иш ...ҳисобланган. Бу ҳолатда ҳисоб-китоб иккинчи шкала...ниб чиқиб амалга оширилади ва даромад солиғи қуйи...ўлади:

...6 + (38000 - 27200) х 21% : 100 = 5804 сўм.

...мисол. Ходимга январ ойи учун 65000 сўм иш ҳақи ҳисоб-

ланган. Бу ҳолатда солиқ учинчи шкала бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва у қуйидагини ташкил этади:

9248 + (65000 - 54400) х 30% : 100 = 12428 сўм.

4-мисол. Ушбу ходим II-гуруҳ ногирони ва у энг кам ойлик ҳақининг тўрт баравари миқдордаги имтиёзга эга деб фараз қилайлик (5440 х 4 = 21760 сўм). Солиққа тортиладиган даромадни аниқлаймиз:

65000 - 21760 = 43240.

Даромад солиғи иккинчи шкала бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва қуйидагини ташкил этади:

3536 + (43240 - 27200) х 21% : 100 = 6904,4 сўм.

5-мисол. Ходимга 2004 йил январ ойи учун 29000 сўм иш ҳақи ҳисобланди ва унга таннархи 25000 сўм бўлган маҳсулот 20000 сўмга сотилди деб фараз қилайлик. Бу ҳолатда солиққа тортиладиган даромад 29000 + 5000 = 34000 сўмни ташкил этади. Даромад солиғи иккинчи шкала бўйича ҳисобланади ва қуйидагини ташкил этади:

3536 + (34000 - 27200) х 21% : 100 = 4964 сўм.

Солиқ йил бошидан ўсиб борувчи якун билан ушланган ва февралда иш ҳақининг энг кам миқдори ўзгармагани учун февралдаги шкала қуйидаги кўринишни олади:

2004 йил феврал учун жисмоний шахслар даромад солиғи ставкалари

Жамланган даромад миқдори	Солиқ суммаси
(5 х 10880) = 54400 сўмга қадар	Даромад суммасининг 13%и
(10 х 5440) = 54400 + 1сумдан = (10 х 10889) = 108800 сўмга қадар	7072 + 54400 сумдан ошган суммасининг 21%
108800 сўм + 1 сўм ва ундан юқори	18496 сўм + 108800 сумдан ошадиган суммасининг 30%

6-мисол. Ходимга 2004 йилнинг феврал ойи учун 31000 сўм, январда - 25000 сўм иш ҳақи ҳисобланган (1-мисолга қаранг), яъни икки ойда жамланган даромад 56000 сўмни ташкил этган. Январда 3250 сўм солиқ ушлаб қолинган. Январ-феврал ойлари учун солиқ суммасини аниқлаймиз:

7072 + (56000 - 54400) х 21% : 100 = 7408 сўм.

Феврал ойи учун ушлаб қолинадиган солиқни ҳисоблаймиз:

... - 3250 = 4158 сўм.

...ларнинг иш ҳақидан даромад солиғидан ташқари ...ган ушланмалар амалга оширилади:

ҳисобланган иш ҳақи суммасининг 2,5 фоизи миқдорида ...фақа жамғармасига ушланмалар;

ҳисобланган сумманинг 1%и миқдорида касаба уюшмаси ...даллари;

ижро варақалари бўйича ушланмалар судлардан олинган ...атлар, алиментларни ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисида ...аризадан келиб чиқиб амалга оширилади, уларда ушлаб ...фоизи кўрсатилади. Алиментлар асосий ва қўшимча иш ...дан, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, ...шунингдек ҳисобланган нафақа ва стипендиялар суммаларидан ...ушланади.

Моддий ёрдам ва бир галги тақдирланишлар суммаларидан ...ментлар ундирилмайди.

...илгари берилган бўнаклар бўйича қарзларни қоплаш;

...нотўғри қилинган ҳисоб-китоблар натижасида ортиқча ...ган суммаларни қайтариш;

ходим томонидан корхонага етказилган моддий зарарни ...ш;

маҳсулот яроқсиз бўлгани учун ушлаб қолиш;

баъзи хил жарималарни ундириш.

Иш ҳақи суммасидан кредитга олинган товарлар, ссуда, ...ерий суғурта учун тўловлар, жамғарма банкига ўтказилган ...ммалар ҳам ушланади.

Ҳар бир ой учун барча ушланмаларнинг умумий миқдори ...ланган иш ҳақининг 50%идан ошмаслиги керак.

8.5. Суғурта бадалларини ҳисоблаш, тўлаш ва сарфлаш тартиби

...кчилик шаклидан қатъий назар, ҳар бир корхона иж...ги эҳтиёжларга ажратмалар қилиши шарт. Ажратмалар ...ларий ойда ҳисобланган иш ҳақига нисбатан фоиз...ги ...ги ҳужжатларига биноан белгиланади.

...ги бадаллари тўловларнинг қуйидаги турларига ҳисоб...ади:

...ланилмаган таътил учун компенсация;

— ишдан бўшатишда бир галги нафақа;

— моддий ёрдам кўринишидаги пул нафақалари;

— компенсация тўловлари;

— ходимларга бепул тақдим этилган йўл чипталари, хизматлар ва ҳоказолар қиймати;

— берилган махсус кийим, даволанишни, овқатланишни, сут, якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг қиймати;

— бепул овқатланиш қиймати;

— туплик овқатга дотациялар, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобига йўлланмалар қиймати, ходимлар даволанишига ҳақ тўлаш;

— ишнинг сайёр хусусияти учун қўшимча ва устама ҳақлар;

— боғиқа жойдаги ишга кўчишда у ерга бориш харажатларини қоплаш;

— бюджет ёки хайрия жамғармаларига ўтказиладиган шанбаликлар кунларидаги иш ҳақи;

— юбилей саналари, туғилган кунларида, меҳнат фаолияти учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобига тақдирлаш тўловлари;

— мусобақалар, кўриклар, танловлар ва ҳоказоларда иштирок этганлик учун пул мукофотлари;

— ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга юборилган талабаларга корхона тўлайдиган стипендиялар;

— ўқув юртларини тугатганидан кейинги таътил вақти учун ёш мутахассисларга нафақалар;

— ижтимоий суғурта, ишсизлик бўйича нафақалар, қарилик бўйича нафақалар.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар барча корхоналар учун иш ҳақининг 33% миқдорида белгиланган. Фонз писбатида ҳисобланган ажратмалар корхона харажатларини қўпайтиради.

Мисол. Корхона ишчиларининг иш ҳақи ҳисобот ойида 650 минг сўмни, хизматчиларнинг 150 минг сўмни ташкил этди.

Ижтимоий суғуртага ажратмалар қуйидагига тенг:

650 000 х 33% : 100 = 214 500 сўм

150 000 х 33% : 100 = 49 500 сўм

Жами 264 000 сум.

Ушбу суммалар ҳисоби учун бухгалтерия ҳужжатларига қайд этилади.

Д-т 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" – 214 500 сўм.

Д-т 9410, 9420 "Давр харажатлари" – 49 500 сўм.

К-т 6520 "Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар" – 264 000 сўм.

Ижтимоий суғуртага бадаллар ҳисобига қуйидаги тўловлар ҳисобланади:

– корхонада ишлаётган нафақадорларга нафақалар;

– вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари;

– бола туғилганда бериладиган нафақалар;

– дафн этишга бериладиган нафақалар.

Айтайлик, ҳисобот даврида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун нафақалар ҳисобланди – 18 минг сўм:

Д-т 6520 "Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар" – 18 000 сўм.

К-т 6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар" – 18 000 сўм.

Нафақалар ва бола туғилганда бериладиган нафақалар – 12 000 сўм:

Д-т 6520 "Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар" – 12 000 сўм.

К-т 5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" – 12 000 сўм.

Қолган 234 000 сўм (264 000 - 18 000 - 12 000) республика Марказлаштирилган нафақа жамғармасига йўналтирилади:

Д-т 6520 "Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар" – 234 000 сўм.

К-т 5110 "Ҳисоб-китоб ҳисобварағи".

Бундан ташқари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажмидан нафақа жамғармасига мажбурий ажратмалар қиладилар.

Қуйидагилар ажратмалар объекти ҳисобланади:

• саноат, транспорт, қишлоқ хўжалик, воситачи ташкилотлар учун – ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ҳажми (ҚҚС, акциз, божхона божларисиз);

• қурилиш, таъмирлаш, илмий ташкилотлар учун – бажарилган ишлар ҳажми (ҚҚСсиз);

• гайёрлов, савдо, шу жумладан умумий овқатланиш кор-

хоналари, таъминот-сотиш ташкилотлари учун — ҳақиқатдаги товар айланмаси.

Ажратмалар ҳақиқатда сотилган маҳсулот (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) ҳажмининг 0,7%и миқдорида белгиланган.

Мисол. Ҳисобот ойида корхона маҳсулотини сотишдан олинган тушум 700 минг сўмни, шу жумладан ҚҚС — 116 666 сўмни ташкил этди.

Нафақа жамғармасига ажратмалар:

(700 000 - 116 666) х 0,7% : 100 = 4083,3 сўм.

Мажбурий ажратмаларни ҳисоблашда қуйидаги ёзувлар қайд этилади:

Д-т 9430 "Бошқа операцион харажатлар" — 4083,3 сўм.

К-т 6521 "Давлатнинг мақсадли жамгармаларига тўловлар" — 4083,3 сўм.

Тўлаш пайтида:

Д-т 6521 "Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар" — 4083 сўм.

К-т 5110 "Ҳисоб-китоб ҳисобвараги" — 4083 сўм..

9-БОБ. МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР, ИНВЕНТАР ВА ФОЙДАЛАНИШДАГИ ХЎЖАЛИК АШЁЛАРИ ҲИСОБИ

9.1. Материаллар, уларни таснифлаш на баҳолаш

Материаллар — ишлаб чиқариш жараёнида бир маротаба қатнашадиган ва ўз қийматини бир ишлаб чиқариш цикли давомида тўлиқ равишда янгидан барпо этилаётган маҳсулотга ўтказадиган активлардир.

Корхона бухгалтерия хизматининг асосий вазифаларидан бири — уларни тўғри ҳисобга олишни таъминлашдир.

Ҳар бир корхонада материалларни тўғри ҳисобга олиш учун маълум шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бу шарт-шароитлар асосан, қуйидагилардан иборат:

- корхонада ишлатиладиган материалларнинг номи, нархлари ва тартиб рақамини акс эттирадиган рўйхат мавжудлиги;
- материалларнинг кирим ва чиқимини расмийлаштирадиган ҳужжатлар аниқ тизими белгиланиши;

• лавозим мажбуриятларининг мавжудлиги ва моддий жавобгар шахсларни тегишли йўриқномалар билан таништириш;

• материалларнинг сарфланишига оид операциялар тўғри юритилишига жавобгар ходимлар рўйхатини белгилаш ҳамда улар билан моддий жавобгарлик шартномаларини тузиш;

• материалларнинг сарфланишини акс эттирувчи ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхатини корхона раҳбари буйруғи билан тасдиқлаш;

• омбор хўжалигини ташкил қилишни яхшилаш;

• материалларни ўз вақтида ашёвий рўйхатдан ўтказиш (инвентарлаш), шунингдек инвентарлаш натижаларини бухгалтерия ҳисобида тўлиқ акс эттириш.

Материаллар фойдаланиш бўйича кўплаб гуруҳларга бўлинади:

а) хомашё — масалан, пахта, нефт, руда, кўмир, ёғоч-тахта;

б) материаллар — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил этади, яъни газлама, чарм, металл ва ҳоказолар;

в) сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, бутлаш буюмлари — мотор, шиналар ва бошқалар;

г) ёқилғи — кўмир, бензин, нефт маҳсулотлари;

д) идиш ва идиш материаллари — ёғоч, картон, металлдан ясалган, шиша ва бошқа идишлар;

е) эҳтиёт қисмлар — машина, ускуна ва механизмларнинг детал, агрегат ва қисмлари;

ж) четга қайта ишлов бериш учун берилган материаллар;

з) инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлар - хизмат муддати бир йилдан кам бўлган ва ҳар бир донаси энг кам ойлик ҳақининг 50 баравари миқдоригача бўлган буюмлар;

и) бошқа материаллар.

Моддий бойликлар таркибига, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқариш, корхона омборларидаги сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулот ва товарлар киради.

Мазкур корхонага тегишли бўлмаган материаллар алоҳида гуруҳга ажратилади ва балансдан ташқари 002 "Масъулиятли сақлашга қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ва 003 "Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар" ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Товар-моддий захиралар (ТМЗ) бухгалтерия ҳисоби тартиби ва уларни харажатларга киритиш пайтида улар таннархини

ҳисоблаш 1998 йил 28 августда амалга киритилган "Товар-моддий захиралар" 4-сон БҲМС билан тартибга солинади.

"Товар-моддий захиралар" номли 4-сон БҲМСнинг 8-бандида мазкур захиралар энг кам бўлган баҳода, таннархи бўйича ёки соф сотиш қийматида ҳисобга олиниши зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан материаллар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги нархларда баҳоланади:

1. **Шартнома (эркин бозор)** ёки **давлат томонидан белгиланган улгуржи нархлар.** Асосан шартнома нархлари корхоналар орасида шартномалар тузилганда мустақил белгиланади ва мол етказиб берувчи корхонанинг тўлов хужжатларида фактура қиймати сифатида кўрсатилади.

2. **Режадаги нархлар.** Режадаги нархларда шартнома нархларига режалаштирилган транспорт-тайёрлов харажатлари қўшилади.

3. **Ҳақиқий таннарх бўйича.** Бу нархлар ҳар ойнинг охирида бухгалтерия томонидан шартнома нархларига ҳақиқатда сарфланган харажатларни қўшиб аниқланади.

Бундан харажатларга импорт божларини ва йиғимларни тўлаш; сертификатлаш харажатлари; таъминот ва воситачи ташкилотларга тўланган воситачилик ҳақлари; солиқлар; материалларни юклаш, тушириш, ташиш, омборга жойлаш, уларни етказиб келиш учун хизмат сафари харажатлари киради.

Материалларнинг ҳақиқий нархи бухгалтерияда ойнинг охирида харажатларнинг асоси бўладиган ҳужжатлар йиғилганидан кейин аниқланади. Лекин, материалларнинг силжиши, кирим ва чиқими ҳар куни содир бўлади, уларни расмийлаштирадиган харажатлар эса ҳар куни тузилади. Шунинг учун материалларнинг кундалик ҳисобини аввалдан белгиланган *ҳисоб* нархларида акс эттириш зарурияти пайдо бўлади. Ҳисоб нархлари сифатида шартнома (фактура) ёки режадаги нархлардан фойдаланиш мумкин.

Жорий ҳисобда фактура баҳолари қўлланганда ҳар ойнинг охирида транспорт-тайёрлов харажатларининг сумма ва фоизи аниқланиб, бу нархлар ҳақиқий харажатларгача етказилади.

Жорий ҳисобда режадаги нархлардан фойдаланганда ҳақиқий таннарх ва режадаги нарх орасидаги фарқ (тежаш ёки ортиқча сарфлаш) суммаси ва фоизи топилиб, бу нархлар ҳам ҳақиқийгача етказилади.

Хисоб нархлари сифатида фактура баҳосидан фойдаланиш, транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизи аниқланишига мисол келтирамиз.

1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобварағи

Кўрсаткич	Материалларнинг баҳоланиши, минг сўм	
	фактура нархлари бўйича	ҳақиқий таннарх бўйича
Ойнинг бошига омбордаги материаллар қолдиғи	7 000	7 700
Ҳисобот ойида материаллар олиниши	193 000	201 300
Жами	200 000	209 000
Транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси, %	(209 000 - 200 000) (9 000 х 100 : 200 000)	9 000 4,5%
Ҳисобот ойида материалларнинг ишлатилиши	180 000	(180 000 х 4,5% : 100) + 180 000 = 188 100
Ойнинг охирига омбордаги материаллар қолдиғи	(200 000 - 180 000) 20 000	(209 000 - 188 100) 20 900

Бундай ҳисоб-китоб материалларнинг асосий гуруҳлари, шу жумладан материалларни ҳисобга оладиган ҳисобварақларининг ҳар бирига ҳар бири ҳисобварағи бўйича амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига биноан, товар-моддий бойликларнинг (ТМБ) айрим турларини баҳолаш ва ҳисобга олиш учун қуйидаги усуллардан бирини қўллаш назарда тутилади: FIFO, LIFO, ўртача нарх — AVECO.

FIFO усули (биринчи келиб тушган - биринчи бўлиб сотилади) кенг тарқалган ва афзал усул ҳисобланади.

Бу усул биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннархи биринчи навбатда сотилган ёки сарфланган товарлар таннархига ўтказилиши лозим деган тахминга асосланган.

FIFO усули товарларнинг ҳақиқий жисмоний силжишидан қатъий назар ҳар қандай тармоқ корхоналарида қўлланилиши мумкин, чунки у товарларни силжишини эмас, балки улар қиймати ҳаракатини назарда тутади. Инфляция даврида FIFO усулидан фойдаланилса, соф фойданинг энг юқори даражасига эришилади.

LIFO усули (охири навбатда олинган - биринчи навбатда сотилган ёки сарфланган) охирги навбатда олинган товарлар

таннархи биринчи навбатда сотилган (сарфланган) товарлар қийматини аниқлашда қўлланилади.

Захирада қолган ТМБ қиймати ҳисобот даврининг охирида биринчи сотиб олинган ТМБ таннархи бўйича ҳисобланади. LIFO усулидан фойдаланиш инфляция даврида энг паст соф фойдани, дефляция, яъни нархларнинг пасайиши вақтида энг юқори фойдани келтиради. Чет эл тажрибасида мазкур усулдан асосан чакана савдода қўлланилади.

Ўртача баҳолаш усули, AVECO – ТМБларнинг ўртача нархларига асосланган. Ўртача нарх сотилиш ёки сарфланишга мўлжалланган барча товарлар қийматини мазкур товарлар миқдорига бўлиб аниқланади.

Мисол. "Наврўз" МЧЖ да йил давомида қуйидаги ТМБлар сотиб олинди.

Сотиб олиш санаси	Бирликлар миқдори	Бир дона маҳсулотнинг қиймати, сўм	Умумий қиймат, минг сўм
23 январ	1 000	600	600
15 апрел	1 700	800	1 360
12 октябр	1 500	900	1 350
Жами	4 200		3 310

Йил охирида омборда сотилмаган 1400 дона товар қолди. Сотишдан олинган даромад – 3250 минг сўм.

Юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиб сотилган маҳсулот таннархи ҳамда йил охирида захираларга тақсимланадиган харажатларни аниқлаш зарур.

FIFO усули

Сотилган товарларнинг миқдорини аниқлаймиз:

4200 – 1400 = 2800 дона.

Товарлар харажати:

(1000 х 600) + (1700 х 800) + (100 х 900) = 2050 минг сўм.

Товарлар сарф-харажатини бошқа йўл билан, яъни товарлар қолдиғидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш мумкин: 1400 х 900 = 1260 минг сўм. Сотилган товарлар таннархи 3310 - 1260 = 2050 минг сўм.

Сотишдан олинган даромад – 3250 минг сўм.

Сотишга тайёр маҳсулот таннархи – 3310 минг сўм.

Хисобот даври охирида ТМБ — 1260 минг сум.
Сотилган маҳсулот таннархи — 2050 минг сум.
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — 1200 минг сум.

FIFO усули

Товарлар харажати:
(1500 x 900) + (1300 x 800) = 2390 минг сўм.
Товарлар қолдиғини аниқлашга асосланиб товарлар сарф-харажатини ҳисоблаймиз: (1000 x 600) + (400 x 800) = 920 минг сум. Шундай қилиб сотилган товарлар таннархи 3310 - 920 = 2390 минг сўмни ташкил этади.
Сотишдан олинган даромад — 3250 минг сум.
Сотишга тайёр маҳсулот таннархи — 3310 минг сум.
Ҳисобот даври охирида ТМБ — 920 минг сум.
Сотилган маҳсулот таннархи — 2390 минг сўм.
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — 860 минг сум.

Ўртача баҳолаш AVECO усули

Товар бирлигининг ўртача қиймати:
(3310 : 4200) = 0,788 сўм.
Товарлар харажати:
2800 x 0,788 = 2207 минг сум.
Сотишдан олинган даромад — 3250 минг сўм.
Сотишга тайёр маҳсулот таннархи — 3310 минг сум.
Ҳисобот даври охирида ТМБ (1400x0,788) — 1103 минг сўм.
Сотилган маҳсулот таннархи — 2207 минг сум.
Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда — 1043 минг сўм.

Аниқ бир корхонада юзага келган вазиятга қараб, ўртача қиймат даврлар бўйича ёки ҳар бир материалларнинг қўшимча етказиб берилиши бўйича ҳисобланиши мумкин.

"Товар-модлий захиралар" деб номланган 4-сон БҲМС-нинг 17-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси корхоналарида товар-модлий захиралар қиймати FIFO усулида ёки AVECO ўртача қиймат формуласидан фойдаланиб белгиланиши керак. LIFO усули кўп мамлакатларда, шу жумладан республикамизда ҳам тақиқланган. Яқин беш йил ичида бу усул тўлиқ муомаладан чиқиб кетиши кутилмоқда.

ТМЗ ҳисобининг танланган усули корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруғида акс эттирилиши керак.

9.2. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ операцияларни ҳужжатлаштириш

Материалларнинг корхонага ўз вақтида келтирилишини таъминот бўлими назорат қилади. Бу бўлим ходимлари мол етказиб берувчи корхоналар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини текшириб, уларга материаллар камомади ва сифати бўйича шикоят ва даъволар қўйиш, корхонага ўз вақтида етиб келмаган юкларни қидириб топиш вазифаларини бажарадилар.

Одатда мол етказиб берувчи корхоналардан материалларни таъминот бўлими экспедитори етказиб беради. Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотларидан материалларни қабул қилганда таъминотчи идиш ва тамга, материаллар сифатини текширади. Агар текшириш натижасида камомад ёки юклар сифати бузилганлиги аниқланса, мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотига даъво қўйиш ҳуқуқини берадиган тижорат далолатномаси тузилади.

Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти омборидан материалларни олиш учун таъминотчига бухгалтерия томонидан 15 кун муддати билан ишончнома берилади. Ишончнома олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхати корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Ишончномалар корхона раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланади *(19-намунага қаралсин)*.

19-намуна

Ишончнома рақами	Берилган сана	Амал қилиш муддати	Ишончномага берилган шахснинг (Ф.И.Ш.ва лавозими)	Ишончномани олганлик ҳақида ёзув	Етказиб берувчи	Шартнома ва бошқа битимлар рақами ва санаси	Топшириқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат рақами ва санаси
1	2	3	4	5	6	7	8
4	2004 й. 08.01.	15 кун	Муҳандис Юсупов И.Т.		«Ишонч» фирмаси	2004 й. 05.01даги 4-сонли шартнома	2004 й. 12.01даги 3-сонли кирим ордери

- - - - - - - - - - - - Қирқиш чизиғи - - - - - - - - - - -

_4_ - сонли Ишончнома

Берилган сана 200_4_йил «__8_» «__январ___»
Ишончнома 200_4_йил "_23_" _январ__гача ҳақиқий ҳисобланади.

_____»НУР» Кичик корхонаси_____
корхона номи ва манзили

Ишончнома берилган шахс *Муҳандис Юсупов И.Т.га*
лавозими ва Ф.И.Ш.
Паспорт серияси__СА___N__0227749_____
Ким томонидан берилган*Тошкент ш., Чилонзор тумани ИИБ*
Берилган сана _1996__йил «_07_»__06____.
_____»Ишоч» фирмаси_____ дан
етказиб берувчи номи
_2003й. 29.12даги 82-сонли ҳисобварақ_____ бўйича
ҳужжат номи, рақами ва санаси
моддий бойликларни олиш учун.

Орқа томони

Т.р.	Моддий бойликлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони (ёзув билан)
1	2	3	4
1	Тахта	метр куб	Икки
2	Эшик блоки	дона	Битта

Ишончномани олган шахснинг имзосини тасдиқлаймиз.

М.Ў.

Корхона раҳбари _____ Тожиев С.К.
имзо
Бош бухгалтер _____ Бердиев К.Л.
имзо

Корхона томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни олиш учун ишончли шахсга берилган ёзма ваколат ишончнома деб

тан олинади. Ишончли шахс унга ишончнома бўйича берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

Ишончномалар етказиб берувчи томонидан шартнома ва бошқа битимлар бўйича бериладиган товар-моддий бойликларни олишга берилади.

Ишончли шахс талаб этилаётган товар-моддий бойликларни бир жойдан (бир омбордан), бироқ бир неча шартнома ва бошқа битимлар бўйича олиши лозим бўлган ҳолатларда унга шартнома ва бошқа битимларнинг рақам ва саналари кўрсатилган битта ишончнома ёки агар товар-моддий бойликлар бир неча омбордан олиниши керак бўлса - бир нечта ишончномалар берилади.

Товар-моддий бойликларни олиш учун берилган ишончномалар корхона хоҳишига қараб икки хил усул билан расмийлаштирилади:

1) ишончномалар дафтарининг жиллида рўйхатга олиш;

2) берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтарида рўйхатга олиш.

Корхона томонидан ҳисобга олишнинг биринчи усули танлаб олинган тақдирда, ишончнома беришда корхона бухгалтерияси уни ишончномалар дафтарида рўйхатга олади.

Ишончномалар дафтари рақамланади ва ип билан тикилади. Дафтарнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин "Мазкур дафтарда ... варақ рақамланди" деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Ишончномалар корхона бухгалтерияси томонидан ишончномаларни ҳисобга оладиган, рақамланган ва ип билан тикилган «Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш Журнали»-да (*20-намунага қаралсин*) рўйхатдан ўтказилади. Журналнинг сўнгги варағида корхона раҳбари ёки у томонидан белгиланган шахсларнинг имзосидан кейин "Мазкур журналда ... варақ рақамланди" деган ёзув қайд этилади ва муҳр билан тасдиқланади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Ишончномалар дафтари ва берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журнали ишончномаларни рўйхатдан ўтказиш учун масъул бўлган шахсда сақланиши лозим.

Тўлиқ ёки қисман тўлдирилмаган ишончномаларни ҳамда

19-намуна

Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журнали

Берилган сана	Амал қилиш муддати	Ишончнома кимнинг номига берилган (Ф.И.Ш. ва лавозими)	Етказиб берувчининг номи	Шартнома ва бошқа битимларнинг рақами ва санаси	Ишончнома олган шахснинг имзоси	Ишончнома бўйича топшириқларнинг бажарилганлиги тўғрисида қайдлар
2	3	4	5	6	7	8

...ар номига ёзилган шахсларнинг имзо намунаси бўлмаган ...ишончномаларни бериш тақиқланади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати у асосида ишонч...ома берилган шартномалар ва бошқа битимлар бўйича те...шили бойликларни олиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти...ғлиқ равишда белгиланади, бироқ у қонун ҳужжатлари...белгиланган муддатдан ошмаслиги керак.

Ишончли шахсни унга берилган, амал қилиш муддати ҳали ...маган ишончномалар бўйича бойликларни олиш ҳуқуқидан ...ҳрум қилиш чоғида товар-моддий бойликларни олувчи дар...тегишли ишончномаларнинг бекор қилинганлиги ҳақида ...зиб берувчини хабардор қилади. Бундай хабарнома олин...пайтдан бошлаб бекор қилинган ишончнома бўйича бой...ларни бериш тўхтатилади. Бундай ҳолларда бекор қилин...шартномалар бўйича бойликларни берганлик учун етка...бсрувчи жавобгар бўлади.

Ишончли шахс бойликларни олгандан сўнг топшириқлар ...рилганлиги ва у олган товар-моддий бойликлар омборга ...орхонага) топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ...ка бухгалтериясига ёки тегишли моддий жавобгар шахсга ...им этиши шарт.

...ойдаланилмаган ишончномалар амал қилиш муддати ту...ндан кейинги санада уни берган корхонага қайтари...рак.

Фойдаланилмаган ишончноманинг қайтарилганлиги тўғрисида ишончномалар дафтарида ва берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида ("Ишончнома бўйича топшириқлар бажарилганлиги тўғрисидаги қайдлар" ступида) қайд этилади. Қайтарилган фойдаланилмаган ишончномалар "фойдаланилмаган" ёзуви билан тасдиқланади ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўлган шахс томонидан ҳисобот йили охирига қадар сақланади. Йил тугагач, бундай фойдаланилмаган ишончномалар бу ҳақда тегишли далолатнома тузиш билан белгиланган тартибда йўқ қилинади. Амал қилиш муддати тугаган ишончномалардан фойдаланиш хусусида ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмайди.

Ишончномалар амал қилиш муддатидан қатъи назар товар-моддий бойликларнинг ластлабки берилишида етказиб берувчига қолдирилади. Товар-моддий бойликларни қисмларга бўлиб беришда ҳар бир берилган қисмга юкхат (қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат) тузилади, унда ишончнома рақами ва у берилган сана курсатилади. Бундай ҳолларда юкхатнинг (ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг) бир нусхаси товар-моддий бойликларни олувчига берилади, бошқаси - етказиб берувчила қолади ҳамда ишончномага кўра бойликларни бериш устидан кузатув ва назорат учун қўлланилади.

Товар-моддий бойликлар бериб бўлингандан кейин ишончнома ишончномалар буйича топширилаётган бойликларнинг охирги туркумини бериш учун ҳужжат билан бирга бухгалтерияга топширилади.

Корхона ишончномалари буйича товар-моддий бойликларни бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

а) тўлдириш тартибини бузган ҳолда ёки тўлдирилмаган реквизитлар билан берилган ишончномалар тақдим этилганда;

б) тузатилган ва буялган жойлари мавжуд бўлган ишончномалар тақдим этилганда;

в) ишончномада кўрсатилган паспорт тақдим этилмаганда;

г) ишончнома берилган муддат тугаганда;

д) қабул қилиб олувчидан ишончнома бекор қилинганлиги тўғрисида хабар олинганда.

в) унинг номидан ишончнома берилган юридик шахс-нинг фаолияти тўхтатилганда;

г) ишончли шахс лаёқатсиз, чекланган лаёқатли деб тан олинганда.

Ишончномалар беришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши ҳамда товар-моддий бойликларни ишончномалар бўйича бериш устидан назорат қилиш корхона раҳбари томонидан белгиланган масъул шахс зиммасига юкланади.

Ишончнома ёзиш учун асос бўлиб шартномалар, наряд, тўловнома, буюртманома ёки мол етказиб берувчининг бошқа ҳужжатлари хизмат қилади.

Материалларни омборга омбор мудири ёки омборчи қабул қилади. Омборга қабул қилиш вақтида омборчи келтирилган материаллар сони, тури, сифатини мол етказиб берувчи томонидан юборилган хужжатлар (ҳисобварақ-фактура, тўлов талабномаси, спецификация, товар-транспорт юкхатлари) билан солиштириб тўғри келиш-келмаслигини текшириб кўради. Келтирилган материаллар мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан мувофиқ бўлса, омборчи кирим ордери тузади. Кирим операциялари сони кам бўлганда мол етказиб берувчининг ҳужжатига муҳр қўйишга рухсат этилади *(21-намунага қаралсин)*.

21-намуна

«Нур» КК

2-сонли КИРИМ ОРДЕРИ

2003 йил 16 январ

Операция тури	Омбор	Етказиб берувчи		Корреспонденция-ловчи ҳисобварақ		Код (номенклатура рақами)
		номи	код	ҳисобварақ	кирим қилишга асос булган тўловнома ёки бошқа ҳужжатнинг рўйхат рақами	
		Иброҳимов		*1011*		*13*

Номи, нави, миқдори, русуми материал дераза блоклари

Ўлчов бирлиги		Миқдори		Нархи	Суммаси	Омбор картотекаси бўйича ёзувнинг тартиб рақами
номи	код	ҳужжат бўйича	қабул қилинган			
1	2	3	4	5	6	7
Лера ва блоклари		*2*	*2*	*5 000*	*10 000*	*11*

Қабул қилди *Акбаров* Топширди *Иброхимов*
имзо имзо

Ҳақиқатда кирим қилинган материаллар ва юборилган ҳужжатлар орасида тафовут аниқланса, материалларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади *(22-намунага қаралсин)*. Бу далолатнома мол етказиб берувчи ёки бошқа манфаатдор бўлмаган корхона вакиллари, омбор мудири ва таъминот бўлими вакилининг албатта иштирокида комиссия томонидан тузилади. Далолатнома тузилганда кирим ордери расмийлаштирилмайди.

22-намуна

Мавжуд товар ҳужжатларга мувофиқ келмаганда тузиладиган далолатнома

Ташкилот *"Нур" КК*
Корхона_____

Товар (материал) қабул қилинганда миқдор ва сифатдаги тафовутни белгилаш тўғрисида 1-сонли ДАЛОЛАТНОМА
2003 йил 13 март

Далолатнома тузилган жой *Корхона омбори*

Комиссия: *директор Л.Акбаров, омбор мудири С.П.Ким, етказиб берувчининг вакили П.Соатов таркибида*

у товар (материал)ни қабул қилди ва миқдор *бўйича камомадни аниқлади*

_____
(номи ва манзили)

...олувчиники	Етказиб берувчиники	Юк жўнатувчиники	Товар ишлаб чиқарувчиники (фабрика, артел)
Нур» КК, ...шкент ш., Чилонзор, ...мавзе, 30-уй	*«Тонг» фабрикаси Фарғона ш., Муқимий кўчаси, 10*	*Фабрикани нинг ўзи*	*Фабриканинг ўзи*

Юклаб жўнатиш асоси (шартнома, битим, буюртма) *2003 йил 1 мартдаги 17-сонли шартнома*

Етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактура *2003 йил 3 мар... ...и 318-сонли*

Транспорт юкхати *2003 йил 3 мартдаги 18-сонли*

Жўнатиш бекати *Фарғона-товар бекати*

Юборилиш бекати *Тошкент – 2-товар бекати*

Товар юборилган бекатга келди *2003 йил 12 мартда, соат ...00 да*

Товар олувчининг омборига келиб тушди *2003 йил 13 мар... ... соат 9.00 да*

Ҳужжатлар бўйича брутто вазни	Етказиб берувчиники	Жўнатиш бекати, кг	Юборилиш бекати, кг
Етказиб берувчиники	*525*	*525*	*525*

Тижорат акти тузилди *2003 йил 10 мартда 13-сон билан*

Товар далолатнома тузиш учун товар олувчининг омбори... ...уровдан ажратиб, идишлардан олиниб (кераксизи учирил... ...ан) тақдим этилди

Товарни сақлаш шароитлари уни очгунга қадар қониқарли

...олатнома тузилаётган ...овар туркумида товар ...увчининг жойлар сони ...а вазни бўйича тафовутлар	Жойлар сони	Брутто (кг)	Идиш (кг)	Нетто (кг)
...казиб берувчининг ...обварақ-фактураси бўйича	105	115		115
...иқда келиб тушди	100	115		115
Тафовутлар	5			

Далолатнома тузилган пайтда идиш ва ўровлар ҳолати *қони...*

Идишни тўлдириш даражаси тўртдан *уч қисмга*

Илишни тамғалаш ва унинг транспорт юкхати кўрсатмаларига мувофиқлиги етказиб берувчининг *ҳужжатларига мувофиқ келади.*

Сифатга доир ва бошқа нуқсонларнинг умумий баёни. *Маҳсулот тегишли сифат ва номда келиб тушди.*

Ўровнинг бутлиги камомад етказиб берувчининг айби билан юз бергани тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Товарни қабул қилишда белгиланди:

Прейскурант бўйича	Ассортимент, товар гуруҳи номи ва артикули	Ўлчов бирлиги	Етказиб берувчининг ҳужжати бўйича				Ҳақиқатда маълум				Камомад		Ортиқча		Нуқсон қисқача баёни	Нархни пасайтириш	
			нав	сони	нархи	суммаси	нав	сони	нархи	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси		сони	суммаси
	Ип х/б 100 г 64 с № 10	тонна	1	1,05	100	10500	1	100	100	10000	5	500					

Маҳсулот етказиб берувчининг тўловномасида саналган бошқа товарлар бўйича сифат ва сон бўйича тафовутлар йўқ.

Комиссия аъзолари: *Л.Акбаров С.Ким П.Соатов*

Материалларнинг ички бир омбордан бошқа омборга, бир цехдан бошқа цехга силжиши, ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материалларни, чиқиндиларни омборга қабул қилиш юкхатлар билан расмийлаштирилади.

Ҳисобдор шахслар материалларни жисмоний шахслардан харид қилганларида улар материаллар нақд пулга хусусий шахслардан харид қилишда тузиладиган далолатнома ёки маълумотнома бўйича бойликларни топширадилар *(23-намунага қаралсин).*

23-намуна

ТАСДИҚЛАЙМАН:
"НУР" КК директори
Л.Акбаров

Товар-моддий бойликларни харид қилиш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Мазкур далолатнома *2003 йил 3 мартда тузилди*

Биз, қуйида имзо чекувчилар, таркибида: раис *А. Иванов* ва аъзолар:

Акбаров Л.О. – директор
Файзиев Т.Ю. – комиссия аъзоси
Ким С. П. – комиссия аъзоси

...шан комиссия паспортининг *серияси СА 0449347 ...1998 йилда Тошкент ш. Хамза ТИИБ* томонидан берил... А.Васин томонидан ҳақиқатан Тошкент шаҳрида қуйида... товар-моддий бойликлар сотиб олинганини тасдиқлаймиз:

Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма
Автомобил гилдираги	дона	2	23 300	46 600
Ойна 220х100	дона	2	1 100	2 200
Жами				48 800

Комиссия қирқ саккиз минг сўмни *С. Одилов* ҳисоботи... чиқариб ташлашга қарор қилди.

Комиссия раиси *Акбаров Л.О.* (имзо)
Комиссия аъзолари *Файзиев Т.Ю.* (имзо)
Ким С.П. (имзо)

Санаб ўтилган товар-моддий бойликлар кўрсатилган миқ...орда ҳисобот учун қабул қилинди.

Тўлаганов С.Б. (имзо)

Чиқим ҳужжатлари материаллардан ишлаб чиқаришда (маҳ...сулот тайёрлаш), хўжалик эҳтиёжлари (биноларни ушлаб тури..., таъмирлаш) учун, фойдаланиш ёки четга сотиш опера...ияларини акс эттиради. Буларга талабнома, чеклаб олиш ха...риталари, юкхатлар киради.

Материалларнинг бир маротаба, кам такрорланадиган ха...ражат қилиниши талабномалар билан расмийлаштирилади.

Ушбу ҳужжат истеъмолчилар, яъни цех, бўлим ва участ...калар томонидан расмийлаштирилади *(24-намунага қаралсин)*.

24-намуна

Ташкилот *"Нур" КК*

18-сонли ТАЛАБНОМА

2003 йил 5 февраль

Операция тури	Омбор	Цех, объект, олувчи омбор

Ким орқали *Т.Одилов*

Талаб қилди *С.Биков* Рухсат берди *Л.Акбаров*

Корр. ҳисобварақ		Моддий бойликлар	Код, номенклатура рақами	Ўлчов бирлиги		Сони		Нарх	Сумма	Омбор картотекаси бўйича қайд №
ҳисобварақ	таҳлилий ҳисоб шифри	номи, нави, ҳажми, маркаси		номи	коди	талаб қилинган	берилган			
1010										
2010	1	Офсет қоғози	12	пачка		5	5	1500	7500	45

Берди *С.Ким* Олди *Т.Одилов*

Омбордан цехга материаллар мунтазам бериб борилса, у ҳолда чеклаб олиш хариталари қўлланилади.

Чеклаб олиш харитаси корхонанинг (участкага) режа бўлими (ёки нозимлик хизмати) томонидан ёзилади. Унда шу цехга берилиши лозим бўлган материал маълум турининг ойлик чекланган меъёри олдиндан кўрсатилади *(25-намунага қаралсин)*. Чеклаб олиш харитаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчи нусхаси цех (участкага) — истеъмолчига берилади. Материаллар берилгандан кейин омборчи чеклаб олиш харитасининг цех нусхасига имзо қўяди, олувчи эса омборчининг нусхасига ўз имзосини қўяди.

Омборчи ҳар бир операциядан кейин фойдаланилмаган чеклаш қолдиғини ҳисоблаб чиқади. Чеклаш етмаган тақдирда чеклашдан ташқари материаллар харажати талабнома билан расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқаришда цех ходимлари моддий жавобгар шахс бўлган ҳолларда, улар томонидан ҳар ойда сарфланган материаллар тўғрисидаги моддий ҳисобот тузилиб, бухгалтерияга топширилади, бунда чеклаб олиш хариталари расмийлаштирилмайди.

Чиқиндиларни топшириш, ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материалларни қайтариш, омбордан-омборга материалларнинг силжиши, материалларни бошқа ташкилотларга ёки шахсларга сотиш юкхатлар билан расмийлаштирилади *(26 ва 27-намуналарга қаралсин)*.

Омбор ходимларига материалларни бошқа хужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар ёки мансабидан қатъий назар мансабдор шахсларнинг оғзаки фармойишлари асосида омбордан бериш тақиқланади. Омборга келиб тушган, лекин кирим хужжатлари билан расмийлаштирилмаган материалларни беришга ҳам йўл қўйилмайди.

ЧЕКЛАБ ОЛИШ ХАРИТАСИ

3-сон чеклаб олиш харитаси 04.2003 йил	Цех		Маҳсулот номи *Ип калава*		Бир ойга лимит	
					сони	имзолар
					50 кг	*Муҳандис Файзиев*
Омбор	Номенклатура рақами	Материаллар номи	Нави	Ҳажми	Ўлчов бирлиги	Нархи
			1		кг	2220

Сана	Талаб қилинди		Берилди			
	сони	цех бошлиғи имзо	сони	ой бошидан	имзолар	
					олди	берди
4.01	*10*	*Файзиев*	*10*	*10*	*Одилов Т.*	*Ким С.*
15.01	*15*	*Файзиев*	*15*	*25*	*Одилов Т.*	*Ким С.*
25.01	*15*	*Файзиев*	*15*	*40*	*Одилов Т.*	*Ким С.*

26-намуна

"Нур" КК

Операция тури	Омбор	Олувчи

Беришга рухсат берди *П.Азизов*

МАТЕРИАЛЛАР САРФЛАНИШИ БЎЙИЧА 2-сонли ЮКХАТ *2003 йил 11 январ*

Берилди *С.Болтаевга*
Бериш асоси *4-сон ишончнома*

Характеристика	Номенклатура	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони		Нархи	Сумма
				талаб қилинди	берилди		
1	2	3	4	5	6	7	8
	5	*«В» материали*	*кг*	*10*	*10*	*1000*	*10000*
		Жами					*10000*

Бойликларни берди *С.Ким*
Бойликларни қабул қилди *С.Болтаев*

27-намуна

Ташкилот *"Нур" КК*

Материалларни корхона ичида олиб ўтишга 6-сонли ЮКХАТ *2003 йил 24 январ*

Операция тури	Цех (бўлим), участка - юборувчи	Цех, объект, омбор - олувчи	Корреспонденциялаш ҳисобвараги		Код, номенклатура рақами
			ҳисобварақ	таҳлилий ҳисоб шифри	
50	*01*	*05*	*10*	*101*	*1001107*

Номи, нави, ҳажми, маркаси Болтлар 10 х 30 мм

Ўлчов бирлиги		Миқдори		Нархи	Суммаси	Омбор варақчаси бўйича ёзув рақами
номи	код	жўнатилган	олинган			
кг	2	26	26	57	1482	17

Берди *Титов П.* Олди *Валиев Л.*

"Нур" КК

МАТЕРИАЛЛАРНИ ОМБОРДА ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ 84-сонли ВАРАҚАСИ

Омбор	Жовон	Токча	Русум	Нав	Йўналиш	Ҳажми	Код (номенк-латура рақами)	Ўлчов бирлиги		Нархи	Заҳира меъёри
								номи	код		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
				1			103	кг		2820	
Материал номи *Ип калава*								1-сон шаклида сатр рақами			
								13			

Қайд санаси	Ҳужжат рақами	Қайднинг т/р	Кимдан олинди ёки кимга берилди	Кирим	Чиқим	Қолдиқ	Назорат (имзо, сана)
14	15	16	17	18	19	20	21
			Қолдиқ				
13.03	1		«Восход» фабрикаси	500		500	
20.03	18	2	«Старт» КК		100	400	
1.04	19	3	Ишлаб чиқаришга		150	250	
			ва ҳ.к.				

Кирим ва чиқим ҳужжатлари операция содир бўлган кунида расмийлаштирилади.

9.3. Омбордаги материаллар ҳисоби

Омборларда материаллар омборчи томонидан миқдор кўрсаткичлари бўйича варақаларда ҳисобга олинади *(28-намунага қаралсин)*.

Омбор варақалари материалларнинг ҳар бир тури, нави, хили бўйича бухгалтерия томонидан очилади.

Бухгалтерия унга корхона номи, варақа тартиб рақами, омбор рақами, материал номи, русуми, нави, ҳажми, ўлчов бирлиги, номенклатура рақами, ҳисоб нархи ва бошқаларни ёзади.

Варақани олгандан кейин омборчи ушбу материаллар сақланадиган токча ёки жойни кўрсатади. Сақланадиган жойга материалларнинг нархи ва сони ёзилган ёрлиқ бириктирилади.

Варақалар маълум тартибда омбор картотекасига жойлаштирилади.

Ҳар куни юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида омборчи бу варақаларга миқдор жиҳатидан материалларнинг кирим ва чиқимини ёзади. Ҳар бир ёзувдан сўнг варақада материалларнинг қолдиғи ҳисоблаб чиқарилади.

Жадвалда белгиланган муддатларда омборчи кирим ва чиқим ҳужжатларини топшириш рўйхатини икки нусхада ёзади. Рўйхатнинг биринчи нусхасига дастлабки ҳужжатларни тикиб, уни бухгалтерияга топширади. Материал бўлимининг бухгалтери бу рўйхат ва унга бириктирилган ҳужжатларни синчиклаб текшириб чиққандан кейин бу тўғрисидаги рўйхатнинг иккинчи нусхасини тасдиқлайди. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси омборчида қолади.

Бухгалтер омбордаги энг аввало камёб, қимматбаҳо материалларнинг ҳақиқий қолдиқларини танлаб назоратдан ўтказиб, бу тўғрида варақаларга текшириш санасини ва имзо қўйиб тасдиқлайди. Танлаб текшириш натижалари бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ишида аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотлар махсус дафтарга ёзилиб, бош бухгалтерга хабар қилинади.

Материаллар номенклатураси кам бўлган омборларда омбор ҳисоби варақалари ўрнига варақаларнинг зарур реквизитларини ўз ичига олган нав ҳисоби дафтарларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Ҳар ойнинг биринчи кунида омборчи варақалардаги ойнинг охирига бўлган қолдиқларни омбор бўйича қолдиқ дафтарига кўчиради. Бу дафтар ҳар бир омбор учун алоҳида очилиб, ойнинг охирги кунида омборчига берилади. Кейинги ойнинг 1-2 кунида омборчи бу дафтарни бухгалтерияга қайтаради.

9.4. Бухгалтерияда материаллар ҳисоби

Омборчидан дастлабки ҳужжатлар илова қилинган рўйхатни олгандан сўнг, бухгалтер улардаги миқдорий ўлчам кўрсаткичларини нархига кўпайтириб пул ўлчовига ўтказади. Бунинг учун 10-сон "Моддий маблағлар силжиши" қайдномаси қўлланилади. Бу қайднома 2 бўлимдан иборат:

1. "Материаллар тушуми ва ой бошига қолдиқлари".
2. "Материаллар сарфи ва ой охирига қолдиқлари".

Ҳисобот ойи давомида материаллар силжиши ҳисоб нархларида акс эттирилади. Ойнинг охирида транспорт-тайёрлов харажатлари ёки материалларнинг ҳақиқий ва режа таннархлари орасидаги фарқ суммаси ҳамда фоизи аниқлангандан кейин ҳисоб қиймати ҳақиқий таннархгача етказилади.

Материалларнинг жамлама ҳисоби 1010-1090 ҳисобварақларида юритилади. Материалларнинг қолдиқлари ва тушуми шу ҳисобварақнинг дебетига, сарфи эса кредитига ёзилади.

1010-1090 ҳисобварағи

Дебет		Кредит	
С	ой бошига омбордаги материаллар қолдиғи		
1010	Маҳсулот етказиб берувчилардан олинган тўлов ҳужжатлари бўйича материаллар қиймати	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар қиймати	2010
1010, 1090	Материалларни ташиб келган транспорт ташкилотлари хизмати қиймати	Ёрдамчи цехларда сарфланган материаллар қиймати	2310

4220, 4230	Ҳисобдор суммалар ҳисобига қабул қилинган материаллар қиймати	Ишлаб чиқаришдаги бино, асбоб-ускуналарни сақлаш ва таъмирлашга сарфланган материаллар қиймати	2510
6710	Юклаш ишларини бажарган ишчиларнинг иш ҳақи	Тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ хизмат қилувчи ишлаб чиқаришларда маъмурий мақсадларда фойдаланадиган асосий воситаларни сақлаш ва таъмирлашга сарфланган материаллар қиймати	9410, 9420, 9430
6520	Юкчиларни иш ҳақидан ҳисобланган ижтимоий суғурта, Нафақа жамғармасига ажратмалар		
2010	Ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган материаллар ва чиқиндилар қиймати	Материалларни четга сотиш ва бериш	9220
2310	Ёрдамчи цехларда ишлаб чиқарилган материаллар қиймати	Инвентарлаш натижасида аниқланган материаллар камомади	9430
9210	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида омборга қабул қилинган яроқли материаллар қиймати	Фавқулодда содир бўлган табиий офат натижасида нобуд бўлган материалларни ҳисобдан чиқариш	9720
1080	Инвентар ва хўжалик ашёлари тугатиш (ҳисобдан чиқариш) натижасида олинган яроқли материаллар қиймати		

Мисол. Мол етказиб берувчидан ҚҚСсиз 200000 сўмлик материаллар харид қилинган. Материалларни ташиб бергани учун автотранспорт корхонасига 30000 сўм тўланган, материалларни ортиш ва гуширш учун ишчиларга 10000 сўм иш ҳақи ҳисобланган, ишчиларнинг иш ҳақидан ижтимоий суғурта идораларига 2000 сўм ҳисоблаган. Операциялар ҳисобварақларда қуйидагича акс эттирилади:

- мол етказиб берувчилардан харид қилинган материаллар қиймати бўйича:

Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 200000 сўм

К-т 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 200000 сўм

- материалларни ташиб бергани учун автотранспорт корхонасининг хизмати суммаси бўйича:

Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 30000 сўм
К-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 30000 сўм.
- ишчиларнинг иш ҳақи суммаси бўйича:
Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 10000 сум
К-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб- - 10000 сўм
- ижтимоий идораларга ҳисобланган суммалар бўйича:
Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 2000 сўм
К-т 6520 «Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўлов- - 2000 сўм.

Шундай қилиб, 1010 ҳисобварағида материалларни харид лиш бўйича 242000 сўм бўлган барча харажатлар жамланар. Ишлаб чиқаришга ва бошқа эҳтиёжларга материаллар ани- ушбу таннарх бўйича ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Шуни таъкидлаш зарурки, Солиқ кодексининг 76-мод. ва биноан етказиб берувчи материални харид қилаётган кор- нага белгиланган шаклдаги ҳисобварақ-фактурани тақдим лиши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини тўламайдиган етказиб берув- илар ҳисобварақ-фактурада "Қўшилган қиймат солиғисиз" лган белги қўйишлари керак.

Материалларни харид қилаётган корхоналар улар қийма- ини етказиб берувчиларга ҚҚС билан бирга тўлайдилар. Ет- иб берувчи олинган суммадан ушбу солиқни бюджетга лайди. Демак, материалларни қабул қилиш пайтида улар- инг қиймати 1010 "Хомашё ва материаллар" ҳисобвараги ебетига, ҚҚС эса 4410 "Бюджетга солиқлар ва йиғимлар нак тўловлар" ҳисобвараги дебетига ёзилади.

Мисол. Корхона 200 минг сўмга материаллар харид қилди. ҚҚС ҳисобварақ-фактурада ажратилган ва алоҳида сатр бил- ан кўрсатилган — 40 минг сўм. Жами 240 минг сўм. Ушбу ммаларга қуйидаги ўтказмалар берилади:

Д-т 1010 "Хомашё ва материаллар" — 200 минг сўм.
Д-т 4410 "Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўнак тўлов- — 40 минг сўм.
К-т 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўла- лган ҳисобварақлар"— 240 минг сўм.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона унга керакси- лан модлий бойликларни сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга-

лар. Бундай материалларни сотиш ёки бепул бериш ҳисоби 9220 "Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағида юритилади.

Материаллар четга сотилганида қуйидаги бухгалтерия ёзувлари тузилади:

– харид ҳақиқий қиймати бўйича материаллар қиймати:

Д-т 9220 "Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши".

К-т 1010 "Хомашё ва материаллар"

– сотиш (шартномавий) нархига:

Д-т 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар".

К-т 9220 "Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши".

- ҚҚС суммаси:

Д-т 9220 "Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши".

К-т 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар".

9220 Ҳисобварақ дебети ва кредитини таққослаш билан моддий бойликларни сотиш ёки бепул топширишдан олинадиган молиявий натижа белгиланади. Агар материалларни сотиш нархи ҚҚС билан бирга ҳақиқий таннархдан катта бўлса (агар 9220 ҳисобварақ дебети унинг кредитидан кичик бўлса), фарқ корхона фойдасини ҳосил қилади, у 9320 "Бошқа активларни реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда" ҳисобвараги кредитига ҳисобдан чиқарилади. Ҳақиқий қиймат сотиш нархидан ошиб кетган тақдирда (агар 9220 ҳисобварақ дебети унинг кредитидан катта бўлса), 9430 "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобвараги дебетига ҳисобдан чиқариладиган зарар пайдо булади.

Мисол. Корхона 35,1 минг сўмни ноликвид материалларни сотди. Уларнинг ҳақиқий қиймати 20 минг сўм. ҚҚСни аниқлаймиз: (35 100 х 20% : 120 = 5 850 сўм). Сотишдан олинган фойда 9250 сумни ташкил этди (35100 – 20000 – 5850).

Д-т	9220	К-т
Ҳисобварақлар кредити		Ҳисобварақлар дебети
1010 20 000	35 100	4010,
6410 5 850		4890,
9320 9 250		5010

Буюм топширилганда ёки ҳақиқий таннархдан паст нархда топширилганда ҚҚСга тортиш мақсадлари учун корхонада сотишдан олдин шаклланган, материалларни ишлаб чиқариш ёки бошқа қилишга ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган нарх қабул қилинади.

Мисол. Корхона 50 минг сўмга материалларни сотади, ҳақиқий қиймати — 70 минг сўм. ҚҚС 11 666 сўмни ташкил этади (70 000 х 20 : 120 = 11 666). Сотишдан кўрилган зарар: (70 000 + 11 666 - 50 000) = 31 666 сўм. Ушбу материалларни сотишдан кўрилган зарар суммаси харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга доир 1-иловага кўра фойда солиққа тортиладиган базага киритилиши керак.

9220

Ҳисобварақлар кредити		Ҳисобварақлар дебети	
1010	70 000	50 000	4010, 4890, 5010
6410	11 666	31 666	9430

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасида материаллар ҳаракати ҳисобининг бошқа варианти ҳам таклиф қилинади, унда материаллар хариди (тайёрланиши)га доир барча операциялар 1510 "Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ дебетига материалларнинг 2310, 2010, 6000, 4230, 6990 ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан харид қиймати, шунингдек материалларни тайёрлаш ва корхонага етказиб бериш харажатлари киритилади. 1510 ҳисобварақ кредитида 1010-1090 ҳисобварақ дебети билан корреспонденцияда ҳақиқатда келиб тушган ва ҳисоб нархлари бўйича қабул қилинган материалларнинг қиймати акс эттирилади. Бунда келиб тушган материалларнинг ҳақиқий қиймати билан уларнинг ҳисоб нархлари (харид ёки режа нархи) бўйича қиймати ўртасидаги фарқ 1610 "Материаллар қийматидаги тафовутлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Ушбу ҳисобварақ дебетида тўпланган тафовутлар суммаси белгиланган тартибда харажатлар ҳисобварақлари дебетига ҳисоб нархлари бўйича ишлаб чиқаришда сарфланган материаллар қийматига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади. 1510 ҳисобварақ бўйича ойлик якуни йўлда бўлган материаллар қийматини акс эттиради.

Мисол. Мол етказиб берувчилардан 300000 сўмлик эҳтиёт қисмлар олинган. Эҳтиёт қисмларни ташиб бергани учун транс-

порт ташкилотига 50000 сўм ҳисобланган, эҳтиёт қисмларни харид қилиш бўйича ходимнинг хизмат сафари харажатлари 15000 сўмни ташкил этган. Ушбу операциялар қуйидаги тартибда акс эттирилади:

- мол етказиб берувчилардан олинган эҳтиёт қисмлар қийматига:

Д-т 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» - 300000 сўм.

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 300000 сўм.

- эҳтиёт қисмларни ташиб бергани учун автотранспорт корхонасининг хизмати суммасига:

Д-т 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» - 50000 сўм.

К-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 50000 сўм.

- хизмат сафари харажаталари суммасига:

Д-т 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» - 15000 сўм.

К-т 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар» - 15000 сўм.

- эҳтиёт қисмлар ҳақиқий нархи бўйича кирим қилиниши:

Д-т 1040 «Эҳтиёт қисмлар» - 365000 сўм.

К-т 1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш» - 365000 сўм.

Етказиб берувчининг айби билан содир этилган, уларни қабул қилиш пайтида аниқланган материаллар камомадлари суммаси 4860 "Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар" ҳисобварағи дебетига ва 6010 "Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобвақлар" ҳисобварағи кредитига киритилади.

Илгари тақдим этилган даъволар суммаларини қоплаш пайтида қуйидаги ёзув қайд этилади:

Д-т 5110 "Ҳисоб-китоб вараги"

К-т 4860 "Даъволар бўйича олинадиган ҳисобвақлар".

Даъво этиш муддати тугаганда даъволар суммаси ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9430 "Бошқа операцион харажатлар"

К-т 4860 "Даъволар бўйича олинадиган ҳисобвақлар".

9.5. Материалларни узлуксиз ва даврий ҳисобга олиш тизимлари

Моддий бойликларни бухгалтерия ҳисобини юритишда икки хил тизимни ажратадилар: *узлуксиз ва даврий.*

ТМБлар келиб тушиши ва харажатини ҳисобга олишда узлуксиз тизим қўлланилганда улар доимий равишда, кун-кун ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳисобот даври мобайнида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ТМБлар мавжудлигини кузатиб бориш билан бир қаторда, сотилган маҳсулот ва товарлар таннархи ҳам кузатиб борилади. ТМБлар ҳисобини узлуксиз юритиш услубиятини кўриб чиқамиз. Соддалаштириш мақсадида мисол савдо операциялари асосида келтирилган.

Товарлар мол етказиб берувчилардан нақд пулга харид қилиниши:

Д-т 2910 «Товарлар»

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

Товарлар мол етказиб берувчилардан пул ўтказиш йўли билан олиниши, лекин пул ҳали тўланмаган:

Д-т 2910 «Товарлар»

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»

Товарларнинг нақд пулга сотилиши:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Сотилган товарлар таннархини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

К-т 2910 «Товарлар»

Товарларни пул ўтказиш йўли билан сотилиши, лекин пули ҳали олинмаган:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олиналиган ҳисобварақлар»

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Сотилган товарлар таннархини ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

К-т 2910 «Товарлар»

Ҳисобот даври охирида даромадлар ҳисобварагининг ёпилиши:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

Ҳисобот даври охирида сотилган товарлар таннархи ҳисобварағининг ёпилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

Якуний молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 8710 «Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»

Узлуксиз ҳисобга олишдан фарқли ҳолда, даврий ҳисобга олишда ҳисобот даври мобайнида ТМБларнинг муфассал ҳисоби юритилмайди ва сотилган маҳсулот ёки товарлар таннархи фақат ҳисобот давринининг охирида ТМБларни инвентарлашдан кейин қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Ҳисобот давринининг бошига ТМБлар қолдиғи

+

ТМБлар келиб тушиши

=

Сотишга тайёр бўлган ТМБлар таннархи

-

Ҳисобот давринининг охирига ТМБлар қолдиги

=

Сотилган ТМБлар таннархи

Даврий ҳисобга олишда ТМБ харажати ҳисоби бўйича ҳар кунлик ўтказмалар амалга оширилмайди, ТМБлар келиб тушиши вақтинчалик 9140 «Даврий ҳисоботда ТМБларни олиш/харид қилиш» ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ҳисобот давринининг охирида ТМБларни инвентарлаш якунига кўра, 9150 «Даврий ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар» ҳисобварағи билан корреспондентлашган ҳолда, ТМБлар ҳисобварақлари дебетланиб ёки кредитланиб қолдиқларга тузатишлар киритилади. Сотилган тайёр маҳсулот таннархи унинг ҳисобварағида давр боши ҳолатига кўрсатилган ТМБ сальдосига давр мобайнида харид қилинган ТМБлар қийматини қўшиш йўли билан аниқланади. ТМБларни даврий усул билан ҳисобга олишни кўриб чиқамиз:

Товарларни мол етказиб берувчилардан нақд пулга харид қилиш:

Д-т 9140 «Даврий ҳисоботда ТМБни олиш/харид қилиш»

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

Товарларни мол етказиб берувчилардан насияга харид қилиш:

Д-т 9140 «Даврий ҳисоботда ТМБни олиш/харид қилиш»

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар»

Товарларни нақд пулга сотиш:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Товарларни харидорларга сотиш, лекин пул ҳали олинмаган:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Узлуксиз ҳисобга олишдан фарқли ҳолда даврий ҳисобга олишда сотилган товарлар таннархи сотилиш пайтида мунтазам равишда ҳисобдан чиқарилмайди, чунки у фақатгина ҳисобот даврининг охирида аниқланади.

«Товарлар» ҳисобварағидаги қолдиққа инвентарлаш натижасига кўра қуйидаги йўл билан тузатиш киритилади:

- ҳисобот даврининг охирида товарлар қолдиғи давр бошидаги қолдиқдан кўп бўлган тақдирда тузатиш киритиш қуйидаги ёзув билан амалга оширилади:

Д-т 2910 «Товарлар»

К-т 9150 «Даврий ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар»

- ҳисобот даврининг охирида товарлар қолдиғи давр бошидаги қолдиқдан кам бўлган тақдирда тузатиш киритиш қуйидаги ёзув билан амалга оширилади:

Д-т 9150 «Даврий ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар»

К-т 2910 «Товарлар»

Ҳисобот даврининг охирида даромад ҳисобварағининг ёпилиши:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

Ҳисобот даврининг охирида харажатлар ҳисобварағининг ёпилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9140 «Даврий ҳисоботда ТМБни олиш/харид қилиш»
К-т 9150 «Даврий ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар»
Ёки:
Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»
Д-т 9150 «Даврий ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар»
К-т 9140 «Даврий ҳисоботда ТМБни олиш/харид қилиш»
Якуний молиявий натижани аниқлаш ва ҳисобдан чиқариш:
Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»
К-т 8710 «Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)».

9.6. Инвентар ва хўжалик ашёларининг ҳисоби

Ўз хусусиятларига кўра асосий воситалар таркибига киритилиши лозим бўлган буюмлар ҳам ТМБлар таркибига киритилади, чунки улар одатда меҳнат қуроллари ҳисобланади ва мустақил аҳамиятга эга бўлади, лекин бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш мақсадида улар ТМБлар таркибига киритилади ва инвентарлар ва хўжалик ашёлари таркибида ҳисобга олинади. Уларга бир йилдан кам муддатда хизмат қиладиган ва хизмат муддатидан қатъи назар бир донаси (тўплами)нинг қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига эллик баравар миқдоргача бўлган (сотиб олиш пайтида) барча буюмлар киради. Корхона раҳбари инвентарлар ва хўжалик ашёлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг пастроқ чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар қуйидагилар инвентар ва хўжалик ашёлари таркибига киритилади:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки якка тартиблаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

в) кўрпа-тўшаклар;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);

д) ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

...уларни барпо этиш қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

б) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмашиладиган ускуналар;

в) овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо);

Фойдаланишга топшириш пайтида инвентар ва хўжалик ашёларининг қиймати ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига тўлиқ киритилади. Ишлатишда бўлган инвентар ва хўжалик ашёлари сақланишини таъминлаш мақсадида кейинчалик, улар бутунлай чиқиб кетгунга қадар, уларнинг ҳисоби ...ланишдан ташқари 014 «Инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлари» ҳисобварағида юритилиши лозим.

Мисол. Корхона мол етказиб берувчилардан ҚҚСсиз ҳар бираси 12000 сўмдан бўлган, 120000 сўмлик 10 та калькулятор сотиб олган. Харид қилиш қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 1080 «Инвентар ва хўжалик ашёлари» - 120000 сўм

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 120000 сўм

4 та калькулятор фойдаланиш учун ишлаб чиқаришга, 6 таси эса бухгалтерияга берилган ва қуйидаги ёзув амалга оширилган:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 48000 сўм

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар» - 72000 сўм

К-т 1080 «Инвентар ва хўжалик ашёлари» - 120000 сўм

Фойдаланишга берилган инвентар ва хўжалик ашёлари қийматини акс эттириш:

Д-т 014 «Инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлари» - 120000 сўм

Инвентар ва хўжалик ашёлари ишга яроқсиз ҳолга келиши муносабати билан ҳисобдан чиқарилиши пайтида инвентар ва хўжалик ашёларини ҳисобдан чиқариш бўйича белгиланган шаклда далолатнома тузилади ва уларнинг қиймати 014 «Инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлари» ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

К-т 014 «Инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлари» - 120000 сўм.

9.7. Материалларни инвентарлаш

Инвентарлашни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 2 ноябрда рўйхатга олинган "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" 19-сон БҲМС билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг мазкур Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ корхоналар вақти-вақти билан мол-мулки ва молиявий мажбуриятларини инвентарлаб туришлари шарт.

Қуйидаги ҳолларда ашёвий рўйхатдан ўтказиш (инвентарлаш) мажбурийдир:

— мулкни ижарага беришда, сотиб олиш, сотишда ва давлат тасарруфидан чиқаришда;

— йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш олдидан;

— асосий воситалар ва товар-модлий бойликлар қайта баҳоланганда;

— моддий жавобгар шахслар алмашганда (ишларни топшириш ва қабул қилиш кунида);

— ўғирлик ёки суиистеъмолчиликлар, шунингдек, қиммат-баҳо нарсаларнинг бузилиши ҳоллари аниқланганда — дарҳол;

— ёнғин ёки табиий офат содир бўлганда — ёнғин ёки табиий офат тугагандан сўнг дарҳол;

— корхона тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда, тугатиш (тақсимлаш) балансини тузиш олдидан.

Инвентарлашнинг асосий мақсади бу моддий бойликларнинг миқдор ва қиймат жиҳатидан ҳақиқий ҳолатини аниқлашдан иборат.

Инвентарлаш жараёнида қуйидагилар текширилади:

— моддий бойликларнинг сақланиши;

— гарози ва ўлчаш асбоблари ҳолати, материалларнинг тўғри сақланиши ва сарфланиши;

— товар-моддий бойликлар силжишини ҳисобга олиш тартиби.

Текшириш ҳажми бўйича инвентарлаш *ёппасига* ва *танлаб* ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича *режалаштирилган* ва *тўсатдан* ўтказиладиган инвентарлашларга бўлинади. Инвентарлашни ўтказиш ва ташкил этиш устидан корхона раҳбари ва бош бухгалтер раҳбарлик қилади. Инвентарлаш ишларини корхона раҳбари томонидан тайинланган масъул хо-

имлардан ташкил этилган комиссия бажаради.

Инвентарлаш даврида моддий бойликлар мавжудлиги та-
ида тортиш, ўлчаш усули билан аниқланади ва рўйхатда
асмийлаштирилади. Инвентарлашда моддий жавобгар шахс
имзашиши шарт. У рўйхатни имзолайди.

Инвентарлаш натижасида аниқланган барча тафовут ҳолла-
и (ортиқча ёки кам чиқишлар, шикастланиш ва бузилиш-
ар) солиштириш қайдномасида расмийлаштирилади ва
ақиқий таннархи бўйича баҳоланади. Улар синчиклаб таҳлил
илиниши, уларга доир бундай ҳолларнинг келгусида такрор-
аниши олдини оладиган қарорлар қабул қилиниши керак.

Инвентарлаш натижасида аниқланган ТМБларнинг ортиқ-
часи қуйидаги ёзув билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» ёки ТМБларни ҳисоб-
а олувчи бошқа ҳисобварақлар.

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар».

Инвентарлаш натижасида аниқланган ТМБларнинг камо-
мади қуйидаги ёзув билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарар-
ан йўқотишлар».

К-т 1010 «Хомашё ва материаллар» ёки ТМБларни ҳисоб-
а олувчи бошқа ҳисобварақлар.

Табиий йўқотишлар меъёри чегарасидаги ёки табиий офат-
ардан келиб чиққан камомадлар, шунингдек айбдор шахслар
аниқланмаган ҳолларда улар қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ёки 9430 «Бошқа опе-
рацион харажатлар».

К-т 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарар-
ан йўқотишлар».

Моддий жавобгар шахслар айби билан келиб чиққан ка-
омадлар қуйидаги ёзув билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича
арзлари».

К-т 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарар-
ардан йўқотишлар».

Моддий жавобгар шахслардан ундирилганда:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари».

К-т 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича
арзлари».

Корхона томонидан айбдор шахслардан камомад таннархи бўйича эмас, балки бозор (биржа) нархлари бўйича ушлаб қолиниши мумкин.

Мисол. Омборчи айби билан материаллар камомади аниқланди. Материалларнинг ҳақиқий қиймати 100 минг сўм, бозор қиймати эса - 150 минг сўм.

- камомад суммасига қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарарлардан йўқотишлар» - 100 минг сўм

К-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 100 минг сўм

- омборчидан ушлаб қолиниши лозим бўлган суммага:

Д-т 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари» - 150 минг сўм

К-т 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган зарарлардан йўқотишлар» - 100 минг сўм

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар» - 50 минг сўм

Айбдор шахслардан ундирилганда:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки камомад иш ҳақидан ушлаб қолинган тақдирда 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» - 150 минг сўм

К-т 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари» - 150 минг сўм

Табиий офат натижасида нобуд бўлган материаллар қийматига:

Д-т 9720 «Фавқулотда зарар»

К-т 1010-1090 «Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

- айбдор шахслар аниқланмаган ўғирликлардан келиб чиққан камомадлар Харажатлар тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасига мувофиқ фойда солиғига тортиладиган базага киритилади.

4-БХМСга мувофиқ ТМБлар қайта баҳоланганда қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

- ТМБлар бўйича қиймати пасайтирилган суммага:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 1010-1090 «Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

- ТМБлар бўйича қиймати оширилган суммага:

Д-т 1010-1090 «Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар»

10-БОБ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲИСОБИ

10.1. Асосий воситалар тушунчаси ва уларни баҳолаш

Асосий воситалар - бу маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга оширишда узоқ муддат мобайнида фойдаланиш мақсадида корхона томонидан ушлаб турилади ва ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган "Асосий воситалар" 5-сонли БҲМСда асосий воситаларга ана шундай таъриф берилган. Мазкур стандарт субъектга мулкчилик, хўжалик юритиш ва тезкор бошқариш ҳуқуқларида тегишли бўлган асосий воситаларни ҳисобга олиш тартиби ва услубиятини белгилайди.

Асосий воситалар таркибига бир йилдан кўпроқ муддатда хизмат қиладиган ёки хизмат муддатидан қатъий назар ҳар бир бирлиги (тўплами)нинг қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига эллик баравар миқдордан кўпроқ бўлган (сотиб олиш пайтига) активлар киради. Ҳар бир бирлигининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кам бўлган ёки хизмат муддати бир йилдан кам бўлган барча меҳнат ашёлари моддий бойликлар таркибида инвентар ва хўжалик ашёлари каби ҳисобга олинади. Ҳисобот даври бўйича корхона раҳбари буюмларни инвентар ва хўжалик ашёлари таркибида ҳисобга олиш учун уларнинг пастроқ қийматини белгилаш ҳуқуқига эга.

Асосий воситалар — ҳар қандай корхонанинг, ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базасидир. Аниқроғи асосий воситалар, бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар ва хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган бошқа меҳнат воситаларидан иборат.

Шуни таъкидлаш лозимки, қайсидир бир объектни асосий воситалар таркибига киритиш учун, у мустақил равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлишлигини назарда тутиш

керак. Чунончи, таъмирлаш вақтида автомобилдагини алмаштириш учун сотиб олинган двигателни, унинг қиймати 700 минг сўм бўлса ҳам, асосий воситалар таркибига киритиб бўлмайди, чунки автомобилсиз двигателдан фойдаланиб бўлмайди. Ушбу двигател эҳтиёт қисмлар таркибига киритилади ва ТМБ каби ҳисобга олинади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан келгусида иқтисодий фойда олишга ишонч бўлса ва агар активнинг қиймати аниқ белгиланиши мумкин бўлса, яъни асосий воситалар объекти фойдаланишга қабул қилинган ва барча дастлабки ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлса, асосий воситалар актив сифатида эътироф этилиши мумкин.

Асосий воситалар *ишлаб чиқариш* ва *ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган* воситаларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш асосий воситалари ишлаб чиқаришда бевосита қатнашади ёки ишлаб чиқариш учун хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган асосий воситаларга корхона ходимларига хизмат қилиш учун мўлжалланган ва корхона балансида ҳисобга олинган маданий, маиший, уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим муассасаларига қарашли объектлар киради.

Ўзининг табиий-ашёвий таркиби бўйича асосий воситалар қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

0110 - Ер;

0111 - Ерни ободонлаштириш;

0112 - Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинадиган асосий воситаларни ўзлаштириш;

0120 - Бинолар, иншоотлар ва узаткич мосламалар;

0130 - Машиналар ва ускуналар;

0140 - Мебел ва офис жиҳозлари;

0150 - Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси;

0160 - Транспорт воситалари;

0170 - Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;

0180 - Кўп йиллик экинлар;

0190 - Бошқа асосий воситалар;

0199 - Консервация қилинган асосий воситалар.

Корхона бухгалтерия хизматининг асосий вазифаси - асосий воситаларни қиймати бўйича ҳисобга олиш, яъни уларни баҳолашда ягона тамойилга риоя қилишдир.

Ҳисобга олиш ва ҳисоботда асосий воситалар объекти *дастлабки қиймат, қолдиқ қиймат, тиклаш қиймати ва тугатиш қиймати* бўйича акс эттирилади.

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар объектининг дастлабки қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;

б) асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо этиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо этиш) билан боғлиқ ахборий ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо этиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

ж) асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

з) асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ишларига туширишга оид харажатлар;

и) активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Қурилиш даврида қурилиш учун олинган узоқ муддатли кредит бўйича ҳисобланган фоизлар барпо этилган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилади.

Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб асосий воситаларнинг мазкур объектларини тиклаш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси тан олинади.

Хорид қилиш чоғида қиймати хорижий валютада ифода-

ланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати тегишли харажатларни ҳисобга олган ҳолда, божхона юк декларациясини тўлдириш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича суммани хорижий валютада ҳисоблаб ўтказиш йўли билан сўмда белгиланади.

Бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ўзгартиришга асосий воситаларнинг тегишли объектлари қуриб битказилган, қўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, техник қайта қуроллантирилган, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган ҳолатларда рухсат этилади.

Қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, замонавийлаштириш ишларига асосий воситалар объектининг технологик ёки хизмат мўлжалининг ўзгариши, оширилган ишлар кўлами ва сифатни янада яхшилашга доир бошқа ҳолатлар туфайли қилиниши лозим бўлган ишлар киритилади.

Реконструкция қилиш ишларига ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш билан боғлиқ бўлган ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатини яхшилаш ва номенклатурасини ўзгартириш мақсадларида асосий воситаларни реконструкция қилиш лойиҳаси бўйича амалга ошириладиган мавжуд асосий воситалар объектларини қайта қуриш киритилади.

Техник қайта қуроллантиришга илғор техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматизациялаш, жисмонан эскирган ускуналарни замонавийлаштириш ва уларни янгилари, унумдорлиги янада юқори бўлганлари билан алмаштириш асосида асосий воситалар ва уларнинг айрим қисмларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси киради.

Асосий воситаларнинг келиб тушиш манбаига боғлиқ ҳолда уларнинг дастлабки қиймати деганда қуйидагилар тушунилади:

— муассислар томонидан уларнинг устав капиталига (фондига) улуши ҳисобига киритилган ва келишув бўйича белгиланган асосий воситалар қиймати;

— қурилган ёки тўлов ҳисобига харид қилинган объектлар қиймати, улар ҳақиқий харажатлар, шу жумладан етказиб

сотиш, монтаж қилиш ва ўрнатиш харажатлари суммасида ҳисобга олинади;

– бепул, шунингдек ҳукумат субсидияси (ёрдами) сифатида олинган асосий воситалар объектларининг қиймати, улар эксперт йўли билан жорий қиймати ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Мисол. Босмахона мол етказиб берувчидан 5000 минг сўмга босма ускунасини сотиб олган, транспорт харажатлари - 40 минг сўмни, ўрнатиш ва монтаж ишлари - 100 минг сўмни, ускунани ўрнатиш жараёнида шикастланган деворни таъмирлаш ишлари - 30 минг сўмни ташкил этган. Ускунанинг дастлабки қиймати 5000 + 40 + 100 = 5140 сўмни ташкил этади. Ўрнатиш жараёнида шикастланган деворни таъмирлаш харажатлари дастлабки қийматга киритилмайди ва жорий харажатларга ўтказилади.

Дастлабки қийматини ўзгартиришга асосий воситаларнинг тегишли объектлари қуриб битказилган, қўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, ҳаражатлар активдан кутилаётган фойдани оширса ва ундан фойдаланиш натижасида иқтисодий нафни оширишга имкон берган ҳолатларда рухсат этилади. Асосий воситаларни харид қилиш, ўрнатиш, замонавийлаштириш, реконструкциялаш бўйича харажатларни уларнинг дастлабки қийматига ўтказиш капитализациялаш деб аталади. Асосий воситаларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш бўйича жорий ва капитал таъмирлашга оид ҳар қандай бошқа харажатлар жорий харажатлар деб кўрилиши ва капитализацияланмаслиги лозим.

Мисол. «Шарқ» тикувчилик корхонаси қўшимча равишда ускуналар ўрнатиб 20 та тикув машинасини қайта жиҳозлади, натижада маҳсулотларга ишлов бериш вақти қисқарди. Бир дона тикув машинасининг қиймати 120 минг сўм, уларнинг ҳар бирини қайта жиҳозлаш бўйича харажатлар 5 минг сўм. Шундобарин, асосий воситалар қийматини 100 минг сўмга ошириш лозим.

Асосий воситалар фойдаланиш давомида эскиради, натижада уларнинг баланс қиймати камаяди. Объектларнинг ўз ресурсий ва техник-иқтисодий хусусиятларини йўқотишининг умумий ифодаси асосий воситалар эскириши (амортизация) деб аталади. Эскириш алоҳида ҳисобга олинади.

Жамланган эскириш чегирилган ҳолда объектнинг дастлабки қиймати **қолдиқ (баланс) қиймат** деб аталади.

Вақт ўтиши билан асосий воситаларнинг дастлабки қиймати улар қийматининг ошиши, шунингдек инфляция муносабати билан кўпайиши мумкин. Шунинг учун вақти-вақти билан асосий воситаларни қайта баҳолаш ва уларнинг тиклаш қийматини белгилаш зарурати пайдо бўлади. **Тиклаш қиймати** – асосий воситаларнинг ҳозирги нархлар шароитидаги қийматидир. Республикамизда у Ўзбекистон ҳукумати қарорига кўра, (1992 йил 1 апрел, 1993 йил 1 апрел, 1995 йил 1 январ, 2001 йил 1 январ, ва бундан кейин ҳар йили 1 январ ҳолатига) ўтказилган қайта баҳолаш натижасида шаклланади.

Жорий қиймат – асосий воситаларнинг амалдаги бозор нархлари бўйича муайян санадаги қиймати ёки активни алмаштириш мумкин бўлган сумма.

Бозор қийматини аниқлашда тайёрлов ташкилотларидан ёзма равишда олинган шунга ўхшаш маҳсулотларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлардан; давлат статистика идоралари, савдо инспекциялари ва ташкилотларида нархлар даражаси тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлардан; оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётда чоп этилган нархлар тўғрисида маълумотлардан; асосий воситалар алоҳида объект нархлари тўғрисида эксперт хулосаларидан фойдаланиш мумкин.

Тугатиш қиймати – асосий воситалар тугатилганда фойдали хизмат муддати охирида юзага келадиган, чиқиб кетиш бўйича кутилаётган харажатлар чегирилгач, активларнинг тахмин қилинаётган қиймати.

10.2. Асосий воситаларнинг келиб тушиши ҳисоби

Асосий воситалар қуйидагилар натижасида корхона балансига киритилади:

а) капитал қўйилмалар тугаганидан сўнг тикланган объектни қабул қилиш-топшириш;

б) олди-сотди шартномаси бўйича объектни сотиб олиш;

в) устав капиталига таъсисчи улуши кўринишида келиб тушиш;

г) текинга келиб тушиш (ҳадя шартномаси бўйича);

...ширбошлаш;

...товар-моддий захиралар таркибидан ўтказиш;

...узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича ...

...қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйил...лар;

...асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) ...ларини аниқлаш.

Асосий воситаларнинг ҳар қандай келиб тушишига корхона ...бори бухгалтер бошчилигида ташкил этган комиссия қабул ...ини-топшириш далолатномасини тузади, унда объектнинг ...ифи, жойлашган ери, олиш манбаи, чиқарилган ёки қурил...ган йили, фойдаланишга топшириш санаси, объектни синаш ...ижалари, унинг техник шартларга мувофиқлиги ва ҳоказо...лар кўрсатилади. Ушбу далолатнома асосида ҳар бир объектнинг ...вентар варақаси расмийлаштирилади ёки инвентар дафтарида ...тилади *(29 ва 30-намуналарга қаралсин).*

29-намуна

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Корхона раҳбари
_____ Л.Акбаров
2003 йил 20 апрел

"Нур" КК

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш _____сонли

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2003 йил 20 апрел

Ҳисобварақ	Таҳлилий ҳисоб коди	Дастлабки қиймати	Инвентар рақами	Харажатлар коди (амортажратмаларини ўтказиш учун)	Аморт. ажратмалари меъёрининг коди	Аморт. ажратмаларининг меъёри, %/йил	Ускуна, асбоб, инвентар	Ишлаб чиқарилган (тайёрланган) сана	Фойдаланишга кириш тўғрисидаги далолатнома
						тўлиқ тиклаш учун			
0080		300000	17			15		2003	20.04

...03 йил 12 апреллаги 38/03-сонли буйруққа (фармойиш...осан харид натижасида қабул қилинаётган (топширила-

ётган) фрезерлик дастгохи кўзлан кечирилди. Қабул қилиш (топшириш) пайтида объект Тошкент шаҳрида, Тошқишҳўжмаш заводида бўлган. Эскириш суммаси _____ сўм 176348-сонли паспорт (чизма).

Ускуна		Ишлаб чиқарилган (қурилган йили)	Фойдаланишга топширилган санаси (ой, йил)
тур	код		
11	12	13	14
15	*19*	*1999*	*20.04.2003 йил*

Харид қилиш (молиялаш) манбаси *капитал қўйилмалар*

Ғузатиш коэффициенти

Объектнинг қисқача тавсифи *приставкали фрезерлик дастгоҳи.*

Объект техник шартларга мувофиқ келади (мувофиқ эмас)

_____

(айни нималар мувофиқ эмаслиги кўрсатилсин)

қайта ишлаш талаб қилинмайди (талаб қилинади)

_____

(айни нима талаб қилиниши кўрсатилсин)

Объектни синаш натижалари техник шартларга мувофиқ келади.

Комиссия хулосаси *фойдаланишга киритилсин*

Илова техник паспорт

_____

объект бўйича техник ҳужжатлар рўйхати

Комиссия аъзолари:

Директор *Акбаров Л.* *имзо*

Бош бухгалтер *Бердиев К.* *имзо*

КК ходими *Файзиев Р.* *имзо*

Асосий воситалар объектини қабул қилдим:

Бригадир *Оқилов Т.* *имзо*

Топширдим:

Директор *Акбаров Л.* *имзо*

2003 йил 20 апрел

Варақача очилганлиги ёки дафтарда қайд этилганлиги тўғрисида бухгалтериянинг белгиси:

Инвентар варақачаси очилган

Бош бухгалтер Бердиев Н. имзо

30-намуна

"ЙУР" КК

Асосий воситаларни (машиналар, ускуналар, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари учун) ҳисобга олиш учун 17-сонли инвентар варақачаси

Фрезерлик дастгоҳи
(объектнинг тўлиқ номи ва вазифаси)

Тошкент ш., Тошқишхўжмаш
(ишлаб чиқарган завод номи)

Паспорт рақами *176348* Завод рақами *210411* модели, тури, русуми *176348.*

Цех, бўлим, бригада, участка	Дебет		Кредит		Дастлабки қиймати	Инвентар рақами	Харажатлар коди (амортизация ажратмаларига киритиш учун)	Амортизация ажратмалари меъёр коди	Амортизация ажратмалари меъёри
	ҳисобварақ	ҳисобварақ	ҳисобварақ	ҳисобварақ					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
	0100		0800		300 000	17			15

Юкхат рақам		Объектни корхона ичида силжиши								

01.01.2003 йилдаги баҳога баҳолаш натижаларига ёки бошқа ҳужжатларига асосан ёзилиши суммаси	Объект кирим қилингани тўғрисида белги (бухгалтерия ёзуви)		Чиқиб кетиши тўғрисида белги (бухгалтерия ёзуви)		Чиқиб кетиш сабаби
	сана	рақам	сана	рақам	
	20.04.2003	22			

Харид қилиш (молиялаш) манбаи _____

Тузатиш коэффициенти _____

.....

Инвентар варақачасининг орқа томони

Реконструкция, замонавийлаштириш (бухгалтерия ёзуви)			Капитал таъмирлаш (бухгалтерия ёзуви)			
сана	рақам	сумма	сана	рақам	сумма	ва ҳ.к.

Объектнинг қисқача хусусий тавсифи

Объектни тавсифлайдиган белгилар номи	Асосий объект	Асосий объектга тааллуқли энг муҳим мослама ва анжомлар номи			
1	2	3	4	5	6
		Приставка 8613			

Варақача тўлдирилди:
Бухгалтер *Бердиев Н.* *имзо*
2003 йил 20 апрел

Тугалланган қурилма (ускуна) ёки алоҳида олинган конструктив объект (бино) ёки муайян операцияни бажарадиган ускуналар мажмуи (масалан сутни қайта ишлаш тизими) инвентар объекти ҳисобланади.

Ҳар бир инвентар объектига инвентар рақами берилади, у ундан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида объектда сақланади.

Асосий воситаларнинг корхона ичида олиб ўтилиши юкхатлар билан расмийлаштирилади. Асосий воситалардан фойдаланиш жойларида асосий воситаларнинг инвентар рўйхатлари юритилади.

Капитал қўйилмалар (улар инвестициялар ҳам дейилади) — асосан янги объектларни қуриш ва сотиб олиш учун харажатлардир.

Асосий воситалар сифатида капитал қўйилмалар ҳисоби 0810 ва 0820 ҳисобварақларида юритилади. Ушбу ҳисобварақлар дебетида асосий воситаларни қуриш, харид қилиш, етказиб бериш, монтаж қилиш ва созлаш харажатлари тўпланади. Объект фойдаланишга тайёр бўлганидан кейин харажатларнинг умумий суммаси 0810 ва 0820 ҳисобварақ кредитидан 0110-0190 ҳисобварақ дебетига ҳисобдан чиқарилади.

“Капитал қўйилмалар” ҳисобварағи

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
С	Тугалланмаган қурилишга ва харид қилишга сарфланган харажатлар суммаси	Фойдаланишга топширилган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати акс эттирилди	0110-0199
0110-0720	Ускунани монтаж қилиш ва созлашга топшириш	Асосий воситаларни қуриш ва харид килиш билан боғлиқ, лекин объектларнинг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар давр харажатлари ҳисобига ҳисобдан чиқарилди	9430
6010	Улардан ҚҚС билан асосий воситаларни қабул қилганлик учун маҳсулот етказиб берувчилар ҳисобварақлари суммасига		
6710	Ускунани монтаж қилиш ва созлаш бўйича ишчиларни иш ҳақи харажатлари	Тугалланмаган қурилишда инвентарлаш натижасида аниқланган камомад суммаси акс эттирилди	5910
6520	Иш ҳақидан ажратмалар		
1050	Дастгоҳлар учун пойдевор ва тиргак ўрнатишга қурилиш материаллари сарфи		

Фойдаланишга қабул қилинган асосий фондлар бўйича ҚҚС суммаси уларнинг дастлабки қийматини кўпайтиради ва эскириш билан бирга аста-секин корхона харажатларига киритилади.

Корхона асосий воситаларни кредит ёки заём эвазига сотиб олганда, кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилади ва қуйидагича ўтказма берилади:

Д-т 9610 «Фоизли кўринишдаги харажатлар»

К-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар»

Кредит эвазига бино ва иншоотлар қурилганда эса, қурилишларга оширилган даврда кредитдан фойдаланганлиги учун ҳисобланган фоизлар қурилаётган объект қийматига киритилади ва қуйидаги ёзув берилади:

Д-т 0810 «Тугалланмаган қурилиш»

К-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар»

Ташиш вақтида юз берган шикастланишни тугатиш харажатлари, уларни дастлабки қийматга киритилмайди, балки корхона жорий харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Муассислар томонидан мазкур корхонанинг устав капиталига (фондига) улуш сифатида киритилган асосий воситалар кирими қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0110-0199 "Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари".

К-т 4610 "Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари".

Бепул олинган асосий воситалар қуйидагича расмийлаштирилади:

Д-т 0110-0199 "Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари".

К-т 8530 "Текинга олинган мол-мулк".

Агар эскирган асосий воситалар олинса, қуйидагича бухгалтерия ўтказмалари берилади:

– уларнинг қолдиқ қиймати:

Д-т 0110-0199 "Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари".

К-т 8530 "Текинга олинган мол-мулк".

– эскириш суммасига:

Д-т 0110-0199 "Асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари".

К-т 0210-0290 "Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар".

Бепул олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати олувчида фойда (даромад) солиққа тортиш объекти ҳисобланади, тизим ичида, ажратиш баланси бўйича беришлардан ташқари (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 1995 йил 5 сентябрдаги 92/72-сон хати).

Шуни таъкидлаш лозимки, БҲМСнинг 15-бандига мувофиқ пулсиз (ҳадя қилиш шартномаси бўйича) олинган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган сана ҳолатидаги жорий (бозор) қиймати бўйича, харид қилиш харажатларни ҳисобга олган ҳолда, акс эттирилиши лозим.

10.3. Асосий воситаларнинг эскириши (амортизация) ҳисоби

Асосий воситалар объектларининг эскириши — улар жисмоний ифлатлари ёки хоссалари, бунинг оқибатида қиймати камайиши, эскиришининг қиймат кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳар бир корхона асосий воситаларни харид қилиш ва ишлатишларини тиклаш учун зарур маблағларни жамғариш-тўпланишини таъминлаши керак. Бундай жамғариш харажатларига амортизация ажратмалари деб аталадиган ажратмаларни киритиш йўлига эришилади.

Амортизация (лотинча *amortisatio* — қоплаш) — баҳоланган хизмат муддати давомида активнинг амортизацияланаётган қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматларга мунтазам равишда тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Солиққа тортиш мақсадида амортизация давлат томонидан дастлабки қийматга фоизларда белгиланган ягона меъёрлар асосида ҳисобланади.

Амортизацияни ҳисоблаш ва солиққа тортиш базасини аниқлаш жараёнини соддалаштириш мақсадида асосий фондлар қуйидаги миқдорларда амортизациянинг йиллик меъёри белгиланган беш гуруҳга бирлаштирилади:

I гуруҳ. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар — 5%.

II гуруҳ. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиш учун автотрактор техникаси, махсус асбоблар, инвентар жиҳозлар; компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари — 20%.

III гуруҳ. Автомобил транспортининг ҳаракатланувчи таркиби: юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар; саноатнинг барча тармоқлари, қуюв ишлаб чиқариши учун машина ва ускуналар; темирчилик — пресслаш ускуналари; қурилиш ускуналари; қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари; офис учун мебел — 15%.

IV гуруҳ. Бошқа гуруҳларга киритилмаган амортизацияланадиган активлар — 10%.

I гуруҳ. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорт воситалари; кучланиш машина ва ускуналари; иссиқлик техника ускуналари; турбина ускуналари, электродвигател ва дизел-

генераторлар. Электр узатиш ва алоқа қурилмалари; қувурлар — 8%.

Амортизация ажратмалари меъёрлари асосий воситаларнинг дастлабки қийматига фоизларда белгиланади.

Ер майдонларига амортизация ҳисобланмайди. Шунингдек қуйидаги асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

а) маҳсулдор қорамоллар;

б) кутубхона фондлари;

в) ҳокимиятларга бўйсунадиган ободонлаштириш иншоотлари;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган фондлар;

д) музей қимматликлари;

е) архитектура ва санъат ёдгорликлари;

ж) умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари;

з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Қурилаётган корхонанинг харид қилинган асосий фондлари, шунингдек тугалланмаган қурилиш босқичида бўлган, қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун ишлатиладиган объектлар бўйича амортизацияни қурувчи асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома асосида белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади.

Ҳар бир объектда эскиришни ҳисоблаш ҳар ойда амалга оширилади. Амортизация қиймати корхона харажатларига тўлиқ ўтказилганда асосий воситаларнинг бундан кейин фойдаланишда бўлиш даври учун эскириш ҳисобланмайди (эскириш дастлабки қийматнинг 100%идан ошиши мумкин эмас).

Янги келиб тушган асосий воситалар бўйича эскириш фойдаланиш бошланган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади, чиқиб кетган объектлар бўйича эскириш эса чиқиб кетиш ойидан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг (БҲМС) 5-сон "Асосий воситалар" стандарти 23-моддасида амортизация ҳисоблашнинг бир неча усули тавсия этилган:

• бир маромли (тўғри чизиқли);

• бажарилган иш ҳажмига нисбатан (ишлаб чиқариш усули);
• амортизация меъёрини икки ҳисса кўпайтирган ҳолда камайиб бораётган қолдиқ усули;
• йиллар йиғиндиси усули (кумулятив усул).

Бир маромли тўғри чизиқли усул деб тугатилган қиймати ажратилган асосий воситалар объекти қийматини даврлар бўйича фойдаланиш муддати давомида тенг нисбатда ҳисоблаш усулига айтилади. Амортизация суммаси амортизацияланаётган қийматни (тугатиш қиймати айрилган объектнинг дастлабки қийматини) кўзда тутилган фойдаланиш даврлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Амортизация меъёри ўзгармайди.

Амортизация қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Йиллик амортизация суммаси} = \frac{\text{Дастлабки қиймати} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Хизмат муддати}}$$

Тугатиш қиймати аҳамиятсиз бўлган тақдирда, уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади.

Масалан, компьютер қиймати 500 000 сўм, тугатиш қиймати 30 000 сўм, хизмат муддати 5 йил. Бу ҳолда ҳар йилги амортизация 10 : 5 = 20%, яъни 500 000 - 30 000 : 5 = 94000 сўмни ташкил этади.

5 йил давомида ҳисобланган амортизацияни қуйидагача акс эттириш мумкин:

биринчи йил охирида – 94 минг сўм;
иккинчи йил охирида – 94 минг сўм;
учинчи йил охирида – 94 минг сўм;
тўртинчи йил охирида – 94 минг сўм;
бешинчи йил охирида – 94 минг сўм.

Бинобарин, амортизацияни бир маромда ҳисоблаш усулида унинг суммаси фойдаланиш муддати давомида бир хил бўлади, жамғарилган эскириш бир текисда ошиб боради, қолдиқ қиймати эса, баҳоланган тугатиш қийматига етгунча бир текисда камайиб боради.

Бажарилган иш ҳажмига нисбатан (ишлаб чиқариш) амортизацияни ҳисоблаш усули асосий воситаларнинг ҳар ҳисобот

йилида бажарган ишининг ҳисобига асосланган. Мазкур усул билан эскиришнинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун жами фойдаланиш муддати давомида умумий баҳоланган ишлаб чиқаришни ҳамда ҳар бир аниқ йилдаги ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишланган соатлар миқдори ва ҳоказолар олиниши мумкин.

Амортизация меъёри қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\frac{\text{Дастлабки қиймати} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Мўлжалланган ишлар ҳажми}} = \text{йиллик амортизация суммаси}$$

Юқорида қайд этилган компьютернинг 5 йил муддатда ишлаш ресурси 6500 соат деб тахмин қиламиз. Компьютер 1-йилда 2000 соат, 2-йилда 1500 соат, 3-йилда 1200 соат, 4-йилда 1000 соат, 5-йилда 800 соат ишлатилган.

Бинобарин, амортизация меъёри қуйидагини ташкил этади: (500000 - 30000) : 6500 = 72,307 сўм/соат.

Амортизацияни ишлаб чиқариш усули билан ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

биринчи йил охирида — 2000 х 72,307 = 144615 сўм;
иккинчи йил охирида — 1500 х 72,387 = 108461 сўм;
учинчи йил охирида — 1200 х 72,307 = 86770 сўм;
тўртинчи йил охирида — 1000 х 72,307 = 72308 сўм;
бешинчи йил охирида — 800 х 72,307 = 57846 сўм.
Жами 470 000 сўм.

Бажарилган иш ҳажми кўрсаткичлари асосида амортизацияни ҳисоблаш усуллари объектлардан фойдаланиш муддати, уларнинг тузилиш хусусиятлари билан чекланган ҳамда мазкур активларнинг хўжалик фаолияти ҳажми йилма-йил ўзгарган ҳолларда қўлланилади.

Камайиб бораётган қолдиқ усули активдан фойдаланиш муддатида амортизация суммасининг доимо камайиб боришини ифодалайди. Ушбу усулда эскириш меъёри асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Одатда, бу усулда амортизация меъёри икки ҳисса қилиб олинади. 5 йил

ишмат этиш муддатида меъёр 20% (100 : 5 = 20)ни ташкил этади. Камайиб бораётган қолдиқ усулида меъёр 40% (20 х 2 =40)га баробар олинади. Ушбу белгиланган 40% ли ставка ҳар йилнинг охирида асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига нисбатан олинади.

Камайиб бориш қолдиқ усули бўйича амортизация қуйидагича ҳисобланади, (сўмларда):

Ҳисобланган суммаси	Йил бошига баланс қиймати	Амортизацияни ҳисоблаш	Амортизациянинг йиллик суммаси	Жамланган амортизация	Йил охирига баланс қиймати
1-йил охирида	500 000	500 000 х 40%	200 000	200 000	300 000
2-йил охирида	300 000	300 000 х 40%	120 000	320 000	180 000
3-йил охирида	180 000	180 000 х 40%	72 000	392 000	108 000
4-йил охирида	108 000	108 000 х 40%	43 200	435 200	64 800
5-йил охирида	64 800		34 800	470 000	30 000

Юқорида келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, биринчи йилда амортизация ажратмалари тугатиш қиймати айирилмаган тўлиқ дастлабки қиймат, яъни 500 000 сўм асосида аниқланди. Фойдаланиш муддатининг охирги йилида амортизацияни ҳисоблаш учун қўлланадиган ҳисоб-китоб шакли ўзгартирилади, чунки олдиндан баҳоланган ва мўлжалланган асосий воситаларни тугатиш қийматини ҳисобдан чиқаришга олиб келадиган миқдорда амортизацияни ҳисоблаш мумкин эмас. Шунинг учун охирги йилда белгиланган чизма бўйича ҳисобланган 25920 сўм (64800 х 40%) ўрнига амортизация 34800 сўм қийматида белгиланади. Бинобарин, охирги йилнинг якунида асосий воситаларнинг қиймати 30 000 сўмга камайтириш, уларнинг тугатиш қийматига тенг бўлиб қолади.

Йиллар йиғиндиси усулида (кумулятив усул) ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якунига қадар қолган амортизацияланаётган қийматнинг бўлаги сифатида белгиланади. Бўлак амортизация ҳисобининг тугагунча қолган тўлиқ йиллар йиғиндисини амортизация муддатини белгилайдиган йилларнинг тартиб сонига бўлиб аниқланади.

5 йил фойдаланиш муддатига мўлжалланган асосий воситалар объекти учун йиллик рақамлар йиғиндиси қуйидагини ташкил этади:

$$5 + 4 + 3 + 2+1= 15 \text{ йил}$$

Масалан, амортизацияланаётган қиймат 470 000 сўм (500 000 - 30 000) бўлган ҳолда ҳар йилги амортизация ажратмаларини ҳисоблаш қуйидаги жадвалда келтирилган (сўмларда):

Ҳисоб-китоб йили	Амортизацияни ҳисоблаш	Амортизация ажратмалари қиймати	Йил охирига баланс қиймати
1-йилга	470 000 х 5/15	156 667	343 333
2-йилга	470 000 х 4/15	125 333	218 000
3-йилга	470 000 х 3/15	94 000	124 000
4-йилга	470 000 х 2/15	62 666	61 334
5-йилга	470 000 х 1/15	31 334	30 000

Жадваллардан кўриниб турибдики, амортизация ҳисоблашнинг охирги иккита усулида асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг бошида ҳисобланган амортизация ажратмалари объект хизмат муддатининг охирида ҳисобланган амортизация қийматидан ортиқ бўлади. Ушбу усуллар ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситаларни ҳисоблаш учун қўлланилади, чунки мазкур воситалардан фойдаланишнинг биринчи йилларида самаралироқ фойдаланилади ва таъмирлашга харажатлар унчалик кўп бўлмайди. Кейинги йилларда амортизация харажатлари камаяди, таъмирлаш харажатлари эса одатда ошиб боради.

Ҳар хил турдаги асосий воситаларда амортизация ҳисоблашнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин. Асосий воситаларнинг бир хилдаги объектлари (русуми, тури) бўйича фақат бир хил усул қўлланилади.

Амортизация ҳисоблашнинг танланган усули корхонанинг ҳисоб сиёсати билан белгиланиши, бир ҳисобот давридан иккинчи ҳисобот давригача изчил қўлланиши лозим ва йил давомида унинг ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Солиққа тортиш мақсадида амортизацияни ҳисоблаш республика Солиқ қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

Жадаллаштириш усулида ҳисобланган амортизация суммаси билан Солиқ қонунчилигида белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ ушбу ҳисобот даври бўйича солиққа тортиш базасидан чиқарилмаган

...да харажатлар таркибида акс эттирилади, лекин, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 2-иловасига мувофиқ ушбу фарқ ...нусида солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланади.

10.4. Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиш ҳисоби

Асосий воситалар фойдаланишга яроқсиз бўлганда ва хизмат муддатини тўлиқ ўтаб бўлганда, бошқа ташкилот ва шахсларга сотилганда, улуш тариқасида бошқа ташкилотларнинг устав капиталига қўшилганда, бошқа корхоналарга бепул берилганда, молиявий ижара шартномаси бўйича берилганда, камомад ёки йўқотишлар аниқланганда ҳисобдан чиқарилади.

Мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар барча корхоналарда асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 28 февралда тасдиқланган «Асосий воситаларни балансдан ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом»га мувофиқ акс эттирилиши лозим.

Асосий воситаларни тугатилиши қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

а) давлат корхоналари ва бюджет ташкилотларининг тизим бўлинмалари томонидан - тегишли юқори ташкилотлар рухсати билан;

б) унитар корхоналари томонидан - мол-мулк эгалари рухсати билан;

в) бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан - мустақил ҳолда.

Асосий воситаларнинг чиқарилиши тугатиш далолатномаси билан расмийлаштирилади, унда асосий воситанинг дастлабки қиймати, эскириш суммаси, объектнинг ҳолати ва тугатиш бўйича натижалар ҳисоб-китоб қилинади (31-намунага қаралсин). Ушбу далолатнома асосида инвентар варақачаси ...илади ва архивга топширилади, бу ҳақда асосий воситаларнинг инвентар рўйхатида ёзув қайд этилади.

Асосий воситаларнинг чиқарилиши 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши»

ҳисобварағида ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақнинг дебетида дастлабки қиймат ва тугатиш бўйича харажатлар, кредитида эса - чиқариш қунига ҳисобланган эскириш суммаси ва тугатишдан олинган даромад ҳисобга олинади.

Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишидан кўрилган молиявий натижани (фойда ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситалар объектларини қўшимча баҳолаш суммаси, мазкур асосий воситалар объектини илгариги қўшимча баҳолашлар суммасининг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошиб кетиши 8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобвараги бўйича захира капиталини бир йўла камайтириш билан асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

31-намуна

"Нур" КК

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Корхона раҳбари
_____ *Л.Акбаров*
2003 йил 5 май

Асосий воситаларни тугатиш тўғрисида
6-сонли ДАЛОЛАТНОМА
2003 йил 5 май

Цех, бўлим, участка, тизим	Дебет		Кредит		Сумма	Инвентар рақами	Амортизация харажатларини киритиш учун харажатлар шифри	Амортизация ажратмалари меъёр шифри	Тулиқ тиклашга амортизация ажратмалари меъёри
	жамлама ҳисобварақ	таҳлилий ҳисоб шифр	жамлама ҳисобварақ	таҳлилий ҳисоб шифр					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
9210		0100			12 000	04			10%

Директорнинг 2003 йил 3 майдаги 44/03-сонли буйруғи (фармойиши) бўйича _____га асосан тайинланган комиссия "Янтарь" ёзув машинасини кўрикдан ўтказди ва уни қуйидагилар асосида тугатиш (қисмларга бўлиш) кераклигини белгилади:

1. Тайёрланган (қурилган) йили *1987 йил*
2. Корхонага келиб тушди *1997 йил 10 сентябр*

3. Фойдаланишга топширилди *1997 йил 10 сентябр*

4. _____ сўм суммасида капитал таъмирлаш-
ар бажарилди _____

5. Техник ҳолати ва тугатиш сабаблари *фойдаланишга яроқли
мас, таъмирлаш мақсадга мувофиқ эмас.*

6. Комиссия хулосаси: *тугатилсин*

Ускуна тури ва шифри	Барпо этилган йили	Фойдаланишга топширилган санаси (ой, йил)
сув машинаси		*10.09.1997*

Илова: илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Комиссия аъзолари:

Директор *Л.Акбаров* *имзо*

Бош бухгалтер *К.Бердиев* *имзо*

КК ходими *Р.Файзиев* *имзо*

Объектни тугатиш натижалари ҳисоб-китоби

Тугатиш харажатлари			Тугатишдан келиб тушди			
...лар номи	Харажатлар моддалари	сумма	Ҳужжатлар номи	Бойликлар турлари	сони	сумма
		йўқ				*йўқ*

Эскириш суммаси *12000 сўм*

Тугатиш натижалари _____

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши варақасида (дафтар-
...қайд этилди *2003 йил 6 май*

Бош (катта) бухгалтер *К.Бердиев*

9210 ҳисобварақ бўйича дебет ва кредит айланмаларини тақ-
...ган билан асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш, чиқиб
...шининг молиявий натижаси белгиланади. Агар 9210-ҳисоб-
...ақ бўйича дебет айланмалари унинг кредит айланмаларидан
...ка бўлса, фарқ корхона зарарини ташкил қилади ва 9430
...ошқа операцион харажатлар» ҳисобварағига киритилади. Агар
...ҳисобварақ бўйича кредит айланмалари дебет айланмала-
...дан катта бўлса, фарқ фойдани ташкил қилади ва 9310 «Асо-
...воситаларни реализация қилинишидан ва бошқача чиқиб
...ган олинган фойда» ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

1-мисол. **Фойдаланишга яроқсиз бўлганда асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш.**

Мисол. Яроқсиз бўлиб қолган ускуна ҳисобдан чиқарилди. Унинг дастлабки қиймати — 120 000 сўм, эскириш суммаси — 100 000 сўм. Ускунани қисмларга ажратган пудратчига 6000 сўм ҳисобланди, 1000 сўмлик яроқли эҳтиёт қисмлар омборга қабул қилинди.

Ушбу объект бўйича 8510 «Мол-мулкини қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг кредитида 5000 сўм қайта баҳолаш суммаси акс эттирилган.

Ускунани ҳисобдан чиқариш натижаси корхона зарарига ўтказилди — 30 000 сўм.

Бухгалтерия ҳужжатларида бу операциялар қуйидагича ёзилади:

9210

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
0130,	120 000	100 000	0230
6010,	6 000	1 000	1090
6990		5 000	8510
		20 000	9430

Зарар қиймати ускунанинг дастлабки қиймати билан ҳисобдан чиқариш харажатлари суммасидан, яъни 9210 ҳисобварақнинг дебетидан (120 000 + 6 000), ускунанинг эскириши ва олинган даромад суммаси, яъни 9210 ҳисобварақнинг кредити (100 000 +1 000 + 5 000) айирилиб топилади. Демак, бу сумма 20 000 сўмни ташкил этади.

Бу зарар 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағига тааллуқли бўлади ва асосий воситаларнинг ушбу объекти хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан кам муддатда ишлатилган тақдирда, «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га доир 1-иловага биноан солиққа тортиш базасига киритилади.

2-мисол. **Асосий воситаларни сотиш.**

Асосий воситалар сотилишида қўшилган қиймат солиғи бўйича солиққа тортиладиган айланма миқдори сотиш нархидан қолдиқ қийматини чегириш йўли билан аниқланади. Корхона асосий воситаларни қолдиқ қийматига тенг ёки ундан камроқ нархларда сотган тақдирда, бундай ҳолатларда

ҚҚС га тортиш объекти бўлмайди, бинобарин ҚҚС ҳисобланмайди ва бюджетга тўланмайди. Лекин, қолдиқ қиймат сотилса ва асосий воситалар баҳоланган нархларда пулсиз берилса, бу ҳолатда баҳолаш қиймати ҚҚСга тортиш объекти сифатида ҳисобланади ва унга ҚҚС ҳисобланади.

Бошқа ташкилотга сотилган дастгоҳнинг дастлабки қиймати 120 000 сўм, эскириши 30 000 сўм, қолдиқ қиймати 90 000 сўм, шартнома баҳоси 200 000 сўм. ҚҚС суммаси асосий воситаларнинг шартномавий қиймати билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Солиққа тортиш айланма миқдори 200 000 – 90 000 = 110 минг сўмни ташкил этади. 110 000 х 20% : 120 = 18333 сўм.

Ушбу объект бўйича 8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» ҳисобварағининг кредити 20000 сўм қайта баҳолаш суммаси акс эттирилган.

Бухгалтерия ҳужжатларида бу қуйидагича ёзилади:

9210

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
0130,	120 000	30 000	0230
6410,	18 333	20 000	8510
9310	111 667	200 000	4010, 4890

Дастгоҳни сотиш натижасида фойда олинди. Ушбу фойда қуйидагича аниқланади:

(200 000 + 30 000 + 20 000) - (120 000 + 18 333) = 111 667 сўм.

Бу фойда фойда (даромад) солиғи ундириладиган солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Корхона ҚҚСни тўловчи бўлмасдан ялпи даромад ёки ягона солиқ тўловчи бўлган тақдирда, ҚҚС ҳисобланмайди ва тўланмайди ва бу ҳолатда чизма қуйидаги кўринишда бўлади:

9210

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
0130	120 000	30 000	0230
9310	130 000	20 000	8510
		200 000	5010 ёки 4010

3-мисол. **Асосий воситаларни бепул бериш.**

Бошқа ташкилотга ҳомийлик ёрдами сифатида дастгоҳ берилди. Унинг дастлабки қиймати 700 000 сўм, ҳисобланган эскириш суммаси — 300 000 сўм. Асосий воситаларни бепул беришда ҚҚС тўланади. Бунда асосий воситаларнинг бериш вақтидаги баҳоланган нарх билан қолдиқ қиймати орасидаги фарқ ҚҚСга тортиш объекти ҳисобланади:

Асосий воситаларни қолдиқ қиймати бўйича беришда ҳам ҚҚСга тортиладиган объект мавжуд бўлмайди.

Бухгалтерия ҳужжатларида бу операция қуйидагича ёзилади:

9210

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
0130	700 000	300 000	0230
		400 000	9430

Ушбу асосий воситаларни олувчисида қуйидаги ёзувлар берилади:

— асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига:

Д-т 0130 «Машина ва ускуналар» — 400 000 сўм;

К-т 8530 «Текинга олинган мулк» — 400 000 сўм;

— эскириш суммасига:

Д-т 0130 «Машина ва ускуналар» — 300 000 сўм;

К-т 0230 «Машина ва ускуналарнинг эскириши» — 300 000 сўм.

Бепул олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати олувчида солиққа тортиш объекти ҳисобланади, бундан мол-мулк тақсимлаш баланси бўйича тизим ичида олиш мустаснодир.

4-мисол. **Асосий воситаларни бериш.**

Эскириши тўлиқ ҳисобланган дастгоҳ 350 минг сўм дастлабки қиймати билан бошқа корхонага берилган. Баҳоланган қиймати 120 минг сўм. ҚҚС 120 минг сўм х 20 : 120 = 20 минг сўмни ташкил этади. Зарар суммаси 20 минг сўм бўлади.

9210

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
0130	350 000	350 000	0230
6410	20 000	20 000	9430

...мисол. **Бошқа ташкилотларга устав капитали (фондига улуш) сифатида асосий воситаларни бериш.**

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик корхоналар асосан таъсис этувчиларнинг устав капиталига улуш-пай натижасида ташкил килинади. Асосий воситалар бошқа корхоналар устав капиталига улуш тариқасида томонларнинг келишуви асосида ўзаро келишилган баҳода берилади ва таъсис ҳужжатларида акс эттирилади.

Асосий воситалар устав капиталига улуш сифатида бозор нархида берилса, унда асосий воситаларнинг бозор қиймати ва солиқ қиймати ўртасида фарқ пайдо бўлади. Бу фарқ асосий воситаларни қайта тиклашга тенглаштирилади, шунинг учун солиққа бўлиб ҳисобланмайди ва ундан солиқ ундирилмайди.

Хитойлик, бошқа корхонанинг устав капиталига улуш сифатида берилган асосий воситалар объектининг дастлабки қиймати 100000 сўм, ҳисобланган эскириш суммаси 50000 сўм. Бу объект келишилган ҳолда бозор нархида 500000 сўмга берилади.

Асосий воситалар устав капиталига бадал кўринишида берилганда ҚҚС бўйича солиққа тортиладиган айланма келишилган (баҳоланган) қиймат билан уларнинг қолдиқ қиймати орасидаги фарқ кўринишида аниқланади. Бинобарин, ушбу операция бўйича ҚҚС қуйидагича ҳисобланади: (500000 – 50000) х 20 : 120 = 78333 сўм.

Бухгалтерия ҳужжатларида бу қуйидагича ифодаланади:

9210

Ҳисоб-варақлар номери	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
0130	100 000	70 000	0230
4410	78 333	500 000	0690
0310	391 667		

Асосий воситаларни олувчи корхонада ҳисобварақларда қуйидагича ёзма берилади:

Дт «Машина ускуналар» – 500000 сўм.

Кт «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» ҳисобварағи – 500000 сўм.

...мисол. **Асосий воситалар камомади ва ўғирликлар аниқланганда.**

Инвентарлаш натижасида жиҳозларнинг камомади аниқ-

ланди. Уларнинг дастлабки қиймати – 800 000 сўм, эскириш суммаси – 200 000 сўм, қолдиқ қиймати – 60 000 сўм.

9210

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
0130	800 000	200 000	0230
		600 000	5910

Асосий воситаларнинг камомади уларнинг қолдиқ қиймати бўйича моддий жавобгар шахс ҳисобидан ундирилади.

Д-т 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари» ҳисобварағи – 600 000 сўм.

К-т «Камомадлар ва бойликларга етказилган йўқотишлар» ҳисобварағи – 600 000 сўм.

Агар моддий жавобгар шахс аниқланмаса, камомад суммаси давр харажатларига киритилади:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар» – 600 000 сўм.

К-т 5910 «Камомадлар ва бойликларга етказилган йўқотишлар» ҳисобварағи – 600 000 сум.

10.5. Асосий воситаларнинг таъмирланиши ҳисоби

Асосий воситалар объектларини таъмирлаш уларни иш ҳолатида сақлаб туриш учун зарур. Ўз вақтида ўтказилган таъмирлаш корхона ишининг бир маромли бўлишини таъминлайди ва иш тўхтаб қолишларини қисқартиради, асосий воситаларнинг хизмат муддатини кўпайтиради.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари маҳсулот таннархига, маъмурий аҳамиятдаги асосий воситаларники – давр харажатларига киритилади.

Таъмирлаш ишлари *пудрат* ва *хўжалик усулларида* бажарилиши мумкин. *Пудрат усулида* уларни ихтисослаштирилган таъмирлаш ташкилотлари бажаради, *хўжалик усулида* эса, корхона ўз кучлари билан кифояланади. Асосий воситаларни таъмирлаш пудрат усулида ўтказилганда нуқсонлар қайд-номаси, смета ва шартнома тузилади. Чунончи, таъмирлашни ўз кучлари билан ўтказишга материаллар, иш ҳақини

...обдан чиқарини қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан рас...лантирилади:

Д-т 2010, 2510, 9420

К-т 1010, 6710, 6520

Таъмирланини бошқа ташкилот шартномаларга биноан ўтка...ини:

Д-т 2010, 2510, 9420

К-т 6010

Тўловномани тўлаш пайтида:

Д-т 6010

К-т 5110

Асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини сарф-харажат...ра бир маромда киритиш мақсадида корхоналар (масалан, мав...мий инпловчилар) Молия вазирлигининг рухсати билан таъ...ирлаш фондини ташкил этишлари мумкин. Унинг меъёри кор...ада асосий воситаларнинг дастлабки қийматига нисбатан фоиз...рда белгиланган суммала мустақил равишда белгилайди.

Таъмирлаш фондини шакллантириш қуйидагича акс эт...рилади:

Д-т 2010, 2510, 9420

К-т 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари», Таъмирлаш фонди» ҳисобварағи;

Таъмирлаш ишини бажаришга:

Д-т 8910

К-т 1010, 6710, 6520, 6010 ва ҳоказо.

Ҳақиқатда бажарилган таъмирлаш харажатларидан ошади...ан резерв суммаси йил охирида қизил сторно билан ёзилади. Таъмирлаш фонди етишмаганда ҳисоб-китоблар харажатлар...ни ҳисобга олиш учун ҳисобварақларга киритилади.

Таъмирлаш фондини ташкил этиш услубияти ва ундан фойдаланиш корхонанинг ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқда акс эттирилиши керак.

10.6. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби

Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳар йили (1 февралга...1 январ ҳолатига кўра қайта баҳолаш ўтказилаётган пайт...ги нархлар даражасидан келиб чиқиб амалга оширилиши ...ким. Асосий воситаларни қайта баҳолаш Ўзбекистон Рес-

республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 29 октябрда 129-сон билан тасдиқланган Асосий воситаларни ҳар йили 1 январ ҳолатига кўра қайта баҳолаш тартиби тўғрисида Низом билан тартибга солинади.

Барча асосий воситалар, ўрнатиш учун ускуналар, тугалланмаган қурилиш объектлари, узоқ муддатли ижарадаги асосий воситалар, яъни техник ҳолатидан қатъи назар, фойдаланишдаги ва фойдаланишда бўлмаган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин чиқариш ҳужжатномаси билан расмийлаштирилмаган, шунингдек тугалланмаган қурилиш ва ўрнатишга мўлжалланган ускуналар корхона мулкчилигида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада бўлган асосий воситалар қайта баҳоланиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектнинг хоҳишига кўра асосий воситалар қуйидаги икки хил усул билан қайта баҳоланиши мумкин:

- тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули. Бунда алоҳида объектлар қайта баҳоланадиганларга ўхшаш бўлган янги объектларнинг баҳолаш пайтида 1 январ ҳолатига кўра ҳужжатли тасдиқланган бозор нархлари, ишлаб чиқарувчи заводлардан, савдо фирмаларидан, давлат идораларидан, оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда чоп этилиши бўйича нархлар тўғрисида ёзма равишда олинган маълумотлар, шунингдек эксперт-баҳоловчининг ҳисоботига асосан қайта баҳоланади;

- дастлабки (тиклаш) қийматини индексациялаш усули. Бу усул бўйича алоҳида объектлар Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган асосий воситалар қиймати ўзгаришининг индексларини қўллаган ҳолда қайта баҳоланади.

Бухгалтерия ҳисобида юқорида қайд этилган усулларни қўллаш йўли билан асосий воситалар баланс қиймати уларнинг тиклаш қийматигача ошишини (камайишини) асосий воситалар узоқ муддатли ижара шартномасига мувофиқ олинган асосий воситалар, ўрнатиш учун ускуналар, захира капитал қўйилмалар ҳисобга олувчи ҳисобварақ билан корреспонденцияланган ҳолда капитал қўйилмалар ҳисобварақларининг дебети (кредити) бўйича акс эттирилади.

Асосий воситалар тўғридан-тўғри усул билан қайта баҳоланганда, бу ўзгаришлар ҳисобида тескарини суммасига қайта ба-

...кангандан кейинги тиклаш қийматининг қайта баҳолаш...
...олдинги қийматга нисбати билан ҳисобланадиган қайта
...лаш коэффициенти бўйича тузатиш киритилади.

Асосий воситалар индексациялаш усули билан қайта баҳо-
...ганда қайта баҳолаш сана ҳолатига ҳисобда бўлган эски-
...ши суммаси (тўлиқ эскириш ҳисобланган объектлар ҳам бунга
...ради) тиклаш қийматигача қайта ҳисоблашда асосий фонд-
...р қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига кўпатири-
...ши лозим.

Тузатиш киритилган эскириш билан қайта баҳолангача
...лган эскириш суммаси орасидаги фарқ заҳира капиталини
...исобга олувчи ҳисобварақлар билан корреспондентланган
«Асосий воситалар эскириши» ҳисобварағининг кредитида
...ошган тақдирда) ва дебетида (камайган тақдирда) акс эттири-
...лади.

Мисол. Корхона 1200 минг сўмлик, бозор қиймати 1500
...инг сўм бўлган, 240 минг сўм эскириш ҳисобланган ком-
...ьютерни қайта баҳолашни амалга оширди. Дастлабки қий-
...матдан бозор нархнинг ошиши (1500 - 1200) х 1200 : 100 =
...% ни ташкил этди. Бинобарин эскиришга 240 минг сўм х
...% : 100 = 60 минг сўмлик суммага тузатиш киритилади.

- қайта баҳолаш суммасига бериладиган ёзув:

Д-т 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»
...300 минг сўм.

К-т 8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатиш-
...лар» - 300 минг сўм.

- эскиришнинг тузатиш киритилган суммасига:

Д-т 8510 «Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатиш-
...лар» - 60 минг сўм.

К-т 0250 «Компьютер жиҳозлар ва ҳисоблаш техникаси-
...дан эскириши» - 60 минг сўм.

Арзонлаштириш ҳолатида тескари ўтказмалар берилади.

10.7 Асосий воситалар ижараси ҳисоби

Ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш, корхоналар фа-
...ятининг янги йўналишларини ўзлаштириш мақсадида бо-
...р муносабатларини кенгайтириш ва оммалашиши билан асо-
...ий воситалар ижараси борган сари ривожланиб боряпти.

Ижара муносабатлари 2004 йил 22 июнда 1374-сон билан УзР вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 6-сонли «Ижара ҳисоби» БҲМС билан тартибга солинади.

Ижара шартларига кўра у жорий (тезкор), лизинг (молиявий ижара) ва узоқ муддатли ижараларга бўлинади.

Жорий ижара ижарага берувчи корхона томонидан ўз асосий воситаларини маълум (одатда, 1 йилдан ошмаган) муддатга қайтариб бериш шарти билан ижарага олувчи корхонага беришини кўзда тутади. Ижара муддати ичида мулкдор ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ижарага берувчи корхона томонида қолади, ижарага олувчи корхонага эса бу мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ўтади холос.

а) ижарага олувчида жорий ижарани ҳисобга олиш:

— асосий воситаларни жорий ижарага олиш:

Д-т 001 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобвараги

— ижара ҳақини ҳисоблаш:

Д-т 2010, 2310, 2510, 9420 - харажатлар ҳисобварақлари

К-т 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»

— ижара ҳақини ўтказиш:

Д-т 6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги»

— ижарага олинган воситаларни қайтариш:

К-т 001 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобвараги

Ижарачи келгуси даврлар учун ижара тўловини бўнак тариқасида ўтказган тақдирда, у олдиндан тўланган ижара каби ҳисобга олинади ва секин-аста харажатларга ўтказилиши лозим.

Мисол. Ижарачи 12 ойга 360 минг сўм ижара ҳақини тўлади, бунда бир ойлик ижара ҳақи 30 минг сўмни ташкил этади.

- ижара берувчига олдиндан ҳақ тўлашни ўтказишда:

Д-т 3110 «Олдиндан тўланган ижара» - 360 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» - 360 минг сўм

- ижара тўлови ҳар ойда харажатларга ўтказилиши:

Д-т 2010, 2310, 2510, 9420 - 30 минг сўм

К-т 3110 «Олдиндан тўланган ижара» - 30 минг сўм.

б) ижарага берувчида жорий ижарани ҳисобга олиш

– жорий ижарага бериш:

Д-т 0131 «Ижарага берилган машина ва ускуналар»

К-т 0130 «Машина ва ускуналар»

– ижара ҳақини ҳисоблаш:

Д-т 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

К-т 9350 – ижара ҳақи суммасига;

Д-т 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

К-т 6410 – ҚҚС суммасига;

- ижара ҳақи олинганда:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

К-т 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

– асосий воситалар қайтариб берилганда:

Д-т 0130 «Машина ва ускуналар»

К-т 0131 «Ижарага берилган машина ва ускуналар»

Ижара берувчи ижара ҳақини олдиндан олган тақдирда, у муддати узайтирилган даромад тариқасида ҳисобга олинади ва тегишли давр мобайнида даромадга секин-аста ўтказилиши лозим.

Мисол. Тузилган шартномага мувофиқ ижара берувчи бўнак тариқасида 6 ой учун 240 минг сўм ижара ҳақини олди, бу ойга 40 минг сўмни ташкил этади.

- олдиндан тўлов суммасига:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 240 минг сўм

К-т 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» - 240 минг сўм

- ҳар ойнинг охирида тўланиши лозим бўлган ижара ҳақининг суммаси ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 6230 «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» - 40 минг сўм

К-т 9350 «Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар» 40 минг сўм.

Нотураржой хоналарни жорий ижарага берадиган корхоналар ижара шартномасини ҳокимликлар қошидаги нотураржой хоналари бошқармасида рўйхатдан ўтказишлари керак, 1 кв.м майдон учун ижара ҳақининг энг кам ставкасини белгилайди.

Лизинг (молиявий ижара)да бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг объектини сотиб олади ва уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун 12 ойдан ортиқ муддатга лизинг олувчига беради.

Узоқ муддатли (молияланадиган) ижара - бу асосий воситаларга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча хатарлар ва нафлар ижара берувчидан ижара олувчига аҳамиятли ўтказилиши контрактда қайд этилишидир. 6-сонли «Ижара ҳисоби» БҲМСга мувофиқ лизинг қуйидаги ҳолларда молияланган лизинг деб ҳисобланади:

- лизинг муддати 12 ойдан ошганда;
- ижара муддати тугагандан кейин эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтказилганда;
- контрактда шартнома давом этиш вақтида лизинг олувчи томонидан асосий воситаларни сотиб олиши кўзда тутилганда;
- шартнома муддати объектдан бутун фойдаланиш муддатининг кўп қисмини (саксон фоиздан кам бўлмаслиги лозим) ташкил этганда;
- лизинг объектининг қолдиқ қиймати лизинг муддатининг бошида улар қийматининг йигирма фоизидан кам бўлганда;
- лизингнинг бутун муддати вақтида жорий тўловлар қиймати лизинг объекти қийматининг тўқсон фоизидан кўпроқ бўлганда;
- лизинг контракти кучга кирган пайтда энг кам ижара тўловларининг жорий қиймати ижарага олинадиган объектнинг холис (ҳақиқий) бозор қийматидан кўпроқ ёки тенг бўлганда.

Молияланган лизингда асосий воситалар, бир вақтнинг ўзида узоқ муддатли ижарага берилган асосий воситалар бўйича дебиторлик қарзини акс эттирган ҳолда, лизинг берувчининг балансидан ҳисобдан чиқарилади, лизинг олувчи эса, уни актив тарзида кирим қилади ва бир вақтнинг ўзида узоқ муддатли лизинг шартлари билан олинган асосий воситалар бўйича ҳосил бўлган кредиторлик қарзини ҳисобга олади.

Узоқ муддатга берилган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини лизинг олувчи амалга оширади.

Молияланган лизингда ижара тўловлари қарзнинг асосий суммаси ва ижара фоизлари суммасидан иборат, шунинг учун ҳар бир ижара тўловини икки қисмга ажратиш лозим: биринчиси, қарзнинг асосий қисмини қоплашга тегишли

...нинг ҳақиқий қийматига тенг бўлган), ва иккинчи-...ниқ бир давр бўйича фоиз миқдорини ифодалайдиган.

...ияланадиган лизинг операцияларининг бухгалтерия ...ини аниқ мисолда кўриб чиқамиз. 2001 йил 1 январда ...лон» АЖ «Авто» МЧЖга 5 йил муддатга узоқ муддатли ...га автомобил берган. Шартнома тузиш пайтида автомо-...нинг ҳақиқий бозор қиймати 5000,0 минг сўмни ташкил ...

Ижара битимига мувофиқ ижара тўловларининг умумий ...ммаси 7000,0 минг сум ва ҳар йилнинг охирида «Авто» ...Ж 1400,0 минг сум тўлаш мажбуриятини олган. Кўзда ...ган фоиз ставкаси 13%.

	Йил бошига мажбурият	Фоиз	Жорий мажбурият	Ижара тўловлари	Охирига мажбурият
...01	5000,0	650,0	750,0	1400,0	4250,0
...02	4250,0	552,5	847,5	1400,0	3402,5
...03	3402,5	442,3	957,7	1400,0	2444,8
...04	2444,8	317,8	1082,2	1400,0	1362,6
...05	1362,6	37,4	1362,6	1400,0	-
		2000,0	5000,0	7000,0	

...) «Авто» МЧЖ (лизинг олувчи)да молияланган ижара ...собн.

Ижарани акс эттириш учун дастлабки ўтказма:

Д-т 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олин-...и асосий воситалар» - 5000,0 минг сум

К-т 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» - 4250,0 ...инг сум

К-т 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми» - ...50,0 минг сўм

Биринчи йил учун ижара бўйича молиявий тўлов акс эт-...ирилиши:

Д-т 9610 «Фоизли кўрилмаган харажатлар» - 650,0 минг сум

К-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар» - 650,0 минг сум

Биринчи йил бўйича ижара тўловини ўтказиш:

Д-т 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми» - ...50,0 минг сум

Д-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар» - 650,0 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 1400,0 минг сўм

Биринчи йил учун ижарага олинган автомобил бўйича эс-...ирилиши ҳисоблаш (тўғри чизиқли усул):

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 1000,0 минг сўм

К-т 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» - 1000,0 минг сўм.

Ҳисобот йилининг охирида қарз суммасининг узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказиш учун тузатиш киритувчи бухгалтерия ёзувлари (ўтказмалари) амалга оширилади, яъни келгуси йил давомида тўланиши лозим бўлган қарз қисми ажратилади:

Д-т 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» - 847,5 минг сўм

К-т 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми» - 847,5 минг сўм

Иккинчи йил учун ижара бўйича фоизларни ҳисоблаш:

Д-т 9610 «Фоизли кўринишдаги харажатлар» - 552,5 минг сўм

К-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар» - 552,5 минг сўм

Иккинчи йил учун ижара ҳақини ўтказиш:

Д-т 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми» - 847,5 минг сўм

Д-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар» - 552,5 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 1400,0 минг сўм.

б) «Сарбон» АЖ (лизинг берувчи)да молияланган лизинг ҳисоби:

Молияланган лизинг акс эттирилиши учун дастлабки ўтказма:

Д-т 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» - 4250,0 минг сўм

Д-т 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» - 750,0 минг сўм

К-т 0160 «Транспорт воситалари» - 5000,0 минг сўм

Биринчи йил учун автомобилни ижараси бўйича фоизли даромадларни ҳисоблаш:

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 650,0 минг сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишдаги даромадлар» - 650,0 минг сўм

Биринчи йил учун ижара ҳақини олиш:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 1400,0 минг сўм

К-т 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» - 750,0 минг сўм

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 650,0 минг сўм

Иккинчи йил учун молиявий лизинг бўйича олинадиган келгуси тўловларни биринчи йил охирида акс эттирилиши (тузатиш киритиш ёзувлари):

Д-т 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» - 847,5 минг сўм

К-т 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» - 847,5 минг сўм

Иккинчи йил учун ижара бўйича фоиз кўринишидаги даромадларни ҳисоблаш:

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 552,5 минг сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 552,5 минг сўм

Иккинчи йил учун ижара ҳақини олиш:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 1400,0 минг сум

К-т 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» - 847,5 минг сўм

К-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -552,5 минг сум.

11-БОБ. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

11.1. Номоддий активлар ва уларнинг гуруҳланиши

Номоддий активлар - моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш учун фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан ортиқ) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби 1998 йил 20 ноябрда 506-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган 7-сонли «Номоддий активлар» БҲМС билан тартибга солинади.

Ушбу стандартга мувофиқ номоддий активлар уларни аниқ ҳолаш ва бошқа активлар ёки харажатлардан ажратиш мумкин бўлган тақдирда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим, улар аҳамиятли бўлиши ва улар келгуси иқтисодий наф келтириш мумкинлигига етарли даражада ишонч бўлиши керак. Номоддий активларга патентлар, саноат намунала-

ри, компьютер техникасининг дастурий таъминоти, гудвилл, ташкилий харажатлар, франчайзлар, муаллифлик ҳуқуқлари, ер ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқлари ва ҳоказолар киради.

Патентлар янги ихтиродан фойдаланиш ёки янги буюмни ишлаб чиқариш учун юридик тасдиқланган ҳуқуқдир ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилади. Патент эгаси қонун билан белгиланган муддатда патентланган маҳсулот ёки жараёндан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва сотиш учун ёлғиз ҳуқуққа эга бўлади.

Лицензия бир йилдан кўпроқ муддатга берилган тақдирда қайсидир бир фаолият билан шуғулланиш учун тегишли муассасалар томонидан берилган рухсатномадир. Фаолиятлар турининг рўйхати ва лицензиялар бериш ҳуқуқига эга бўлган идоралар амалдаги қонунчилик билан тасдиқланади. Лицензия олмаган ҳолда лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш амалдаги қонунчиликни бузиш ҳисобланади.

Ноу-хау - янги гоя, янги технология ёки ишлаб чиқариш муаммоси бошқача ечимининг қийматидир.

Савдо маркалари, маҳсулот белгилари - муайян тартибда рўйхатга олинган, улардан рухсатсиз фойдаланиш амалдаги қонунчилик билан ҳимояланган, компаниялар номи ёки уларнинг маҳсулотлари. Савдо маркаси ёки маҳсулот белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи эгаси ундан фойдаланаётган муддат давомида, ёлғиз унинг эгасига тегишли. Савдо маркаси ёки маҳсулот белгисининг (Кока-кола, Мерседес, Адидас) бозор қиймати юқори бўлиши мумкин, лекин бухгалтерия ҳисобида у сотиб олиш пайтидаги дастлабки қиймат бўйича акс эттирилади.

Компьютер дастурий таъминоти бўйича харажатлар четдан сотиб олинган дастурлар билан бир қаторда, корхона ўзида ишлаб чиқарилганлардан ҳам иборат. Компьютер ёки дастгоҳ билан бирга сотиб олинган дастурий таъминот асосий воситалар таркибига киради ва номоддий актив каби ҳисобга олинмайди.

Ташкилий харажатлар ҳужжатларни тайёрлаш юзасидан маслаҳатчилар хизматларини тўлаш бўйича харажатлардан, рўйхатга олиш бўйича йиғимлардан ва корхона ташкил қилинишини пайтидан то давлат рўйхатидан ўтказгунга қадар бошқа харажатлардан иборат.

Франчайз - бир ташкилот томонидан бошқа ташкилотга, воситачилик вазифаси бўйича фойдаланиш, тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматлар бўйича муайян сифат стандартларига риоя қилиш шарти билан ўзига тегишли бўлган асосий воситалар, савдо маркалари, бошқа моддий ва номоддий активлар берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Масалан, Кока-кола компанияси ўзига тегишли бўлган ускуналар (совутгич)дан фойдаланиш ҳуқуқини фақат компания маҳсулотларини сақлаш шарти билан беради.

Муаллифлик ҳуқуқлари фан, адабиёт ва санъат соҳасида ишлар муаллифларига ўз маҳсулотларини яккахон тартибда тарқатиш ва кўпайтириш бўйича қонун билан кафолатланган ҳуқуқлардир. Муаллифлик ҳуқуқининг муддати амалдаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Ер ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Ер ва табиий бойликлар давлат мулки ҳисобланиши муносабати билан, корхоналар ушбу ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини давлатдан сотиб олишлари керак, чунки мазкур ҳуқуқлар корхонага узоқ муддатда иқтисодий наф олиш имкониятини беради ва уларни номоддий активлар таркибида ҳисобга олиш лозим.

Гудвилл (ишчанлик обрўйи) корхонанинг умуман сотиб олиш нархи (бозор қиймати) билан соф активларининг бозор қиймати орасидаги фарқ билан аниқланади. Соф активлар активлар суммасидан унинг мажбуриятларини чегириш йўли билан аниқланади.

Гудвиллни ташкил этувчи омилларга меҳнат жамоасининг ишбилармонлигини, самарали раҳбарликни, ишлаб чиқариш жараёнининг махфийлигини, жамиятда ишончнинг юқори даражаси ва обрўйини, стратегик нуқтаи назаридан афзалроқ жойлашишини, маъқул солиқ шароитларини ва бошқаларни киритиш мумкин.

Мисол. «Тошкентказбел» ОАЖ «Барс» ЁАЖни 20000 минг сўмга сотиб олди. Ушбу жамиятнинг активлар суммаси 18000 минг сўмни, мажбуриятлар суммаси 2000 минг сўмни ташкил этади. «Барс» ЁАЖнинг бозор қиймати 16000 минг сўм. Бунда гудвилл 20000 - (16000 - 2000) = 6000 минг сўмни ташкил этади.

Сотиб олинган корхонанинг бозор қиймати у сотилган нархдан юқори бўлиши мумкин. Бунда гап салбий гудвилл ёки *бодвилл* тўғрисида юритилади. Халқаро стандартларга му-

вофиқ салбий ишчанлик обрў (бэдвилл) даромад тарзида тан олиниши лозим.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни хусусийлаштиришда мол-мулкнинг баланс қиймати ва сотиб олиш қиймати орасида фарқ пайдо бўлади, у корхона нархи деб ҳисобланади ва 0480 «Гудвилл» ҳисобварағида акс эттирилади. Сўнгра ушбу фарқ йигирма йил давомида 0480 «Гудвилл» ҳисобварағининг кредитидан 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварақларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади (Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 7-сонли «Номоддий активлар» стандарти).

Мисол. Хусусийлаштирилган мол-мулкнинг қиймати 1500 минг сўм, сотиб олинадиган нархи 2200 минг сўм.

Д-т 0110-0190 К-т 8310-8330 - 1500 минг сўм

Д-т 0480 К-т 8310-8330 - 700 минг сўм

11.2. Номоддий активлар келиб тушиши ҳисоби

Номоддий активлар ҳақ эвазига бошқа ташкилотлар ва шахслардан харид қилиниши, корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилиши, бадал тарзида устав капиталига киритилиши, бегараз ҳадя ёки давлат субсидияси тарзида олиниши мумкин.

Номоддий активлар мавжудлиги ва силжишининг ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»;

0420 «Савдо маркалари, маҳсулот белгилари ва саноат белгилари»;

0430 «Дастурий таъминот»;

0440 «Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари»;

0450 «Ташкилий харажатлар»;

0460 «Франчайз»;

0470 «Муаллифлик ҳуқуқи»;

0480 «Гудвилл»;

0490 «Бошқа номоддий активлар».

Сотиб олиш-сотиш шартномалари, гувоҳномалар, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари, активларни киритиш тўғрисида баённомалар ва уларни баҳолаш тўғрисида келишувлар ва бошқалар актив-

кирим қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда объект ёритилиши, унинг дастлабки қиймати, фойдаланиш тартиби, ишлатиш муддати бўлиши керак.

Қабул қилишда номоддий активларни тўғри баҳолаш муҳимиятга эга, чунки ҳисобда ва ҳисоботда улар олинган нархи ёки дастлабки қиймати бўйича акс эттирилади. Унга қуйидагилар киради:

- харид қилиш нархи;
- импорт божлари;
- сотиб олишда тўланган қопланмайдиган солиқлар;
- активни сотиб олиш ва уни фойдаланишга тайёрлаш учун боғлиқ харажатлар (маркетинг изланиши бўйича харажатлар, ҳуқуқий ва маслаҳат хизматлари бўйича тўловлар).

Бинобарин, дастлабки қиймат - бу активни сотиб олишда пулларда тўланган пул маблағлари ёки эквивалентларининг қиймати ёхуд ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий ҳужжатлардир. Ҳақиқий харажатларга номоддий активни сотиб олиш ва уни фойдаланишга тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ барча харажатлар, яъни, айнан харид нархи, ҳуқуқий ишлар ва бошқа керакли бўлган харажатлар киради.

Номоддий активлар ҳақ эвазига бошқа ташкилотлардан ёки шахслардан сотиб олинганда номоддий активлар ҳисобварақларининг дебети ва мажбуриятлар ҳисобварақларининг кредити бўйича ўтказма берилади. Қабул қилишда турли харажатлар амалга оширилган тақдирда улар даставвал 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» ҳисобварағида жамланади.

Мисол. Корхона патент сотиб олмоқчи, шу сабабли у маркетинг изланишларни амалга ошириш учун консалтинг фирмага мурожаат қилди, фирма ўз хизматлари учун 50 минг сўмга ҳисобварақ-фактура тақдим этди. Мол етказиб берувчидан патент 700 минг сўмга сотиб олинди. Ушбу операция қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Консалтинг фирмаси ҳисобварағининг суммасига:

Д-т 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» - 50 минг сўм

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 50 минг сўм

Патент етказиб берувчи ҳисобварағининг суммасига:

Д-т 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» - 700 минг

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 700 минг сўм

- мол етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари тўланган:

Д-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» - 750 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» - 750 минг сўм

- патентни номоддий активлар таркибига киритиш:

Д-т 0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау» - 750 минг сўм

К-т 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» - 750 минг сўм.

Корхонанинг ўзида номоддий активларни барпо этишда уларнинг таннархи қуйидагилардан ташкил топади:

- номоддий активларни барпо этишда фойдаланилган ёки сарф-харажат қилинган материаллар ва хизматлар бўйича харажатлар;

- активларни барпо этишда банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи бўйича харажатлар;

- номоддий активларни рўйхатга олиш бўйича божлар ва активларни барпо этиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай харажатлар.

Мисол. Ички фойдаланиш учун компьютер дастурини ишлаб чиқиш учун корхонада 40 минг сўмлик материаллар сарф-харажат қилинган, дастурни ишлаб чиқарувчиларига 120 минг сўм иш ҳақи ҳисобланган, иш ҳақидан ижтимоий суғуртага 48 минг сўм ажратмалар амалга оширилган. Ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» - 208 минг сўм

К-т 1090 «Бошқа материаллар» - 40 минг сум

К-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» - 120 минг сўм

К-т 6520 «Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар» - 48 минг сўм

Компьютер дастурини номоддий активлар таркибига утказиш:

Д-т 0430 «Дастурий таъминот» - 208 минг сўм

К-т 0830 «Номоддий активларни сотиб олиш» - 208 минг сўм

Номоддий активларни таъсисчилардан дастлабки улуш тарзида устав капиталига киритилиши сифатида олинишни

Д-т 0410-0490 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйи-
қарзлари»

Номоддий активлар бегараз ёки давлатнинг, юқори ташки-
нинг, ҳокимликлар субсидияси тарзида олиниши экс-
рт баҳоси бўйича:

1-т 0410-0490 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи
собварақлар»

К-т 8530 «Текинга олинган мол-мулк»

Таъкидлаш лозимки, текинга олинган номоддий активлар
ймати фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасини оши-
ди.

Номоддий активлар бўйича ўз вақтидаги ва ишончли маъ-
мотларни олиш учун уларнинг таҳлилий ҳисоби тўғри юри-
лишини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун
омоддий активларнинг ҳар бир объекти бўйича таҳлилий
рақача юритилади. Унда мазкур объект бўйича керакли
лган барча маълумот жамланади: тўлиқ номи ва вазифаси,
стлабки қиймати ва фойдали ишлатиш муддати, йиллик
мортизация суммаси ва унинг меъёри, ҳисобга олинган сана,
ихатга олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатнинг номи, сотиб
ини усули, чиқарилиш сабаби, тугатилишдан олинган ту-
м суммаси ва бошқалар.

11.3. Номоддий активлар амортизацияси ҳисоби

Номоддий активлар, асосий воситалар каби, узоқ муддатда
йдаланилади ва ушбу вақт мобайнида уларнинг қиймати
р ойда амортизацияни ҳисоблаш йўли билан ишлаб чиқа-
лган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ёки бажарилган ишларга
казилади. Амортизация суммаси, дастлабки қиймат ва фой-
ли ишлатиш муддатидан (лекин корхонанинг фаолият курса-
ши муддатидан юқори бўлмаган) келиб чиққан ҳолда корхо-
томонидан ҳисобланган меъёрларга асосан аниқланади.

Фойдали хизмат муддати - субъект томонидан активни
латишни кўзда тутган вақтнинг даври ёки хўжалик юри-
ши субъект ушбу активни ишлатиш натижасида келажакда
ишни кўзда тутган маҳсулот (ишлар, хизматлар) миқдори.
Фойдали хизмат муддатини қуйидаги омиллардан келиб
иб аниқлаш мумкин:

- кутилаётган ишлатиш муддати;

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида. Чунончи, амалдаги қонунчиликка мувофиқ гудвиллни 20 йил мобайнида харажатларга ўтказиш мумкин;

- мол етказиб берувчилар билан тузилган контрактлар шартларига асосан;

- ҳуқуқлар муддатини узайтириш ёки тиклаш учун шароитлар;

- эскиришнинг техникавий, технологик ва бошқа турларининг таъсири;

- бозорда талаб, таклиф ёки рақобатчи ҳаракатларининг таъсири.

7-сонли БҲМСнинг 46-бандига мувофиқ ҳар бир ҳисобот даврининг охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат муддатини қайталаб кўриб чиқиш лозим ва кўзланган истиқболлар дастлабки баҳоланишлардан аҳамиятли фарқ қилган тақдирда, жорий ва келгуси даврлар учун амортизация суммасини ошириш ёки камайтириш керак.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом (1.4.2-банди) ва 7-сонли «Номоддий активлар» БҲМСга (39-банди) номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, эскириш меъёри беш йил муддатни назарда тутиб, лекин корхона фаолияти муддатидан юқори бўлмаган миқдорда, белгиланади. Фойдали хизмат муддати тугагандан кейин, номоддий активнинг дастлабки қиймати харажатларга тўлиқ ўтказилган шарти билан, улар бўйича эскириш ҳисобланмайди.

Номоддий активлар бўйича амортизация дастлабки қийматдан тахмин қилинган тугатиш қийматини чегириш йўли билан аниқланган амортизацияланадиган қийматдан келиб чиқиб ҳисобланади. Тугатиш қиймати - бу фойдали хизмат муддатининг охирида актив тугатилишни пайтидаги қийматдан чиқарилиш учун тахмин қилинаётган сарф-харажат чегирилган активнинг қийматидир.

7-сонли «Номоддий активлар» БҲМСга мувофиқ амортизация қуйидаги усулларни қўллаган ҳолда ҳисобланиши мумкин: тўғри чизиқли ёки бир маромли усул, ишлаб чиқилган бирликлар суммаси бўйича амортизацияни ҳисоблаш усули, камайиб борадиган қолдиқ усули.

Тўғри чизиқли усул активнинг фойдали хизмат муддати давомийлигида унинг қийматини тенг улушлар билан ҳисобдан чиқаришни кўзда тутади. Амортизация суммаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Амортизация суммаси} = \frac{\text{Дастлабки қиймат} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Фойдали хизматнинг тахмин қилинган муддати}}$$

Мисол. 2002 йил 1 январда буюм ишлаб чиқиш учун 400 минг сўмга патент сотиб олинди. Фойдали хизматнинг тахмин қилинган муддати уч йил, сўнгра патентни 100 минг сўмга сотиш мумкин. Амортизация суммаси (400000 - 100000) : 3 = 100000 минг сўмни ташкил этади. Бинобарин, ҳар йилги амортизация суммаси 100 минг сўмни ташкил этади. Йиллар бўйича амортизацияни ҳисоблаш:

2002 йил - 100 минг сўм
2003 йил - 100 минг сўм
2004 йил - 100 минг сўм

Амортизацияни бир маромда ҳисоблаш усули энг кўп тарқалган усул ҳисобланади.

Амортизацияни ишлаб чиқилган бирликлар суммаси бўйича ҳисоблаш ҳар бир ишлаб чиқилган маҳсулот бирлигидан кейин номоддий активнинг қиймати арзонлашини назарда тутади, шунинг учун эскириш ҳар бир буюм бўйича ҳисобланади.

$$\text{Амортизация суммаси} = \frac{\text{Дастлабки қиймат} - \text{Тугатиш қиймати}}{\text{Маҳсулот ишлаб чиқарилишининг тахмин қилинган ҳажми}}$$

Мисол. Мазкур патент бўйича 3000 та буюм ишлаб чиқарилиши мўлжалда тутилган деб фараз қилайлик, яъни: 2002 йили - 800 та, 2003 йили - 1000 та, 2004 йили - 1200 та. Бир буюм бўйича эскириш меъёрини аниқлаймиз (400000 - 100000) : 3000 = 100 сўм. Амортизация қуйидагича ҳисобланади:

2002 й. - 800 х 100 = 80000 сўм
2003 й. - 1000 х 100 = 100000 сўм
2004 й. - 1200 х 100 = 120000 сўм

Камайиб борадиган қолдиқ усули қўлланилганда номоддий активларнинг амортизацияланган қийматини ҳисобдан чиқариш учун унинг қолдиқ қийматини фойдали хизмат муддати ва жадаллаштириш коэффициентидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация меъёрига кўпайтирини лозим. Камайиб борадиган қолдиқ усулини қўллаш амалиётида бир маромли усулдаги эскириш меъёри 1,5 ёки 2,0 коэффициентга кўпайтирилади.

Амортизация меъёри 100 ни хизмат муддатига тақсимлаш йўли билан ҳисобланади, яъни у 100 : 3 = 33,33 га тенг бўлади. Ушбу меъёр 1,5 га кўпайтирилади 33,33 х 1,5 = 49,99. Амортизациянинг ҳар йилги суммаси ушбу фоиз номоддий активнинг қолдиқ қийматига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

2002 й. 400000 х 49,99 = 199960 сўм

2003 й. 400000 - 199960 = 200040 х 49,99 = 99999,9 сўм

2004 й. 400000 - 199960 - 99999,9 - 100000 = 40,1 сўм.

Камайиб борадиган қолдиқ усули қўлланилганда амортизация амортизацияланадиган қийматдан эмас, балки дастлабки қийматдан ҳисобланади. Охирги йил бўйича тузатиш киритилади, чунки дастлабки баҳолаш натижасида олинган тугатиш қийматини ҳисобдан чиқаришга олиб келадиган амортизация миқдорини ҳисоблаш мумкин эмас. Шу боис, баланс қиймати тугатиш қийматига тенг бўлиши учун, охирги йил бўйича амортизация 40,1 сўм суммада ҳисобланади.

Амортизациянинг афзалроқ усулини танлашда амортизация бўйича харажатлар активдан фойдаланишдан олинадиган наф билан ўзаро боғланишда бўлиш тамойилига асосланиш лозим. Номоддий активлар қанча фаолроқ ишлатилиши билан, улар ишлатилишидан шунча кўпроқ наф олинади, яъни актив қанча эскириб борса, амортизация шунча кўпроқ ҳисобланиши лозим.

Номоддий активларга нисбатан қўлланиладиган амортизация усули, ушбу активлардан олиниши кутилаётган иқтисодий наф аҳамиятли даражада ўзгарса, ҳар йили ҳисобот давримнинг охирида қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Ҳисоб сиёсатига амортизациянинг бошқа усули киритилган тақдирда жорий давр бўйича ҳисобланган амортизацияга тузатишлар киритилиши лозим.

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида икки хил усул билан акс эттирилади:

ҳисобланган суммаларни алоҳида ҳисобварақда жамлаш;

объектнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли билан.

Номоддий активлар бўйича амортизацияни биринчи усул бўйича ҳисоблашда операциялар харажатлар ҳисобварақларидан (2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари», 9420 «Бемурий харажатлар») дебети ва 0510-0590 «Номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларининг кредитида акс эттирилади.

Иккинчи усул бўйича номоддий активларнинг дастлабки қиймати дарҳол 0410-0490 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларидан чиқим ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилади.

11.4. Номоддий активларнинг чиқарилиши

Номоддий активлар чиқарилишининг асосий сабаблари қуйидагилар: улар тўлиқ амортизацияланганлиги ёки келажакда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келганлиги, четга сотилганлиги, бошқа ташкилотларнинг устав капиталига бепул берилганлиги ёки бадал тарзида берилганлиги.

Қабул қилиш-топшириш далолатномалари, номоддий активларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномалар, АЖ, ҚК, МЧЖ бошқарув мажлислари баённомалари ва бошқалар номоддий активлар чиқарилиши юзасидан асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Номоддий активлар чиқарилишининг ҳисоби 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағида олиб борилади. Чиқарилаётган номоддий активларнинг қиймати ва чиқариш бўйича харажатлар (масалан, сотиш бозорини ўрганиш бўйича харажатлар ва ҳоказо) ушбу ҳисобварақнинг дебетида акс эттирилади, шунинг ўзида сотилган активлар бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси ҳам акс эттирилади. Номоддий активлар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси, ҚҚС билан бирга сотиш-

дан олинган тушум 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. ҚҚС суммаси асосий воситалар бўйича аниқланадиган йўл билан ҳисобланади. 9220 ҳисобварағининг дебет ва кредит айланмаларини солиштириб номоддий активлар чиқарилишидан олинган молиявий натижани аниқлаш мумкин. 9220 ҳисобварағининг кредит айланмалари унинг дебет айланмаларидан кўп бўлган тақдирда, фарқ номоддий активлар ҳисобдан чиқарилиши ёки чиқарилишидан олинган фойда ҳисобланади ва у 9320 «Бошқа активларни реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишдан олинган фойда» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади. 9220 ҳисобварағининг дебет айланмалари унинг кредит айланмаларидан кўп бўлган ҳолатда фарқ сотиш (ҳисобдан чиқариш)дан кўрилган зарар ҳисобланади ва у 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағининг дебетида акс эттирилади.

1-мисол. Компьютер таъминоти дастури 300 минг сўмга сотилди. Дастлабки қиймат 200 минг сўм, ҳисобланган эскириш суммаси 150 минг сўм. Сотиш нархи билан дастурнинг қолдиқ қиймат орасидаги фарқ бўйича ҚҚС суммасини аниқлаймиз:

300000 - (200000 - 150000) x 20 : 120 = 41666 сўм

Фойда қуйидагича аниқланади:

(300000 + 150000) - (200000 - 46666) = 203334 сўм

9220

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
0430	200 000	150 000	0530
6410	46 666	300 000	4890
9320	203 334		

2-мисол. Янги дастур сотиб олиниши ва татбиқ этилиши муносабати билан эски дастур ҳисобдан чиқарилган деб фараз қилайлик. Бу ҳолатда корхонада ҳисобланмаган амортизациядан зарар ҳосил бўлади (200000 - 150000) = 50000 сўм.

9220

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
0430	200 000	150 000	0530
		50 000	9430

3-мисол. Ушбу патент бегараз ёрдам тариқасида бошқа корхонага берилган. Бунда кўрилган зарар (200000 - 150000) = 50000 сўмни ташкил этади.

9220

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
9430	200 000	150 000	0530
		50 000	9430

4-мисол. Патент 240 минг сўм баҳоланган нарх билан устав капиталига бадал тарзида шўъба корхонасига берилган. Бунда ҚҚС (240000 - 50000) x 20 : 120 = 31667 сўмни ташкил этади. 9220 ҳисобварағининг дебети билан кредити орасидаги фарқ (150000 + 31667 + 240000) - 200000 = 22166 сўмни ташкил этади. Бу фарқ 9320 «Бошқа активларни реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишдан олинган фойда» ҳисобварағини кўпайтиради.

9220

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
9430	200 000	150 000	0530
9320	221 667	31 667	6410
		240 000	0620

Номоддий активларни инвентарланда қуйидагиларни текшириш лозим:

- корхонада номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги;
- номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда тўғри ўз вақтида акс эттирилганлиги.

12-БОБ. МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ

12.1. Молиявий инвестициялар тўғрисида тушунча, уларни табақалаштириш ва баҳолаш

Бозор иқтисодиёти шароитида эркин пул маблағларига эга корхоналар маълум вақт давомида қўшимча иқтисодий наф олиш мақсадида уларни бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфлайдилар. Бундай қўйилмалар молиявий инвестициялар деб аталади.

Молиявий инвестициялар - хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти ва дивиденд шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрда 65-сон билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 16 январда 596-сон билан рўйхатга олинган 12-сонли «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» БҲМС билан тартибга солинади.

Молиявий қўйилмалар қўйиш муддатига кўра **жорий (қисқа муддатли)** ва **узоқ муддатлиларга** ажратилади.

Олинган пайтдан кейин корхона томонидан бир йил давомида сотиш (пул маблағларига айлантириш)га мўлжалланган қимматли қоғозлар *қисқа муддатли* ёки юқори даражада ликвидлик қобилиятга эга қимматли қогозлар деб, ушбу қоғозларни сотиб олишга сарфланган қўйилмалар эса - қисқа муддатли қўйилмалар деб аталади.

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар - бу бир неча йил муддати давомида фойдаланиш учун сотиб олинган қимматли қоғозларга қўйилмалардир.

Мулкчилик ҳуқуқига эгалик қилиш бўйича молиявий қўйилмалар қарздорликка оид ва улушни ифодалайдиган қимматли қоғозларга таснифланади.

Қарздорликка оид қимматли қогозлар корхона-эмитент (қимматли қоғозларни чиқарувчи) инвесторга (қимматли қоғозларни сотиб олувчи корхона) нисбатан бўлган қарздорлик шаклини ифодалайди. Шундай қилиб белгиланган тўлов муддати келгандан кейин эмитент инвесторга маълум суммани қайтариш ва мунтазам равишда қимматли қоғозлар номинал қийматидан белгиланган ставка бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қарздорликка оид қимматли қоғозлар эмитент мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини тавсифловчи гувоҳнома бўлиб ҳисобланмайди.

Улушни ифодалайдиган қимматли қоғоз инвестор томонидан эмитент мулкидаги улуши (капитали)га эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Молиявий қўйилмалар турлар бўйича қуйидагича гуруҳла-

...ли қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар, давлат ва маҳаллий фонз заёмлари)га инвестициялар, ...ша хўжалик жамиятларига инвестициялар, қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар, чет эл капиталига эга бўлган корхоналарга инвестициялар ва бошқа инвестициялар.

Бир корхона томонидан бошқа корхонанинг оддий акцияларига узоқ муддатли инвестициялари инвесторга тегишли овоз ҳуқуқига эга бўлган акциялар фонзига қараб туркумланиши мумкин:

1. Инвестор 50 фоиздан кўпроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акциялар (назорат тўплам)га эга бўлган тақдирда инвестор бирлаштирилган (йиғма) ҳисобот тузиши лозим;

2. Инвестор 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга бўлган тақдирда у компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобланади, шунинг учун акциялар таннархи ва қўшимча қийматда инвестицияланаётган объект бўлган корхонани тақсимланмаган фойдасида инвесторнинг улуши бўйича ҳисобини лозим (улушли иштирок этиш усули);

3. Инвестор 20 фоиздан камроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга бўлган тақдирда инвестициялар таннарх ёки бозор қиймати каби икки қийматдан энг ками бўйича ҳисобланади (қиймат усули).

Корхонада мавжуд бўлган барча инвестицияларнинг тўплами инвестицион портфел деб аталади.

Молиявий инвестицияларни **номинал, жорий** ва **бозор** қийматини ажратадилар.

Номинал қиймати - қимматли қоғоз бланкасида қайд этилган сумма. Номинал қиймати бўйича барча акцияларнинг жамланган қиймати устав капитали миқдорини ифодалайди.

Жорий қиймати - хабардор мустақил томонлар - қимматли қоғозларнинг харидори ва сотувчиси ўртасида қимматли қоғозни сотилиши ёки алмаштирилиши.

Бозор қиймати - бозорда қимматли қоғоз нархи белгиланишини натижаси билан аниқланадиган нарх. У маълум бир вақт мобайнида талаб ва таклиф орасидаги мувозанатни акс эттиради.

Молиявий инвестициялар корхона активи бўлиб ҳисобланади, шу боис улар ластавват суммалерия ҳисобига таннархи

ёки сотиб олинган нархи бўйича акс эттирилади. Молиявий қўйилмалар таннархига барча ҳақиқатдан амалга оширилган ёки шартномага мувофиқ мол етказиб берувчига тўланадиган харажатлар, яъни: агентлар ва дилерларни тақдирлаш учун харажатлар, фонд биржалари ва бошқа тартибга солувчи идораларнинг божлари, маблағларни ўтказиш бўйича солиқлар ва божлар, банк хизматлари бўйича тақдирлашлар ва бошқалар киритилади.

Молиявий қўйилмалар бўйича операциялар мунтазам тавсифга эга бўлиб ва уларнинг бозор қиймати доимо ўзгариб турган тақдирда ҳисобда молиявий қўйилмаларни қайта баҳолаш бўйича операциялар вужудга келиши мумкин. Бу ҳолатда молиявий қўйилмаларнинг ҳақиқий қийматининг ўзгариши, қўйилмалар туркуми ва корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ, ҳисобда акс эттирилиши ёки акс эттирилмаслиги мумкин.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар сотиб олинган пайтида сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади, кейинчалик эса улар таннархда қуйидагича акс эттирилиши мумкин:

а) жорий инвестициялар:

- бозор қиймати бўйича;
- харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича.

Жорий инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан олинган даромад ёки зарар улар вужудга келган даврда тан олинади.

б) узоқ муддатли инвестициялар:

- харид қиймати бўйича;
- қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича;
- харид қиймати ва бозор қийматининг энг кам баҳоси бўйича.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қайта баҳоланганда оширилган қиймат суммаси қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капитал таркибига киритилади. Молиявий қўйилмалар қиймати пасайганда камайиш, мазкур инвестициялар бўйича хусусий капиталда акс эттирилган, қиймати ошган сумма ҳисобига амалга оширилади. Молиявий инвестициялар қийматининг пасайиши қайта баҳолашдан олинган

даромад суммасидан юқори бўлган тақдирда, тафовут харажат сифатида тан олиниши лозим. Аввал қиймати пасайтирилган инвестициялар бўйича қиймати оширилган сумма, кейин инвестициялардан олинган зарар қопланганидан кейин хусусий капитални оширилишига ўтказилади.

Корхона ўз ҳисоб сиёсатида инвестициялар юқорида қайд этилган усулларнинг қайси бири бўйича баҳоланишини белгилаши ва бу хаққоний (бозор) қиймати бўлган тақдирда унга баҳолаш даврийлиги, шу жумладан инвестициялар тури бўйича акс эттириши лозим.

Молиявий инвестициялар харид ёки бозор қийматидан энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинган тақдирда, инвестицияларнинг бозор қиймати жами умумий инвестицион портфел қиймати асосида, ёки бир турдаги гуруҳлар, ёхуд алоҳида бир бир инвестициянинг асосида белгиланиши мумкин. Қийматнинг ошиши қайта баҳолашдан олинган даромад тариқасида хусусий капитал таркибига ўтказилади, камайиши эса - молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда харажат тариқасида тан олинади.

«Ташмир» ҚК қуйидаги узоқ муддатли қимматли қоғозларга эга деб фараз қилайлик:

Портфел	Харид қиймати	Бозор қиймати	Эҳтимолий даромад (зарар)
А акциялари	300000	200000	(100000)
Б акциялари	400000	460000	-
В акциялари	350000	430000	80000
Г акциялари	120000	100000	(20000)
Жами	1170000	1130000	(40000)

Бинобарин, бухгалтерия балансида акциялар харид қилинган 1170000 сўмдан бозор қийматининг 40000 сўм четирмаси киритилган ҳолда, яъни 1130000 сўм миқдорида акс эттирилади. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» 20000 сўм.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 40000 сўм.

К-т 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» 20000 сўм.

Қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ молиявий қўйилмалар баҳоланган таннарх ёки бозор қийматининг энг ками

бўйича ҳисобга олинган тақдирда, бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинадиган инвестициялар учта усул билан ҳисобланиши мумкин:

- умумий инвестицион портфел асосида;
- инвестициялар туркуми ва бир хилдаги гуруҳлари бўйича;
- инвестицияларнинг ҳар бир тури бўйича.

«Согдиана» АЖ узоқ муддатли инвестициялар тўғрисида қуйидаги маълумотга эга деб фараз қилайлик

	Қимматли қоғозлар тури	Сотиб олиш қиймати	Бозор қиймати	Сотиб олиш ва бозор қийматларидан энг ками
I.	3 йил муддатли акциялар			
	«Ўзбекинвест» АЖ	200 000	250 000	200 000
	«Финиш» АЖ	500 000	400 000	400 000
	«Сокод» АЖ	300 000	310 000	300 000
	Жами:	1 000 000	960 000	900 000
II	5 йил муддатли акциялар			
	«Бек» АЖ	700 000	780 000	700 000
	«Ҳаёт» АЖ	600 000	650 000	600 000
	Жами:	1 300 000	1 430 000	1 300 000
	Ҳаммаси:	2 300 000	2 390 000	2 200 000

Корхона томонидан инвестицияларнинг умумий портфели асосида қайта баҳолаш қўлланилганда балансда 2300000 сўм сумма акс эттирилади, чунки икки суммадан, яъни 2390000 сўмдан 2300000 сўм кам. Инвестициялар туркуми бўйича қайта баҳолашда, бухгалтерия балансида акс эттириладиган сумма биринчи гуруҳ бўйича икки суммадан, яъни 1000000 сўм ёки 960000 сўмдан иборат, улардан ками - 960000 сўм танлаб олинади, иккинчи гуруҳ бўйича икки сумма, яъни 1300000 сўм ва 1430000 сўмдан энг ками - 1300000 сўм танлаб олинади, шундай қилиб акс эттириладиган сумма 960000 + 1300000 = 2260000 сўмни ташкил этади. Корхона томонидан инвестицияларнинг ҳар бир тури бўйича қайта баҳолаш қўлланилган тақдирда бухгалтерия балансида 2200000 сўм суммани экс эттириш лозим.

12.2. Инвестициялар келиб тушишини ҳисобга олиш

Инвестицияларнинг келиб тушиши қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади:

- 5800-5890 «Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»;

• 0610-0690 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга ...ши ҳисобварақлар».

Молиявий инвестициялар ушбу ҳисобварақларда келиб ту... билан боғлиқ бўлган харажатлардан жамланган сотиб ...ш таннархи бўйича акс эттирилади. Қимматли қоғозлар ...инал қийматидан паст ёки баланд нархларда сотиб о...ши мумкин. Номинал қиймат - бу қимматли қоғоз бланка... қайд этилган қиймат. Акциялар бўйича харид нарх ёки ...лигациялар бўйича фоизнинг бозор ставкаси номиналдан ...м бўлган тақдирда (четирма ёки дисконт), қопланш даври ...ида харид ва номинал қиймати орасидаги фарқнинг қисми ...ичма ҳисобланади. Бунда 0610-0690 ёки 5810-5890 ҳисоб... варақларининг дебети ва 9590 «Молиявий фаолиятдан олина... ...ган бошқа даромадлар» ҳисобварағининг кредити бўйича ...з амалга оширилади.

Корхона томонидан сотиб олинган харид қиймати улар... ...ини номинал қийматидан (устама ёки мукофот) кўп бўлган ...қирда, сотиб олинган пайтдан то қопланш пайтигача бўлган ...ирда сотиб олиш ва номинал қиймат орасидаги фарқнинг ...исми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 «Молиявий фаолият ...ича бошқа харажатлар» ҳисобварағининг дебети ва 0610 ...ки 5810 ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзув амалга ...ирилади.

Қимматли қоғозлар қопланиши пайтида уларнинг ҳисо... ...да акс эттирилган қиймати номинал қийматга тенг бўли... ...и керак. Четирма ва устамаларни ҳисобдан чиқарилиши... ...инг даврийлиги улар бўйича фоизларни ҳисоблаш даврий... ...тига мутаносиб бўлиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар)ни ...исобланда 4830 «Олинадиган фоизлар» ёки 4840 «Олина... ...ган дивидендлар» ҳисобварақларининг дебети ва 9530 «Фо... ...злар кўринишидаги даромадлар» ёки 9520 «Дивидендлар ...ринишидаги даромадлар» ҳисобварақларининг кредити ...ича ёзувлар амалга оширилади.

Мисол. 2003 йил 1 июлда «Ванда» МЧЖ «Лидасан» ҚКга ...инли номинал қиймати 1000000 бўлган 10% облигация... ...рини 1250000 сўмга сотиб олган, яъни облигациялар уста... ...(мукофот) билан сотиб олинган, сотиб олиш пайтида бро... ...га 50000 сўм тўланган. Облигацияларнинг қопланиш муд-

лати 2004 йил 30 апрел. Облигацияларнинг қопланиш муддати 10 ой бўлганлиги учун молиявий қўйилмалар қисқа муддатли ҳисобланади. Сотиб олишда қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

2003 йил 1 июлда:

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар» - 1300000 сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» - 1300000 сўм

2003 йил 31 июлда фоиз даромади ҳисобланади (1000000 х 10% : 12 = 8333 сўм):

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 8333 сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 8333 сўм

Шу пайтнинг ўзида устаманинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади (1300000 - 1000000) : 10 = 30000 сўм:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» - 30000 сўм

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» - 30000 сўм

Мисол. 2003 йил 1 октябрда «Алман» МЧЖ «Галера» компаниясига тегишли 9% номинал қиймати 500000 сўм бўлган облигацияларни 400000 сўмга, яъни чегирма билан сотиб олган. Қопланиш муддати 2005 йил 1 октябр, яъни 24 ойдан кейин.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 400000 сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» - 400000 сўм

2003 йил 31 октябрда 500000 х 9% : 12 = 3750 сўм фоизли даромад ҳисобланган.

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 3750 сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 3750 сўм

Шу пайтнинг ўзида чегирма (дисконт)нинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади (500000 - 400000) : 24 = 4166,6 сўм

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 4166,6 сўм

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» - 4166,6 сўм.

Молиявий инвестициялар фоизлар тўланадиган сана орасида сотиб олинган тақдирда, инвестор қимматли қоғозлар сотган шахсга унинг бозор қиймати билан бирга олдинги тўланган кундан буён жамланган фоизларни тўлайди. Фоизлар тўлаш куни етиб келганда инвестор эмитентдан сотиб олиш пайтидаги фоизлар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш пайтидан то навбатдаги фоизларни тўлаш пайтигача бўлган фоизларни олади.

Мисол. 2003 йил 1 мартда «Мирида» компанияси «Шахзод» компаниясининг 12%, умумий номинал қиймати 700000 сўм бўлган облигацияларини 600000 сўмга сотиб олди. Фоизларни ҳар ярим йилда бир маротаба амалга оширилади (1 январда ва 1 июлда). Қопланиш муддати 2006 йил 1 март. Сотиб олиш чоғида, шунингдек олдинги фоизлар тўланган пайтдан то ҳисоб қилиш пайтига бўлган муддат, яъни 2 ой учун ҳисобланган фоизлар тўланган (700000 х 12% : 12 х 2) = 14000 сўм.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 600000 сўм

Д-т 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» - 14000 сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 614000 сўм

«Шахзод» компанияси томонидан 1 мартдан то 1 июнгача давр, яъни март, апрел, май, июн ойлари учун, сотиб олинган давр бўйича фоизлар ҳисобланади (700000 х 12% : 12 х 4) = 28000 сўм.

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 28000 сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 28000 сўм

Фоизлар олинган кун, яъни 1 июлда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 42000 сўм

К-т 4890 «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» - 14000 сўм

К-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 28000 сўм.

Инвестициялар маҳсулотлар, товарлар етказиб берилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши тарзида олинганда:

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 9010-9030 «Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сотишдан олинган даромадлар».

Инвестициялар асосий воситалар ёки бошқа активларни айирбошлаш йўли билан олинган ҳолатларда:

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ёки бошқача чиқиб кетиши» ёки 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ёки бошқача чиқиб кетиши».

Мисол. Дастлабки қиймати 800000 сўм, эскириши 300000 сўм, баҳоланган қиймати 600000 сўм бўлган ускуналарни айирбошлаш йўли билан инвестициялар олинган.

- асосий воситаларнинг дастлабки қийматига:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 800000 сўм

К-т 0130 «Машина ва ускуналар» - 800000 сўм

- эскириш суммасига:

Д-т 0230 «Машина ва ускуналарнинг эскириши» - 300000 сўм

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 300000 сўм

- баҳоланган қийматига:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 600000 сўм

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 600000 сўм

- асосий воситаларнинг баҳоланган қиймати ва қолдиқ қиймати орасидаги фарқ бўйича:

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000 сўм

К-т 9310 «Асосий воситаларни қилинишидан ва бошқача чиқиб кетишдан олинган фойда» - 100000 сўм.

Қимматли қоғозлар устав капиталини шакллантиришда муассислар акцияларини тўлаш ҳисобига келиб тушган тақдирда қуйидаги ёзув берилади:

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари»

Беғараз ёрдам тарзида олинган қимматли қоғозлар қуйидагича ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 8530 «Текинга олинган мол-мулк»

Қимматли қоғозлар узоқ муддатлидан қисқа муддатлига ва аксинча ўтказилиши мумкин. Бу ҳолатда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

- қисқа муддатлидан узоқ муддатлига ўтказилганда:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар»

- узоқ муддатлидан қисқа муддатлига ўтказилганда:

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар»

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг таҳлилий ҳисоби қўйилмалар турлари (пай, акция-

...организациялар ва бошқалар) ва ушбу қўйилмалар амалга ...ширилган объектлар (қимматли қоғозлар корхона-эмитентининг номи) бўйича олиб борилади. Молиявий инвестициялар ...ийий ҳисобининг тузилиши тўлиқ ўз вақтидаги ва ишончли ...ъмот олиш имкониятини таъминлаши лозим. Бунинг учун ...ида мавжуд бўлган барча қимматли қоғозлар қимматли ...ларни ҳисобга олиш бўйича махсус журналда қайд этилиши керак. Ушбу журнал албатта қуйидаги реквизитларга эга ...лиши лозим: корхона-эмитент номи, қимматли қоғознинг ...инал ва сотиб олиш қиймати, серияси, рақами, умумий ...ори, сотиб олиш санаси ва сотиш санаси ва ҳоказолар. ...ли қоғозлар депозитарийда сақланган тақдирда, журналда депозитарий реквизитлари қайд этилади.

12.3. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қиймат усули ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олиш

Корхона томонидан молиявий қўйилмалар қимматли қоғозларга, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган бошқа корхоналарнинг акцияларига қўйилиши мумкин.

Корхона бошқа корхона акцияларининг назорат тўплами (50% кўпроғи)ни сотиб олган ҳолатда компания-инвестор эмитентга нисбатан бош компания ҳисобланади, эмитент эса - компания-инвесторнинг шўъба корхонаси ҳисобланади. Шўъба корхонасининг оддий акцияларига молиявий қўйилмалар бош компаниянинг бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестициялар ҳисобланади ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олинади. Фаолиятни шўъба корхонаси билан бирликдаги хўжалик юритувчи субъект тарзида акс эттириш учун бош компания жамланган (йиғма) ҳисобот тайёрлайди.

Икки маротабалик ҳисобни олдини олиш мақсадида, жамланган ҳисоботни тайёрлашда ҳисоботдан бир-бирини такрорлайдиган бандларни чиқариб ташлаш лозим. Ҳисобот бандларидан қуйидагилар чиқариб ташланади:

- ўзаро қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар;
- шўъба ташкилоти капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар;
- бош ва шўъба компаниялари орасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;

- бош ва шўъба компаниялари орасида амалга оширилган операциялардан ҳосил бўлган даромадлар ва харажатлар.

Жамланган ҳисобот бош ва шўъба компанияларининг ягона ҳисоб сиёсати асосида тайёрланиши керак.

Бош ва шўъба корхоналари томонидан ҳисобга олишнинг турли услубиятлари қўлланилган тақдирда жамланган ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида бухгалтерия ҳисобининг бошқа услубияти қўлланилган ҳар бир банди ёритилиши лозим.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига қўйилган молиявий қўйилмалар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар умумий миқдорининг 20% дан то 50% гача бўлган тақдирда, инвестор компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади ва ушбу инвестицияларнинг ҳисобга олиш улушли қатнашиш усули билан амалга оширилиши керак. Улушли қатнашиш усули қўлланилганда молиявий инвестициялар сотиб олиш пайтида жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Компания-эмитент фаолиятининг молиявий натижаларида инвестор улуши тан олинган пайтда бу қиймат ошиши ёки камайиши мумкин. Инвестор инвестициялардан эмитент капиталидаги ўз улушига мутаносиб миқдорда фойда олади, шу боис фойда инвестициялар ҳисобварақларининг дебети ва инвестициялардан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади. Улушли қатнашиш усули қўлланилганда дивидендлар инвестициялар қайтарилиши тарзида акс эттирилади, шунинг учун дивидендларни ҳисобланда даромад ошмайди, инвестицияларнинг қиймати эса камаяди.

Мисол. «Фонон»АЖ «Фотон»АЖнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 10 минг дона оддий акцияларининг ҳар бирини 500 сўмдан сотиб олди, бу «Фотон» АЖ акцияларининг 40% ни ташкил этади. «Фотон» АЖ томонидан эълон қилинган дивидендлар 18000 сўм, унинг тақсимланмаган фойдаси эса - 160000 сўмни ташкил этади.

Акцияларни сотиб олиш (10000 х 500) = 5000000 сўм.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 5000000 сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 5000000 сўм.

«Фотон» АЖ томонидан дивидендларни эълон қилиниши:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» - 18000 сўм

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 18000 сўм.

Дивидендлар олинишида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 18000 сўм

К-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» - 18000 сўм.

Тақсимланмаган фойдани акс эттиришда «Фотон» АЖ соф фойдасидаги «Фонон» АЖнинг улуши ҳисобланади 160000 х 40% = 64000 сўм.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -64000 сўм

К-т 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» - 64000 сўм.

Корхона-инвестор, ўз инвестицияларини сақлаб қолган ҳолда, акциялар сотиб олган корхонасига аҳамиятли таъсир кўрсатишни тўхтатган тақдирда ёки уюшмага айлантирилган корхона, инвесторга ўз фондларини ўтказиш қобилиятини чеклайдиган қаттиқ узоқ муддатли чеклаш остида фаолият кўрсатган ҳолатда инвестор улушли қатнашиш усулини тўхтатишга ва ўз инвестициялари учун қиймат усулини қўллашга мажбур.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига узоқ муддатли инвестициялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг умумий миқдоридан 20% гача бўлган тақдирда, инвестор пассив улушга эга ёки компания-эмитент фаолиятига аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади, шу боис ушбу инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби, одатда қиймат усули бўйича амалга оширилади.

Ушбу усулнинг моҳияти ва унинг улушли қатнашиш усулидан фарқи шундан иборатки, акциялар бўйича дивиденд-лар эълон қилиш пайтида даромадни ва дебиторлик қарзини оширади, дивидендларни олиш эса - дебиторлик қарзини камайтиради.

Мисол. 2003 йил 1 январда «Диана» компанияси «Наргиз» компаниясининг ҳар бир акцияни 1000 сўмдан 1000 та оддий акциясини сотиб олди, бу «Наргиз» компанияси барча акцияларининг 10% ни ташкил этади. Акцияларнинг қопланиш муддати 5 йил. «Наргиз» компанияси томонидан 130000 сўм дивиденд эълон қилинди. Компаниянинг бир йилга соф фойдаси 2500000 сўмни ташкил этди.

Акциялар сотиб олиниши:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 1000000 сўм

- бош ва шўъба компаниялари орасида амалга оширилган операциялардан ҳосил бўлган даромадлар ва харажатлар.

Жамланган ҳисобот бош ва шўъба компанияларининг ягона ҳисоб сиёсати асосида тайёрланиши керак.

Бош ва шўъба корхоналари томонидан ҳисобга олишнинг турли услубиятлари қўлланилган тақдирда жамланган ҳисоботга илова қилинган тушунтириш хатида бухгалтерия ҳисобининг бошқа услубияти қўлланилган ҳар бир банди ёритилиши лозим.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига қўйилган молиявий қўйилмалар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар умумий миқдорининг 20% дан то 50% гача бўлган тақдирда, инвестор компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади ва ушбу инвестицияларнинг ҳисобга олиш улушли қатнашиш усули билан амалга оширилиши керак. Улушли қатнашиш усули қўлланилганда молиявий инвестициялар сотиб олиш пайтида жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Компания-эмитент фаолиятининг молиявий натижаларида инвестор улуши тан олинган пайтда бу қиймат ошиши ёки камайиши мумкин. Инвестор инвестициялардан эмитент капиталидаги ўз улушига мутаносиб миқдорда фойда олади, шу боис фойда инвестициялар ҳисобварақларининг дебети ва инвестициялардан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида акс эттирилади. Улушли қатнашиш усули қўлланилганда дивидендлар инвестициялар қайтарилиши тарзида акс эттирилади, шунинг учун дивидендларни ҳисоблашда даромад ошмайди, инвестицияларнинг қиймати эса камайади.

Мисол. «Фонон»АЖ «Фотон»АЖнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 10 минг дона оддий акцияларининг ҳар бирини 500 сўмдан сотиб олди, бу «Фотон» АЖ акцияларининг 40% ни ташкил этади. «Фотон» АЖ томонидан эълон қилинган дивидендлар 18000 сўм, унинг тақсимланмаган фойдаси эса - 160000 сўмни ташкил этади.

Акцияларни сотиб олиш (10000 х 500) = 5000000 сўм.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 5000000 сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 5000000 сўм.

«Фотон» АЖ томонидан дивидендларни эълон қилиниши:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» - 18000 сўм

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 18000 сўм.

Дивиденллар олинишида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 18000 сўм

К-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» - 18000 сўм.

Тақсимланмаган фойдани акс эттиришда «Фотон» АЖ соф фойдасидаги «Фонон» АЖнинг улуши ҳисобланади 160000 х 40% = 64000 сўм.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -64000 сўм

К-т 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» - 64000 сўм.

Корхона-инвестор, ўз инвестицияларини сақлаб қолган ҳолда, акциялар сотиб олган корхонасига аҳамиятли таъсир кўрсатишни тўхтатган тақдирда ёки уюшмага айлантирилган корхона, инвесторга ўз фондларини ўтказиш қобилиятини чеклайдиган қаттиқ узоқ муддатли чеклаш остида фаолият кўрсатган ҳолатда инвестор улушли қатнашиш усулини тўхтатишга ва ўз инвестициялари учун қиймат усулини қўллашга мажбур.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига узоқ муддатли инвестициялар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг умумий миқдоридан 20% гача бўлган тақдирда, инвестор пассив улушга эга ёки компания-эмитент фаолиятига аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади, шу боис ушбу инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби, одатда қиймат усули бўйича амалга оширилади.

Ушбу усулнинг моҳияти ва унинг улушли қатнашиш усулидан фарқи шундан иборатки, акциялар бўйича дивидендлар эълон қилиш пайтида даромадни ва дебиторлик қарзини оширади, дивидендларни олиш эса - дебиторлик қарзини камайтиради.

Мисол. 2003 йил 1 январда «Диана» компанияси «Наргиз» компаниясининг ҳар бир акцияни 1000 сўмдан 1000 та оддий акциясини сотиб олди, бу «Наргиз» компанияси барча акцияларининг 10% ни ташкил этади. Акцияларнинг қопланиш муддати 5 йил. «Наргиз» компанияси томонидан 130000 сўм дивиденд эълон қилинди. Компаниянинг бир йилга соф фойдаси 2500000 сўмни ташкил этди.

Акциялар сотиб олиниши:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 1000000 сўм

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 250000 сўм

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 250000 сўм

- инвестицияларнинг баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000 сўм

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» - 200000 сўм

- инвестициялар сотилишидан олинган фойда:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 50000 сўм

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» - 50000 сўм

Мисол. 300000 сўм баланс қийматига эга бўлган акциялар сотилди, сотилиш нархи - 270000 сўм.

- сотилиш нархига:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 270000 сўм

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 270000 сўм

- баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 300000 сўм

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» - 300000 сўм

- сотилишдан кўрилган зарарга:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» - 30000 сўм

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000 сўм

Мисол. Баланс қиймати 100000 сўм бўлган қисқа муддатли инвестициялар бегараз ёрдам тарзида бошқа корхонага берилди.

- инвестицияларнинг баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000 сўм

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» - 100000 сўм

- чиқарилишдан кўрилган зарар суммасига:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» - 100000 сўм

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000 сўм.

13-БОБ. МАҲСУЛОТ (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ҲАМДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ

13.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатлари ва уларнинг туркумланиши

Маҳсулот таннархи ушбу маҳсулот қийматининг пул шаклидаги қисми бўлиб, моддий, меҳнат ва бошқа сарф-харажатлардан иборат бўлади.

Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, корхонага маҳсулот тайёрлаш қанчага тушганини кўрсатади. Таннарх кўрсаткичи сотиш нархларини белгилаш, маҳсулотлар рентабеллигини ҳисоб-китоб қилиш, харажатларни пасайтириш резервларини аниқлаш учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини камайтириш муҳим аҳамият касб этади, чунки рақобатчилик муҳитида маҳсулотга талаб ва унинг сифатигина эмас, балки анчагина қисмини таннарх ташкил этадиган унинг нархи ҳам муҳимдир.

Бошқарувни такомиллаштириш ва харажатларнинг тўғри ва ўз вақтидаги бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, шунингдек моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қаттиқ назоратни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган харажатлар ва талафотларни ҳар томонлама камайтириш маҳсулот таннархини пасайтиришнинг энг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг асосига қуйидаги асосий тамойиллар қўйилган:

· бухгалтерия ҳисобида харажатларни иқтисодий жиҳатлари ва моддалари бўйича, маҳсулот турлари ва корхона бўлинмалари бўйича гуруҳлаштириш;

· маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг таннархини калькуляциялашга доир харажатлар ҳисобининг қабул қилинган услубияти йил давомида ўзгармаслиги;

· харажатлар ҳисоби объектларини маҳсулот таннархини калькуляция қилиш объектлари билан мувофиқлаштириши;

· даромадлар ва харажатларни ҳисобот даврларига тўғри киритиши;

· ҳисобда ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари ва капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатларни ажратиши.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тўғрисидаги ахборотни шакллантиришнинг ягона тамойилларини таъминлаш учун давлат томонидан маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, даромад ва харажатларни гуруҳларга ажратиш, корхоналар фаолияти тури, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан катъий назар уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг умумий тартиби белгиланган.

Ана шу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом" (кейинги ўзгартиришлар билан) ишлаб чиқилди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадлари учун харажатларни ҳисоблашда юзага келадиган фарқларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади харажатларни ҳисоблаш ва унинг бозор иқтисодиёти соҳасида рақобатбардошлигини белгилаш учун корхона фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ҳисобланади. Корхона харажатларининг бир қисми республика солиқ қонунчилигига кўра, унинг солиқ сиёсатига мувофиқ солиққа тортиладиган базага киритилиши натижасида солиққа тортиладиган фойда баланс фойдасидан (бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида олинадиган фойдадан) фарқ қилади.

Шунинг учун Низомда солиққа тортиладиган базани белгилаш услубияти ёритилган, "Солиққа тортиладиган" базага киритиладиган харажатлар моддалари (чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар)" деган 1-илова ва "Мазкур даврнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилмайдиган, лекин кейинги даврларнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариладиган харажатлар (вақтинчалик тафовутлар)" деган 2-илова берилган.

Низомда молиявий натижаларни шакллантириш услубияти белгиланган, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати, шунингдек корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар рўйхати келтирилган.

Ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиш учун бу харажатларни мақсадга мувофиқ туркумлаш зарур.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркиби тўғрисидаги мазкур Низомга асосан барча харажатлар қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

• маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

• асосий фаолиятдан келган фойдани аниқлаш вақтида харажатлар таркибига киритиладиган, аммо маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган давр харажатлари;

• корхона умумхўжалик фаолияти бўйича олинган фойда ёки зарарни ҳисоблаш пайтида инобатга олинадиган корхона молиявий фаолияти бўйича харажатлар;

• фойда ёки даромад солиғини тўлашдан олдинги фойда ёки зарарни ҳисоблаш вақтида инобатга олинадиган фавқулодда зарарлар.

Шу сабабли харажат моддаларини гуруҳлаш қуйидаги кўринишда бўлади:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат сарфлари;

в) ишлаб чиқаришга тааллуқли бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан қўшимча харажатлар.

2. Давр харажатлари:

а) сотиш бўйича харажатлар;

б) бошқариш харажатлари (маъмурий харажатлар);

в) бошқа операцияларга оид харажатлар ва зарарлар;

г) келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар:

а) фоизлар бўйича сарфлар;

б) чет эл валютасининг курси ўзгаришидан кўрилган зарарлар;

в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа сарф-харажатлар.

4. Фавқулодда зарарлар.

Маҳсулот таннархига қўшилиш усулига қараб ишлаб чиқариш харажатлари икки гуруҳга бўлинади: *бевосита (тўғри) харажатлар, билвосита (эгри) харажатлар.*

Бевосита (тўғри) харажатлар деб тегишли калькуляция объектининг таннархига тўппа-тўғри, яъни бевосита ўтказиладиган харажатларга айтилади. Масалан, технологик мақсадда сарфланган хомашё ва асосий материаллар, ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларнинг асосий иш ҳақи ва ҳоказо.

Билвосита, яъни ***эгри харажатлар*** бир неча хил маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ (қувват, сув, буғ ва ҳоказолар сарфи), шунинг учун улар мазкур маҳсулот турлари ўртасида тақсимотнинг аниқ базаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдорига боғлиқлигига қараб харажатлар икки гуруҳга бўлинади: *ўзгарувчан, шартли ўзгармайдиган.*

Ишлаб чиқарастган маҳсулот миқдорининг кўпайиши ёки камайишига қараб ўзгарадиган (улар ҳам кўпаяди ёки камаяди) харажатлар ***ўзгарувчан*** дейилади. Буларга хомашё, материаллар, технологик мақсадда ишлатиладиган ёқилғи ва электрқуввати, ишчиларнинг иш ҳақи, асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатлари киради.

Маҳсулот миқдорининг ўзгариши таъсир этмайдиган харажатлар ***шартли ўзгармайдиган*** харажатлар деб аталади. Буларга умумишлаб чиқариш харажатлари киради. Бу харажатлар таркибида ҳам маҳсулот миқдорининг кўпайиши ёки камайишига қараб ҳар хил саноат тармоқларида ҳар хил даражада ўзгарадиган харажатлар бўлиши мумкин. Лекин бундай харажатлар умумцех харажатлари ичида кам салмоққа эга ёки уларнинг ўзгариши унча сезиларли эмас. Шунинг учун улар шартли ўзгармайдиган харажатлар деб номланган.

Шартли ўзгармайдиган харажатлар мутлақ миқдор бўйича нисбатан ўзгармай қолсада, ишлаб чиқариш ўсганда таннархни пасайтиришнинг муҳим омилига айланади, чунки бунда уларнинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган миқдори камаяди.

Ишлаб чиқариш харажатлари таркибига қараб бир турдаги (ўхшаш) ва ҳар хил турдаги (мажмуа) харажатларга бўли-

ни ш. Бир турдаги харажатларга хомашё ва материаллар, иш ҳақи, ёқилғи ва қувват харажатлари киради. Мажмуа сарфлар таркибида ҳар хил турдаги харажатлар йиғилади. Масалан, умумишлаб чиқариш харажатлари, иш ҳақи, ёқилғи, амортизация ва ҳоказо сарфлар киради.

13.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархи маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) жараёнида фойдаланиладиган табиий ресурслар, хомашё, материаллар, ёқилғи, қувват, асосий фондлар, меҳнат ресурсларининг, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг қиймат баҳосини ифодалайди.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан боғлиқ, ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил этилиши шартлаган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар киритилади:

– материалларга доир бевосита харажатлар;

– меҳнатга доир бевосита харажатлар;

– билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш аҳамиятидаги устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қиладиган харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига мувофиқ равишда қуйидаги элементлари бўйича гуруҳланади:

· ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқиндилар қийматини чегирган ҳолда);

· ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

· ишлаб чиқариш аҳамиятидаги асосий фондлар ва номоддий активлар амортизацияси;

· ишлаб чиқариш хусусиятидаги бошқа харажатлар.

Моддий харажатлар қисмида маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қуйидаги моддалар киритилади:

– ташқаридан сотиб олинадиган, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган

ёки маҳсулот тайёрлашда (иш бажаришда, хизмат кўрсатишда) зарур компонент ҳисобланадиган хомашё ва материаллар;

– маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида меъёрий технологик жараённи таъминлаш учун ва маҳсулотни ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруратлари учун сотиб олинган материаллар, шунингдек, жиҳозларни, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, инвентар, хўжалик ашёлари ва асосий воситалар таркибига киритилмайдиган меҳнат воситаларининг қиймати;

– корхонада монтаж қилиш ва қўшимча ишлов бериш учун сотиб олинган бутлаш буюмлари ва ярим тайёр маҳсулотлар;

– чет ташкилотлар ёки жисмоний шахслар, шунингдек корхонанинг асосий фаолиятига тааллуқли бўлмаган, ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлари томонидан бажариладиган ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш хусусиятидаги ишлар ва хизматларга қуйидагилар киради: маҳсулот тайёрлаш, хомашё ва материалларга ишлов бериш бўйича алоҳида операцияларни бажариш; истеъмол қилинадиган хомашё ва материаллар сифатини белгилаш учун синовлар ўтказиш; белгиланган технологик меъёрларга риоя қилиниши устидан назорат; асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлаш ва ҳоказо.

Чет ташкилотларнинг корхона ичида юк ташиш бўйича транспорт хизматлари (хомашё, материаллар, асбоблар, деталлар, ярим тайёр маҳсулотлар, бошқа хил юкларни базис (марказий) омбордан цехларга олиб ўтиш ва тайёр маҳсулотни сақлаш омборларига етказиб бериш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятидаги хизматларга киради;

– табиий хомашё (ерни маданийлаштиришга ажратмалар, ерларни маданийлаштирадиган махсус корхоналарга тўлов), ўрмон ҳудудларидан ёғоч материаллари сифатида олиш учун тўлов, сув хўжалиги тизимидаги саноат корхоналари оладиган сув учун тўлов (меъёр чегарасида ва ундан ортиқ). Саноатнинг хомашё тармоқлари учун ёғоч материалларидан фойдаланиш ҳуқуқини амортизацияланадиган қиймати ёки фойдали қазилмалар (рудалар) қиймати ёки атроф муҳитни тиклаш харажатлари;

– корхона транспорти билан ишлаб чиқариш учун бажарилган хизматлар, технологик мақсадлар, биноларни иси-

ишлаб чиқариш, барча турдаги қувватни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган, четдан сотиб олинган ёқилғининг ҳамма турлари;

– корхонани технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек, хўжалик заруратларига сарфланадиган, сотиб олинадиган барча турдаги қувват (корхонада электр ва бошқа турдаги қувват ҳосил қилиш, шунингдек, сотиб олинган қувватни истеъмол жойигача узатиш ва қувватни пасайтириб бериш харажатлари тегишли харажат моддаларига киритилади);

– моддий ресурсларнинг камомади ва бузилишларидаги йўқотишлар;

– корхонанинг транспорти ва ходимларининг моддий ресурслар келтириш билан боғлиқ харажатлари (юклаш-тушириш ишлари қўшилган ҳолда) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли моддалари (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар)га киритилади;

– моддий ресурслар қийматига моддий ресурсларни етказиб берувчилардан олинган идиш ва ўрамлар учун тўланган корхона харажатлари ҳам қўшилади;

– маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқиндилар ҳамда идиш ва ўрамларнинг ҳақиқий қиймати сотиш, ишлатиш ёки омборга кирим қилиш нархларида чегирилади.

Қайтариладиган чиқиндилар – маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган, бирламчи ресурснинг истеъмол хусусиятларини (кимёвий ёки жисмоний хоссаларини) тўлиқ ёки қисман йўқотадиган ва шу туфайли оширилган харажатлар (маҳсулот ишлаб чиқарилиши пасайиши) билан ишлатиладиган ёки ўзининг бевосита мақсадида умуман ишлатилмайдиган хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, иссиқлик элтувчилар ва турли моддий ресурсларнинг қолдиқларидир.

Корхонада жорий этилган технологияга мувофиқ бошқа цехлар, бўлинмаларга бундан кейин ҳам ана шу ёки бошқа хил маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш учун тўлақонли хомашё ёки материаллар сифатида берилаётган моддий ресурслар қолдиқлари қайтариладиган чиқиндиларга киритилмайди. Рўйхати маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) тан-

нархини режалаштириш, ҳисобини юритиш ва калькуляция қилиш масалалари бўйича тармоқ услубий тавсиялари (йўриқномалари)да белгиланадиган қўшимча (боғланган) маҳсулот ҳам чиқиндиларга киритилмайди.

Қайтариладиган чиқиндиларни баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

— агар чиқиндилардан асосий ишлаб чиқариш учун, лекин оширилган харажатлар (тайёр маҳсулот чиқиши камайган) билан фойдаланиш, ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, кенг истеъмол буюмларини (маданий-маиший ва хўжалик-рўзғор молларини) тайёрлаш учун фойдаланиш ёки четга сотиш мумкин бўлса, бирламчи моддий ресурснинг пасайтирилган нархи бўйича, яъни эҳтимолий фойдаланиш нархи бўйича;

— агар чиқиндилар тўлақонли ресурс сифатида фойдаланиш учун четга сотилса, бирламчи моддий ресурснинг тўлиқ нархи бўйича ҳисобга олинади.

"Моддий харажатлар" элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати харид қилиш нархлари, қўшимча (устама) ҳақлар, таъминот ташкилотларига тўланадиган воситачилик ҳақлари, товар биржалари, шу жумладан брокерлик хизматлари ҳақлари, божхона божлари ва йиғимлари, чет ташкилотлар амалга оширадиган ташиш, сақлаш ва етказиб бериш учун тўловлардан келиб чиқиб шакллантирилади.

Ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидагилар кирали:

— корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб маошлари асосида, ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақини ёзишлар, шу жумладан ишлаб чиқариш ҳисоби бўйича дастлабки ҳужжатларда кўзда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

— касб маҳорати ва мураббийлик учун тариф ставкалари ва маошларга устамалар;

— иш тартиби ва меҳнат шартлари билан боғлиқ компенсация хусусиятидаги тўловлар, шу жумладан:

технологик жараён жалвалида кўзда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишлаганлик учун тариф ставкалари ва маошларга устама ҳамда қўшимча ҳақлар;

кун сменали тартибда ишлаганлик, касбларни ўринлаш-
ш билан бажарганлик ва хизмат кўрсатиш доираларини кен-
ошгирганлик учун устама ҳақлар;

оғир, зарарли, ўта оғир меҳнат шароитларида ва табиий —
ш, ним шароитларида ишлаганлик учун иш ҳақига устамалар,
шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун
ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхатла-
рига кўра иш ҳақига устамалар;

алоқа, темир йўл, сув, автомобил транспорти ва тош йўллар
ходимлари ҳамда фаолиятлари доимий ҳаракатда ёки кўчма
(сайёр) хусусиятга эга бўлган ходимлар иш ҳақига ишга кет-
ш вақтидан корхонага қайтиб келиш вақтигача суткасига
ўланадиган устамалар;

бевосита қурилиш, қайта жиҳозлаш ва мукаммал таъмир-
ш ишларида, шунингдек вахта усулида иш бажарилганида
ишнинг кўчма (сайёр) хусусиятлари учун ходимларга амал-
даги қонунчиликда кўзда тутилган устама ҳақлар;

ер ости ишларида доимий банд ходимларга уларнинг ки-
ш жойидан шахта (кон)даги иш жойига бориш ва қайтиш-
га белгиланган вақти учун қўшимча тўловлар;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳудудий тартибга солинишини шарт-
ланган, шу жумладан туман коэффициентлари ҳамда чўл, сув-
из ва баланд тоғлик жойларда ишлаганлик учун коэффици-
ентлар бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўловлар;

вахта усулида иш бажарилганида вахтада ишлаш жадвали-
да кўзда тутилган корхона жойлашган жойдан (йиғилиш мас-
панидан) иш жойига бориш ва қайтишда йўлда бўлган кун-
лар учун, шунингдек ходимларнинг оби-ҳаво шароитлари ёки
транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда ушланиб қол-
ан кунлар учун тариф ставкаси, маош миқдорида тўланади-
ган суммалар;

— ишларни вахта усулида ташкил этилганда иш вақти йи-
ғиндисини ҳисобга олган ҳолда ва бошқа ҳолларда амалдаги
қонунчиликда белгиланган меъёрдаги иш вақтидан сўнг ба-
жарилган ишларнинг бажарилганлиги ҳисобига бериладиган
ам олиш кунлари учун ходимларга тўланадиган иш ҳақи;

— ишлаб берилмаган вақт учун ҳақ, шу жумладан:

амалдаги қонунчиликка мувофиқ, навбатдаги (ҳар йил-
ги) ва қўшимча таътил тўловлари (фойдаланилмаган таътил

учун компенсациялар), ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, ёш боласини овқатлантириш учун оналарнинг ишдаги танаффуслари, шунингдек тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун тўловлар;

иш ҳақи қисман сақланиб, мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўловлар:

текширув, қон топшириш ва қон топширишнинг ҳар бир кунидан кейин бериладиган донор ходимларга ҳақ;

давлат мажбуриятларини бажарганлик учун меҳнат ҳақи (ҳарбий йиғин), фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва ҳоказо);

– агар бажарилаётган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоблар бевосита корхонанинг ўзида қилинса, улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар. шу жумладан пудрат шартномаси бўйича ишларни бажарганлик учун корхона ходимлар жадвалига киритилмаган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;

– қонунда белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловнинг бошқа турлари.

Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар қонунчилик томонидан ишлаб чиқариш хусусиятидаги ҳисоблаб ёзилган иш ҳақига фоизларда белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади. Улар давлат суғуртаси, нафақа жамгармаси, нафақа идораларига ўтказилади.

Корхона нодавлат нафақа жамгармалари. ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғурганинг бошқа турларига ажратмалар қила олади.

Ишлаб чиқариш хусусиятидаги харажатларга ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий фондлар ва номоддий активларнинг ҳисобланган амортизация суммалари ҳам киритилади.

Ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

– асосий ишлаб чиқариш воситаларининг, шу жумладан лизинг бўйича харид қилинган ва белгиланган меъёрлар тартибида тасдиқланганларининг, дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари (ҳисобланган эскириш) суммалари, шу жумладан қонун ҳуж-

ларига мувофиқ амалга оширилади диган жадаллаштирилган
мортизация;

— ишлаб чиқариш мақсадидаги номоддий активлар эскириши (амортизацияси) корхона дастлабки қийматдан ва уларни фойдали ишлатиш муддатидан (лекин корхонанинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган) келиб чиқиб ҳисоблаган меъёрлар бўйича ҳар ойда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Агар номоддий активни фойдали ишлатиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаса, эскириш меъёрлари икки йил ҳисобида, лекин корхонанинг фаолият муддатидан ошиб кетмаган ҳолда, белгиланади.

Ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа харажатларга қуйидагилар кирали:

— ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари, шу жумладан:

ишлаб чиқаришни хомашё, материаллар, ёқилғи, қувват манбалар, мосламалар, бошқа воситалар ва меҳнат буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

асосий ишлаб чиқариш фондларини ишчи ҳолатида тутиб туриш харажатлари (техник кўрик ва хизмат кўрсатиш, ўрта, юқорий ва мукаммал таъмирлаш харажатлари);

санитария-гигиена меъёрлари бажарилишини таъминлаш харажатлари, таъмирлашни ўтказиш учун захира барпо этиш харажатлари.

Зарурат туғилганда корхоналар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсати билан каптал таъмирлаш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини барпо этишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар "Ишлаб чиқариш хусусиятилаги бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади ва харажатларнинг тахмин қилинаётган қийматидан ва асосий воситалар ҳар бир объектини капитал таъмирлашни ўтказиш даврийлигидан келиб чиқиб белгиланади. Захирага ажратмалар меъёри ҳар бир ҳисобот йилининг охирида қайтадан кўрилади ва зарурат туғилганда янги молия йилида ажратмалар миқдорлари кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар мукаммал таъмирлашга захираланган маблағлар суммалари мазкур объектни таъмирлашнинг ҳақиқатдаги харажатларидан ошиб кетса, ошган сумма қорно қилиниши керак; агар ҳақиқатдаги харажатлар ре-

зерв қилинганидан ошиб кетса, ошган сумма "Ишлаб чиқариш мақсадидаги бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади;

– ёнғиндан сақланиш ва қўриқлашни таъминлашга доир ҳамда корхоналарни техник ишлатиш, улар фаолиятини назорат қилиш қоидаларида кўзда тутилган бошқа махсус талабларни таъминлаш харажатлари.

Идорадан ташқари қўриқлаш харажатлари, мазкур ишлаб чиқаришга доир ана шундай қўриқлаш бўлишини шартлайдиган махсус талаблар мавжуд бўлгандагина, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатларига киритилиши мумкин. Акс ҳолда улар давр харажатларига киритилади;

– ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларининг жорий ижараси билан боғлиқ харажатлар;

– табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги фондларни тутиб туриш ва ишлатиш билан боғлиқ жорий харажатлар, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари;

– ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари билан боғлиқ ва амалдаги қонунчиликда назарда тутилган, меҳнат ва хавфсизлик техникасининг бир маромли шароитларини таъминлаш харажатлари;

– бевосита ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштироки билан боғлиқ соғлиқни муҳофаза қилиш харажатлари;

– айрим тармоқлар ходимларига бепул тақдим этиладиган коммунал хизматлар, овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари қиймати, корхона ходимларига тақдим этилган бепул уй-жойга тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлар ва ҳоказолар учун пул компенсацияси суммалари);

– амалдаги қонунчиликка мувофиқ бепул бериладиган, доимий шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар (шу жумладан белгиланган кийим, кийим-кечак, махсус овқатланиш) қиймати (ёки уларни пасайтирилган нархларда сотиш муносабати билан имтиёзлар суммаси);

– техник бошқарув воситалари, алоқа тармоқлари, огоҳлантириш воситалари, ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бошқа техник бошқарув воситалари, ҳисоблаш марказларини тутиб туриш ва хизмат кўрсатиш харажатлари;

– қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун тиббий муассасаларга тўланадиган ҳақ;

– ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли ишлаб чиқариш ходимларининг хизмат сарфлари харажатлари;

– ишлаб чиқариш ходимлари ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий суғурталаш харажатлари;

– яроқсизликдан кўрилган йўқотишлар;

– кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли таъмирлаш ва кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари;

– ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра ишсиз туришлар туфайли йўқотишлар;

– маҳсулот (хизмат)ни мажбурий сертификатлаш харажатлари, бунга капиталлаштириладиганлар кирмайди;

– суд қарорларига асосан ёки уларсиз ишлаб чиқаришда шикастланганлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ нафақалар. Касб касаллиги муносабати билан нафақалар тўланиши;

– умумий фойдаланишдаги йўловчи транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига ва уйига ташиш билан боғлиқ харажатлар.

– объектлар давлат капитал қўйилмалари эвазига бунёд этилаётганда қурилиш хатарларини суғурталаш билан боғлиқ харажатлар;

– номоддий актив - гудвилл (фирма нархи)нинг, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган мол-мулк қисми суммасини белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар;

– кон қазиш тармоқларида тайёрлов ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатлар таркибига киритилмаса (яъни асосий воситалар сифатида капиталлаштирилмайди).

Ушбу харажатлар «Келгуси давр харажатлари» каби кўрилади ва ишлаб чиқариш таннархига уларни қоплаш учун белгиланган муддат мобайнида бир маромда ёки қазиб олинган маҳсулот ҳажми ва миқдорига мутаносиб ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Танлаб олинган келгуси давр харажатларини ҳисобдан чиқариш усули хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Маҳсулот ишлови технологияси мураккаб бўлган ишлаб чиқаришларда ҳар ойнинг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ҳисобга олинади. Тугалланмаган деб технологик жараёнида кўзда тутилган барча ишлаб чиқариш босқичини ўтмаган, техника назорати бўлими томонидан текшириб қабул қилинмаган буюм ва маҳсулотга айтилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари инвентарлаш усулида аниқланади ёки меъёрланган (режа)даги ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоланади ҳамда 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи дебетидаги қолдиқ сифатида ҳисобга олинади.

Мисол. Қуйидаги операциялар тўғрисида маълумотлар мавжуд:

Ишлаб чиқаришга сарфланди:

1. Материаллар	- 150 минг сўм.
2. Қувват	- 37 минг сўм.
3. Иш ҳақи	- 162 минг сўм.
4. Мукофотлар	- 20 минг сўм.
5. Ижтимоий суғуртага ажратмалар	- 72,8 минг сўм.
6. Умумишлаб-чиқариш сарфлари (ишлаб чиқариш таннархига киритилди)	- 56 минг сўм.
7. Ишлаб чиқариш чиқиндилари омборга топширилди	- 7,5 минг сўм.
8. Яроқсиз маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи	- 3 минг сўм.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари:

Ойнинг бошига	- 139,4 минг сўм.
Ойнинг охирига	- 102,5 минг сўм.

Ҳисобварақларда бу қуйидагича ифодаланади:

2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағи

Ой бошига қолдиқ	139 400		
1010	150 000	7 500	1090
6010	37 000	3 000	2610
6710	162 000 + 20 000	524 200	2810
6520	72 800		
2510	56 000		
Айланма	497 800		
Ойнинг охирига қолдиқ	102 500		

Гайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Т = Х + Б - О - Ч - Ҳ$$

Бу ерда: Т – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи, Х – ишлаб чиқариш харажатлари – 2010 ҳисобварақнинг дебетидаги айланмалар, Б – тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ой бошига қолдиғи, О – тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ой охирига қолдиғи; Ч – ишлаб чиқариш чиқиндилари қиймати; Ҳ – яроқсиз маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи.

524200 = 497800 + 139400 - 102500 - 7500 - 3000

Бу суммага қуйидаги ёзув берилади:

Д-т 2810 "Тайёр маҳсулот" - 524,2 минг сўм.

К-т 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" - 524,2 минг сўм.

Технологияси мураккаб эмас ва тугалланмаган ишлаб чиқариши бўлмаган корхоналарда 2010 ҳисобварақ қолдиқларга эга бўлмайди ва унинг дебет айланмалари суммасига юқорида келтирилган Д-т 2810 К-т 2010 ёзуви берилади.

Хизмат кўрсатувчи ёки иш бажарувчи корхоналарда 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобвараги дебети бўйича айланмалар суммаси ой охирида 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобвараги дебетига ҳисобдан чиқарилади.

13.3. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳисоби.

Йирик корхоналарда асосий ишлаб чиқаришни қувват, асбоблар, идишлар, таъмирлаш, транспорт ва бошқа хизматлар билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи ишлаб чиқариш ташкил этилади.

Турлари ва вазифалари бўйича ёрдамчи ишлаб чиқаришни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) асбобсозлик (асбоблар, мосламалар, штамплар, пресс-шакллар, моделларни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва тиклаш). Масалан, йирик тикувчилик корхонаси зарурият бўлганда тикув ишлаб чиқаришни турли хил фурнитура, яъни: тугмалар, металл илгаклар, кнопкалар ва ҳоказолар билан таъминлаш учун уларни ишлаб чиқарадиган цех очиши мумкин;

2) таъмирлаш (асосий воситаларни монтаж қилиш, замонавийлаштириш, хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар, қурилиш

деталлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш ва тиклаш);

3) энергетика (электр, иссиқлик ва бошқа қувватларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, қисилган ҳаво билан таъминлаш, оқова сувларни тозалаш, ҳаво алмаштириш, қувват тармоқлари ва мосламаларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш);

4) транспорт (юкларни ортиш ва тушириш ишлари, транспорт хизмати, юкларни йўлларда кузатиб бориш, транспорт воситалари, ортиш-тушириш механизмлари ва кириб-чиқиш йўлларига хизмат кўрсатиш);

5) идиш (идишларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш);

6) тош, шағал, қум ва бошқа норуда материалларини қазиб олиш;

7) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тузлаш, қуритиш ва консервациялаш (асосан савдо корхоналарида) ва бошқалар.

Асосий ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бўйича харажатларни ҳисобга олиш учун, ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида ҳисоб юритиладиган 2310 актив калькуляция ҳисобварағи қўлланилади.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг дебетида ҳисобот даври мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ёрдамчи цехлар бўйича ишларни бажариш билан бевосита, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқариш билан билвосита боғлиқ бўлган харажатлар жамланади.

2310

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
0210-0290	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда иштирок этадиган асосий воситалар бўйича эскиришни ҳисоблаш	Ой охирида ёрдамчи ишлаб чиқариш сарф-харажатларини ҳисобдан чиқариш ва уларни таннархга киритиш	2010
0510-0590	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланадиган номоддий активлар бўйича эскиришни ҳисоблаш	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг қисмини бошқа ёрдамчи цехлар харажатларига ҳисобдан чиқариш	2310

1010-1090	Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжларига материалларнинг сарф-харажати	Ёрдамчи цехлар харажатларининг қисмини умумишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқариш	2510
2510	Умумишлаб чиқариш харажатларининг улуши ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига киритилган	Ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари кирим қилинган	2810
6010	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатган мол етказиб берувчилардан олинган тўлаш учун ҳисобварақлар	Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг бажарилган ишлари ва хизматларининг ҳақиқий таннархи ҳисобдан чиқарилган	9130
6710	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига иш ҳақи ҳисобланган		
6520	Иш ҳақидан ижтимоий суғурта идораларига ажратмалар		
4220 ёки 6970	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларининг хизмат сафари харажатлари акс эттирилган		
6910-6990	Ижара тўловлари ва бошқа харажатлар ҳисобланиши		

Ушбу ҳисобварақнинг кредити бўйича ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг мазкур харажатлари истеъмолчилар бўйича тақсимланиши акс эттирилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари таннархининг ҳисоби ва калькуляцияси, аниқ бир тармоқ учун унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган харажатлар бандларининг номенклатураси бўйича амалга оширилади. Бундай бандларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қайтадиган чиқиндилар чегирилган материаллар;
- сотиб олинадиган буюмлар ва ярим тайёр фабрикатлар;
- ёқилғи;
- қувват;
- ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақи;
- иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари харажатларини ҳисобга олиш бўйича асосий дастлабки ҳужжатлар қуйидагилар: асбоблар, мосламалар, моделлар, пресс-шакллар, эҳтиёт қисмлар, идишларни топшириганлиги тўғрисида юк хатлари; таъмирланган объектлар бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномалари; автомобиллар ишлаганлигини тасдиқловчи йўл варақалари; ёрдамчи цехлар ходимларига иш ҳақини ҳисоблаш қайдномалари; шунингдек турли ҳисоб-китоблар, маълумотномалар ва ёритишлар.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришларда калькуляция объектлари бўлиб таннарх ҳисобланадиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг турлари ҳисобланади. Калькуляция бирлиги тарзида одатда қуйидаги табиий кўрсаткичлар қўлланилади: эҳтиёт қисмлар ёки асбобларнинг бир донаси ёки 100 таси; қувватнинг 1 кВ/соати, қисилган ҳаво ёки газнинг 1 метр куби, автотранспортнинг 1 км. босиб ўтган йўли ва бошқалар.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд бўлмаган олдий ёрдамчи ишлаб чиқаришларда калькуляция бирлиги таннархи «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар лебетининг ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишлар ва хизматлар бирлигига нисбати билан аниқланади.

Мурракаб ёрдамчи ишлаб чиқаришларда буюртмалар ва барча маҳсулот таннархини ҳиоблашда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўтказиладиган қолдиқлари инобатга олинади. Бир буюртма бўйича маҳсулотнинг бир неча бирлиги ишлаб чиқарилган тақдирда, бирлик таннархи харажатларнинг (тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда) буюмлар миқдори (ишлар ҳажми)га нисбати билан ҳисобланади. Буюртма бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг бир неча турлари ишлаб чиқарилган тақдирда, харажатлар уларнинг ҳар бири орасида режадаги (меъёрий) таннархга мутаносиб ҳолда тақсимланади.

Шунинг билан бир қаторда, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар бир-бирининг маҳсулотлар ва хизматларини ўзаро истеъмол қилиш хусусиятларини назарда тутиш лозим. Масалан, энергетика цехи бошқа ёрдамчи ишлаб чиқаришларни қувват билан таъминлайди, транспорт бўлими таъмирлаш цехига керакли бўлган материаллар ташишни амалга оширади ва ҳоказолар. Шу боис, тақсимланиши лозим бўлган харажатларни,

яъни тегишли ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари ҳақиқий таннархини ҳисоблашда, одатда ҳисобни соддалаштириш учун режали таннарх бўйича баҳоланадиган муқобил хизматлар қиймати эътиборга олиниши лозим.

Мисол. Корхонада ўз эҳтиёжлари учун юклар ташишни амалга оширадиган 10 та юк автомобили мавжуд. Ой мобайнида қуйидаги харажатлар амалга оширилган: ёқилғи-мойлаш материалларининг сарф-харажати - 2435 минг сўм, ҳайдовчиларнинг иш ҳақи - 500 минг сўм, ижтимоий суғуртага ажратмалар - 165 минг сўм, бир ойда автомобилларнинг эскириши 15000 минг сўмни ташкил этган, жами харажатлар 18100 минг сўм. Ушбу операциялар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Д-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» - 18100 минг сўм

К-т 1030 «Ёқилғи» - 2435 минг сўм

К-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» -500 минг сўм

К-т 6520 «Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар» - 165 минг сўм

К-т 0260 «Транспорт воситаларининг эскириши» - 15000 минг сўм.

Транспорт хўжалиги бўйича харажатларнинг тақсимланиши ҳақиқатда ишланган автомобил-соатдан келиб чиқиб амалга оширилган. 10 та автомобил бир ой мобайнида 1230 соат ишлаган, жумладан: а) материаллар ташиш бўйича - 470 соат; б) тайёр маҳсулотни ташиш бўйича - 600 соат; в) таъмирлаш цехига хизмат кўрсатиш бўйича - 100 соат; г) асосий воситалар чиқарилиши бўйича ташиш хизматлари - 60 соат. 1 автомобил-соат таннархини аниқлаймиз (18100 : 1230 = 14,715 сўм/автомобил-соат). Автохизматлар тақсимланиши қуйидагича амалга оширилади:

а) материалларни ташиш бўйича - 470 соат х 14,715 = 6916 минг сўм;

б) тайёр маҳсулотларни ташиш бўйича - 600 соат х 14,715 = 8829 минг сўм;

в) таъмирлаш устахонасига хизмат кўрсатиш бўйича - 100 соат х 14,715 = 1472 минг сўм;

г) асосий воситалар чиқарилиши бўйича ташиш хизматлари - 60 соат х 14,715 = 883 минг сўм.

Тақсимлангандан кейин 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварағи қуйидагича ёпилади:

Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 6916 минг сўм

Д-т 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» - 8829 минг сўм

Д-т 2311 «Таъмирлаш ишлаб чиқарилиши» - 1472 минг сўм

Д-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 883 минг сўм

К-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» - 18100 минг сўм.

Таъмирлаш ишлаб чиқаришларда харажатлар ҳар бир таъмирлашга алоҳида очилган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича ҳисобга олинади. Хизмат кўрсатиш цехларининг ускуналарини жорий соз ҳолда ушлаб туриш бўйича йиллик буюртмалар очилади. Унда харажатлар ой мобайнида жамланади ва калькуляция қилинмасдан цех-буюртмачи харажатларига ўтказилади.

Четда ишлаб чиқарилган ва олинган қувватни, шунингдек уни истеъмолчиларга бериш ҳисоби улчов асбоблари ёрдамида, улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса - ускуна қуввати ва ишлаш муддатидан келиб чиқиб ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар ва асбоблар кўрсаткичлари асосан қувват истеъмолчилар бўйича табиий кўринишда тақсимлаш қайдномаси тайёрланади. Шунинг ўзида қувват сарф-харажати мақсадли йўналишлар: ускуналарни ишлатиш, умумишлаб чиқариш ёки маъмурий харажатлар бўйича тақсимланади.

13.4. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби

Ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари салмоқдор бўлган корхоналарда умумишлаб чиқариш харажатлари ой давомида 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағи дебети бўйича жамланади. Уларга қуйидагилар киради:

– бошқарув аппарати ва бошқа цех ходимларини сақлаш;

– ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар ва номолдий активлар эскириши (амортизацияси);

– ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар, бинолар, иншоотлар ва анжомларни сақлаш ва таъмирлаш;

– меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси харажатлари;

– синовлар, тажрибалар, тадқиқотлар, рационализаторлик ва ихтирочилик;

– инвентар ва хўжалик ашёлари бўйича сарф харажатлар;
– ишсиз туриб қолишлардан йўқотишлар;
– цехларда сақлаш пайтида моддий бойликлар бузилишидан йўқотишлар;
– моддий бойликлар ва ишлаб чиқарилиши тугалланмаган маҳсулотлар камомади;
– бошқа харажатлар.

Корхонанинг бухгалтерия хизмати ушбу харажатлар сметасини ишлаб чиқиши зарур.

Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг жамлама ҳисоби 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» актив йиғиш-тақсимлаш ҳисобварақлар қуйидаги ҳисобварақлар бўйича юритилади;

2510 «Моддий харажатлар»;

2511 «Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари»;

2512 «Ижтимоий ажратмалар харажатлари»;

2513 «Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси»;

2514 «Бошқа харажатлар»;

Ой давомида харажатлар 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағи дебетида ҳисобга олинади, ой охирида ушбу харажатлар маҳсулот турлари ўртасида, шунингдек тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи ва товар маҳсулоти ўртасида тақсимланади. Шунинг учун 2510 ҳисобварақ сальдога эга эмас.

2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» ҳисобварағи бўйича асосий ўтказмалар чизмаси

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
	Сальдо йўқ		
0211	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда иштирок этадиган асосий воситалар эскириши ҳисобланди	Ой охирида умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилди ва улар таннархга киритилди	2010
0510	Умумишлаб чиқариш хусусиятидаги номоддий активлар бўйича эскириш ҳисобланди	Умумишлаб чиқариш харажатлари бир қисми ёрдамчи цехлар харажатларига ҳисобдан чиқарилди	2310

Ҳисоб-варақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисоб-варақлар дебети
1010-1090	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишга, ускуна ва хоналарни таъмирлашга материаллар сарфи		
2310	Ёрдамчи цехлар хизматлари ҳисобдан чиқарилди		
6010	Бошқа ташкилотлар хизматлари (қувват, газ, сув, алоқа ва ҳ.к.) ҳисобдан чиқарилди		
6710	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд ходимларга иш ҳақи ҳисобланди		
6520	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд ходимлар иш ҳақидан ижтимоий сугуртага ажратмалар ҳисобланди		
4220	Цехлар бошқарув аппаратининг хизмат сафари харажатлари акс эттирилди		
6910-6990	Ижара тўловлари ҳисобланди ва бошқа харажатлар		

Ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг турли усуллари қўлланилади, уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

– ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақига мутаносиб равишда;

– булим харажатларига мутаносиб равишда;

– ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига мутаносиб равишда;

– бевосита харажатларга мутаносиб равишда ва ҳоказо.

Умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақига мутаносиб равишда тақсимлашга мисол келтирамиз.

Буюмлар	Ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақи	Тақсимлаш коэффициенти	Умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий суммаси
А	120 000	0,8	96 000
Б	180 000	0,8	144 000
В	100 000	0,8	80 000
	400 000	0,8	320 000

Ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади: аввал барча буюмлар бўйича бир ой учун ҳақиқатда ҳисобланган ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақи суммасига нисбатан харажатлар коэффициенти белгиланади (320000 : 400000 = 0,8). Сўнгра ушбу коэффициентга ва ҳар бир буюм бўйича ҳисобланган иш ҳақи суммасига мувофиқ аниқ буюмга тўғри келадиган умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси белгиланади:

А буюми (120000 х 0,8) = 96 минг сўм;

Б буюми (180000 х 0,8) = 144 минг сўм;

В буюми (100000 х 0,8)= 80 минг сўм.

Ушбу харажатлар тақсимлангач улар асосий ишлаб чиқаришга қуйидаги ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш».

К-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Ёрдамчи ишлаб чиқариш таннархига харажатларни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш».

К-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари».

Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва таннархни калькуляция қилмайдиган корхоналарда ушбу харажатлар бевосита 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағида ҳисобга олиниши мумкин.

13.5. Маҳсулот яроқсизлиги (брак) ва туриб қолишдан йўқотишлар ҳисоби

Ўз сифати бўйича белгиланган стандартлар ва техник шартлар талабларига жавоб бермайдиган, белгиланган вазифаси бўйича фойдаланиб бўлмайдиган ёки тузатишлар киритилгандан кейингина ишлатиш мумкин бўлган буюмлар, ярим

фабрикатлар, деталлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқаришдаги яроқсизлик (брак) деб ҳисобланади.

Айрим ишлаб чиқаришларда яроқсизлик режалаштирилиши мумкин, чунки у ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятлари билан боғлиқ. Лекин яроқсизлик мумкин бўлган энг кам даражада режалаштирилиши керак.

Бузилишларнинг тавсифидан келиб чиқиб яроқсизлик тузатиладиган ва тузатилмайдиган (якуний)ларга ажратилади. Тузатилиши техник жиҳатдан мумкин бўлмаган ёки иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлмаган маҳсулот тузатилмайдиган яроқсизлик ҳисобланади.

Аниқланган жойидан келиб чиқиб яроқсизлик ички, яъни ишлаб чиқарувчи корхонада аниқланган ва ташқи - харидор томонидан маҳсулотга ишлов бериш, йиғиш, монтаж қилиш ёки ишлатиш пайтида аниқланганга ажратилади.

Корхонада аниқланган яроқсизлик ҳолати яроқсизлик бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади ва унда яроқсиз деб тан олинган маҳсулот номи, унинг миқдори, пайдо бўлиш сабаблари ва айбдорлар, шунингдек яроқсизлик таннархини бандлар бўйича калькуляциялаш, уни қоплаш бўйича суммалар ва ундан йўқотишларни аниқлаш учун керакли бўлган маълумотлар келтирилади.

Яроқсизликнинг бухгалтерия ҳисоби 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақнинг дебетида яроқсизликни аниқлаш бўйича харажатлар, тузатиб бўлмайдиган яроқсизликдан йўқотишлар акс эттирилади. 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» ҳисобварағининг кредитида яроқсизликдан йўқотишларни камайтиришга ўтказиладиган суммалар (эҳтимолий ишлатиш нархи бўйича яроқсиз деб тан олинган маҳсулот қиймати, яроқсизлик айбдорларидан ушлаб қолинадиган суммалар, сифатсиз материаллар етказиб берганлиги натижасида яроқсизлик юзага келганлиги сабабли мол етказиб берувчилардан ундириладиган суммалар ва ҳоказолар), шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларига яроқсизликдан йўқотишлар тарзида ҳисобдан чиқариладиган суммалар акс эттирилади.

Яроқсизликнинг бухгалтерия ҳисоби ва йўқотишларни қоплаш қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Д-т 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик»

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

К-т 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» - яроқсизлик тўғрисидаги далолатнома бўйича якуний яроқсизлик суммасига:

К-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» яроқсизликни тузатиш учун ишчиларнинг иш ҳақи бўйича.

К-т 6520 «Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар» - ижтимоий суғурта ажратмалар суммасига.

К-т 1010-1090 «Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» - яроқсизликни тузатишга сарф-харажат қилинган материаллар суммасига ва бошқалар.

Яроқсизликдан йўқотишларни камайтиришга ўтказилади-ган суммалар қуйидаги ўтказмалар билан акс эттирилади:

Д-т 1010-1090 «Материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» - яроқсиз маҳсулотлар моддий бойликларининг эҳтимолий ишлатиш нархлари билан кирим қилиниши.

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» - яроқсизликдан юзага келган йўқотишларни ҳисобдан чиқариш ва уларни асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари таннархига киритиш.

Д-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар», 4730 «Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари» - яроқсизликдан йўқотишларни моддий зарар етказишда айбдор бўлган ходимлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилган суммага.

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - яроқсиз маҳсулотни эҳтимолий сотилиш нархи бўйича кирим қилиниши.

К-т 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик».

2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» ҳисобварағининг дебет ва кредит айланмалари бўйича фарқ яроқсизликдан олинган якуний йўқотишлар ҳисобланади, улар ҳисобот йилининг охирида 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг дебети бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Олтита костюмнинг яроқсизлиги аниқланди, битта костюмнинг таннархи 18 минг сўм, жами костюмларнинг таннархи 108 минг сўмни ташкил этади (18 минг сўм х 6 та костюм), эҳтимолий ишлатиш нархи бўйича 24 минг сўмлик материаллар кирим қилинди, яроқсизликка айбдор бўлган ходимларнинг иш ҳақидан 50 минг сўм ушлаб қолинди. Яроқсизликдан якуний йўқотишлар 34 минг сўмни ташкил этди

(108 - 24 - 50). Ушбу операциялар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади:

Д-т 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» - 108000 сўм

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 108000 сўм

Д-т 1010 «Хомашё ва материаллар» - 24000 сўм

К-т 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» - 24000 сўм

Д-т 6710 «Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» - 50000 сўм

К-т 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» - 50000 сўм

Д-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» - 34000 сўм

К-т 2610 «Ишлаб чиқаришда яроқсизлик» - 34000 сўм

Ишлаб чиқаришнинг режалаштирилмаган тўхтатилиши муносабати билан механизмлар ва ишчи кучларининг мажбурий тарзида фаолият кўрсатмаслиги ***тўхтаб қолишлар*** деб аталади. Вужудга келиш сабаблари бўйича *ички* ва *ташқи тўхтаб қолишларни* ажратадилар. Ташқи сабаблар билан тўхтаб қолишларга ўз вақтида материаллар, қувват, ёқилғи ва бошқалар билан таъминланмаганлиги сабабли юзага келадиган тўхтаб қолишлар мансуб. Бундай тўхтаб қолишлар тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади ва унда тўхтаб қолиш сабаблари, вақти, йўқотишлар ва бошқалар қайд этилади. Ички сабаблар билан тўхтаб қолишлар варақчалар ёки тўхтаб қолиш тўғрисидаги далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Ички ишлаб чиқариш сабаблари бўйича тўхтаб қолишлардан юзага келган йўқотишлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварағининг дебети ва материаллар, иш ҳақи, ижтимоий сугурта ажратмаларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича акс эттирилади. Бошқа турли сабаблар бўйича юзага келган йўқотишлар 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағининг дебети ва материаллар, иш ҳақи, ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича акс эттирилади.

13.6. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни баҳолаш

Ишлов беришнинг барча босқичларидан ўтмаган ва техник назорат бўлими томонидан қабул қилинмаган маҳсулот, шунингдек буюртмачи томонидан қабул қилинмаган тугалланмаган ишлар тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни тўғри баҳолаш учун ишлов беришнинг барча босқичларида деталлар ва бирикмалар қолдиғи силжишининг тезкор миқдорий ҳисобини юритиш, қолдиқлар мавжудлигини мунтазам равишда текшириш ва ҳар бир ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлаш лозим.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг бухгалтерия ҳисоби тезкор ҳисоб юритиш ва инвентарлаш маълумотларига асосан, деталлар ва бирикмалар бирлиги таннархи бўйича пул ифодасида юритилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари силжишининг тезкор миқдорий ҳисобини юритиш цехларнинг нозимлик бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади. Лекин, тугалланмаган ишлаб чиқаришга оид қолдиқ харажатлар тўғрисида аниқроқ маълумотларни фақат тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлаш йўли билан олиш мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг доимий ўтказиладиган қолдиқлари мавжуд бўлган ишлаб чиқаришларда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ўтказиладиган харажатларни аниқлаш учун, уларни ҳар ойда баҳолаш лозим. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи қуйидаги ҳисоб-китоб билан аниқланади: ой бошидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришга ой мобайнидаги харажатлар қўшилади, шунингдек ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш айрилади. Шунинг учун ишлаб чиқаришда қолдиқларни тўғри аниқлаш ва уларни тўғри баҳолаш жуда муҳимдир. Қолдиқлар тўғрисида маълумотлардаги барча хатолар, сўзсиз, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи нотўғри акс эттирилишига олиб келади.

Ишлаб чиқариши якка тартибли ва туркумли тавсифга эга бўлган корхоналарда ҳисоб буюртма усули бўйича юритилганда одатда тугалланмаган ишлаб чиқаришни алоҳида баҳолаш амалга оширилмайди. Унинг қиймати тугалланмаган буюртмалар бўйича харажатлар билан аниқланади.

Катта ҳажмдаги ва оммавий ишлаб чиқаришларда тугалланмаган ишлаб чиқаришни ойма-ой баҳолаш амалга оширилади. Баҳолашни амалга ошириш усулларининг фарқи қўлланилаётган ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулига (яримфабрикатли ёки яримфабрикатсиз) боғлиқ бўлади.

Яримфабрикат варианти яримфабрикатлар таннархи ҳисобланиши ва у бухгалтерия ҳисобида қўшимча равишда кири-

тилган «Хусусий равишда ишлаб чиқарилган яримфабрикатлар» бандида акс эттирилишини кўзда тутади. Бунда деталлар ва бирикмалар улар жойлаштирилган цехлар харажатлари бўйича баҳоланади, бошқа цехлар харажатлари эса «Хусусий равишда ишлаб чиқарилган яримфабрикатлар» банди бўйича акс эттирилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни яримфабрикатсиз варианти бўйича баҳолашда умуман корхона бўйича товар тарзида чиқарилган маҳсулот таннархида цех харажатлари улушини аниқлаш мумкин, лекин ушбу цехда ишлаб чиқарилган буюмларнинг цех бўйича таннархини аниқлаб бўлмайди.

Ушбу цех бўйича маҳсулотнинг цех таннархини аниқлаш учун фақат ушбу цех харажатлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқларини баҳолаш лозим. Бу мақсадда тугалланмаган ишлаб чиқариш баҳоланади ва «ўз цех харажатлари бўйича», яъни биринчи бор юзага келадиган цех харажатлари деб кўрсатилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш учун асосий мезон бўлиб бевосита харажатлар суммасини аниқлаш ҳисобланади. Бевосита харажатлар (материаллар ва асосий иш ҳақи) ҳар бир калькуляция объекти (буюм, детал ва ҳоказолар) бўйича амалдаги меъёрларга асосан ҳисобланади. Қолган харажатлар эса бевосита харажатлар суммасига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни соддалаштирилган усули ҳам қўлланилади, яъни: иш ҳақи суммаси операциялар бўйича ҳисобланмасдан ўртача кўрсаткич - тугалланмаган буюм жойлашган цех бўйича тўлиқ тўловнинг 50% олинади, олдинги цехлар бўйича эса - тўлиқ тўланган сумма олинади.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни инвентарлашни цех бўйича инвентарлаш комиссиялари амалга оширади ва унинг таркиби нозимлик бўлими, бухгалтерия ходимлари ва цех усталаридан иборат бўлади. Инвентарлаш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, деталлар, бирикмалар ва ишлов бериш босқич (операция)лари бўйича акс эттирилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инвентарлаш далолатномаси яроқли деталлар, бирикмалар ва бошқалар учун тузилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича инветарлаш далолатномалари бухгалтериянинг ишлаб чиқариш гуруҳига берилади. Бу ерда уларга ишлов берилади, яъни фарқлар бўйича (аниқланган тақдирда) солиштирма қайдномалари тузилади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий қолдиқлари аниқланади, тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича аниқланган оргиқчалар ва камомадлар ҳисоб регистрларида тегишли ёзувлар билан тартибга солинади. Амалиётда ушбу ҳисоб-китоблар гуруҳлар ёки буюмлар турлари бўйича калькуляция қайдномалари ёки ишлаб чиқаришнинг таҳлилий ҳисоб қайдномаларида амалга оширилади.

Яроқсизликдан йўқотишлар, махсус асбоблар эскириш қиймати тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига киритилмайди. Қайд этилган харажатлар фақат тайёр маҳсулот чиқарилишига ўтказилади. Яроқсизликдан йўқотишлар муайян ой охирида тайёр бўлмаган буюртмага ўтказилган тақдирда. Улар тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархига киритилади

13.7. Келгуси давр харажатлари ҳисоби

Келгуси давр харажатларига мазкур ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин келгуси ҳисобот даврларига ўтказиладиган харажатлар киритилади, чунки улар бўйича даромадлар олиниши келгусида кутилади. Булар қуйидагилардан иборат: даврий нашрлар ва адабиётга обуна бўлиш учун олдиндан тўланган барча йиллик сумма, бир неча ойларга олдиндан тўланган ижара ҳақлари ва бошқа харажатлар, мол-мулкни йиллик суғурталаш тўловлари.

Харажатларни амалга ошириш пайтида уларнинг узоқ муддатли қисми бўйича моддий, меҳнат ва пул маблағлари ҳисобварақларининг кредитидан 0990 «Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар», жорий қисмининг суммасига эса 3100 «Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлари» ҳисобвараға дебетланади. Ҳисобот даврлари етиб келиши мобайнида уларга тааллуқли бўлган харажатлар тақсимланиши (ҳисобдан чиқарилиши) лозим.

Ижара тўлови, телефон учун тўловлар, асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ва бошқа харажатлар бир маромда тенг улушлар билан тааллуқли ҳисобот даврида ҳисобдан чиқари-

лади (2010, 2510, 2310, 9400 ҳисобварақларининг дебетига, 3100 ҳисобварағининг кредитига).

Мисол. 2004 йилнинг январ ойида цех биноси учун 720000 сўм ижара тўлови бир йил олдиндан амалга оширилди, бу қуйидаги ўтказма билан акс эттирилди:

Д-т 3110 «Олдиндан тўланган ижара» - 720000 сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 720000 сўм.

Январ ойининг охирида олдиндан тўланган ижара ҳақининг бир қисми жорий харажатларга ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» - 60000 сўм

К-т 3110 «Олдиндан тўланган ижара» - 60000 сўм

Мисол. 2003 йилнинг ноябр ойида «Иқтисодий ахборотнома» журналига уч йилга обуна бўлиш учун 108000 сўм олдиндан тўлов ўтказилган. Маблағлар ўтказилиши пайтида ушбу операция қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 0990 «Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар» - 72000 (108000 : 3 х 2 = 72000 сўм)

Д-т 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» жорий қисмига - 36000 сўм (108000 : 3 = 36000)

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» 108000 сўм.

Ҳар ойда ушбу журнал олиниши билан 2004 йилнинг январ ойидан бошлаб тегишли сумма 3190 ҳисобварағидан давр харажатларига ҳисобдан чиқарилиши лозим:

Д-т 9420 «Маъмурий харажатлар» - 3000 сўм

К-т 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» - 3000 сўм.

Биринчи йил тугагандан кейин, кейинги йил харажатларига ўтказиладиган сумма узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилиши лозим:

Д-т 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» - 36000 сўм

К-т 0990 «Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар» - 36000 сўм.

Келгуси давр харажатларининг ҳисобга олиш ва тақсимлаш тартиби маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш имкониятини беради, ҳисобот даврлари бўйича унинг асоссиз ўзгаришининг олдини олади, корхонанинг молиявий фолияти натижаларини тўғри аниқлаш имкониятини яратади. Келгуси давр харажатларининг қопланмаган қисми балансда алоҳида банд билан акс эттирилади.

14-БОБ. ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

14.1. Сотиш бўйича харажатлар ҳисоби

Давр харажатлари – харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан жорий этилган корхонанинг харажатлар ҳисоби тизимида нисбатан янги кўрсаткич. Бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар давр харажатлари гуруҳасига киритилади. Ушбу харажатларга бошқарув, тижорат харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги бошқа харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари киради. Ушбу харажатлар корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан боғланмагани, лекин маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш бўйича асосий фаолияти билан боғлангани учун улар ***операцион харажатлар,*** шунингдек ***умумий*** ва ***маъмурий харажатлар*** деб ҳам аталади. Улар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ёки товарлар ҳажмига боғлиқ эмас, аксинча, вақт, хўжалик фаолиятининг қанча давом этиши билан кўпроқ боғлиқ. Ушбу харажатлар улар пайдо бўлган ҳисобот даврида йиғилади ва ҳисобдан чиқарилади.

Давр харажатларига қуйидаги харажатлар киритилади:

- маҳсулотни сотиш харажатлари;
- бошқарув харажатлари;
- бошқа операцион харажатлар, шу жумладан илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатлари, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини ривожлантириш харажатлари;
- келгусида солиқ солиш базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари.

Сотиш харажатларига қуйидагилар киритилади:

– товарларни темир йўл, ҳаво, автомобил, денгиз, дарё орқали ва от-уловда ташиш харажатлари. Ушбу моддага ташиш харажатлари, шунингдек транспорт воситаларининг тўхтаб қолиши учун тўланган жарималар киради;

– савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг сотиш бўйича харажатлари, шу жумладан:

маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, бунга маъмурий-бошқарув аппарати ходимларига ҳақ тўлаш кирмайди;

иш ҳақига тааллуқли ижтимоий суғурта харажатлари;

савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага бериш, сақлаш ва таъмирлаш харажатлари;

асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

санитария кийимлари, сочиқ ва дастурхоналар, арзон инвентар ва хўжалик ашёлари, ошхона анжомлари ва идиш-товоқларнинг эскириши;

газ, ёқилғи, электр қуввати харажатлари;

товарларни сақлаш, ишлов бериш ва навларга ажратиш харажатлари;

савдо рекламаси харажатлари;

ташиш, сақлаш ва сотишда мсъёрлар доирасида ва улардан ортиқча товарлар талафотлари;

идишлар харажатлари;

мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш харажатлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси харажатлари;

ҳаво ҳайдагичларни ўрнатиш ва сақлаш, машиналар ва уларнинг ҳаракатланадиган қисмлари, туйнуклар, тешиклар ва ҳоказоларни ғов билан ўраб қўйишнинг жорий (нокапитал тусдаги) харажатлари;

махсус кийим ва махсус пойабзалнинг эскириши;

махсус кийим, махсус пойабзал ва якка тартибдаги ҳимоянинг бошқа воситалари, дастурхон ва сочиқлар ҳамда санитария кийимини ювиш, тузатиш ва дезинфекциялаш учун корхоналар, таъмирловчи ва бошқа юридик шахсларга ҳақ тўлаш;

махсус кийим ва пойабзални тозалаш ва тузатиш учун сарфланган материаллар қиймати;

умумий овқатланиш ва савдо ходимларини тиббий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга тўланадиган ҳақ;

касса хўжалигини юритиш ва тушумни инкассациялаш чиқимлари;

умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз дастрўмолчалар,

дастурхонлар, стакан ва тақсимчалар, бир маротаба фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

– сотиш бозорларини ўрганиш харажатлари (маркетинг, реклама харажатлари);

– юқорида қайд этилмаган сотишга доир бошқа харажатлар.

Маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9410 «Сотиш бўйича харажатлар» ҳисобварағининг дебетида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу ҳисобварақнинг кредитидан 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

14.2. Маъмурий харажатлар ҳисоби

Маъмурий харажатларга қуйидагилар киритилади:

– бошқарув аппарати ходимларига тааллуқли меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

– бошқарув аппарати ходимларига тааллуқли ижтимоий суғуртага ажратмалар;

– енгил хизмат автотранспорти ва бошқа микроавтобусини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;

– хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари;

– бошқарувнинг техник воситалари, алоқа тармоқлари, огоҳлантириш воситалари, ҳисоблаш марказлари ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган бошқа техник бошқарув воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

– ижара, хизматлар кўрсатгани учун алоқа тармоқларига ҳақ (АТС, мобил, йўлдош, пейжинг алоқаси ва Интернет);

– халқаро ва шаҳарлараро телефон сўзлашувларига ҳақ тўлаш;

– маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бино ва хоналар ижарасига ҳақ тўлаш;

– маъмурий мақсаддаги асосий воситаларни сақлаш ва таъмирлаш харажатлари, шунингдек уларнинг эскириши (амортизацияси);

– юқори ташкилотлар ва юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва ҳоказоларни сақлашга ажратмалар:

— ишлаб чиқариш жараёни билан боғланмаган ходимлар ва мол-мулкнинг мажбурий ва ихтиёрий суғуртаси билан боғлиқ;

— бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари харажатлари;

— вакиллик харажатлари;

— хоналарни бепул бериш харажатлари, умумий овқатланиш корхоналарига коммунал хизматлар қийматини тўлаш ва ҳоказо;

— бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган, табиатни муҳофаза қилиш мақсадидаги жамғармаларни сақлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари.

Бошқарув ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9420 «Маъмурий харажатлар» ҳисобварағининг дебетида ҳисобга олинади, ҳисобот давринининг охирида эса ушбу ҳисобварақнинг кредитидан 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

14.3. Бошқа операцион харажатлар ҳисоби

Бошқа операцион харажатларга қуйидагилар киритилади:

— ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, бундан янги жорий этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлашга қабул қилинадиган ходимлар мустасно;

— лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ҳудудидаги омборга ташишда юз берган шикастланиш ва носозликларни бартараф этиш харажатларини қоплаш, занглашга қарши ҳимоя воситалари нуқсонларини юзага келтирган сабабларни тафтиш (ускунани муҳофазалаш) харажатлари ва етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, камчиликлар, шикастланиш ёки зарарлар учун масъул етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига мазкур харажатлар тўланиши мумкин бўлмаган даражада амалга ошириладиган шунга ўхшаш бошқа харажатлар;

— маслаҳат ва ахборот хизматлари учун тўланадиган ҳақлар;

— аудиторлик хизматларига тўланадиган ҳақ;

— ўзининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларини сақлашдан кўриладиган зарарлар;

— бевосита ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иш-гироки билан боғланмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил этиш тадбирлари;

— хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизмат)ларни бажариш харажатлари (шаҳар ва қўрғонларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар);

— компенсацияловчи ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар, шу жумладан:

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари бўйича компенсация тўловлари;

кўп йил ишлагани учун бир галги мукофотлар, тақдирлаш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг қарорига кўра табиий тўловлари, шунингдек улар бўйича ижтимоий фондларга ҳисобланган суммалар;

мажбуран ишга келмаганлик ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик вақти учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг қарорига кўра ҳақ тўлаш;

меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилган тақдирда қонун ҳужжатларига биноан белгиланган ҳақиқий иш ҳақига қадар қўшимча тўловлар;

малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш тизимида ўқитилган вақтда асосий иш жойидан ишчиларга, улар ишдан ажратган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг ишчи ва хизматчиларига тўланадиган иш ҳақи;

ўн икки ёшгача икки ва ундан ортиқ болалари ёки ўн олти ёшгача ногирон боласи бўлган аёлларга, қонунчиликка мувофиқ, қўшимча таътил учун ҳақ тўлаш;

ходимларга бепул товарлар, маҳсулот ва бошқа бойликлар бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланиш, йўлда юриш, дам олиш ва даволанишга йўлланмалар, экскурсия ва саёҳатлар, спорт секциялари, тўгараклар, клублардаги машғулотлар, маданий-кўнгил очиш ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларида қатнашиш, обуна, ходимларнинг шахсий истеъмоли учун товарлар ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар);

– иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўлов ва харажатлар, шу жумладан:

қонун ҳужжатларига мувофиқ бола икки ёшга етишига қадар уни парваришлаш бўйича ойлик нафақа тўлаш харажатлари;

нафақага устамалар, нафақага чиқаётган меҳнат фахрийларига тўланадиган бир йўла нафақалар;

корхонани қайта тузиш, ходимлар сони ва жадвали қисқариши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлардан бўшатиб олинаётган ходимларга қонунга мувофиқ тўланадиган тўловлар;

ходимларга тўланадиган моддий ёрдам;

– соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, соғломлаштириш масканлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари ва уй-жой фонди объектларини тутиб туриш харажатлари (шу жумладан амортизация ажратмалари ва барча турлардаги таъмирлашни ўтказиш харажатлари);

– вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларни сақлаш харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

– банк ва депозитарий хизматларига ҳақ тўлаш;

– экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассаса ва ташкилотларига бадаллар;

– бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган, давлатнинг мақсадли жамғармаларга ажратмалар, шунингдек, Ҳукумат қарорларига мувофиқ давлатлараро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш;

– зарарлар, жарималар, пенялар, шу жумладан:

бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича талафотлар;

бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тааллуқли бўлмаган моддий бойликларнинг талафотлар ва камомадлари;

ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулотни паст баҳо усули ёки сотишнинг соф қиймати бўйича қайта баҳолаш ёки нархни тушириш натижасида кўрилган зарарлар;

илиш билан боғлиқ операциялар бўйича зарарлар;

суд чиқимлари;

даргумон қарзлар бўйича захирага ажратмалар;

даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи ва ундириш мумкин бўлмаган бошқа қарзларни ҳисобдан чиқариш зарарлари, шунингдек қонунга мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича даргумон қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар;

ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар операциялари бўйича зарарлар;

табиий офатлардан кўрилган қопланмайдиган талафотлар ва зарарлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр буюмлар ва бошқа моддий бойликларнинг йўқ қилиниши ва бузилиши, ишлаб чиқариш тўхташидан кўрилган талафотлар ва ҳоказо), шу жумладан табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар;

айбдорлари аниқланмаган ёки зарур суммаларни айбдор ҳисобига қоплаб бўлмайдиган ҳолда ўғирликлардан кўрилган зарарлар;

хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари) чиқарилишидан (балансдан ҳисобдан чиқаришдан) кўрилган зарарлар;

хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун, шу жумладан етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган тўловлар ва бошқа хил чоралар, шунингдек етказилган зарарларни тўлаш харажатлари;

солиқ қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима ва пенялар;

тўланган бошқа жарималар;

ходимларга бериладиган ёки ёрдамчи хўжаликлар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш корхонаси учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бўйича нарх тафовутлари;

Ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулк бўйича, гудвилл (фирма нархи)нинг белгиланган тартибда, номоддий активи суммасини ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажатлар ;

- янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган техноло-

гияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари олиб бориш, хомашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари;

- ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-синов ишларини олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва куриклар, танловларни, сертификатлашни ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар;

- ижарага берилган асосий воситаларни таъминлаш харажатлари;

- бошқа харажатлар.

Бошқа операцион харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу ҳисоварақнинг кредитидан 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

14.4. Келгусида солиққа тортиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларининг ҳисоби

Келгусида солиққа тортиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даврининг харажатларига капиталлаштириш билан боғлиқ бўлмаган ва капиталлаштириладиган асосий воситалар қийматига киритилмайдиган харажатлар тааллуқлидир.

Уларга қуйидагилар киритилади:

— янги хўжалик юритувчи субъектлар, ишлаб чиқаришлар, устахоналар, агрегатларни ўзлаштириш харажатлари, шу жумладан:

— машина ва механизмларнинг айрим турларини якка тартибда синаш ва улар монтажининг сифатини текшириш мақсадида барча турдаги ускуналар ва техник қурилмаларни синаш;

— ускунани етказиб берувчи заводлар ёки уларнинг топширигига биноан ихтисослаштирилган корхоналар амалга оширадиган оталиқ-монтаж;

– қурилаётган корхона дирекциясини, дирекция бўлма-
ган – техник назорат гуруҳини сақлаш харажатлари, (маъ-
мурий харажатлар), шунингдек янги хўжалик юритувчи
субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш би-
лан боғлиқ харажатлар;

янги ишга туширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар-
ни ишлаш учун ходимлар тайёрлаш харажатлари;

– бошқарув тизими ва воситаларини яратиш ҳамда тако-
миллаштириш харажатлари;

– туркумли ва оммавий ишлаб чиқариладиган маҳсулот
ҳамда технологик жараёнларнинг янги турларини тайёрлаш
ва ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш харажатлари;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ ишчи кучини танлаш би-
лан боғлиқ харажатлар;

– хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқарувчи ти-
зимларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

Келгусида солиққа тортиш базасидан чиқариладиган ҳисо-
бот даврининг харажатлари ҳисобот даври мобайнида 9440
«Келгусида солиққа тортиш базасидан чиқариб ташланадиган
ҳисобот даврининг харажатлари» ҳисобварағининг дебетида
ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу ҳисоб-
варақнинг кредитидан 9910 «Якуний молиявий натижа»
ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Шундай қилиб ҳисобот даври давомида харажатлар ушбу
ҳисобварақлар дебетида акс эттирилади ва харажатлар тарки-
би тўғрисидаги Низомда назарда тутилган харажатлар модда-
лари бўйича гуруҳларга ажратилади. Харажатларни гуруҳларга
ажратишни йил бошидан ўсиб борувчи якунлар билан назар-
да тутилган моддалар бўйича қатъий тартибда бажариш за-
рур, чунки харажатга киритилган айрим моддалар сўнгра,
солиқ ҳисоботини тузаётганда солиққа тортиш фойдага ки-
ритилади. Тўғри гуруҳлаштириш ва моддалар бўйича давр ха-
ражатлари ҳисоби солиқ солинадиган фойда ҳисоб-китоби-
нинг бундан кейин тўғри бўлишини кафолатлайди.

9410-9440 «Давр харажатлари» ҳисобварағи сальдога эга
бўлмаган транзит ҳисобварақ ҳисобланади. Ҳисобот даври охи-
рида ушбу ҳисобварақ дебетида йиғилган харажатларнинг уму-
мий суммаси 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи
дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Харажатлар қуйидаги чизма бўйича ҳисобга олинади:

9410-9440 «Давр харажатларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
0210-0299 0510-0590 1010-1090 6010 6710 6520 4220 6110 4910 6910-6990 5010	Маъмурий ва бошқарув аҳамиятидаги асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш Номоддий активлар бўйича эскиришни ҳисоблаш Материалларни умумхўжалик харажатларига ҳисобдан чиқариш Чет ташкилотлар хизматларини ҳисобдан чиқариш (алоқа, сув, газ ва ҳоказо) Бошқарув аппарати ходимларига иш ҳақини ҳисоблаш Иш ҳақидан ижтимоий сугурта ажратмалар Хизмат сафарлари харажатларини ҳисобдан чиқариш Юқори ташкилотни сақлаш харажатлари Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисоблаш Ижара ҳақи, аудиторлик хизматлари учун ҳақни ҳисоблаш, жарималар, зарарларни ҳисобдан чиқариш Бир маротабалик моддий ёрдамни тўлаш	Ҳисобот даври охирида давр харажатларини ҳисобдан чиқариш	9910

14.5. Бошқа харажатлар ҳисоби

Ишлаб чиқариш харажатлари ва давр харажатларидан ташқари корхонанинг харажатлар таркибига, шунингдек, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар, даромад (фойда)лар солиги бўйича харажатлар киритилади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат:

- банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлардан ташқари), шу жумладан, муддати ўтган ва узайтирилган қарзлар бўйича фоизлар;
- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;
- чет эл валютаси билан операциялар бўйича манфий курс тафовутлари ва зарарлар;
- сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;
- ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шу жумладан, қимматли қоғозлар бўйича манфий дисконт.

Бундай харажатлар ҳисобот даври мобайнида 9610-9690 «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларининг дебетида ҳисобга олинади, ҳисобот давринининг охирида эса ушбу ҳисобварақларнинг кредитидан 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Корхонада қуйидаги операциялар амалга оширилган:

1) Банкдан олинган кредит бўйича 200 минг сўм суммада фоиз ҳисобланган:

Д-т 9610 «Фоизли кўринишдаги харажатлар» - 200 минг сўм

К-т 6920 «Ҳисобланган фоизлар» - 200 минг сўм

2) Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар 14 минг сум миқдорда қайд этилган:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» - 14 минг сўм

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» - 14 минг сўм

3) Валюта ҳисобварағини қайта баҳолаш натижасида юзага келган 16 минг сўмлик салбий курс фарқи тан олинган:

Д-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар» - 16 минг сўм

К-т 5210 «Валюта ҳисобварағи» - 16 минг сўм

4) Ҳисобот давр охирида молиявий фаолият бўйича харажатлар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилган:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 230 минг сўм

К-т 9610 «Фоизли кўринишидаги харажатлар» - 200 минг сўм

К-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» - 14 минг сўм

К-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар» - 16 минг сўм.

Бухгалтерия ҳисобида фавқулодда зарарлар алоҳида ҳисобга олиниши лозим. Фавқулодда зарарлар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши қутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. Бунга фавқулодда моддалар ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр моддалари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар модласи сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи тавсифи - воқеа ёки битим юқори даражада одатдаги фаолиятдан четга чиқиш билан тавсифланиши ва аниқ ҳолда корхонанинг одатдаги хўжалик юритиш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тавсифга эга бўлиши лозим;

- камдан-кам вужудга келиши - воқеа ёки битим тавсифи шундай бўлиши керакки, кўзланган келажакда, яъни бир неча йил мобайнида улар такрорланишини кутиш мумкин эмас;

- мустақиллик - бўлиб ўтган воқеа ёки битим корхона фаолиятининг ихтиёри ва ҳаракатидан ташқари содир этилиши, яъни бошқариш ходимлари томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмас.

Тегишли моддаларни фавқулоддда харажатларга киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар ҳолга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда - иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулоддда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда "бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги" мезонига жавоб бермайди.

Фавқулоддда харажатлар туркумига қуйидаги воқеалар ва ҳолатларни киритиб бўлмайди, зеро улар одатдаги бизнес-таваккалчилигига мансубдир:

- дебиторлик қарзлари, товар-моддий бойликлар ёки узоқ муддатли активлар ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарарлар;

- валюта курс фарқидан кўрилган зарарлар;

- маҳсулот ёки товарлар таннархидан паст нархларда сотилгандан кўрилган зарарлар ва бошқалар.

Халқаро амалиётда одатда фавқулоддда зарарларга қуйидагиларни киритадилар:

- табиий офатлар ёки бахтсиз ҳодисалардан (масалан, зилзила, сув тошқини, ёнғинлар ва ҳоказо) кўрилган йирик йўқотишлар;

- сиёсий ўзгаришлар, яъни уруш, инқилоб ва бошқалар натижасидан кўрилган йўқотишлар;

- қонунчилик ўзгариши муносабати билан кўриладиган йўқотишлар, масалан экспроприация қилиш, давлат тасарруфига ўтказиш, фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш ва бошқалар.

Молиявий ҳисоботда фавқулоддда бандларни алоҳида ажратиб кўрсатишдан асосий мақсад ҳисобот даврида фаолият натижаларини янада ҳам холисроқ акс эттириш, зеро ушбу зарарлар корхона ходимларининг ҳаракатига боғлиқ эмас ва улар таъсир доирасидан ташқарида эканлигидан иборат.

Фавқулоддда зарарлар ҳисобот даври мобайнида 9720 «Фавқулодда зарарлар» ҳисобварағининг дебетида жамланади. Ҳисо-

бот даврининг охирида эса зарарлар суммасининг барчаси 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи бўйича ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Яшин уриши натижасида тайёр маҳсулот омбори ёниб кетди ва қуйидаги зарар кўрилди: тайёр маҳсулот камомади - 1532 минг сўм; асосий воситалар чиқарилишидан - 1138 минг сўм; инвентар ва хўжалик ашёларидан - 30 минг сўм. Зарарлар қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади:

Д-т 9720 «Фавқулодда зарарлар» - 2700 минг сўм

К-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 1532 минг сўм

К-т 9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 1138 минг сўм

К-т 1080 «Инвентар ва хўжалик ашёлари» - 30 минг сўм

Ҳисобот давринининг охирида фавқулодда зарарлар умумий молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 2700 минг сўм

К-т 9720 «Фавқулодда зарарлар» - 2700 минг сўм

Даромад (фойда)лар солиғи бўйича харажатлар харажатларнинг яна бир тури ҳисобланади. Ушбу харажатларнинг ҳисоби 9800 «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақлари гуруҳида олиб борилади ва улар қуйидагилардан иборат:

9810 «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)лар бўйича харажатлар» ҳисобвараги ҳисобот даври мобайнида фойда солиғи, савдо корхоналарида - ялпи даромад, микрофирмалар ва кичик корхоналарда - ягона солиқ бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

9820 «Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар» ҳисобварағи ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисобланишини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Ушбу ҳисобварақларнинг дебетида ҳисобот даври мобайнида юқорида қайд этилган солиқлар ҳисобланиши акс эттирилади.

Солиқларни ҳисоблаш қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 9810 «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)лар бўйича харажатлар»

Д-т 9820 «Фойладан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Ҳисобот даврининг охирида ҳисобланган солиқлар суммасининг барчаси қуйидаги ўтказмалар билан якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9810 «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)лар бўйича харажатлар»

К-т 9820 «Фойладан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар»

Солиққа тортиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мақсадларида фойдани ҳисоблаш бўйича турли қоидалар мавжуд бўлганлиги сабабли ушбу икки рақамлар аҳамиятли фарқ қилиши мумкин. Солиққа тортиш мақсадида ҳисобланган солиққа тортилиши лозим бўлган фойда солиқ фойдаси деб аталади. Молиявий ҳисоботда акс эттириладиган ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига асосан ҳисобланган фойда бухгалтерия фойдаси деб аталади. Бу ҳолатларда вақтлар бўйича фарқлар деб аталадиган ва кейинчалик қопланадиган фарқлар вужудга келади. Вақтлар бўйича фарқлар мисоли тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: ҳисобга олиш мақсадида амортизациянинг жадаллаштирилган усули, солиққа тортиш мақсадида эса - бир маромли ҳисоблаш усули қўлланилади; ҳисобга олиш мақсадида бўнак тарзида тўланган ижара ҳақи олдиндан тўланган харажатлар деб ҳисобга олинади, солиққа тортиш мақсадида эса у харажатларга киритилади; ҳисобга олиш мақсадида обуна бўйича олинган даромадлар муддати кечиктирилган даромадлар деб ҳисобланади, солиққа тортиш мақсадида эса улар бутунлай солиққа тортиш базасига киритилади ва ҳоказо. Бухгалтерия фойдасидан келиб чиқиб ҳисобланган солиқ суммаси солиқлар бўйича харажатлар деб аталади ва 9810 «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)лар бўйича харажатлар» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади, солиқ фойдаси бўйича ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тўланадиган солиқ деб аталади ва 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» кредити бўйича акс эттирилади. Молиявий натижалар тўғриси-

даги ҳисоботда солиқ бўйича сарф-харажат миқдори акс эттирилади, фойда солиғи бўйича маълумотномада эса, солиқ тўлаш бўйича жорий йил мажбуриятини ифодалайдиган ва баланс пассивида акс эттириладиган, тўланиши лозим бўлган солиқ қайд этилади. Ушбу икки сумма ўртасидаги фарқ муддати кечиктирилган фойда солиғи деб тушунилади ва 0950 (3210) «Вақтлар бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади ёки бўлмаса қолдирилган солиқ деб тушунилади ва 7250 (6250) «Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар» ҳисобварағида акс эттирилади. Ушбу ўзаро боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Солиқлар бўйича харажатлар	=	Тўланиши лозим бўлган солиқ	+ -	Кечиктирилган солиқ

Бухгалтерия фойдаси солиқ фойдасидан кўп бўлса ва, мутаносиб ҳолда, солиқ бўйича сарф-харажатлар тўланиши лозим бўлган солиқдан кўп бўлган тақдирда, кечиктирилган солиқ қолдирилган солиқ бўйича мажбурият тарзида, кам бўлган тақдирда эса - кечиктирилган солиқ тарзида актив сифатида акс эттирилади.

Мисол. Жорий йилда енгил автомобилни амортизацияси бўйича харажатлар ҳисобга олиш учун 2000 минг сўмни, солиққа тортиш мақсадида эса - 1000 минг сўмни ташкил этди. Солиққа тортилгунга қадар фойда 30000 минг сўм, фойда солиғи бўйича ставка - 20%. Фойда солиғи бўйича харажатларни аниқлаймиз: 30000 х 20% = 6000 минг сўм, тўланадиган солиқ 30000 + 2000 - 1000 = 6200 минг сўмни ташкил этади. Солиқ бўйича ўтказмани тузамиз:

Д-т 9810 «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)лар бўйича харажатлар» - 6000 минг сўм

Д-т 0950 «Вақтлар бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» - 200 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (гурлари бўйича)» - 6200 минг сўм

Кейинчалик ушбу фарқ қуйидаги тарзида бартараф қилинади:

- фарқни жорий қисмга ўтказилишини акс эттириш:

Д-т 3210 «Вақтлар бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» - 200 минг сўм

К-т 0950 «Вақтлар бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» - 200 минг сўм

- вақтлар бўйича фарқнинг ҳисобдан чиқарилиши:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 200 минг сўм

К-т 3210 «Вақтлар бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» - 200 минг сўм

Мисол. Бухгалтерия ҳисоби мақсадларида амортизация ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланди ва 100 минг сўмни ташкил этди, солиққа тортиш мақсадида эса - бир маромли усул билан ҳисобланди ва 180 минг сўмни ташкил этди деб фараз қилайлик. Солиққа тортилгунга қадар фойда 1200 минг сўм. Солиқ ставкаси 20%. Солиқ бўйича харажатларни аниқлаймиз: 1200 минг сўм х 20% = 240 минг сўм. Тўланадиган солиқ: 1200 + 100 - 180 х 20% = 224 минг сўм. Бухгалтерия ўтказмаларини берамиз:

Д-т 9810 «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)лар бўйича харажатлар» - 240 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 224 минг сўм

К-т 7250 «Вақтлар бўйича фарқи билан даромад (фойда) солиғи бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар» - 16 минг сўм

Келгуси ҳисобот даврларида ушбу фарқ қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

- фарқ жорий қисмга ўтказилишининг акс эттирилиши:

Д-т 7250 «Вақтлар бўйича фарқи билан даромад (фойда) солиғи бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар» - 16 минг сўм

К-т 6250 «Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» - 16 минг сўм

- вақтлар бўйича фарқнинг ҳисобдан чиқарилиши:

Д-т 6250 «Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» - 16 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 16 минг сўм.

14.6. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деганда маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини белгилашни ва маҳсулот таннархини шакллантириш жараёни устидан назорат қилиш учун зарур ахборотни таъминлайдиган, ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобда акс эттириш усуллари мажмуи тушунилади.

Маҳсулот тури, унинг мураккаблиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тури ва хусусиятига боғлиқ ҳолда саноат корхонасида маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг қуйидаги асосий усуллари қўлланилади: *оддий (бир бўлимли), буюртмали ва меъёрий усуллар.*

Оддий усул. Саноатнинг қазиб чиқарувчи тармоқлари, электростанциялар, кимё саноати ва қурилиш материалларининг баъзи ишлаб чиқаришлари ва ушбу корхоналар ишлаб чиқаришнинг оммавий тусдаги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир ёки бир неча турлари, технология жараёнининг қисқа даврлиги ва кўпчилик ҳолларда тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг йўқлиги билан тавсифланади.

Ушбу усул бўйича харажатларни ҳисобга олиш объекти бўлиб ишлаб чиқариш жараёни ҳисобланади, у бир қатор ҳолларда босқичларга бўлинади. Шу муносабат билан моддалар номенклатурасига ҳам ўзгартишлар киритилади, унда ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади: барча харажатлар одатда бевосита бўлгани сабабли уларни иқтисодий элементлар бўйича акс эттириш имконияти мавжуд.

Оддий усулда таннархни калькуляция қилиш:

Маҳсулот турлари	Бир ойда чиқарилган маҳсулотлар сони	Маҳсулот бирлигининг режадаги таннархи, сўм	Ҳақиқатда ишлаб чиқаришга режадаги харажатлар, сўм	Тақсимлаш коэффициенти	Ҳақиқий харажатлар, сўм	Маҳсулот бирлиги учун харажатлар, сўм
А маҳсулоти	100	1 500	150 000	1,244	186 600	1 866,0
Б маҳсулоти	300	450	135 000	1,244	167 940	559,8
В маҳсулоти	800	2 260	1 808 000	1,244	2 249 160	2 811,5
			2 093 000	1,244	2 603 700	

Келтирилган ҳисоб-китобда аввало коэффициент аниқланади, у ҳақиқий харажатлар умумий суммасининг режадаги харажатлар умумий суммасига нисбати сифатида ҳисобланади:

2 603 700 : 2 093 000 = 1,244

Сўнгра, ишлаб чиқаришга ҳақиқий харажатларнинг умумий суммаси (2 603 700 сўм) уларнинг режадаги харажатлар суммасидаги ҳиссасига мувофиқ равишда А, Б, В маҳсулотлари ўртасида тақсимланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иерархи белгиланади.

А маҳсулоти бўйича ҳисоб-китоб қуйидагича кўриниш олади:

150000 х 1,244 = 186600 сўм.

Б маҳсулоти бўйича:

135000 х 1,244 = 167940 сўм.

В маҳсулоти бўйича:

1808000 х 1,244 = 2249160 сўм.

Бўлимли усул пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир қатор технологик жиҳатдан узлуксиз босқичларидан ўтадиган бирламчи хомашёни изчил қайта ишлаш йўли билан олинадиган ишлаб чиқаришлар учун хос — бу ҳолат қора ва рангли металлургия, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда мавжуд. Айрим цехлар ва бўлимлар ичида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг ярим тайёр маҳсулотлар вариантини қўллаш ушбу усулнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Бўлимли усулда мазкур цех ёки бўлим маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг ярим тайёр маҳсулотларсиз варианти қўлланиши мумкин.

Тайёр маҳсулот таннархи асосий материаллар таннархига бир қатор изчил босқичларда уларга ишлов бериш таннархларини аста-секин жамлаш йўли билан белгиланади. Ҳисоб бўлимли усул бўйича ташкил этиладиган ишлаб чиқаришлар кўп материал талаб қилади, шунинг учун моддий харажатлар ҳисоби ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида материаллардан фойдаланиш устидан назоратни таъминлашини эътиборга олиб ташкил этилади. Бир бўлимда олинган ярим тайёр маҳсулотлар кейинги бўлимда бирламчи материал бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат билан уларни баҳолаш ва қиймат ифодасида кейинги бўлимга топшириш зарурияти юзага келади.

Улар тайёр маҳсулот сифатида бошқа корхоналарга соти-

лиши мумкинлиги учун ҳам ярим тайёр маҳсулотларни баҳолаш зарур бўлади. Уларни бир бўлимдан бошқа бўлимга топширишда ярим тайёр маҳсулотларни баҳолаш ҳақиқий таннарх бўйича амалга оширилади.

Бўлим бўйича харажатларнинг мазкур бўлимда ишлов бериш якунланган ва ишлаб чиқарилиши тугалланмаган маҳсулотлар ўртасида уларга ишлов бериш жараёнида хомашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар тавсифининг табиий кўрсаткичларига мутаносиб равишда тақсимланиши ушбу усулнинг хос хусусияти ҳисобланади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг **буюртмали усули** ишлаб чиқариш ҳисобининг энг оддий усулларидан биридир. У асосан якка тартибда ва кичик туркумларда маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилади. Якка ёлғиз нусхалар, майда туркумдаги маҳсулотлар, таъмирлаш, монтаж қилиш ва синов ишлар, фуқароларнинг кийим ёки пойабзални якка тартибда тикиш учун буюртмалари ва ҳоказолар ушбу усулда калькуляция қилиш объектлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг барча харажатлари таҳлилий ҳисобда буюртмалар бўйича қатъий тарзда ҳисобга олиниши ушбу усулнинг фарқлаб турувчи хусусиятидир. Ҳар бир буюртма доирасида харажатлар белгиланган калькуляция моддалари бўйича гуруҳланади. Ҳар бир буюртмага харажатлар таҳлилий ҳисоби варақаси юритилади, унда маҳсулотнинг номи ва тури, маҳсулотлар сони, буюртмачининг номи, буюртманинг тугаш муддати, режадаги таннарх, нархи кўрсатилади. Барча дастлабки ҳужжатлар буюртма кодини албатта кўрсатган ҳолда тузилади.

Оддийлик ва калькуляция қилиш объектлари бўйича харажатларни гуруҳлаш учун кулайлик буюртмали усулнинг афзал жиҳати ҳисобланади. Бироқ у бир қатор жиддий камчиликларга эга: ушбу усулда калькуляция вақти-вақти билан (ҳар ойда) эмас, балки алоҳида буюртмалар якунланишига қараб тузилади, шу сабабли ҳисобот даври учун ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларини аниқлаб бўлмайди.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг ***меъёрий усули*** қуйидаги тамойилларга риоя қилишини тақозо этади:

– корхонада амал қилаётган меъёрлар асосида ҳар бир маҳсулот тури бўйича олдиндан меъёрий таннарх калькуляциясини тузиш;

– меъёрий таннархни тузатиш, ана шу ўзгаришларнинг маҳсулот таннархига таъсирини белгилаш учун ой мобайнида ишлаб чиқаришлар ҳисобини юритиш;

– сабаблари ва айбдорларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида белгиланган меъёрлардан тафовутларни муттазам аниқлаб бориш;

– маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини унинг меъёрий таннархи, тафовутлар ва меъёр ўзгаришларини алгебраик йиғиндиси сифатида аниқланади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи меъёрий усулда қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$Ҳт = Мтн \pm Мт \pm Мў$$

бу ерда Ҳт – ҳақиқий таннарх; Мтн – меъёрий таннарх; Мт – меъёрлардаги тафовутлар; Мў – меъёрлар ўзгариши.

Меъёрий усул ҳисоб маълумотларидан таннархнинг пасайишини резервларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тезкор раҳбарлик қилиш учун самарали фойдаланиш имкониятини берадиган илғор усул ҳисобланади. Меъёрий усул, одатда, кўп миқдордаги детал ва бирикмалардан иборат хилма-хил ва мураккаб маҳсулотни оммавий ва туркумли ишлаб чиқаришда, ишлов берувчи саноат корхоналарида (машинасозлик, металлга ишлов бериш, тикувчилик, пойабзал, трикотаж, мебелсозлик тармоқлари ва ҳоказо) қўлланилади.

15-БОБ. ТАЙЁР МАҲСУЛОТ, ТОВАРЛАР ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

15.1. Тайёр маҳсулот ва уни баҳолаш

Тайёр маҳсулот – корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсулотидир.

Технологик ишлов беришнинг барча босқичларидан ўтган, тасдиқланган стандартлар ва техник шартларга мувофиқ келадиган (унинг сифатини тасдиқлайдиган сертификат ёки бошқа ҳужжат билан таъминланган), техник назорат бўлими қабул

қилган ва омборга топширилган ёки харидорга юклаб жўнатилган маҳсулот тайёр маҳсулот деб ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот айланма маблағлари таркибига киради ва шунинг учун "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан у балансда ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар, хомашё, материаллар, ёқилғи, қувват, меҳнат ресурслари ва уни ишлаб чиқаришга доир бошқа харажатлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига оладиган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс эттирилиши керак.

Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини фақат ҳисобот даври (ой) тугаши билан ҳисоблаш мумкин. Маҳсулотнинг ҳаракати (ишлаб чиқариш, юклаб жўнатиш, сотиш) эса ҳар куни юз беради, шунинг учун жорий ҳисоб учун маҳсулотнинг шартли баҳоси зарур.

Тайёр маҳсулот ҳаракатининг жорий, кундалик ҳисоби ҳисоб нархларида режадаги ишлаб чиқариш таннархи ёки шартномавий нархлар бўйича юритилади.

Ой охирида тафовут (четга чиқиш) аниқланади ва ҳисоб нархи ҳақиқий таннархга қадар етказилади.

Жорий ҳисобда тайёр маҳсулотни баҳолаш "Товар-моддий бойликлар" деб номланган 4-сонли БҲМСга биноан ФИФО ёки ўртача ҳисоблаш (АВЕКО) усулларидан бирига кўра амалга оширилиши мумкин. Ушбу усулларнинг моҳияти "Моддий бойликлар, инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлари ҳисоби" деб номланган 9-бобда кўриб чиқилган.

15.2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг омборга келиб тушиши ҳисоби

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар цехдан тайёр маҳсулотлар омборига топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга топшириш қабул қилиш-топшириш юкхатлари билан расмийлаштирилади, уларда қуйидаги кўрсаткичлар ўрин олади: маҳсулотни қабул қилган омборнинг рақами (коди), маҳсулотнинг номи, унинг миқдори, ўлчов бирлиги, нархи ва суммаси. Бажарилган ишлар ва хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Омборда тайёр маҳсулот омбор ҳисоб варақа (карточка)ла-

ри табиий кўринишда, материаллар ҳисобига ўхшаб ҳисоб-
ланади. Уларда ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжати бўйича
маълумотлар ёзилади; ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ чиқари-
лади. Топшириш юкхатлари асосида маҳсулот чиқариш қайд-
номалари тузилади, бунда тайёр маҳсулот қайдномаларда икки
хил: ҳисоб нархларида ва ҳақиқий таннархи бўйича акс эттири-
лади.

Тайёр маҳсулотнинг жамлама ҳисоби 2810 «Тайёр маҳсу-
лот» ҳисобварагида юритилади.

Мисол. Ҳисобот даври мобайнида омборга ҳисоб нархлари бўйича
80 минг сўмлик тайёр маҳсулот келиб тушди. Ой охирида унинг
ҳақиқий таннархи белгиланди, у 75 минг сўмни ташкил этди.

Келиб тушган маҳсулотга ҳисоб нархлари бўйича қуйида-
ги ўтказма берилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» – 80 минг сўм.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» – 80 минг сўм.

Ҳисоб нархининг ҳақиқий таннархдан тафовути, агар
ҳақиқий таннарх ҳисоб нархидан оз бўлса, "қизил сторно"
шаклида қуйидаги ўтказма билан расмийлаштирилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» – 5 минг сўм.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» – 5 минг сўм.

Ҳақиқий таннарх ҳисоб нархидан ошиб кетса, фарқ қўшим-
ча "қора" ёзув билан ўша ўтказма ёрдамида ёзилади.

Мисол. Айтайлик, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий
таннархи 90 минг сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даври давомида омборга тайёр маҳсулотнинг ке-
либ тушиши:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» – 80 минг сўм.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» – 80 минг сўм.

Ҳисобот даври охирида тайёр маҳсулот ҳақиқий таннар-
хининг ҳисобдан чиқарилиши учун 10 минг сўмлик фарқ
ўша ўтказмада қўшимча ёзув билан ёзилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» – 10 минг сўм.

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» – 10 минг сўм.

15.3. Тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ҳисоби

Тайёр маҳсулотни бериш ва уни корхона омборидан юк-
лаб жўнатиш буйруқ – юкхат билан расмийлаштирилади,

унга икки ҳужжат киритилган: омборга доир бўйруқ ва бериш учун юкхат. Улар асосида ҳисобварақ-фактуралар ёзилади, уларда юклаб жўнатилган маҳсулот миқдори ва ушбу маҳсулот учун тегишли сумма кўрсатилади (32-намунага қаралсин).

32-намуна

2003 йил 16 апрелдаги 1469-сонли товар-юклаб жўнатиш ҳужжатлари (шартнома)га 2003 йил 16 апрелдаги 1469-1-сонли ҳисобварақ-фактура

Етказиб берувчи: *Найтов Нетворк ШК*
Манзил: *Тошкент ш., Нукус кўчаси, 89*
Телефон: *133-11-95*
Ҳис. кит./вар. *20296000900457214001*
«Асака» банки ТГОда
Банк коди *00416*
Етказиб берувчининг идентификация рақами (СТИР) *201689419*
ОКОНХ: 80400

Харидор: *«Моҳир» ХФ*
Манзил: *Тошкент ш., Қатортол-71*
Телефон: *116-18-79*
Ҳис. кит./вар. *20296000400118010001*
Чилонзор *СҚБда*
Банк коди *00445*
Етказиб берувчининг идентификация рақами (СТИР) *201689419*
ОКОНХ: 84400

Товарлар (ишлар хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		ҚҚС билан етказиб бериш қиймати
					ставка	сумма	
Принтер HP LJ 1100	*дона*	*1*	*240 000*	*240 000*	*ҚҚСсиз*	*ҚҚСсиз*	*240 000*

Жами тўлашга *Икки юз қирқ минг сўм*
Директор *Феоктистов И.В.*
Бош бухгалтер *Юдина Г.*
Товарни берди _____
(етказиб берувчи номидан масъул шахс имзоси)
М.Ў.
Олди *Файзиев Т.*
(харидор масъул шахсининг имзоси)
2003 йил 15.04.даги 2-сонли ишончнома бўйича Файзиев Т.
М.Ў. *(олувчининг Ф.И.Ш)*

Юклаб жўнатилган маҳсулотни ҳисобга олишнинг икки усули мавжуд: юклаб жўнатиш, маҳсулот (ишлар, хизматлар) топшириш ва банкка тўлов ҳужжатларини тақдим этиш санаси сотиш пайти деб ҳисобланадиган биринчи усул (ҳисоблаш усули) ва харидордан олинган тўловлар ҳисоб-китоб варағига қайд этилган сана сотиш пайти деб ҳисобланадиган иккинчи усул (касса усули).

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-модласига биноан ва бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ даромад ва харажатлар ҳақ тўлаш ёки ва пул келиб тушиш санасидан қатъий назар улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси корхоналарида юклаб жўнатилган маҳсулот ҳисобининг биринчи варианти қабул қилинган.

Юклаб жўнатилган, сотишга берилган, лекин тўланмаган маҳсулотнинг ҳисоби 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи» ҳисобварағида юритилади.

Сотиш пайтида тайёр маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархи харажатларни ҳисобга олувчи 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2810 «Тайёр маҳсулот», 2910 «Товарлар» ҳисобварақлари билан корреспондентланган ҳолда 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварақларининг дебетида акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи», 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» ҳисобварақлари 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан ёпилади.

Харидорларга маҳсулот юклаб жўнатилган пайтда ҳисоблаш усули билан қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

- сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига:

Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»

К-т 2810 «Тайёр маҳсулот»

- савдода юклаб жўнатилган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархига:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

К-т 2910 «Товарлар»

- бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархига:

Д-т 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»

К-т 2010 «Асосий ишлаб чиқариш»

Ҳисобот давринининг охирида сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағига қуйидаги ўтказмалар билан ёпилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

К-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи»

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

К-т 9130 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»

Жорий ҳисобда юклаб жўнатилган тайёр маҳсулотлар ҳисоб (режадаги ёки сотиш) нархларида расмийлаштирилади. Чунки юклаб жўнатиш пайтида унинг ҳақиқий таннархи номаълум бўлади. Ой охирида юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи ва унинг ҳисоб нархлари билан фарқи аниқланади.

Мисол. Юклаб жўнатилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаймиз, минг сўм:

Кўрсаткичлар	Ҳисобдаги нарх	Ҳақиқий таннарх	Фарқ (+, -)
Ой бошига омбордаги тайёр маҳсулотнинг қолдиғи	200	208	+8
Ишлаб чиқаришдан ҳисобот ойи давомида қабул қилинган тайёр маҳсулот	800	772	-28
Жами	1 000	980	-20
Ҳақиқий таннархнинг ҳисобдаги нархга нисбати, % (980 : 1000 x 100) = 98%			
Бир ойда юклаб жўнатилган маҳсулот	900	882=(900 x 98% : 100)	-18
Ой охирига омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи	100	98	-2

Ой охиридаги фарқлар суммасига қуйидагича ўтказмалар берилади:

Д-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи» — 18 минг сўм.

К-т 2810 «Тайёр маҳсулот» — 18 минг сўм;

15.4. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилиши ҳисоби

Сотиш жараёни икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, у маҳсулот бериш, иш бажариш, хизмат курсатишнинг моддий-ашёвий жараёни, бошқа томондан эса — у маҳсулот, иш, хизматларга ҳақ тўлаш жараёнидир. Ушбу жараёнлар вақт бўйича мос тушмайди, улар амалга оширилаётган хўжалик операциялари хусусиятига кўра фарқланади.

Сотиш жараёнида корхона даромад олади, уни тўғри ўлчаш ва ўз вақтида ҳисобга қўйиш керак, чунки корхона бюджетга тўлаши зарур бўлган солиқларнинг миқдори ана шунга боғлиқ.

Маҳсулот (ишлар ва хизматлар) сотилишидан олинадиган даромадни ҳисобга олиш тартиби «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» деган 2-сон БҲМСда келтирилган. Ушбу стандартга кўра қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан даромад олинган деб тан олинади:

— агар корхона харидорга товарларга эгалик қилишга доир хатарлар ва имтиёзларнинг анчагина қисмини берса;

— корхона сотилган товарларга эгалик қилиш ва уларни назорат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолмаса;

— даромад суммаси ҳаққонийликнинг катта даражаси билан баҳоланиши мумкин;

— корхонага битим билан боғлиқ даромаднинг келиб тушиш эҳтимоли мавжуд.

Маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сотилишининг ҳисоби 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларида олиб борилади. Ушбу ҳисобварақлар гуруҳи тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар сотилиши жараёни тўғрисидаги маълумотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» ҳисобварақларининг кредитида, олинадиган, пул маблағлари ёки ўтган даврда олинган, лекин ҳисобот даврига тегишлиқли бўлган даромадлар ҳисобварақлари билан корреспондентланган ҳолда, даромадлар акс эттирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» ҳисобварақлари 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан ёпилади.

Ҳисоблаш усули бўйича маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни юклаб жўнатиш ва сотиш бўйича операцияларни ҳисобварақларда акс эттириш

9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» ҳисобварағи,

9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» ҳисобварағи,

9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» ҳисобварағи.

Ҳисобварақлар кредити	Дебет	Кредит	Ҳисобварақлар дебети
9040	Ҳисобот даврининг охирида «Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобварағининг ёпилиши	Юклаб жўнатилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва бажарилган хизматлар (ҚҚС ва акцизлар чегирилган) бўйича тўлаш учун тақдим этилган сумма	4010
9050	Ҳисобот даврининг охирида «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» ҳисобварағининг ёпилиши	Юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун олинган нақд пул суммаси	5010, 5020
9910	Ҳисобот даврининг охирида даромадлар ҳисобварақларининг ёпилиши	Корхона ходимларига маҳсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилган	4790
		Муддати кечиктирилган даромадлар ва олдиндан амалга оширилган тўловларни сотиш ҳажмига киритиш	6230, 6310

Асосий воситалар (9210 «Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши») ва бошқа активларнинг (9220 «Бошқа активларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши») сотилишидан натижалар алоҳида ҳисобварақларда аниқланади ва ҳисобга олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар ўз маҳсулотлари сифатига турли хил кафолатларни берадилар, шунинг учун харидорни юклаб жўнатилган маҳсулот сифати қониқтирмаса, у олинган товарни қайтариш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда қайтарилган товар ёки маҳсулотнинг ҳисоби 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобварағида олиб борилади. Бу ҳисобварақ 9000 гуруҳли даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига нисбатан контрпассив ҳисобланади ва даромадлар суммасини камайтиради.

Қайтарилган товар қиймати қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан қайд этилади:

- харидордан пул маблағлари олинган тақдирда, харидорга пул маблағларини қайтариш пайтида:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

- харидорлардан пул маблағлари олинмаган тақдирда, харидорнинг дебиторлик қарзини бекор қилиш суммасига:

Д-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»

- ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи суммасига:

Д-т 6410 «Бюджетга қарзлар бўйича тўловлар (турлари бўйича)»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» ёки 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар»

Қайтарилган маҳсулот ёки товарлар таннархи қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» ёки 2910 «Товарлар»

К-т 9110, 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи»

Ҳисобот давринг охирида 9040 «Сотилган товарларни қайтариш» ҳисобвараги қуйидаги тарзда ёпилади:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар»

К-т 9040 «Сотилган товарларни қайтариш»

Шартнома шартларига мувофиқ корхоналар харидорларга шартномада белгиланган муддатдан олдин тўлов учун чегирмалар ёки яроқсиз маҳсулот бўйича нархлардан чегирмалар, шунингдек катта ҳажмда товар сотиб олганлиги учун чегирмалар бериши мумкин. Бундай чегирмалар 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» махсус ҳисобварағида ҳисобга олинади. Бу ҳисобварақ 9000 гуруҳдаги даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларига нисбатан контрпассив ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сотилишидан олинган суммани камайтиради.

Берилган чегирмалар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Д-т 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Ҳисобот даврининг охирида 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» ҳисобварағи қуйидаги тарзда ёпилади:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар»

К-т 9050 «Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

Юклаб жўнатиш ва сотишнинг ҳисоби, 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010 ҳисобварақлари кредитида айланмаларни ва 9010, 9020, 9030 ҳисобварақлари учун таҳлилий маълумотларни қайд этиш учун мўлжалланган 11-сонли журнал-ордерда ҳисобварақлар ва жамлама кўрсаткичлар бўйича олиб борилади. 11-сонли журнал-ордер 15- ва 16-сонли қайдномаларнинг таҳлилий маълумотларига асосан тўлдирилади. Шуни таъкиллаш лозимки, 9110 ва 9010 ҳисобварақларига таҳлилий маълумотлар 11-сонли журнал-ордерда, нафақат ҳисобот ойи бўйича, балки йил бошидан, ҳақиқий таннархи, ҳисоблаш нархлари, тақдим этилган ҳисобварақлар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлардаги суммалар бўйича келтирилади.

«Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» деган 2-сон БҲМСнинг 18-моддасига кўра оралиқ тўловлар ва харидорлардан олинган бўнаклар суммалари бўйича даромадлар тан олинмай-

ди, шунинг учун харидор ҳисоб-китоб варағига маҳсулот учун олдиндан ҳақ ўтказса, у 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» ҳисобварағида акс эттирилади.

Мисол. Корхона 300 минг сўмлик маҳсулотини сотиш учун контракт тузди ва ҳақнинг 15%ини, яъни 45 минг сўмни олдиндан олди. Олдиндан олинган тўловга ўтказма берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» — 45 минг сўм.

К-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» — 45 минг сўм.

Ҳисобварақ-фактура асосида товар юклаб жўнатилганидан кейин ўтказма акс эттирилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» — 300 минг сўм.

К-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» — 300 минг сўм.

Аввал олинган ҳақ суммасига ўтказма берилади:

Д-т 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» — 45 минг сўм.

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» — 45 минг сўм.

Ҳисоб-китоб варағига харидорнинг қолган қарзи қайтарилганидан сўнг ўтказма берилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» — 255 минг сўм.

К-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» — 255 минг сўм.

15.5. Товарлар ҳисоби

Савдо корхоналарида товарларни қабул қилиш етказиб берувчилар илова ҳужжатларига мазкур савдо корхонасининг муҳри ва моддий жавобгар шахснинг имзоси қўйилиб, расмийлаштирилади.

Улгуржи савдода товарлар ҳисоби харид нархлари бўйича юритилади.

Мисол. Етказиб берувчилардан 20 минг сўмлик товар олинди. Савдо устамаси — 20%, яъни 4 минг сўм. Сотиш нархи 24 минг сўм бўлади.

Ҳисобварақларда бу вазият қуйидагича ёзилади:

— товарнинг келиб тушиши:

Д-т 2910 «Омбордаги товарлар» — 20 минг сўм.

К-т 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» — 20 минг сўм.

— товарнинг сотилиши:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» — 24 минг сўм.

К-т 9020 «Товарни сотишдан олинган даромадлар» — 24 минг сўм.

- сотилган товар ҳисобдан чиқарилиши:

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сўм

К-т 2910 «Омбордаги товарлар» - 20 минг сўм

- ҳисобот давринининг охирида даромадлар ҳисобварагининг ёпилиши:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» - 24 минг сўм

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 24 минг сўм

- ҳисобот давринининг охирида товарлар таннархи бўйича ҳисобварақ ёпилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 20 минг сўм

К-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сўм

- молиявий натижанинг аниқланиши ва ҳисобдан чиқарилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 4 минг сўм

К-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 4 минг сўм.

Чакана савдо корхоналарида товарлар ҳисоби одатда сотиш нархлари бўйича юритилади, шунинг учун савдо устамаси 2980 «Савдо устамаси» ҳисобварағи кредитига кирим қилинади.

Чакана савдо корхоналарида юқорида келтирилган мисол бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 2920 «Чакана савдодаги товарлар» — 24 минг сўм.

К-т 6010 «Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» — 20 минг сўм.

К-т 2980 «Савдо устама» — 4 минг сўм.

Товарлар сотилишидан тушумнинг келиб тушиши:

— кассага:

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» — 24 минг сўм.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» — 4 минг сўм.

— ҳисоб-китоб варағи:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» — 24 минг сўм.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» — 4 минг сўм.

Сотилган товарлар ва устама қийматини ҳисобдан чиқариш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 2980 «Савдо устамаси» - 4 минг сўм

Д-т 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» - 20 минг сўм

К-т 2920 «Чакана савдодаги товарлар» - 24 минг сўм.

Муомала чиқимлари ҳисоби 9410-9430 «Давр харажатлари» ҳисобварағида юритилади. Ушбу ҳисобварақ дебетига ой давомида савдо корхонасининг харажатлари жамланади. Ой охирида ушбу харажатлар ўтказма билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа».

К-т 9410-9430 «Давр харажатлари».

Аҳолидан сотиш учун товар қабул қилинадиган тижорат дўконларида унинг ҳисоби 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» балансдан ташқари ҳисобварағида юритилади. Қабул қилинаётганда товар қиймати ушбу ҳисобварақ дебетига ёзилади, товарлар сотилганида бу ҳисобварақ кредитланади.

Сотиш учун товар топширган корхона комитент деб номланади. Ҳар бир комитент учун комитент варақаси очилади, комитентдан товар олиниши юкхатлар билан расмийлаштирилади.

Сотиш нархлари бўйича товарларни сотиш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади.

Д-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» — 24 минг сўм.

К-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» — 4 минг сўм.

К-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» — 20 минг сўм.

Кассадан комитентга берилди:

Д-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» – 20 минг сўм.

К-т «Миллий валютадаги пул маблағлари» – 24 минг сўм.

Дўкон даромади қуйидаги ўтказма билан қайд этилади:

Д-т 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» – 4 минг сўм.

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» – 4 минг сўм.

15.6. Корхонанинг бошқа даромадлари ҳисоби

Бошқа даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлардан ташкил топади. Улар қуйидагилардан иборат:

- хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун қарздордан ундирилган ёки тан олинган жарималар, пенялар, боқимандалар ва бошқача жарималар, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;
- ҳисобот йилида аниқланган олдинги йиллар бўйича фойдалар;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган даромадлар, яъни рента даромади, хўжалик юритувчи субъект қошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан олинган даромадлар;
- хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан даромадлар;
- даъво қилиш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқарилишидан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликлар қийматини ошириш. Товар-моддий бойликлар қийматини ошириш бўйича суммалар маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиб борилиши мобайнида солиққа тортиладиган базага киритилади;
- давлат субсидияларидан олинадиган даромадлар;
- бепараз кўрсатилган молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Ҳисобот даври мобайнида қайд этилган харажатлар 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларида акс эттирилади, ҳисобот йилининг охирида эса улар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Корхона ҳисобот даври мобайнида қуйидаги бошқа даромадларни олган: мол етказиб берувчидан шартномавий шартларни бажармаганлиги учун 114 минг сўм миқдорда жарима ундирилган, харидор билан тузилган шартнома бўйича 40 минг сўм суммада ўтган йилларнинг фойдаси аниқланган, даъво муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан 6 минг сўм суммада бошқа кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилган, инвентарлаш пайтида аниқланган 10 минг сўмлик тайёр маҳсулотнинг ортиқчаси кирим қилинган. Ушбу суммалар қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 114 минг сўм

К-т 9330 «Пеня, жарима ва бошқа тўловларни ундириш» - 114 минг сўм

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 40 минг сўм

К-т 9340 «Ўтган йиллар даромади» - 40 минг сўм

Д-т 6990 «Бошқа мажбуриятлар» - 6 минг сўм

К-т 9360 «Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар» - 6 минг сўм

Д-т 2810 «Тайёр маҳсулот» - 10 минг сўм

К-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар» - 10 минг сўм

Ҳисобот даврининг охирида бошқа даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар ёпилади:

Д-т 9330 «Пеня, жарима ва бошқа тўловларни ундириш» - 114 минг сўм

Д-т 9340 «Ўтган йиллар даромади» - 40 минг сўм

Д-т 9360 «Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар» - 6 минг сўм

Д-т 9390 «Бошқа операцион даромадлар» - 10 минг сўм

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 170 минг сўм.

Даромадларнинг кейинги турлари - молиявий фаолиятдан олинган даромаллардир. Улар қуйидагилардан иборат:

- олинган роялти ва капиталнинг трансферти;

- Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли иштирокдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар, ҳўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан олинган даромадлар;

- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар;

- валюта ҳисобварақлари, шунингдек чет эл валютаси билан амалга оширилган операциялар бўйича мусбат курс фарқлари;

- қимматли қоғозлар, шўъба корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағлар қайта баҳоланишидан олинган даромадлар;

- молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Ҳисобот йили давомида юқорида қайд этилган даромадлар 9500 «Молиявий фаолиятдан келадиган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварақларнинг кредитида ҳисобга олинади, ҳисобот даврининг охирида эса улар якуний молиявий натижага ҳисобдан чиқарилади.

Мисол. Корхона ҳисобот даври мобайнида қуйидаги молиявий даромадларни олган: шўъба корхоналарига амалга оширилган инвестициялар бўйича ҳисобланган дивидендлар - 50 минг сўм, берилган заём бўйича ҳисобланган фоизлар - 40 минг сум, дебиторлик қарзи бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилган - 70 минг сўм, узоқ муддатли ижарага берилган объектлар бўйича фоизлар тан олинган - 100 минг сўм. Ушбу операциялар қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидендлар» - 50 минг сўм

К-т 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» - 50 минг сўм

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 40 минг сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 40 минг сўм

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 70 минг сўм

К-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 70 минг сўм

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» - 100 минг сўм

К-т 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар» - 100 минг сўм

Ҳисобот даврининг охирида ушбу харажатлар ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» - 50 минг сўм

К-т 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» - 40 минг сўм

Д-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 70 минг сўм

Д-т 9550 «Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар» - 100 минг сўм

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 260 минг сўм

Шунингдек, фавқулоддаги фойдалар ҳам даромадлар таркибига киритилади. Фавқулоддаги фойдалар бандлари - бу кўзда тутилмаган, ғайриодатий тавсифга эга бўлган, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четда бўлган воқеалар ёки операциялар натижасида олинган ва олиниши кутилмаган фойдалардан иборат. Буларга асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши лозим бўлган олдинги давр бўйича даромадлар ёки фойданинг айрим бандлари киритилмайди.

Ҳисобот даври мобайнида фавқулодда фойдалар 9710 «Фавқулодда фойдалар» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилади, ҳисобот даврининг охирида эса ушбу фойдалар якуний молиявий натижага киритилади.

Мисол. Содир этилган ёнгин натижасида ишлатишга яроқли бўлган 27 минг сўм суммадаги материаллар кирим қилинган:

Д-т 1090 «Бошқа материаллар» - 27 минг сўм

К-т 9710 «Фавқулодда фойдалар» - 27 минг сўм

Ҳисобот даврининг охирида фавқулодда фойдалар ҳисобвараги ёпилади:

Д-т 9710 «Фавқулодда фойдалар» - 27 минг сўм

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 27 минг сўм.

16-БОБ. ФОНДЛАР ВА КОРХОНА ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБИ

16.1. Корхона устав капитали (фонди)нинг ҳисоби

Устав капитали (фонди) ўзида корхонани ташкил қилиш вақтида унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун қатнашчилар (мулкдорлар) мол-мулкдаги улушларининг (пул бирлигидаги) йиғиндисини ифодалайди.

Устав капиталини ташкил этиш амалдаги қонунлар ва таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисобида устав капитали ҳамда таъсисчиларнинг устав капиталига қўшадиган улуш бўйича қарзлари алоҳида ҳисобга олинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида устав капитали бир томондан корхона мол-мулкининг қийматини, иккинчи томондан ушбу корхонанинг таъсисчилари, инвесторлар олдидаги қарз қийматини ифодалайди. Устав капитали бўйича молиявий-хўжалик операцияларини акс эттириш тартибидаги ўзгаришларни республикада шаклланаётган замонавий бозор муносабатлари талаблари тақозо этган.

Устав капитали (фонди) бўйича операциялар ҳисоби шундай номланган 8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағи қуйидаги учта ҳисобварақ билан тўлдирилади:

8310 «Оддий акциялар»;

8320 «Имтиёзли акциялар»;

8330 «Пай ва қўйилмалар».

8310 «Оддий акциялар» ҳисобварағи давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларнинг устав фондини ҳамда акциядорлик ва ширкат жамиятларининг устав капиталини ҳисобга олиш учун хизмат қилади. Бу ҳисобварақда ҳақиқий устав капиталининг рўйхатга олинган пайтдаги миқдори ёки ҳақи, тўланган акцияларнинг ўз (номинал) қиймати акс эттирилади. Устав капиталининг бухгалтерия ҳисобидаги миқдори уставда қайд этилган миқдордан ошиб кетиши мумкин эмас. Устав капиталида иштирокчилар ҳиссасининг бир қисмини уларга қайтариш унинг миқдорини камайтирмайди, балки акциядорлик жамиятининг сотиб олинган шахсий акциялари сифатида расмийлаштирилиб, 8610 «Сотиб олинган ўз акциялари оддий» ҳисобварағининг дебетига ўтказилади.

8320 «Имтиёзли акциялар» ҳисобварағида имтиёзли акциялар тарзида чиқарилган акциядорлик капиталининг миқдори ҳисобга олинади.

Акциядорлик шаклидан ташқари, бошқа мулкчилик тур-

ларида очиладиган хўжалик юритувчи субъектлар, устав капитали шаклланишини 8330 «Пай ва қўйилмалар» ҳисобварағида ҳисобга оладилар.

Корхона давлат руйхатидан ўтгандан сўнг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган (акцияларга обуна бўлган суммада) таъсисчилар қўшиши зарур бўлган улуш қийматидан унинг устав капитали 8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ва 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» ҳисобварақларида акс эттирилади. Бадалларнинг киритилиши 8330 ҳисобварақга таъсир кўрсатмайди, лекин таъсисчилар қарзларини қоплайди.

8300 «Устав капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварағидаги акс эттириладиган устав капитали миқдори таъсис ҳужжатлардаги миқдорга тенг бўлиши шарт. Устав капитали қиймати ўзгарганда, ушбу таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиб, бу ҳужжатларни давлат рўйхатидан қайтадан ўтказиш лозим. Асосий воситаларни қайта баҳолаш, қабул қилиш, ҳисобдан чиқариш устав капитали қийматини ўзгартирмайди.

Мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарда устав капиталининг миқдори турлича белгиланади: акциядорлик жамиятларида устав капитали номинал бўйича акциялар жами қийматига; масъулияти чекланган жамият (ширкат)ларда — таъсис ҳужжатларига биноан мулкка эгалик ҳиссалари суммасига; мулкка жамоа эгалиги бўлган корхоналарда — барча ходимлар улушлари суммасига мувофиқ келади; давлат корхоналарида устав капитали давлат хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун корхонага биркитиб қўйган мол-мулк суммасига мувофиқ келади.

Муассисларнинг бадаллари пул суммалари, шунингдек ашёлар, иншоотлар, ускуналар, номоддий активлар ва ҳоказолар кўринишида киритилиши мумкин.

Мисол. Таъсис ҳужжатларига мувофиқ "Минор" АЖ устав капитали 2 млн. сўмни ташкил этади: 200 минг сўмлик қимматли қоғозлар, 1000 минг сўмлик асосий воситалар, 150 минг сўмлик материаллар, 200 минг сўмлик номоддий активлар ва 150 минг сўмлик пул ҳисоб-китоб варағига таъсисчилар томонидан киритилган.

Бухгалтерия ўтказмалари қуйилагича бўлади:

Т.р.	Операция мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Устав капитали белгиланди	2 000	4610	8310
2	Асосий воситалар билан киритилди	1 000	0110-0190	4610
3	Материаллар билан киритилди	450	1010-1090	4610
4	Номоддий активлар келиб тушди	200	0410-0490	4610
5	Қимматли қоғозлар билан киритилди	200	0610	4610
6	Ҳисоб-китоб варағига бадаллар келиб тушди	150	5110	4610

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарда устав капитал (фонди)ни шакллантириш пайтида курсдаги фарқ юзага келиши мумкин, у захира капитал сифатида кўрсатилади.

Мисол. Таъсис шартномасида хорижлик муассиснинг улуши 150 минг АҚШ доллари ҳажмида белгиланган. Хорижлик муассис улушни бир неча ой давомида мол-мулк кўринишида киритади. Таъсис шартномасини имзолаш пайтида доллар курси 1 доллар учун 930 сўмни ташкил этди. Мол-мулкни олишда ва божхона юк декларациясини расмийлаштириш кунида курс 1 доллар учун 935 сўмни ташкил этди.

Мол-мулк балансда божхона юк декларациясида кўрсатилган курс бўйича акс эттирилади. Бунда хорижлик муассиснинг устав капиталига улуш сифатидаги ҳиссаси таъсис шартномаси имзоланган пайтдаги курс бўйича, яъни 930 сўмга тенг курс бўйича кўрсатилади. Фарқ иккала муассиснинг захира капитали сифатида акс эттирилади.

Ушбу операциялар бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ўтказмалар билан ифодаланади:

— таъсис шартномасига кўра хорижлик муассис устав капиталига улуш сифатида киритиши керак бўлган сумма:

Д-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» — 139 500 минг сўм.

К-т 8330 «Пай ва қўйилмалар» — 139 500 минг сўм.

— божхона юк декларациясига кўра устав капиталига улуш сифатида олинган мол-мулкнинг ҳақиқий қиймати:

Д-т 0110-0190 «Асосий воситалар» — 140 250 минг сўм.

К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари» - таъсис шартномасини имзолаш пайтидаги сумма бўйича - 139 500 минг сўм.

К-т 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи» - божхона юк декларациясига кўра мол-мулк қиймати билан таъсис шартномаси имзоланган кундаги мол-мулк қиймати ўртасидаги фарқ суммасига - 750 минг сўм.

Божхона юк декларациясига кўра мол-мулк қиймати билан таъсис шартномаси имзоланган кундаги мол-мулк қиймати ўртасидаги фарқ фойда солигига тортиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

8410 «Эмиссион даромад» илова ҳисобвараги акцияларни номинал қийматдан ошадиган нархларда дастлабки сотиш пайтида олинадиган эмиссия даромадини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бухгалтерия ўтказмаси қуйидаги ёзув билан расмийлаштирилади:

Д-т Корхонага акциялар ҳақини тўлашга берилган пул маблағлари ёки бошқа бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари.

К-т 8410 «Эмиссион даромад»

8500 «Резерв капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобвараги мол-мулкни қайта баҳолашда ҳосил бўладиган резервларни, шунингдек бепул олинган мол-мулк қийматини (пул маблағларидан ташқари), корхона (акциядорлик жамияти, ширкат) мол-мулкини кўпайтирадиган бошқа тушумларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

8500 «Резерв капиталини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар» ҳисобварагини ташкил этиш ва тўлдириш 8500 ҳисобвараги кредити бўйича 8710 «Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)», 0110-0190 «Асосий воситалар», 0410 0490 «Номоддий активлар», 1010 «Материаллар» ҳисобварақлари ва корхона мол-мулкининг бошқа ҳисобварақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

16.2. Резервлар ҳисоби

Маҳсулот сотишдан олинган тушум ҳисоблашни уни юклаб жўнатишга, буюртмачиларга ишларни топшириш ва хизматлар кўрсатишга қараб юритадиган корхоналарга фойда ҳисобига бошқа корхоналар, шунингдек алоҳида шахслар билан ҳисоб-

китоблар бўйича даргумон қарзларни қоплаш резервига ажратмалар қилишга рухсат берилади (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1995 йил 4 апрелдаги 17-02/28-сон хати).

Корхонанинг тузилган шартномаларда белгиланган муддатда (агар у белгиланмаган бўлса - бунинг учун меъёрга кўра зарур вақт давомида) тўланмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебиторлик қарзлари ***даргумон қарзлар*** ҳисобланади. Даргумон қарзлар резерви ҳисобот йили охирида корхона дебиторлик қарзларини ашёвий рўйхатга олиш (инвентарлаш) натижалари асосида ташкил қилинади. Резерв миқдори ҳар бир даргумон қарз бўйича қарздорнинг молиявий ҳолати (тўлов қобилияти) ва қарзнинг тўлиқ ёки қисман тўланиши эҳтимолини баҳолаш орқали белгиланади. Даргумон қарзлар резерви ташкил этилиши қуйидаги ўтказма билан кўрсатилади:

Д-т 9430 «Бошқа операцион хизматлар» ҳисобварағи.

К-т 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резервлар» ҳисобварағи.

Агар даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резерв бирор-бир қисмда фойдаланилмаган бўлса, сарфланмаган суммалар тегишли йилнинг фойдасига киритилади.

Илгари қарздор томонидан тан олинган, узилмаган қарзларни балансдан ҳисобдан чиқариш учун 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резервлар» ҳисобварағи дебети дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобининг тегишли ҳисобварақлари билан корреспонденцияда ишлатилади. Даргумон қарзлар бўйича резервларнинг сарфланмаган суммалари уларни ташкил этиш йилидан кейинги йил фойдасига қўшилганда 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резервлар» ҳисобварағи дебети ва 9430 «Бошқа операцион хизматлар» ҳисобварағи кредити бўйича ёзув киритилади.

Мисол. "Баҳор" кичик корхонасида 870 минг сўм суммасига даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил этилди (2003 йил декабр учун якуний бухгалтерия ёзувлари). Моддий бойликларни етказиб беришга берилган бўнаклар бўйича ҳисобот йилида аниқланган умидсиз қарз 270 минг сўмни ташкил этди. Даргумон қарзлар резерви ҳисобига 155 минг сўмлик юклаб жўнатилган бутловчи буюмлар учун буюртмачиларнинг қарзлари ҳисобдан чиқарилди. Даргумон деб топилган

...0 минг сўмлик ундирилмаган қарзлар ҳисобдан чиқарилди. Даргумон қарзлар бўйича фойдаланилмаган резерв 2003 йил учун 115 минг сўмни ташкил этди. Тўланмаган ҳисобварақларни инвентарлаш натижалари бўйича 2004 йил учун даргумон қарзлар бўйича 150 минг сўмлик суммага резерв ташкил этилди. Бухгалтерлик ўтказмалари қуйидагича бўлади:

Операция мазмуни	Сумма, минг сўм	Дебет	Кредит	Ўтказмага бўлган харажатлар
2003 йил учун даргумон қарзлар резерви ташкил этилди	870	9430	4910	Тўланмаган ҳисобварақларни инвентарлаш рўйхати
Берилган бўнаклар бўйича даргумон қарз ҳисобдан чиқарилди	270	4910	4310	Журнал-ордерлар маълумотлари
Юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун буюртмачилар қарзлари ҳисобдан чиқарилди	155	4910	4010	Журнал-ордерлар маълумотлари
Ундирилмаган қарзлар ҳисобдан чиқарилди	330	4910	4890	Журнал-ордерлар маълумотлари
Даргумон қарзлар бўйича ишлатилмаган резерв ҳисобдан чиқарилди	115	4910	9430	Журнал-ордерлар маълумотлари
2004 йил учун даргумон қарзлар резерви ташкил этилди	150	9430	4910	Тўланмаган ҳисобварақларни инвентарлаш материаллари

Заруратга бўлганда, айрим тармоқларнинг хўжалик юритувчи субъектлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан капитал таъмирлаш ишларини ўтказиш учун маблағлар захирасини ташкил қилишлари мумкин. Ушбу захирага ажратмалар "Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади ва кўзда тутилаётган харажатлар қиймати ҳамда асосий воситалар ҳар бир объектини капитал таъмирлашнинг даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Захирага ажратмалар меъёри бир ҳисобот йили охирида қайта кўриб чиқилади ва зарур бўлганда янги молия йили учун ажратмалар миқдори оширилиши ёки камайтирилиши мумкин. Агар капитал таъмирлашга захира маблағлари суммаси унинг объектни тузишга қилинган ҳақиқий харажатлар суммасидан ошиб кетса,

ошиб кетган сумма бўйича тузатиш киритилиши керак; агар ҳақиқий харажатлар захирадагидан ошиб кетса, у ҳолда ошиб кетган сумма "Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар" элементи таркибида акс эттирилади.

Келгуси харажатларни ишлаб чиқариш ёки муомала харажатларига бир меъёрда киритиш мақсадида корхоналар келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ташкил қилиши мумкин. Бундай резерв прокат буюмларини таъмирлаш бўйича келгуси харажатлари, ходимларга таътил тўловлари ёки белгиланган муддат хизмат қилгани учун тўловларни қоплаш мақсадида ташкил этилади.

Суммалар резервланиши 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резерви» ҳисобварағининг кредитида ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари) ҳисобварақлари билан корреспондентланган ҳолда акс эттирилади.

Резервдан фойдаланиш 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резерви» ҳисобварағининг дебетида 6710 «Ходим лар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» ходимларга меҳнат таътили суммаси, узоқ муддатда ишлаганлиги учун ҳар йилги тақдирланишларни тўлаш бўйича, 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ва бошқа ҳисобварақлар билан корреспондентланган ҳолда акс эттирилади.

Келгуси харажатлар ва тўловлар резервини ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича бухгалтерия ўтказмалари:

Т р.	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Ўтказмага асос бўлган харажатлар
1	Таътил тўловлари резервини ташкил этиш	2010, 2310-2510, 9410-9430, 3110-3190	8910	Журнал-ордерлар маълумотлари
2	Капитал таъмирлаш резервини ташкил этиш	2010, 2310, 2510, 9430	8910	Журнал-ордерлар маълумотлари
3	Прокат буюмларини харид қилиш учун резервни ташкил этиш	2010	8910	Журнал-ордерлар маълумотлари
4	Капитал таъмирлаш фондини ишлатиш	8910	1010, 6710, 6520, 2310	Таъмирланиш ўтказиш ҳужжатлари
5	Таътил тўловлари ва белгиланган муддат хизмат учун тўловлар	8910	6710	Журнал-ордерлар маълумотлари
6	Прокат буюмларини таъмирлаш	8910	6710,6920	Таъмирланиш ўтказиш ҳужжатлари

16.3. Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ва тақсимланмаган фойда ҳисоби

Корхоналарнинг молиявий натижаларини белгилаш тартиби "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси, Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича хужжатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом билан белгиланган.

Юқорида келтирилтан ҳужжатларга мувофиқ корхона фаолиятининг молиявий натижалари қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

• *маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда* сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқни ташкил этади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ЯФ = СТ - СМТ,$$

бу ерда: ЯФ – ялпи фойда; СТ – сотишдан олинган соф тушум; СМТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

• *асосий фаолиятдан олинган фойда* маҳсулот сотишдан олинган ялпи даромад билан давр харажатлари айирмасига асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини қўшиб ёки бошқа зарарларини айириб аниқланади:

$$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ,$$

бу ерда: АФФ – асосий фаолият бўйича фойда; ЯФ – ялпи фойда; ДХ – давр харажатлари; БД – бошқа даромадлар; БЗ – бошқа зарарлар;

• *умумхўжалик фаолияти бўйича фойда (ёки зарар)* асосий фаолият бўйича даромадларни қўшиб ва харажатларни айириб ҳисобланади:

$$УХФ = АФФ + МФД - МФХ,$$

бу ерда: УХФ – умумий хўжалик фаолияти бўйича фойда; МФД – молиявий фаолият бўйича даромадлар; МФХ – молиявий фаолият бўйича харажатлар;

• *солиқ тўлашдан олдинги фойда* умумхўжалик фаолияти бўйича фойдага фавқулодда фойдани қўшиб ва фавқулодда зарарларни айириш орқали белгиланади:

$$СТФ = УХФ + ФФ - ФЗ,$$

бу ерда: СТФ – солиқ тўлашдан олдинги фойда; ФФ – фавқулодда фойда; ФЗ – фавқулодда зарарлар;

• солиқлар тўланганидан кейин корхона тасарруфида қоладиган *йилнинг соф фойдаси* солиқ тўлашдан олдинги фойдадан даромад (фойда) солиги ва қонунчилик билан кўзда тутилган бошқа солиқлар ҳамда тўловларни чегириш натижасида аниқланади:

$$СФ = СТФ - ФС - БСТ,$$

бу ерда: СФ – соф фойда; ФС – фойда солиғи; БСТ – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Ҳисобот давринг соф фойдасини ҳисоблаш учун бухгалтер ёпиладиган ўтказмаларни тузиши лозим, бошқача қилиб айтганда бу «балансни реформация қилиш (ўзгартириш)» деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг кўпчилик корхоналари учун чорак, ҚК ва кичик корхоналар учун эса - йил ҳисобот даври бўлганлигига қарамасдан, ёпиладиган ўтказмаларни ҳар ойда тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Бу қуйидаги муҳим кўрсаткичлар: ялпи даромад, даромадлар ва харажатлар, тақсимланмаган фойда ва бошқалар тўғрисида тезкор маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

Ҳисобварақларни ёпиш муолажаси қуйидагилардан иборат:

• даромадлар ҳисобварақларини ёпиш;

• харажатлар ҳисобварақларини ёпиш;

• даромад ва харажат орасидаги фарқни аниқлаш ва фойда ёки зарарни 8710 «Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобвараға бўйича ҳисобдан чиқариш;

• дивидендлар ҳисобланиши ва тақсимланмаган фойдадан бошқача фойдаланишни акс эттириш;

• тақсимланмаган фойдани жамланган фойда (қопланмаган зарар) бўйича ҳисобдан чиқариш.

Мисол. «Санам» кичик корхонаси ҳисобот даври мобайнида қуйидаги даромадлар ва харажатларга эга:

Тайёр маҳсулот сотишдан даромад - 5000 минг сўм, асосий воситалар чиқарилишидан даромад - 300 минг сўм, мусбат курс фарқлари - 40 минг сўм, сотилган маҳсулот таннархи - 3700 минг сўм, маъмурий харажатлар - 740 минг сўм, манфий курс фарқлари - 180 минг сўм. Қуйидаги ёпиладиган ўтказмалар тузилади:

- даромадлар ҳисобварақларининг ёпилиши:

Д-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» - 5000 минг сўм

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 5000 минг сўм

Д-т 9310 «Асосий воситаларни реализация қилинишидан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда» - 300 минг сўм

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 300 минг сўм

Д-т 9540 «Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар» - 40 минг сўм

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 40 минг сўм

- харажатлар ҳисобварақларининг ёпилиши:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 3700 минг сўм

К-т 9110 «Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи» - 3700 минг сўм

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 740 минг сўм

К-т 9420 «Маъмурий харажатлар» - 740 минг сўм

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 180 минг сўм

К-т 9620 «Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар» - 180 минг сўм

Сўнгра 9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисобварағининг дебети ва кредити орасидаги фарқни ҳисоблаймиз. Ушбу ҳисобварақнинг дебет айланмалари кредит айланмаларидан кўп бўлган тақдирда, фарқ қопланмаган зарарни ташкил этади ва қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 8710 «Тақсимланмаган фойда»

К-т 9910 «Якуний молиявий натижа»

Агар корхона ҳисобот даврида қопланмаган зарарга эга бўлса баланс пассивидаги капитал бўлимида тақсимланмаган фойда ҳисобварағининг дебет қолдиғи манфий сумма ёки қизил ранг билан акс эттирилади.

Кредит айланмалари дебет айланмаларидан кўп бўлган ҳолатда, фарқ ҳисобот даври бўйича соф ёки тақсимланмаган фойда суммасини кўрсатади. Бизнинг мисолда корхона 720 минг сўм суммада фойда олган. Ушбу фойда қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 9910 «Якуний молиявий натижа» - 720 минг сўм

К-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 720 минг сўм

Тақсимланмаган фойдадан резерв капиталини шакллантиришда фойдаланиш мумкин. Резерв капиталини шаклланти-

риш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки таъсис ҳужжатлари билан кўзда тутилганда амалга оширилиши мумкин. Одатда, у ҳисобот йилида фойда олинганлиги ёки олинмаганлигига қарамасдан дивидендлар белгиланган суммада тўланиши лозим бўлган имтиёзли акцияларга эга акциядорлик жамиятларида ташкил этилади. Резерв капиталининг шаклланиши қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 8710 «Тақсимланмаган фойда»

К-т 8520 «Резерв капитали»

Тақсимланмаган фойда корхона таъсисчиларига дивидендлар тўлаш учун ишлатилади. Одатда, йил охирида тақсимланмаган фойда суммаси аниқлангандан кейин, ушбу фойданинг қайси қисми акциядорлар (мулкдорлар) ўртасида дивидендлар тўлаш йўли билан тақсимланиши белгиланади. Дивидендлар миқдори акциядорлар ёки таъсисчиларнинг умумий мажлисида тасдиқланади ёки «эълон қилинади». Дивидендлар эълон қилинган куни бухалтерияда улар бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилади ва қуйидаги ўтказма берилади:

Д-т 8710 «Тақсимланмаган фойда»

К-т 6610 «Тўловга дивидендлар»

Дивидендларни тўлаш, одатда, акциядорлик жамиятининг акцияларига эга бўлган акциядорларни рўйхатга олиш учун бериладиган маълум бир вақт орасида амалга оширилади. Рўйхатга олинган санадан кейин акциялар сотиб олган акциядорлар эълон қилинган дивидендларни олиш ҳуқуқига эга эмас.

Дивидендларни тўлаш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 6610 «Тўловга дивидендлар»

К-т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ёки 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

Акциядорлик жамияти дивидендларни акциялар кўринишида тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бу акциядорлар учун қўшимча равишда акциялар чиқаришни назарда тутади, бу, одатда, тақсимланмаган фойдани «капиталлаштиришга» олиб келади. Акцияларнинг қўшимча равишда чиқарилган миқдори муомалада бўлган акциялар миқдоридан 20% кам бўлган тақдирда, бу акциялар нархига аҳамиятли таъсир кўрсатмайди, шу боис капиталлаштириш акция-

ининг жорий бозор нархида амалга оширилади. Ушбу фоиз 20% дан кўп бўлган тақдирда, дивидендлар кўринишида чиқарилган акциялар ҳисоби номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Мисол. Муомалада 10 минг дона, номинал қиймати 1000 сўм бўлган оддий акцияларга эга «Ёғду» АЖ акциялар кўринишида 10% ли дивидендларни эълон қилди. Акцияларнинг бозор нархи ҳар бир акция учун 1500 сўм. 10000 х 10% = 1000 дона акциялар кўринишидаги дивидендлар 1000 х 1500 = 1500000 сўм деб эълон қилинди. Бунга қуйидаги ўтказма ёзилади:

Д-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 1500 минг сўм
К-т 8310 «Оддий акциялар» - 1000 минг сўм
К-т 8410 «Эмиссион даромад» - 500 минг сўм

Агар акциялар миқдори 30% миқдорда кўзда тутилганда, ёзув қуйидаги тарзда амалга оширилган бўлар эди:

Д-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 3000 минг сўм
К-т 8310 «Оддий акциялар» - 3000 минг сўм

Ўтган даврда йўл қўйилган хатолар аниқланганлиги, математик адашишлар, алдаш ёки эътиборсизлик натижасида маълумотлар нотўғри акс эттирилиши, шунингдек ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан тақсимланмаган фойданинг қолдиғига тузатиш киритилиши мумкин.

3-сонли БҲМСга мувофиқ, олдинги даврда содир этилган асосий (муҳим) хатонинг суммаси йил бошига тақсимланмаган фойда қолдиғини ўзгартириш йўли билан акс эттирилади. Бундан ташқари корхона ҳисоб сиёсати ўзгартирилган тақдирда тақсимланмаган фойдага тузатишлар киритилиши мумкин.

Мисол. ***Хатоларни тузатиш муносабати билан тақсимланмаган фойданинг ўзгариши.***

2003 йил 10 ноябрда корхона томонидан қиймати 300 минг сўм бўлган уяли телефон аппарати сотиб олинди ва бу мурий харажатлар ҳисобварағининг дебетида акс эттирилди. Хато 2004 йил март ойида, 2003 йил бўйича молиявий ҳисобот тегишли идораларга тақдим этилгандан кейин аниқланди. Бу хато тақсимланмаган фойданинг бошланғич қолдиғига тузатишлар киритиш йўли билан тузатилади. Ушбу

хато натижасида 2003 йилда фойда солиғи бўйича 60 минг сўм кам тўланган. Тузатиш киритиш ўтказмаси қуйидагича бўлади:

Д-т 0190 «Бошқа асосий воситалар» - 300 минг сўм

К-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 240 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 60 минг сўм

Мисол. ***Амортизацияни ҳисоблаш усули ёки товар-моддий захираларни баҳолаш ўзгариши муносабати билан тақсимланмаган фойдага тузатиш киритиш.***

2002 йил 5 январда корхона беш йил ишлаш муддати билан 900 минг сўмга ускуна сотиб олди ва ушбу ускуна бўйича сонлар йиғиндиси усули билан амортизацияни ҳисоблади, 2004 йилнинг бошида эса уни ўзгартириш ва қийматни бир маромда ҳисобдан чиқариш усулига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Маълумотлар солиштирилишлиги тамойилини таъминлаш учун ҳисоблаш усулларидаги ўзгаришлар таъсири қуйидагича амалга оширилади:

2002 й. учун эскириш - 900 минг сўм х 5/15 = 300 минг сўм

2003 й. учун эскириш - 900 минг сўм х 4/15 = 240 минг сўм

Жамланган амортизация 540 минг сўм.

Эскириш бир маромда ҳисобдан чиқариш усули билан ҳисобланган тақдирда:

2002 й. учун эскириш - 900 минг сўм : 5 = 180 минг сўм

2003 й. учун эскириш - 900 минг сўм : 5 = 180 минг сўм

Жамланган амортизация ҳисобварағи бўйича сальдо ва, шунингдек, тегишли харажатлар 180 минг сўмга камроқ бўлар эди. Фойда солиғи 360 минг сўм х 20% = 72 минг сўмга камроқ тўланган бўлар эди. Киритилган ўзгартиришдан соф самарадорлик 360 минг сўм - 72 минг сўм = 288 минг сўм. Тузатиш киритиш қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 0230 «Машина ва ускуналарнинг эскириши» - 360 минг сўм

К-т 8710 «Тақсимланмаган фойда» - 288 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 72 минг сўм.

17-БОБ. КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА БИРЛАШМАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

17.1. Солиқлар ва уларнинг гуруҳланиши

Солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солиқ тўлаш тартиби ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан белгиланган.

Солиқ кодексига биноан Ўзбекистон Республикасидаги барча солиқлар умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинган.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) акциз солиғи;

5) ер остидан фойдаланганлик учун солиқ;

6) экология солиғи;

7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Маҳаллий солиқларга қуйидагилар киради:

1) мол-мулк солиғи;

2) ер солиғи;

3) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва ҳоказолар.

Солиқ тўловчи ким бўлишини ҳисобга олган ҳолда *бевосита* ва *билвосита* солиқлар фарқланади.

Бевосита солиқлар даромад олганлардан ундирилади. Масалан, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва бошқалар.

Билвосита солиқлар товарларнинг харидорлари томонидан тўланади (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқалар).

17.2. Юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Даромад (фойда) солиғи Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг таркибий элементи ҳисобланиб, миллий даромадни қайта тақсимлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мазкур солиқ бевосита солиқ бўлиб, унинг суммаси корхона хўжалик фаолиятининг пировард молиявий натижаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Даромад (фойда) солиғи тўловчилари солиқ солинадиган даромад (фойда)га эга бўлган юридик шахслар ҳисобланади.

Солиққа тортиладиган объект деб ялпи даромад билан "Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ кўрсатилган Низомнинг иловаларида белгиланган харажатлар суммасига ўзгартирилган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқилган даромад (фойда) ҳисобланади.

Жами даромад таркибига юклаб жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олинган) пул ёки текинга олган бошқа маблағлари киради.

Бундай даромадлар қуйидагилардир:

— товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган даромад.

Товар (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум деганда қуйидаги суммалар тушунилади:

— юклаб жўнатилган маҳсулот учун тақдим этилган ҳисобкитоб ҳужжатларида кўрсатилган суммалар;

— буюртмачи тасдиқлаган бажарилган ишлар далолатномаларида кўрсатилган суммалар;

— хизматлар кўрсатилиши ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган суммалар.

Даромадлар (фойда) солиғини тўловчилар ҳисобланадиган харид, тайёрлов ва сотиш ташкилотлари учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинган тушум деганда сотилган товарларнинг сотиш нархи билан харид нархи ўртасидаги фарқ тушунилади.

Воситачилик фаолиятидан даромадлар (комиссион рағбат-

лантириш ҳақи, фоизлар сифатидаги) оладиган корхоналар учун тушум деганда солиққа тортиладиган даврда амалга оширилган ҳамма битимлар бўйича олинган комиссион рағбатлантириш ҳақлар (фоизлар) суммаси тушунилади;

– асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни сотишдан олинган даромад.

Солиққа тортиш мақсадида корхонанинг асосий фондлар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олган даромадини белгилашда ушбу фондлар ва мол-мулкнинг сотиш қиймати билан қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ (ортиқча сумма) ҳисобга олинади. Бунда мол-мулкнинг қолдиқ қиймати асосий фондлар ва номоддий активларга нисбатан қўлланилади.

Агар активларнинг фақат бир қисми сотилса, унда активнинг сотиш пайтидаги қиймати қолган ва сотилган қисмлар ўртасида тақсимланади.

Активларнинг текинга ёки камайтирилган қиймат бўйича берилиши ҳолларида берувчи шахснинг активлари қиймати вужудга келган харажатлар асосида, олувчи шахснинг даромадлари эса – кирим қилинган баҳолаш қиймати бўйича, лекин бериладиган активларнинг таннархидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

– фоизлар сифатидаги даромад;

– дивидендлар;

– текинга олинган мол-мулк.

Агар воситаларнинг текинга берилиши вазирлик, концерн, бирлашма ва шу кабилар тизим деб тушуниладиган тизим ичидаги корхоналар ўртасида юз берадиган бўлса ва бундай воситалар бўлиш баланси бўйича юқори ташкилот буйруғига кўра олинган бўлса, унда улар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

– мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромад.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, агар ижарага берувчи амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага топширса, унда бундай операция солиққа тортиш мақсадларида ижарачи томонидан мол-мулк харид қилинган деб кўриб чиқилиши лозим.

Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси агар қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келса, у лизинг ҳисобланади:

ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса;

ижарачи асосий воситаларни қатъий белгиланган нархда ёки ижара тугаганидан сўнг белгиланадиган нарх бўйича харид қилиш ҳуқуқига эга бўлса;

ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугалланганидаги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан камни ташкил этса;

ижарага олинган бутун давр учун жорий тўловларнинг суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

Ушбу қоидалар лизинг шартномасини узайтириш ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин бўлган даврга ҳам тегишли бўлади;

– роялтилар;

– текинга берилган молиявий ёрдам (давлат бюджети субсидияларидан ташқари);

– даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган давр доирасидаги муддатдир.

Даъво муддатининг умумий муддати – 3 (уч) йил;

– илгари чегирилган харажатлар, зарарлар ёки даргумон қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар;

– валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги мусбат фарқ;

– фавқулодда даромадлар;

– бошқа даромадлар.

Даромад (фойда) солиғи қуйидаги ставкалар бўйича (2004 йил учун) ундирилади:

Т.р.	Тўловчилар	Солиққа тортиладиган даромадга нисбатан %лардаги солиқ ставкалари
1	Юридик шахслар (2-5 бандларда кўзда тутилганларидан ташқари)	18
2	Болалар ассортименти товарлари, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва аёлларнинг гигиена буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар	10
3	Хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари:	

	устав фондида хорижий капитал улуши 50% ва ундан ортиқ бўлганда унинг миқдори қуйидаги муқобил ҳисобда:	
	1.0 млн. АҚШ долларигача	18
	1.0 млн. АҚШ долларидан ва ундан ортиқ бўлган	16
4	Ўзида ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорт улуши реализация ҳажмининг қуйидаги фоизларини ташкил этувчи экспортчи корхоналар учун: - 15% дан то 30% гача - 30% ва ундан юқори	Белгиланган ставка камайтирилади, фоизга 30 50
5	Лукционлар, гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб қилган ҳолда оммавий томоша талбирларини ўтказишдан даромад оладиган корхоналар учун	35

Ихтисослашган корхоналарга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариладиган товарларнинг умумий ҳажмида болалар учун товарлар табиий ифодасида камида 60 фоизни ташкил этадиган болалар учун товарлар ишлаб чиқарадиган корхоналар;

- ишлаб чиқариладиган товарларнинг умумий ҳажмида аёллар гигиенаси буюмлари ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари камида 60 фоизни ташкил этадиган аёллар гигиенаси буюмлари ва бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига қуйида санаб ўтилган шартларга мувофиқ келадиган, уларнинг устав фаолиятида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва (ёки) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сервис хизматини кўрсатиш ҳиссасига хўжалик фаолиятидан олинган тушум умумий ҳажмининг 60 фоизидан кўпроғи тўғри келадиган хорижий, шўъба ва қўшма корхоналар киради.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар қуйидаги шарт-шароитларга мувофиқ келиши лозим:

— устав капитали (фонди) миқдори 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам булиши мумкин эмас;

— корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши керак.

Юридик ва жисмоний шахсларга тўланадиган дивидендлар бўйича даромад солиғи ставкаси манбалардан солиққа тортиш базасига нисбатан 15%.

Даромад (фойда) солиғи тўловидан қуйидагилар озод этилади:

– протез-ортопедия буюмлари, инвентарини ишлаб чиқариш, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар – асосий фаолият тури бўйича;

- ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган, ногиронлар жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилари уюшмаси мулки бўлганлари, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно.

Кўрсатилган имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаш чоғида ходимларнинг умумий сонига жадвалда бўлган корхона ходимлари, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчилар, шунингдек корхона жадвалида турмаган шахслар (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича иш бажарадиган) киритилади.

– даволаш муассасалари қошидаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

– жазони ижро этувчи муассасалар;

– нотижорат корхоналар.

Солиққа тортиш мақсадларида нотижорат ташкилотлари деганда қуйидагилар тушунилади:

бутунлай давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағлар билан таъминланадиган, харажатларини қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

жамоатчилик-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил этилган, таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилганидек тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлари;

молиявий ва бошқа пул маблағларини ходимлар, муассислар ёки ушбу ташкилот аъзоларининг шахсий мақсадларида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиганлари (қонунда белгиланган тартибда меҳнатни рағбатлантиришдан ташқари).

Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад (фойда) олинган нотижорат корхоналари ушбу фаолият туридан умумий белгиланган тартибда солиқ тўлайдилар;

– шаҳар йўловчи транспорти (такси, шу жумладан йўналишлар оралиғида қатнайдиган таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш билан боғлиқ хизматлари бўйича;

– тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклашга доир ишларни амалга оширишдан олинган даромадлар (фойда);

– давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва фоизлар;

– Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағ сарфлашни амалга оширувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, рўйхатдан ўтган вақтидан бошлаб дастлабки етти йил давомида солиқни тўлашдан озод қилинади.

- қўрғонлар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида барпо этилган янги ташкил этилган корхоналар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб биринчи йилда даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод этиладилар, иккинчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдорида ва учинчи йили 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади;

- бошқа янги ташкил этилган корхоналар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчиларидан ташқари) рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдорида ва иккинчи йил 50 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Кейинги йилларда даромад (фойда) солиғи белгиланган ставка бўйича тўлиқ миқдорда тўланади.

Мазкур имтиёзлар илгари фаолият кўрсатган юридик шахсларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари базасида ташкил этилган юридик шахсларга (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ташқари), шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга, бошқа-

ти улар корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишласалар, татбиқ этилмайди.

- ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари;

- гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия олганлари;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан дивидендлар кўринишида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав капиталига (фонди)га йўналтириладиган даромадлар.

Янги барпо этилган корхоналар учун мазкур имтиёзлар илгари фаолият кўрсатган юридик шахслар негизида барпо этилган юридик шахсларга (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан ташқари), уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларига, шунингдек корхоналар ҳузурида барпо этилган юридик шахсларга, улар корхоналардан ижарага олинган ускуналарда ишлаш шарти билан, татбиқ этилмайди.

Юридик шахслар имтиёзли давр белгиланганидан кейин бир йил ўтмасдан тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти учун тўлиқ ҳажмда ундирилади.

- суғурта шартномаларига мувофиқ суғурта бўйича қоплаш тарзида (суғурта суммаси) олинган маблағлар суммаси.

Солиққа тортиладиган даромад (фойда) қуйидаги суммага камайтирилади:

а) экология, саломатлик ва хайрия жамғармалари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига бадаллар суммасига, бироқ солиққа тортиладиган даромад (фойда)нинг бир фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва қайта жиҳозлашга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача муассасалар қурилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтириладиган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шарти билан, бироқ солиққа тортиладиган даромад (фойда)нинг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

Инвестициялар деганда ўзининг қуйидагилар учун сарфланган харажатлари тушунилади:

– янги қурилиш шаклидаги капитал қурилиш, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш;

– ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бинолар, иншоотлар, асбобускуналар, транспорт воситалари ва бошқа алоҳида объектларни (ёки уларнинг қисмларини) сотиб олиш;

Кўрсатилган имтиёз қуйидагилар ҳисобига инвестициялар ҳажмига оширилганида тақдим этилади:

ўз воситалари ҳисобига - инвестицияларга ҳақиқатда қилинган харажатлар доирасида;

банк кредитлари ҳисобидан - банк кредитларини ҳақиқатда қоплаш суммаси доирасида, банк хизматларига хизмат кўрсатиш харажатларидан ташқари.

- диний ва жамоат бирлашмаларининг (касаба уюшмаларидан, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар даромади (фойдаси)дан шу бирлашмалар ва жамғармаларнинг уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш учун йўналтириладиган маблағлари суммасига.

Ишловчилари умумий сонининг 3 фоизидан кўпрогини ногиронлар ташкил этган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи суммаси қуйидаги тарзда: белгиланган меъёрдан ортиқ ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига даромад (фойда) солиғи 1 фоиз камайтирилади.

Корхона фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган база қуйидаги тартибда аниқланади:

умумий молиявий натижа фойдадан солиқ тўламасдан олинган фойда ёки зарар (Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг А-Г бўлимларига мувофиқ):

+ (қўшиш) Солиққа тортиладиган фойда билан баланслаштирилган фойда ўртасидаги доимий тафовутлар (Низомнинг 1-иловаси).

± - (қўшиш ёки айириш) Солиққа тортиладиган базадан чиқарилган харажатларни чегириш вақтидаги тафовутлар (2-иловага мувофиқ).

(минус) Амалдаги қонунчиликка асосан солиқлар бўйича имтиёзлар.

= (баробар) Фойда (даромад) солиғига тортиладиган база. Банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видео-кўрсатув масканлари, видео ва аудиоёзув масканлари, аукционлар, казинолар, пул ютуқли ўйин автоматлари, лотерея ўйинлари, оммавий концерт-томоша талбирлари, шунингдек 1995 йил 1 январга қадар амал қилган солиқ солиш тартибини сақлаган хорижий инвестицияли ишлаб чиқариш корхоналари даромад солиғи тўлайдилар.

Солиққа тортиш мақсадида ушбу ташкилотлар учун, Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг II-иловасига мувофиқ солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланмайдиган, қўшимча харажатлар бандлари кўзда тутилган.

Даромад солигига тортиладиган база ҳам шу тартибда аниқланади, лекин унга қўшимча тарзда 1-иловада белгиланган бухгалтерия ҳисобидаги ва солиққа тортишдаги даромадларнинг қўшимча доимий тафовутлари қўшилади.

Мисол: Корхонада фойдадан солиқ тўланмасдан олдин олинган фойда 24 700 минг сўмга тенгдир. Низомнинг 1-иловасига мувофиқ корхона харажатлари - 8 500 минг сўмга тенг, солиққа тортиш базаси:

$$24700 + 8500 = 33200 \text{ минг сўм.}$$

Фойда солиғи:

$$33200 \times 18\% : 100 = 5976 \text{ минг сўм.}$$

Ҳисобланган солиқ қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 9810 «Даромадлар (фойда)га солинадиган солиқ бўйича харажатлар».

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)».

Тўлаш пайтида қуйидаги ёзув қайд этилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)».

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи».

17.3. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш босқичларида яратилади-

ган қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ўтказиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар, амалдаги қонунчилик билан алоҳида солиққа тортиш тартиби кўзда тутилган юридик шахслар (ягона солиқ тўлаш тартибига ўтган кичик корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ва ягона ер солиғини тўлаш тартибига ўтган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар) бундан истисно, қўшилган қиймат солиғининг тўловчилари ҳисобланадилар.

Ўзининг асосий фаолиятидан ташқари, қўшилган қиймат солиғига тортиладиган, бошқа бир фаолият билан шуғулланадиган ягона ер солигини тўловчилар - қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар, ушбу фаолият бўйича, тегишли йўриқнома билан белгиланган тартибда, мазкур солиқни тўловчилари ҳисобланадилар.

Ўзининг мулкчилигида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулкка эга бўлган ва мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган корхоналарнинг барча турлари солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар ҳисобланади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) сотилишига доир айланмалар, яъни юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича айланмалар солиққа тортиладиган айланмалар ҳисобланади.

Қуйидагилар ҳам солиққа тортиладиган айланмалар ҳисобланади:

– ўз ходимларига ўз истеъмоли учун корхона ичида товарларни сотишга доир айланмалар;

– бошқа корхоналарга ва ўз ходимларига бепул ҳамда қисман тўлаш билан бериш бўйича айланмалар;

– гаровга қўйилган буюмларни сотиш бўйича айланмалар, жумладан гаровга қўйиш билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаганда улар гаровни сақловчига берилганда.

Сотиш бўйича солиққа тортиладиган айланма миқдори сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати асосида белгиланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғи киритилмаган ҳолда, аниқланади.

Акцизланадиган товарлар бўйича солиққа тортиладиган айланмани ҳисоблашда унга акцизлар суммаси киритилади.

Товарлар (ишлар, хизматлар) беғараз ёрдам тариқасида, бундан асосий воситалар ва номоддий активлар истисно, солиққа тортиладиган айланма миқдори, қўшилган қиймат солиғи киритилмаган ҳолда, корхонада ўтказиш пайтида вужудга келган нарх (тариф)лар даражасидан келиб чиқиб аниқланади, лекин бунда у ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш (сотиб олиш) бўйича ҳақиқий харажатлардан кам бўлмаслиги лозим.

Асосий воситалар ва номоддий активларни беғараз ёрдам тарзида берилганда солиққа тортиш айланма миқдори ўтказиш пайтидаги нарх билан қолдиқ қиймат орасидаги фарқ кўринишида аниқланади.

Товарлар (ıар, хизматлар)ни беғараз ёрдам тарзида ўтказишда уларни берувчи корхона тўловчи ҳисобланади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқий таннархидан (ёки сотиб олиш нархи ва товарни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан) кам нархларда сотишни амалга ошираётган корхоналар учун солиққа тортиш мақсадида корхонада сотиш пайтида вужудга келган нархлар қўлланилади, лекин улар қуйидагилардан кам бўлмаслиги керак:

товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда - товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархидан;

савдо-сотиқ, таъминлаш-тайёрлаш фаолиятини амалга оширишда - сотиб олиш ва ушбу товарларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан.

Қўшилган қиймат солиғидан қуйидагилар озод қилинади:

– суғурта қилиш ва қайта суғурта қилишга доир операциялар, шу жумладан бундай операциялар билан боғлиқ хизматлар;

– ссудаларнинг берилиши ва ўтказилиши;

– пуллик омонатлар, жорий ҳисобварақлар, тўловларга тегишли операциялар;

– хорижий валюта ва қонуний тўлов воситалари бўлган пуллар муомаласига тегишли операциялар, нумизматик мақсадларда фойдаланиладиганларидан ташқари.

Валюта муомаласига тегишли операциялар деганда хори-

жий валютанинг олди-сотдиси, шунингдек, ҳисобга олиниши, ўтказилиши ва берилиши билан боғлиқ фаолият тушунилади.

Пуллик операциялар деганда пул маблағларига мулкчилик қилиш ҳуқуқининг ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, пуллардан тўлов сифатида фойдаланилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади.

Инкассацияга доир хизматлар пуллар муомаласига тааллуқли операцияларга кирмайди;

— қимматли қоғозларнинг муомаласига тегишли операциялар, уларнинг тайёрланиши ва сақланишига доир операциялардан ташқари.

Қимматли қоғозларнинг муомаласига тегишли операциялар деганда қимматли қогозларнинг олди-сотдисига тегишли операциялар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг алмашишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар тушунилади;

— махсус вакил қилинган идоралар томонидан бажариладиган ва давлат божи, йиғимлар ундириладиган хатти-ҳаракатлар.

Бундай имтиёз лицензия, рўйхатдан ўтказиш ва патентларга оид божлар ва йиғимларнинг ҳамма турларига, шунингдек давлат идоралари, бошқа ваколатли идоралар юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқларни беришда ундирадиган божлар ва йиғимларга нисбатан қўлланилади;

— болаларга мактабгача тарбия муассасаларида қарашга, касаллар ва қарияларни парвариш қилишга доир хизматлар;

— дафн қилиш бюролари ва қабристонларнинг маросим хизматлари;

— интеллектуал мулк объектларини харид қилиш ҳуқуқи учун патент божлари, рўйхат йиғимлари ва рухсатнома тўловлари;

— протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқариш ва ногиронларга ортопедик протез қўйиш хизматларини кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотлари, даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари маҳсулотлари;

— ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотилиши;

— почта маркалари (коллекция қилинадиганларидан ташқари), маркаланган открыткалар ва конвертларнинг сотилиши;

— алоқа ташкилотларининг ёрдам пули ва нафақаларни тўлаш бўйича хизматлари;

— Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника марказининг илмий-техника дастурлари доирасида давлат контрактлари бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ва инновация ишлари;

— шаҳар йўловчи транспортининг хизматлари (такси, шу жумладан йўналишлар оралиғида қатнайдиган таксидан ташқари), шунингдек умумий йўналишдаги темир йўл ва автомобил транспортида (такси, шу жумладан йўналишлар оралиғида қатнайдиган таксидан ташқари) шаҳар атрофига йўловчиларни ташишга доир хизматлар;

— аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал ва фойдаланишга доир хизматлар.

Қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган уй-жой-коммунал хизматларга сув тармоғи, канализация, иссиқлик, газ, электр энергетика хўжаликлари, санитария-тозалаш, лифт хўжаликлари, умумий фойдаланишдаги антенналарни ўрнатиш ва фойдаланишга доир хўжаликлар, техник рўйхатдан ўтказиш бюроларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни тутиб туришга доир бевосита аҳоли томонидан ҳақи тўланадиган хизматлари киради.

Бундай имтиёз, шунингдек, аҳоли номидан иш юритадиган ва санаб ўтилган хўжаликлар билан уларнинг аҳолига кўрсатган хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга оширадиган уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари (УФБ) ёки ширкатларга ҳам тегишли бўлади;

— халқ таълими соҳасида ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги таълим учун ҳақ.

Халқ таълими соҳасидаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар деганда корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг таълим бериш фаолияти соҳасида кўрсатадиган хизматлари тушунилади.

Таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, асосий фондлар ва мол-мулкнинг ижараси, сотиладиган товарлар савдоси, воситачилик ва бошқа хизматлар кўрса-

ни нишини амалга оширганида қўшилган қиймат солиғи умумий белгиланган тартибда тўланади;

– сақлаш учун ваколатли давлат идораларининг қимматбаҳо металларни сотишдан олинган айланмалари;

– диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг удум ва маросимларни ўтказишга доир тадбирлари.

Кўрсатилган бирлашмаларнинг маросимлар учун ва диний мақсадлардаги буюмларни тайёрлаши ва сотиши ҳам қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади;

– тиббий, санатория-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, болалар дам олиш оромгоҳларининг асосий фаолиятига доир хизматлари.

Тиббий хизматларга соғлиқни сақлаш, стоматология, физиотерапия, гомеопатия поликлиникалари, косметология шифохоналари, тиш-протез қўйиш бўлимлари ва кабинетлари, наркология амбулаториялари, ҳайдовчиларнинг тиббий комиссиялари, дезинфекция станциялари, санитария-эпидемияларга қарши йўналишдаги ва бошқа муассасалар кўрсатадиган тиббий ёрдам ва санитария хизмати киради.

Ветеринария хизматлари тиббий хизматларга кирмайди.

Санатория-курорт ва соғломлаштириш хизматларига санатория-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг йўлланмалар қийматига қўшиладиган хизматлари киради.

Санатория-курорт ва соғломлаштириш ташкилотларининг ҳам олувчиларга кўрсатадиган йўлланмалар қийматидан ортиқ бўлган хизматлари ҳам қўшилган қиймат солигига тортилмайди.

Туристик-экскурсия хизматларига туристик-экскурсия ташкилотларининг туристларнинг йўлланма (курсовка) қийматига қўшиладиган туристик йўналишлар ва экскурсия хизмати кўрсатишга доир хизматлари киради.

Бундан имтиёз туристларга йўлланма қийматига қўшимча равишда кўрсатиладиган туристик-экскурсия хизматларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Бундай имтиёз туристларга қўшимча равишда кўрсатиладиган пуллик хизматларга тегишли бўлмайди.

Жисмоний тарбия ва спорт муассасалари хизматларига спорт иншоотларида ўтказиладиган мусобақалар, байрамлар, спорт-

томоша тадбирлари, тақвимий ва матчлардаги учрашувлар, спорт турлари бўйича ўқув гуруҳлари ва командалар, мактаблар, соғломлаштириш, умумий жисмоний тайёргарлик, саломатлик, чиниқиш, сузиш, соғломлаштирувчи югуриш ва юриш йўналишига эга, атлетика, ритмик ва даволаниш гимнастикаси ва шу каби клубларда бажариладиган жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш, спорт иншоотларига ташриф буюрувчиларга тақдим қилинадиган, патталар (абонементлар) қийматида назарда тутилган спорт-техника ускуналари, тренажерлар, инвентар кийим-бошларни беришга доир ва бошқа хизматлар киради;

– хусусийлаштирилган давлат мулки қиймати;

– гидрометеорология ва аэрология ишлари;

– геология ва топография ишлари;

– нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, матбаачилик корхоналари, Телерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятга доир маҳсулотлари ва хизматлари;

– ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

– давлат тилини ўқитишга ва давлат тилида иш юритишни ўргатишга оид хизматлар;

– республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда якка тартибда иморат қурадиганларга сотиладиган қурилиш материаллари;

– экспорт қилинадиган товарларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет мамлакатларнинг юкларини ташиш, ортиш, тушириш, қайта ортиш (транзит ташишлар) бўйича хизматлар.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига экспорт қилинадиган юкларни ташиш ва хизмат кўрсатишга доир хизматларга бундай юклар учун халқаро ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришда уларнинг экспедиция қилиниши, ортилиши, туширилиши ва қайта юкланиши бўйича хизматлар киради.

Чет мамлакатлар юкларини транзит ташишларга юкларнинг транзитини амалга ошириш учун хорижий шахслар билан бевосита шартномалар ёки халқаро транспорт битимлари ва божхона идораларининг кўрсатилган транзит юкларнинг амалда олиб келингани ва олиб чиқиб кетилиши ҳақидаги белгилари мавжуд бўлганида Ўзбекистон Республикаси ҳуду-

ни орқали чет мамлакатлар транзит юкларининг ташилиши ва хизмат кўрсатишга доир хизматлар киради;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» Уюшмасининг мулкчилигидаги, умумий ишловчилар сонида эллик фоиздан кам бўлмаган ногиронлар ишлайдиган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (олиб кириладиган ва акцизланадиган товарлар бундан мустасно), ишлар ва хизматлар (савдо-сотиқ, воситачилик, таъминот-савдо ва тайёрлов хизматлари бундан мустасно).

Кўрсатилган имтиёзни олиш учун ҳуқуқни белгилашда ходимларнинг умумий сонига корхона ходимлари жадвалида турадиган ходимлар, шу жумладан, уриндошлик бўйича ишловчи ходимлар, шунингдек, корхона ходимлари жадвалида турмайдиган (пудрат шартномаси ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги бошқа шартномалар бўйича ишларни бажарадиган) ходимлар киритилади;

— ички ишлар идоралари қошидаги қўриқлаш бўлинмаларининг хизматлари.

— гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензияга эга бўлган юридик шахслар;

— китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув анжомлари ва кўргазмали қуроллари, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан улгуржи савдоси;

— мол-мулкни ижарага бериш бўйича ижара тўловлари.

Қўшилган қиймат солиги 20 фоизлик ставка бўйича тўланади.

Қуйидагилар нол даражали ставка бўйича солиққа тортилади:

— товарлар (ишлар, хизматлар)нинг эркин айирбошланадиган валютага экспорт, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига етказиб беришлар;

— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига;

— расмий фойдаланиш учун хорижий дипломатик ваколатхоналарга ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарга, шунингдек шахсий фойдаланиш учун ана шу ваколатхоналарнинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимларига, шу

жумладан улар билан бирга яшайдиган оила аъзоларига, агар улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмасалар ва республикада доимо яшамасалар, хорижий томондан ўзаро қабул қилиш тамойили қўлланиши шарти билан, сотиладиган товарлар, хизматлар ва ишлар.

Нол даражали ставка бўйича солиққа тортиладиган маҳсулотга корхоналар қўшилган қиймат солигини "0" ставкаси бўйича ҳисоблаб ёзадилар ва ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинади.

Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, солиқ суммаси солиққа тортиладиган айланмани солиқ ставкасига кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўз ичига ҚҚСни оладиган нархлар бўйича товарлар сотилганда қўшилган қиймат солиги қуйидагича белгиланади:

ҚҚС билан бирга солиқ солинадиган айланма х 20% : 120.

Товарларни юклаб жўнатиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш пайти сотиш пайти бўлиб ҳисобланади.

Хомашё ва материаллар оладиган корхоналар етказиб берувчиларга улар қийматини ҚҚС билан бирга тўлайдилар. Етказиб берувчи тушум суммаси билан бирга бу солиқни бюджетга тўлайди (Олинган материаллар бўйича ҚҚСни ҳисоблаш тартиби «Моддий бойликлар, инвентар ва хўжалик ашёларининг ҳисоби» деган 9-бобда акс эттирилган).

Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммалари билан тўланиши керак бўлган ёки олинган ҳисобварақ-фактураларга биноан етказиб берувчиларга тўланган солиқ суммалари ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

Мисол. Айтайлик, корхона ҳисобот даврида етказиб берувчиларга 1,7 минг сўм миқдорида ҚҚС тўлади, бу эса

4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар (турлари бўйича) бўнакланган тўловлар» ҳисобвараги дебетида акс эттирилади.

Ҳисобот ойида 30000 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. ҚҚС:

30000 минг сўм х 20 : 100 = 6000 минг сўм

Умумий айланма ҚҚС билан бирга 36000 минг сўмни ташкил этади.

Тушум келиб тушганда қуйидаги ёзув билан қайд этилади:

Д-т 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар» - 36000 минг сўм

К-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» - 30000 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 6000 минг сўм

Мазкур ҳисобот даврида мол етказиб берувчиларга тўланган ҚҚСни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 1700 минг сўм

К-т 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар (турлари бўйича) бўнакланган тўловлар» -1700 минг сўм.

Бюджетга тўланадиган ҚҚС 6410 ҳисобварағининг кредити ва дебети ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади:

6000 -1700 = 4300 минг сўм

Тўланган пайтда ана шу суммага ёзув қайд этилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 4300 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 4300 минг сўм.

17.4. Акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Акциз солиғи — билвосита солиқ, уни давлат товар ишлаб чиқарувчи корхона томонидан сотиладиган товарлар нархига фоизларда белгилайди.

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлиб, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи корхоналар солиқ тўловчи субъектлар ҳисобланади.

Акциз солиғига тортиладиган товарлар рўйхати ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бу рўйхатга асосан ароқ-вино, тамаки маҳсулотлари, нефт маҳсулотлари, газ, пахта, заргарлик буюмлари ва ҳоказо буюмлар киритилади.

Акцизланадиган товарлар учун солиққа тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- алкогол маҳсулотлари бўйича - қатъий (ўзига хос) солиқ ставкалари белгиланган (юклаб жўнатилган товар ёки маҳсулот ҳажми бирлигида 100% сувсиз спиртнинг ҳажм бирлиги-

га мутлақ суммада мавжуд бўлган) сотилган алкогол маҳсулотларининг табиий кўринишда ифодаланган ҳажми;

- бошқа акцизланадиган маҳсулот бўйича - қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда шартномавий (эркин) нархлар бўйича юклаб жўнатилган, шу жумладан берилган хомашёдан ишлаб чиқарилган товарлар қиймати ёки унинг жисмоний ҳажми.

Беғараз ёрдам кўрсатиш тарзида берилган акцизланадиган товар ҳам, шунингдек, солиққа тортиш объекти ҳисобланади. Бунда солиққа тортиш объекти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- алкогол маҳсулотлари бўйича - қатъий (ўзига хос) солиқ ставкалари (юклаб жўнатилган маҳсулотда 100% сувсиз спиртнинг ҳажм бирлигига мутлақ суммада мавжуд бўлган) белгиланган, табиий кўринишда ифодаланган юклаб жўнатилган алкогол маҳсулотнинг ҳажми;

- бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича - товарни бериш пайтида солиқ тўловчида амалдаги ҳисобли (улгуржи) нархлардан келиб чиқиб ҳисобланган, лекин ушбу акцизланадиган товарни ишлаб чиқариш учун амалдаги ҳақиқий нархлардан кам бўлмаган қиймат.

Акциз солиғи суммаси ҚҚСсиз акциз солиғини ўз ичига оладиган шартномавий нархни ставкага кўпайтириш билан белгиланади.

Акциз солиғи суммасини ҳисоблаш учун шартномавий (эркин) нарх (шу жумладан акциз) қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$О = (С \times 100) / 100 - А,$$

бу ерда: О — шартномавий (эркин) нарх, шу жумладан ҚҚСсиз акциз солиғи С — корхонанинг ҳисоб-китоб нархи (меъёрий харажатлар ва фойда меъёри); А — акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$(О \times А) / 100.$$

Мисол. Телевизор ишлаб чиқарувчи корхонанинг меъёрий харажатлари — 800 минг сўм, фойда меъёри — 200 минг сўм. Акциз солиғи ставкаси — 5%.

$$О = \frac{(800 + 200) \times 100}{100 - 5} = 1052{,}6 \text{ минг сўм.}$$

Акциз солиғи суммаси:

1052,6 х 5 %/ 100 = 52,6 минг сўм.

Сотиш чоғида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» – 1052,6 минг сўм.

К-т 9010 «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» – 1000 минг сўм.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» – 52,6 минг сўм.

Солиқ тўлаш чоғида:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» – 52,6 минг сўм.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб вараги» – 52,6 минг сўм.

Қуйидагилар акциз солиғига тортилмайди:

а) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган алоҳида товарлардан ташқари экспорт учун акцизланадиган товарларни етказиб бериш;

б) «Ўзбекистон» ёғи ва ёғ-мой тайёрлаш учун фойдаланиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

в) Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжлари учун махсуслаштирилган мебел.

Имтиёзлар бериш мақсадида махсуслаштирилган мебел деб қуйидагиларга сотиладиган мебел тушунилади:

давлат ва нодавлат умум таълим ва тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун;

қарамоқдаги таъминот-сотиш ташкилотларига таълим ва тиббиёт тизимларини жиҳозлаш учун.

Махсуслаштирилган мебел таълим ва тиббиёт тизимларини жиҳозлаш учун сотиб олиниши тўғрисида контрактлар (шартномалар) мавжуд бўлган ҳолда ушбу имтиёз тақдим этилади.

Ушбу мебел бошқа истеъмолчиларга сотилса у умумбелгиланган тартибда акциз солиғига тортилади.

г) алкогол маҳсулотини ишлаб чиқариш учун «Ўзкимёсаноат» уюшмаси корхоналари томонидан «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарига спирт сотилганда;

д) вино ишлаб чиқариш учун «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» холдинг компанияси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги корхоналарига виномаҳсулотлар сотилганда.

Акциз маркалари учун ҳақ тўлаганда қуйидаги ёзув билан қайд этилади:

Д-т 5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб вараги»

Маркаланган маҳсулот юклаб жўнатилишига қараб сарфланган акциз маркалари суммасига бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

Д-т 9410 «Сотиш бўйича харажатлар»

К-т 5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)».

17.5. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширадиган барча мулкчилик шаклларидаги корхоналар тўлайди.

Солиққа тортиш объекти бўлиб ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда минерал хомашёни қазиб олиш ҳажми, техноген ҳосилалар ҳажми ва шунингдек ер остидаги иншоот ва омборлар ҳажми ҳисобланади.

Фойдали қазилмалар таркиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганувчи, геология ҳудудларида илмий ишларни олиб борувчи, ер ости иншоотларини қурганлик ва улардан фойдаланганлик учун бюджет ташкилотлари *мазкур солиқни тўлашдан озод қилинади.*

Мисол. Ҳисобот даврида корхонада қазиб олинган кўмир ҳажми 2000 минг сўмни ташкил этди, солиқ ставкаси 5,4%.

Солиқ суммаси 2000 минг сўм х 5,4% : 100 = 108 минг сўмни ташкил этади.

Ҳисобланган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлари» – 108000 сўм.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) – 108000 сўм.

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича) — 108000 сўм.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» — 108000 сўм.

17.6. Экология солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Товарлар ишлаб чиқарадиган, ишларни бажарадиган, хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар *экология солиғини тўловчилардир.*

Солиққа тортиш объекти бўлиб бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Нафақа жамғармаси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисобварағига ажратмалардан ташқари, ишлаб чиқариш ва давр харажатлари ҳисобланади.

Бунда:

қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун солиқа тортиш объекти бўлиб ўз кучлари билан бажарилган ишлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан ташқари давр харажатлари ҳисобланади;

суғурта ташкилотлари учун солиққа тортиш объекти бўлиб кўрсатилган хизматлар бўйича жами харажатлар ва бюджетга тўланадиган мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан ташқари давр харажатлари ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида экология солиғини ҳисоблашда ишлаб чиқариш харажатлари деганда корхона ичидаги айланмасиз ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган ("Асосий ишлаб чиқариш" ва "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида четга кўрсатилган хизматлар қисмида) ялпи харажатлар суммалари тушунилади.

Чет элда ўзларининг таркибий бўлинмалари бўлган корхоналар ва ташкилотлар солиққа тортиш базасида фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатларини ҳисобга олишлари керак, яъни Ўзбекистон

Республикасидан ташқарида жойлашган таркибий бўлинмаларнинг харажатлари солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланмайди.

Экология солиги бир фоизлик ставка бўйича тўланади.

Экология солигини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

а) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қиладиган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

в) гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган юридик шахслар.

Юридик шахсларнинг экология солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларда олиб борилади.

Ҳисобланган солиқ суммасига қуйидаги ўтказма берилади:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Бюджетга ўтказилган солиқ суммалари қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

17.7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Ушбу солиқни тўловчилар ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни сувдан фойдаланувчилар бевосита ўзлари сув ресурсларидан фойдаланиши жойида, жойдаги давлат солиқ хизмати идораларида рўйхатга олинганлигидан қатъи назар, тўлайдилар.

Аҳоли масканларини сув билан таъминлаш учун сув етказиб берувчи корхоналар ўз фаолиятида фойдаланиладиган сув учун солиқ тўловчи ҳисобланадилар.

Ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми, яъни юридик шахслар фойдаланган сув ресурсларининг бутун ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун *солиққа тортиш* объекти ҳисобланади.

Ер усти манбаларига дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа ер устидаги ҳавзалар ва сув манбалари, турли каналлар ва ҳовузлар киради.

Ер ости манбаларига артезиан қудуқлар, вертикал ва горизонтал зовур тармоқлари киради.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда етказилади.

Ёрдамчи хўжаликка эга корхоналар, шунингдек сувдан қишлоқ хўжалик экинлари ва кўчатларни суғориш учун фойдаланадиган илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг ўқув-тажриба хўжаликлари солиқни қишлоқ хўжалик корхоналари учун белгиланган ставкалар бўйича тўлайдилар.

Қуйидагилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод қилинади:

— нотижорат ташкилотлар, сув ресурсларидан ушбу фаолиятда фойдаланилган сув ҳажмидан келиб чиқиб тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиганларидан ташқари.

Солиққа тортиш мақсадларида нотижорат ташкилотлар деганда қуйидагилар тушунилади:

— бутунлай давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағлар билан таъминланадиган, харажатларини қоплаш учун белгиланган сметалар доирасида дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

— хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

а) жамоатчилик-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил этилган, таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилганидек тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлар;

б) молиявий ва бошқа маблағларини ходимлар, муассислар ёки ушбу ташкилот аъзоларининг шахсий мақсадларида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиганлари (қонунда белгиланган тартибда меҳнатда рағбатлантиришдан ташқари);

— даволаш мақсадларида ер ости маъданли сувларидан фойдаланувчи соғлиқни сақлаш муассасалари, улар маъданли сувдан савдо тармоғида сотиш учун қуйиб сотишдан фойдаланадиган ҳоллар бундан мустасно;

— сувдан дори-дармонлар тайёрлаш учун фойдаланадиган ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар;

— сувларнинг атроф муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш мақсадида ер ости сувларини чиқариб ташлайдиган корхоналар (ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун фойдаланадиган сув ҳажмлари бундан мустасно). Уларга сизот сувлар даражасини пасайтириш мақсадида сувни чиқариб ташлайдиган дренаж сувлари киради;

— сув учун бюджетга солиқ тўлаган юридик шахслардан сув олган истеъмолчилар;

— фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан бирга шахта сувларини чиқариш учун йўл-йўлакай ер ости сувларини қазиб олган корхоналар, ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув ҳажмлари бундан мустасно;

— агрегатларни ишлатишда сувдан фойдаланадиган гидроэлектростанциялар;

— бирламчи тарзда фойдаланганлик учун ҳақи тўланган сувдан иккиламчи тарзда фойдаланувчи корхоналар. Масалан, коллектор-дренаж тармоғидаги сувдан суғориш учун фойдаланиш;

— асосий фаолият турига кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар — шўрланган ерларни ювиш мақсадида сувдан фойдаланганлик учун. Бундай имтиёз, шунингдек ёрдамчи қишлоқ хўжалигига эга юридик шахсларга тегишли бўлади;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қиладиган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни олинган сув ҳажми асосида ҳисоблаб чиқадилар.

Ер ости ва ер устидаги манбалардан сув келиб тушадиган сув ўтказиш тармоғидаги сувдан фойдаланилган ҳолда солиқ тегишли манбалар учун белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари сув етказиб берувчи корхоналардан сув ўтказиш тармоғига ер ости ва ер устидаги манбалардан келиб тушадиган сув ҳажмларининг нисбати ҳақидаги маълумотларни олиши ва уларни солиқ тўловчилар эътиборига ҳавола этиши лозим.

Масалан, Тошкент шаҳрида "Сувсоз" трести маълумотларига кўра, сув ўтказиш тармоғига 72% ер ости ва 28% ер устидаги манбалардан сув келиб тушади. Айтайлик, корхона бир ойда 10 минг куб м. сув олган. Шундай бўлганида ер устидаги манбалардан олинган сув ҳажми:

10 000 х 72 : 100 = 7 200 куб м. ни,

ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми:

10 000 - 7 200 = 2 800 куб м. ни ташкил этади.

2004 йилда саноат корхоналари учун ер устидаги манбалардан олинган сув учун солиқ ставкаси 1 куб м. га 490,4 тийин ва ер ости манбаларидан олинган сув учун солиқ ставкаси 630,8 тийин қилиб белгиланган. Солиқнинг умумий суммаси:

(7400 х 490,4) + (2800 х 630,8) = 52970 сўм бўлади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар» – 52970 сўм.

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» – 52970 сўм.

Ушбу солиқни бюджетга тўлаганда:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» – 52970 сўм.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» – 52970 сўм.

17.8. Ер солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер майдонларига эга бўлган *корхоналар ер солиғи тўловчиларидир.*

Мулк қилиб олинган, эгалик қилиш ёки фойдаланишга берилган ер майдонлари *солиққа тортиш объектлари* ҳисобланади.

Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан алоҳида ҳар бир туман, шаҳар учун белгиланади.

Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналар учун ер солиғи ставкалари уни 14 зонага бўлишни тақозо этди.

Ер солиғини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

— нотижорат ташкилотлар, ер майдонларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланганлардан ташқари;

— хайрия фондлари;

— маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий ҳимоялаш муассасалари;

— давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йилга деҳқон (фермер) хўжаликлари;

— хорижий инвестицияли, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб икки йил давомида;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида ўттиз фоизини ногиронлар ташкил қиладиган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

Ишловчиларнинг умумий сонига жалбларда мавжуд бўлган, жумладан ўринлаш шарти билан ишлайдиган корхона ходимлари, шунингдек корхона ходимлари жадвалида бўлмаган шахслар (ишларни пудрат шарти билан ва фуқаролик-ҳуқуқий тавсифга эга бўлган бошқа шартномалар бўйича бажарадиган шахслар) киритилади.

Ер солиғини ҳисоблаш ер бўлагининг давлат ер кадастри томонидан тасдиқланган ҳақиқий майдони асосида амалга оширилади.

Ер солиғи жойлашган ҳудуднинг туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади, бунда солиқ тўловчининг қаерда жойлашгани аҳамиятга эга эмас.

Мисол. Корхона Тошкент шаҳар Чилонзор туманида 3 гектар майдонда жойлашган ҳамда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 2 гектар майдонда дам олиш масканига эга.

Чилонзор тумани ҳудудида солиқ ставкаси 1 гектар ер учун 6675,6 минг сўм. Солиқ 6675,6 х 3 = 20026,5 минг сўм.

Солиқ Тошкент шаҳар Чилонзор туманига тўланади

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида 1 гектар учун солиқ ставкаси 19,0 минг сўм. Солиқ 19,0 х 2 = 38,0 минг сўм.

Ушбу солиқ Бўстонлиқ туманининг маҳаллий бюджетига тўланади.

Солиқнинг жами суммаси 20026,8 + 38,0 = 20064,8 минг сўм.

Ҳисобланган сумма қуйидаги ёзув билан ифодаланади:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар» - 20064,8 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 20064,8 минг сўм

Солиқ тўланганда қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 20064,8 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» - 20064,8 минг сўм

17.9. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар *мол-мулк солиғини тўловчилар* ҳисобланади.

Юридик шахслар учун *солиққа тортиш объекти* бўлиб асосий воситалар (қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно) ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, шунингдек белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объектининг қиймати ҳисобланади. *Солиққа тортиш объекти* бўлиб, шунингдек меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ускуналарнинг қиймати ҳисобланади.

Корхона мол-мулкининг ўртача йиллик қиймати мол-мулкнинг ҳисобот йили 1 январидаги қиймати ярмини ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январдаги қийматининг ярмига қушилишидан ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулкнинг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг биринчи кунидаги қиймати суммасини 12 га бўлишдан ҳосил бўлган сумма сифатида қуйидаги формулага кўра белгиланади:

$$\text{Ўртача йиллик қиймат} = \frac{\frac{\text{1 янв}}{2} + \text{1 фев.га} + \ldots + \text{1 дек.га} + \frac{\text{1 янв}}{2}}{12}$$

Агар корхона биринчи ойдан бошқа қайсидир ойнинг бошида таъсис этилган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати корхона мол-мулкининг у таъсис этилган ойнинг 1 кунидаги қиймати ярмини ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январидаги қийматининг ярмига қўшилишидан ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулкнинг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг биринчи кунидаги қиймати суммасини 12 га бўлишдан ҳосил бўлган сумма сифатида белгиланади.

Агар корхона ойнинг биринчи ярмида мол-мулкка эгалик қила бошлаган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини ҳисоблашда эгалик қила бошлаган ойи тўлиқ ой сифатида қабул қилинади, агар мулк ойнинг иккинчи ярмида олинган бўлса, мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб ҳисобланади.

Мисол: корхона 20 октябрда ишга туширилган.

2004 йил учун корхона мол-мулки ўртача йиллик қийматининг ҳисоб-китоби

Баланс моддалари номи	Ҳисоб-варақ коди	Баланс сатри коди	Баланс моддалари бўйича қуйидаги санадаги суммалар:					
			01.01	01.02	...	01.11	01.12	01.01
Асосий воситалар	01, 03	010	-	-	-	440	440	420
Номоддий активлар	04	020	-	-	-	-	-	-
Солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган мол-мулк қиймати						100	100	100
Солиққа тортилиши лозим бўлган мол-мулк қиймати						340	340	320

Солиққа тортилиши лозим бўлган мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати

$$\frac{\frac{340}{2} + 340 + \frac{320}{2}}{12} = 56{,}6$$

Йил давомида мол-мулкнинг ҳисобот давридаги (йил чораги, ярим йиллик, 9 ойлик) ўртача қиймати мол-мулкнинг

биринчи ойнинг 1 кунидаги қийматининг ярмини ҳисобот даридан кейинги ойнинг 1 кунидаги қийматининг ярмига шилишидан ҳосил бўлган суммани, шунингдек мол-мулкнинг ҳисобот давридаги қолган барча ойларнинг 1 кунидаги суммасини ҳисобот давридаги ойлар сонига бўлишдан ҳосил бўлган сумма сифатида белгиланади.

Масалан:

1) ҳисобот йилининг I чораги учун:

$$\text{Мол-мулки ўртача қиймат} = \frac{\frac{\text{1 янв}}{2} + \text{1 фев.га} + \text{1 мартга} + \frac{\text{1 янв}}{2}}{3}$$

2) 13 мартдан бошлаб мол-мулк солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланадиган корхона учун:

$$\text{Мол-мулкнинг I чорак учун ўртача қиймат} = \frac{\frac{\text{1 мартга}}{2} + \frac{\text{1 апрелга}}{2}}{3}$$

Солиққа тортиладиган базани белгилаш учун бухгалтерия ҳисобининг баланс активида акс эттириладиган қуйидаги ҳисобварақлар бўйича суммалар қабул қилинади (эскиришни айирган ҳолда):

0110-0199 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

0410-0490 «Номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

0710-0720 «Ўрнатиш жиҳозларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар»

0810 «Тугалланмаган қурилиш» (белгиланган муддатларда тугалланмаган қурилиш объекти қисмида).

Корхоналарнинг мол-мулки 3,5 фоизлик ставка бўйича солиққа тортилади.

Корхона ва ташкилотлар меъёрдаги муддатларда ўрнатилмаган ва фойдаланилмаётган ускуналар учун мол-мулк солиғини икки баравар кўпайтирилган ставка бўйича тўлайдилар.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилишида давом этиш ва ишлаш учун захира тайёрлашнинг тасдиқланган меъ-

срига олинган ҳар бир объект бўйича технологик ёки бошқа ускуналарни етказиб бериш ҳамда монтаж қилиш жадвали белгиланиши керак.

Мамлакатимиз ва хорижий ускунани етказиб бериш ва монтаж қилиш жадвали қуйидаги топшириш муддатларини ҳисобга олади:

— йирик технологик ва энергетик ускуналар — мавжуд руйхатлар ва етказиб бериш жадвалларига кўра монтажга топширишнинг режадаги муддатига қадар;

— технологик ускуналар, технологик тизимлар, қурилмалар ва бошқа умумзавод ускуналари — ускуналарни режада белгиланган муддатида топшириш, лекин олти ойдан ошмаслиги керак;

— импорт ускунаси тўплами — монтажга топширишнинг режадаги муддатигача, лекин бир йилдан ошмаслиги керак, техник шартларга кўра ускунани монтаж қилишни қисмлар бўйича амалга ошириш мумкин эмас, уларни монтажга топшириш муддати ускунанинг бутун тўплами келиб тушган пайтдан бошлаб белгиланади;

— қисмларга бўлинган импорт ускунаси, шунингдек кабел маҳсулоти, сим ва симарқонлар — монтажга топширишнинг тўлиқ муддатига қадар, лекин олти ойдан ошмаслиги керак.

Ускунани монтаж қилиш ва ўрнатишнинг меъёр ва жадваллари бўлмаган ҳолда қуйидаги муддатлар қўлланилади:

— мамлакатимиз ва импорт қурилмасини ишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар бўйича ўрнатмаганлик учун — харид қилишнинг бир йиллик муддати тугаган пайтдан бошлаб;

— ноишлаб чиқариш аҳамиятидаги объектлар бўйича — харид қилиш кунидан бошлаб олти ой ўтганидан кейин;

— монтажни талаб қилмайдиган хўжалик инвентари ва ускуналар бўйича — харид кунидан бошлаб.

Етказиб бериш ва монтаж қилишнинг юқорида курсатилган муддатларини бузганлик, шунингдек ускунани ишлатмаганлик учун корхона ва ташкилотлар мол-мулк солиғини икки баравварлик ставка бўйича тўлайдилар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Қуйидаги юридик шахсларнинг мол-мулки солиққа тортилмайди:

— нотижорат ташкилотлар, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулклан ташқари.

Солиққа тортиш мақсадларида нотижорат ташкилотлар нсганда қуйидагилар тушунилади:

бутунлай давлат бюджети маблағлари ҳисобидан маблағлар билан таъминланадиган, харажатларни қоплаш учун тасдиқланган сметалар доирасида дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

хайрия бирлашмалари, уюшмалари ва жамғармалари, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар;

а) жамоатчилик-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун ташкил этилган, таъсис ҳужжатларида айтиб ўтилганидек, тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганлари;

б) молиявий ва бошқа маблағларини ходимлар, муассислар ёки ушбу ташкилот аъзоларининг шахсий мақсадларида тақсимламайдиган ва инвестиция қилмайдиганлари (қонунда белгиланган тартибда меҳнатни рағбатлантиришдан ташқари);

— халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулк;

— уй-жой-коммунал ва умумий фуқаролик аҳамиятидаги бошқа шаҳар хўжалиги;

— ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» уюшмаси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қиладиган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

— янги ташкил этилган корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб икки йил давомида. Мазкур имтиёз тугатилган корхоналар, улар филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситалари асосида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек бошқа корхоналар қошида ташкил этилган корхоналарга, улар ушбу корхоналардан ижарага олинган ускуналарда фаолият кўрсатган тақдирда, тааллуқли эмас;

— чет эл кредити ҳисобига сотиб олинган ускуналар ушбу кредит қопланиши, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатда.

Бунда қайд этилган имтиёз қуйидагиларга ҳам тааллуқли: юқорида қайд этилган имтиёз кучга киритилгунга қадар сотиб олинган ускуналарга ҳам, имтиёз кучга киритилгунга қадар кредитни қоплаш муддати тугамаган шарти билан. Қайд этилган муддат тугамаган тақдирда, имтиёз кучга киритилган пайтдан бошлаб кредитни қоплаш учун қолган даврга тааллуқли, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

кредит битими билан кўзда тутилган муддатга мувофиқ кредит буйича фақат асосий қарзни қоплаш муддатига, лекин беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

бухгалтерия ҳисоби қонунчилигига мувофиқ тўловчининг балансида ҳисобда бўлган ускунанинг тўлиқ қийматига, жумладан олиб келиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш-созлаш буйича харажатлар билан бирга.

Маҳаллий ҳокимлик идоралари мол-мулки ўзининг худудида жойлашган солиқ тўловчилар учун қўшимча имтиёзлар тақдим этиши мумкин.

Мол-мулк солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган база қуйидагилар қийматига камайтирилади:

— солиқ тўловчининг балансида турган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектлари;

— табиатни муҳофаза қилиш, санитарлик тозалаш мақсадлари ва ёнғиндан сақлаш учун фойдаланиладиган объектлари;

— қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва селекция қилиш, балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун фойдаланилалиган объектлар;

— маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан, автомобил йўллари), алоқа ва электр узатиш тизимлари, шунингдек уларнинг ишлаш ҳолатини сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотлар;

— алоқа йўлдошлари;

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра тўхтатиб қуйилган асосий ишлаб чиқариш фондлари;

— шаҳар йўловчи транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофига йўловчиларни ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобил транспорти (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

— йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўллар-

ни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари;

– давлат дастурларига кўра Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ходимлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари;

– лизинг шартномасига мувофиқ олинган мол-мулк, лизинг шартномаси амал қилиш муддатига.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилишига қадар қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари, улар тақдим этилган муддат тугагунигача сақлаб қолинади.

Ҳисобланган солиқ суммаси давр харажатларига киритилади:

Д-т 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

Ушбу солиқ бюджетга тўланганда:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб варағи».

17.10. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси корхоналари, ягона солиқ тўловчилари ҳисобланган нотижорат ташкилотлари кичик корхоналар ва барча солиқларни тўлашдан озод этилган корхоналардан ташқари, *ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар* ҳисобланади.

Солиққа тортиш объекти «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот»нинг 2-сон шакли 240-сатрида «Солиққа тортиладиган даромад (фойда)» қийматидан даромад (фойда) солиғи айирилган суммасига ҳисобланади. Солиқнинг энг юқори ставкаси солиққа тортиш объектининг 8%и миқдорида белгиланган. Маҳаллий ҳокимлик идоралари солиқни пастроқ ставкаларини белгилаши мумкин.

Мисол. Солиқ тўлашдан аввалги корхона фойдаси 500000 сўм. Даромад (фойда) солиғи суммаси 200000.

500000 - 200000 = 300000 сўм.

Ушбу суммани солиқ ставкасига кўпайтирамиз:

300000 х 8 : 100 = 24000 сўм.

Балансда ижтимоий инфратузилма объектларига эга бўлган корхоналар ушбу солиқни табақалаштирилган ставкалар бўйича тўлайди.

Агар ижтимоий соҳа объектларини сақлаш харажатлари ҳисобланган солиқ суммасидан ортиқ бўлса, бундай корхона инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўламайди.

Агар харажатлар суммаси солиқ суммасидан кам бўлса, унда корхона ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини энг юқори ставка бўйича ҳисобланган солиқ суммаси билан ижтимоий соҳа объектларининг сақлаш харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида белгилайди.

Мисол. Йилнинг биринчи чорагида болалар боғчасини сақлаш харажатлари 180000 сўмни ташкил этди. Иккинчи сонли шаклдаги ҳисоботнинг 240-сатри бўйича солиққа тортиладиган даромад 550000 сўм. Даромад солиғи суммаси 230000 сўм, даромад солиғи ставкаси 18%. Агар корхона даромад солиғи ҳисоб-китобида имтиёзли ставкани қўлласа, унда ушбу ҳисоб-китобда у ана шу ставкани қўллаши лозим. 240-сатр ва 250-сатрлар орасидаги фарқни аниқлаймиз.

550000 - 230000 = 320000 сўм.

Болалар боғчасини сақлаш харажатлари суммасини даромад солиғи ставкасига кўпайтирамиз:

180000 х 18% : 100 = 32400 сўм.

Демак, ушбу суммага болалар боғчасини сақлаш ҳисобига даромад солиғи суммаси камайтирилади.

Агар корхона балансида болалар боғчаси бўлмаганда солиқнинг қуйидаги миқдори тўланади:

230000 + 180000 + 32400 = 442400 сўм.

Сўнгра ушбу суммани ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ставкасига кўпайтирамиз.

465800 х 8% : 100 = 35392 сўм,

яъни корхона 35392 минг сўмни тўлаши керак эди, у амалда 180000 сўм сарфлаган, бинобарин ушбу ҳолда корхона ижтимоий инфратузилма солиғини тўловчи деб ҳисобланмайди, чунки харажатлар суммаси солиқдан ортиқдир.

Агар биз тескари ҳисобда, айтайлик, бюджетга тўланиши лозим бўлган 250000 сўмлик солиқ суммасини оладиган бўлсак, бунда корхонанинг ижтимоий соҳа объектларини сақлаш учун амалдаги харажатлари 150000 сўм бўлса, мазкур

...на маҳаллий ҳокимлик идораларига 250000 - 150000 = ...0 сўмни тўлаши лозим бўлади.

Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ суммасига қуйи...ги ўтказма берилади:

К-т 9820 «Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йи...лар бўйича харажатлар»

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари ...ича)»

Бюджетга солиқ ўтказилиши қуйидаги ўтказма билан акс ...рилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари ...ича)»

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»

17.11. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тушумдан ягона солиқ ва ҳисобланган даромаддан ягона солиқ ўрнига бюджетга ялпи даромаддан солиқ ва мол-мулк солиғи тўлайдилар. Бу улгуржи савдо корхоналари билан бир қаторда, чакана савдо ва умумий овқатланиш, жумладан микрофирма ва кичик корхоналарга ҳам тааллуқли.

Ялпи даромаддан солиқ тўлаш тартибига ўтишнинг мажбурий шарти бўлиб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида назорат-касса машиналарини қўллаш ва товарлар ва хизматларни сотишдан олинган пул тушумини инкассациялашдаги белгиланган тартибларга риоя қилиш ҳисобланади. Бунда ушбу тартиб узининг фирма дуконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширадиган улгуржи савдо корхоналарига ҳам тааллуқлидир.

Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, асосий фаолиятдан ташқари (савдо ва умумий овқатланиш) бошқа фаолият билан шуғулланган тақдирда, улар бу фаолият турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва мазкур корхоналар туркуми учун амалдаги қонунчилик билан белгиланган солиқлар,

йиғимлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашлари шарт.

Чунончи, чакана савдо ёки улгуржи савдо соҳасидаги кичик корхона ўзининг асосий фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турлари билан шуғулланса (масалан, ишлаб чиқариш фаолияти билан), у фаолиятнинг ушбу тури бўйича алоҳида ҳисоб юритиши ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган шаклини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган тартибда ягона солиқ ёки умумий белгиланган тартибда солиқларни тўлаши керак.

Корхона чакана савдо ёки улгуржи савдо ёхуд умумий овқатланиш соҳасида микрофирма ёки кичик корхона ҳисобланмаган тақдирда, у бошқа фаолият турлари бўйича амалдаги қонунчилик билан белгиланган барча солиқларни тўлайди.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари ўзининг асосий фаолиятидан ташқари савдо билан шугулланган тақдирда, белгиланган тартибда улар савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиши ва савдо қоидаларига риоя қилиши шарт.

Ялпи даромад солиғи тўловчилари солиққа тортишнинг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Ялпи даромад солиги тўловчилари бўлиб улгуржи ва чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ҳисобланадилар.

Ялпи даромад солиғи тўловчисини аниқлаш бўйича асосий мезон бўлиб юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада қайд этилган корхонанинг фаолият кўрсатиш коди ҳисобланади. Бунда корхонанинг ихтисосланиши ХХТУТ асосий кодига мувофиқ бўлиши керак. Корхонанинг амалдаги ҳақиқий фаолияти ХХТУТ кодига мувофиқ бўлмаган тақдирда, у амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда статистика идораларида фаолият кодини ўзгартириши ва корхоналар (фаолият турлари)нинг мазкур туркуми учун белгиланган тегишли солиқларни тўлаши лозим.

Корхонанинг ялпи даромади ялпи даромад бўйича солиқ объекти бўлиб ҳисобланади. Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киритилади:

- сотилган товарларнинг харид қилиш ва сотиш қийматлари орасидаги фарқ;

- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);

- молиявий фаолиятдан даромадлар. Бунда мусбат ва манфий курс фарқларининг сальдоси баланснинг валюта бандларини қайта баҳолашдан олинган даромадлар бўлиб ҳисобланади. Манфий курс фарқи суммаси мусбат курс фарқи суммасидан ортиқ бўлган тақдирда, ортиқча сумма ялпи даромад солиғини ҳисоблаш пайтида солиққа тортиш базасини камайтирмайди;

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ чиқланадиган бошқа даромадлар.

Бунда консигнация шартномаларига мувофиқ товарларни қабул қиладиган савдо корхоналари, ялпи даромад солиғини ҳисоблашда, солиққа тортиш объекти (ялпи даромад солиғи)дан сотилган товардан улуш миқдорида бож тўловлари суммаси (божхона божи, акциз, ҚҚС)ни чиқариб ташлайдилар.

Дивидендлар ва фоизлар тарзида олинган даромадлар, улар олинган манбаларда солиққа тортилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, ялпи даромаддан чегирилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган дивидендлар ва фоизлар (банк кредити учун фоизлардан ташқари) умумий белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Ялпи даромад солиғи, хусусиятлари, жойлашган ҳудуди ва бошқа ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

2004 йилда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун даромад солиғининг табақалаштирилган ставкалари

Солиқ тўловчилар	Қуйида жойлашган корхоналар бўйича солиқ ставкаси (ялпи даромадга фоиз ҳисобида)		
	Тошкент ва бошқа шаҳарлар	Қишлоқ туманлари	Қийин ҳудудлар
...ржи ва чакана савдо ва ...мий овқатланиш корхоналари ...ари:	20	18	16
...ий таълим мактаблари, ...б-интернатлар, ўрта махсус, ...ий ва олий ўқув юртларига ...ан курсатувчи умумий ...ланишнинг ...тирилган корхоналари	16	14	12

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, товар айланиш ҳажмидан олинган ялпи даромаддан пластик варақчаларни қўллаган ҳолда тўлаганларида, даромад солигининг ставкаси амалдагидан 20 фоизга камайтирилади.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, юқорида қайд этилган имтиёзни қўллаш учун, ҳисобот даврида ялпи даромад бўйича солиқ ҳисоб-китобига хизмат кўрсатадиган тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотномани илова қилишлари шарт.

Ялпи даромад бўйича солиқ суммаси корхоналар томонидан ялпи даромад миқдори ва белгиланган ставкаларга асосан аниқланади. Бунда ялпи даромад бўйича солиқни ҳисоблаш жамини қўшиб бориш йўли билан амалга оширилади.

Мисол. Тошкент шаҳрида жойлашган улгуржи савдо корхонаси товарларни сотишдан 2741 минг сўм ялпи даромад олган, бошқа даромадлар - 370 минг сўм, ялпи даромад солиғи ставкаси 20%. Ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади: (2741 + 370) х 20% = 622,2 минг сўм.

Ҳисобланган солиқ суммаси қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 9810 «Даромадлар (фойда)га солинадиган солиқлар бўйича харажатлар» - 622,2 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 622,2 минг сўм

Бюджетга утказилган солиқ суммаси қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» - 622,2 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги».

17.12. Ягона солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби

Кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган амалдаги солиққа тортиш тизими билан бир қаторда қўлланилади.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қонунларда белгиланган мезонларга биноан микрофирмалар ва кичик корхоналарга киритилган юридик шахсларга тегишли бўлади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик сонини белгилашда шўъба корхоналарда, филиалларда ва ваколатхоналарда ишлайдиганлар сони ҳам ҳисобга олинади.

2004 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти (бизнес)нинг кичик субъектлари туркумига қуйидагилар киради:

хусусий тадбиркорлар;

ўртача йиллик ишчилар сони ишлаб чиқариш соҳаларида - 20 тадан кўп бўлмаган, хизмат кўрсатиш соҳалари ва ноишлаб чиқариш тармоқларида - 10 тадан кўп бўлмаган, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш - 5 тадан кўп бўлмаган ходимларга эга микрофирмалар;

ўртача йиллик ишчилар сони қуйидаги тармоқларда қайд этилгандан кўп бўлмаган кичик корхоналар:

енгил ва озиқ-овқат саноати, саноат, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочга ишлов бериш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноатида - 100 тадан кўп бўлмаган;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳасида - 50 тадан кўп бўлмаган;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш доираси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида - 25 тадан кўп бўлмаган.

Солиққа тортиш тизимини танлаш ҳуқуқи қонунчиликка мувофиқ ихтиёрийлик асосида кичик корхоналарга берилади.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими ялпи умумдавлат солиқларини, шунингдек давлат ҳокимлиги маҳаллий идоралари томонидан жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлашни назарда тутади, қуйидагилар бундан мустасно:

– савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан, айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

– юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим;

– автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий атроф муҳит-

ни ифлослантирганлиги ва чиқиндиларни жойлаштирганлиги учун компенсация тўловлари.

Сотиб олинган товар ва хомашё (материаллар) қийматида қўшилган қиймат солиғи суммасини тўлаган ягона солиқ тўловчиси бўлган корхоналар, уларни ушбу товарлар (етказиб берилган материаллар, бажарилган ишлар бўйича қўшилган қиймат солиғи давр харажатларига ўтказиладиган консигнация товарларидан ташқари) ва хомашё (материаллар) қийматига киритадилар. Мол етказиб берувчиларга ишлар ва хизматлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғининг суммаси ишлар, хизматлар билан бирга харажатларга ўтказилади.

Ягона солиқ тўловчиси бўлган корхоналар асосий воситалар ва номоддий активларни ижарага берган тақдирда, умумий белгиланган тартибда ушбу ижарага берилган активлар (молиявий ижара бундан мустасно) қийматидан мол-мулк солиғини тўлайдилар. Бунда корхона-экспортёрлар учун мол-мулк солиғи бўйича бериладиган имтиёзлар ушбу корхоналар учун қўлланилмайди.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган микрофирма ва кичик корхоналар учун божхона божлари, импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи, давлат божлари, лицензия йиғимлари, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақланиб қолади.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган корхоналар ҳисобни умумий белгиланган тартибда ёки соддалаштирилган шаклда юритиш ҳуқуқига эга. Бухгалтерия ҳисоботи ва даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш китоби дастлабки ҳужжатларининг соддалаштирилган шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва барча ҳудуд бўйича ягона ҳисобланади.

Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўлловчи ва ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулки бўлган, ишловчилар умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўлашдан озод этилади.

Мазкур имтиёз савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарга жорий этилмайди.

Бир неча фаолият турларини амалга оширадиган ягона солиқни тўловчилар фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича солиққа тортиш объектининг алоҳида ҳисобини юритиши ва муайян фаолият турининг солиққа тортиладиган объекти ва унга мувофиқ келадиган ягона солиқ ставкаси асосида ягона солиқнинг ҳисоб-китобини амалга ошириши керак.

Акциз солиғига тортиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаган тақдирда ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин.

Қуйидагилар ягона солиққа тортиш объектлари (солиққа тортиш айланмаси) ҳисобланади:

харид қилувчи, таъминот-сотиш корхоналари учун - ялпи даромад;

халқ хўжалигининг қолган тармоқлари корхоналари учун - ялпи тушум.

Бунда, қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ишига тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушум солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Ялпи тушум таркибига қуйидагилар киради:

- маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум суммаси;

- сотилган мол-мулк қиймати ва бошқа активлар;

- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар. Бунда балансининг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Агар манфий курс фарқининг суммаси мусбат фарқидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма ягона солиқни ҳисоблаб чиқараётганда солиққа тортиладиган базани камайтирмайди.

- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар.

Ялпи даромад таркибига қуйидагилар киради:

- товарнинг харид ва сотиш қийматлари ўртасидаги фарқ;

- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар. Бунда баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан даромад бўлиб, мусбат ва манфий курс фарқлари ўртасидаги сальдо ҳисобланади. Манфий курс фарқининг суммаси мусбат фарқникидан ошиб кетса, ошиб кетган сумма ягона солиқни ҳисоблаб чиқараётганда солиққа тортиладиган базани камайтирмайди;

- бошқа сотишдан олинган даромадлар;

- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган бошқа даромадлар.

Ягона солиққа тортиш объектига қуйидагилар киритилмайди:

- давлат облигациялари ва бошқа давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар;

- дивидендлар ва фоизлар, тўлов манбаида солиқ тўланганлиги тўғрисида тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

- дивидендлар тарзида олинган ва улар олинган юридик шахснинг устав капитали (фонди)га йўналтирилган даромадлар.

2004 йилги алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар учун белгиланган ягона солиқ ставкалари:

- сотиб олиш, таъминот-савдо корхоналари, брокерлик фирмалари учун - ялпи даромаддан 30 фоиз;

- хусусий амалиёт билан шуғулланадиган нотариуслар учун - ялпи тушумнинг 50 фоизи;

- гастрол-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар (жумладан норезидентлар)ни жалб қилган ҳолда оммавий томоша тадбирларини ўтказишдан даромад оладиган корхоналар учун - ялпи тушумдан 35 фоиз;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари учун, бундан ягона ер солиғи тўловчи қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчилар мустасно - ялпи тушумдан 6 фоиз;

- саноат, қурилиш соҳалари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун - ялпи тушумнинг 13 фоизи.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар, 2004 йил 1 январдан

қошилаб, ягона солиқни тўлаш билан бир қаторда ер ости бойликларидан фойдаланганликлари учун солиқ тўлайдилар.

Мисол. Маслаҳат хизматларини кўрсатадиган корхона хизматлар кўрсатганлиги учун 830 минг сўм ялпи тушум олди, ҳисобот курс фарқининг манфий курс фарқидан ортиқ бўлганлиги - 215 минг сўм, ялпи даромад солиғининг ставкаси - 13%. Ҳисоб-китоб қуйидагича амалга оширилади: (830 + 215) х 13% = 135,85 минг сўм.

Ҳисобланган солиқ суммаси қуйидаги ўтказма билан акс эттирилади:

Д-т 9810 «Даромадлар (фойда)га солинадиган солиқ бўйича харажатлар» - 135,85 минг сўм

К-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»- 135,85 минг сўм

Солиқ суммаси бюджетга ўтказилиши қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)»- 135,85 минг сўм

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги» - 135,85 минг сўм.

Бундан ташқари бир қатор маҳаллий солиқлар ва йиғимлар мавжуд:

- ҳудудни тозалаш бўйича йиғимлар;
- савдо ҳуқуқини бериш учун лицензион йиғими;
- автотранспорт воситаларини сақлаш учун йиғимлар;
- бошқалар.

Ушбу солиқлар ва йиғимлар бўйича солиққа тортиш объекти қуйидагилардир: даромад (фойда), битимлар суммалари, энг кам ойлик маош миқдори ва ҳоказолар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга 1-ИЛОВА

I. СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗАГА КИРИТИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР МОДДАЛАРИ (ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР ЁКИ ДОИМИЙ ТАФОВУТЛАР)

Ишлаб чиқариш таннархи бўйича

1.1. Корхоналар томонидан сув хўжалиги тизимларидан белгиланган лимитлардан ортиқча ишлатиладиган сув учун тўлов.

1.2. Ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг табиий ишдан чиқиш меъёрларидан ортиқча нобудгарчиликлар, бузилишлар ва камомадлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ишчилари ва бошқа ходимлари меҳнатига харажатлар бўйича

1.3. Айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган овқатлар, маҳсулотлар қиймати, ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси).

1.4. Хўжалик юритувчи субъект ходимларига "Ишлаб чиқариш таннархи" бўлимининг 1.2.7-бандида кўрсатилган қўшимча тўловларнинг бошқа турлари.

1.5. Моддий ёрдам (шу жумладан, кооператив уй-жой қурилишига бошланғич бадал учун, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишига берилган кредитни қисман тўлаш учун ходимларга бепул моддий ёрдам).

1.6. Жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътиллар, улар бўйича компенсация тўловлари.

1.7. Ходимларга бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки хўжалик юритувчи субъектнинг умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар.

1.8. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари қарорига кўра амалга ошириладиган, ишлаб чиқариш ходимларининг қонунчиликда назарда тутилган меъёрлардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар.

Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар бўйича

1.9. Нодавлат нафақа жамғармаларига ажратмалар.

Асосий воситалар ва моддий активлар амортизацияси бўйича

1.10. Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча ажратмалар.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар бўйича

1.11. Табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари.

1.12. Тегишли ваколатли идоралар қарорларисиз тўланадиган, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотишлар билан боглиқ нафақалар.

Давр харажатлари бўйича

1.13. Реклама учун белгиланган меъёрлардан ортиқча харажатлар.

1.14. Хизмат енгил транспорти ва хизмат микроавтобусини сақлашга сарфланадиган харажатлар, уларни ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

1.15. Ижарага берганлик, хизматлар кўрсатилганлиги, маълумотлар узатилганлиги учун алоқа тармоқларига тўлов (кўчма,

йўлдош, пейжинг алоқаси, радиочастоталар ижараси, ажратилган каналлар, маълумотларни узатишнинг симли ва симсиз тармоқлари), АТС ва Интернетдан ташқари.

1.16. Шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлар учун белгиланган меъёрлардан ортиқча тўлов.

1.17. Юқори идоралар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқалар харажатларига ажратмалар.

1.17-1. Бошқарув ходимларига тегишли нодавлат нафақа жамғармаларига ажратмалар.

1.18. Бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган меъёрлардан ортиқча харажатлар.

1.19. Қонунчиликда белгиланган меъёрий ва меъёрлардан ортиқча вакиллик харажатлари.

1.20. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

1.21. Ходимларни ва мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилишга ҳамда ихтиёрий суғуртанинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа турларига қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча харажатлар.

1.21-1. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тааллуқли бўлмаган атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ва унга чиқиндиларни жойлаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан ортиқча компенсация тўловлари.

1.22. Хўжалик юритувчи субъект соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича ходимлар тайёрлаш харажатлари.

1.23. Лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва носозликларни бартараф этиш бўйича харажатлар, заиглашдан ҳимоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудгарчиликлар учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган миқдорда, қопланади.

1.24. Хўжалик юритувчи субъект қатнашчиларидан (мулкдорларидан) бирининг ташаббуси бўйича амалга оширилган аудиторлик хизматлари учун тўлов.

1.25. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

1.26. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

1.27. Маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар.

1.28. Хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра бирйўла тўланадиган мукофотлар ва тақдирлашлар, узоқ йил ишлаганлик учун тўловлар, шу жумладан табиий кўринишдаги тўловлар, шунингдек улар бўйича ижтимоий жамғармаларга ўтказилган суммалар.

1.29. Ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа қиммат-баҳо буюмларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш.

1.30. Ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақига, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга, саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўгаракларда, клубларда машғулотларга, маданий-кўнгилочар томошаларга, жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ва бошқа шу кабиларга тўловлар).

1.31. Нафақаларга устамалар, нафақага чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар.

1.32. Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ходимнинг жароҳатланиши ёки бошқа тарзда соғлиғига шикаст етказилиши ва ходим оила аъзоларининг вафоти муносабати билан бериладиган моддий ёрдамлан ташқари.

1.33. Соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектлари

таъминотига (шу жумладан барча турдаги таъмирлашларни ўтказиш учун амортизация ажратмалари ва харажатларни ҳам қўшган ҳолда) жойлардаги давлат ҳокимлиги идоралари томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча харажатлар.

1.34. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

1.35. Ишлаб чиқариш жараёнига бевосита тегишли бўлмаган моддий бойликларнинг табиий камайиш меъёрларидан ортиқча нобудгарчилиги ва камомади.

1.36. Суд харажатлари.

1.37. Тўланиши даргумон қарзлар бўйича захирага ажратмалар.

1.38. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

1.39. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқарилиши)дан кўрилган зарарлар, хўжалик юритувчи субъект томонидан уч йилдан ортиқ ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарардан ташқари.

1.40. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан маҳсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, боқимандалар ва бошқа хил чоралар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

1.41. Солиқ ҳақидаги қонунларни ва бошқа қонунларни бузганлик учун жарима ва пенялар.

1.42. Тўланган бошқа жарималар.

1.43. Хўжалик юритувчи субъектнинг "Давр харажатлари" бўлимининг 2.3.21-бандида кўрсатилган бошқа операцион харажатлар.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар

1.44. Тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

1.45. Банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг узоқ муддатли кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирадиган инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар, шунингдек лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар бўйича белгиланган бошқа тўловлар фоизларидан ташқари).

1.46. Қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ харажатлар.

1.47. Қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган дисконт, агар у бюджетдан қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

Товар-моддий захираларни қайта баҳолаш билан боғлиқ харажатлар моддалари

1.48. Қайта баҳолашни ўтказиш чогида пайдо бўладиган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида, инфляция жараёнларини ҳисобга олиш учун товар-моддий захиралар қийматининг ортиши қайта баҳолаш захира ҳисобварағига кредит қилинади ва хўжалик юритувчи субъект фойдаси таркибида кўрсатилмайди. Бироқ, солиққа тортиладиган базани баҳолаш мақсадида кийматнинг бундай оширилиши тескари тартибда ушбу иловага мувофиқ баланс фойдага қўшилади.

II. Банклар, суғурта ташкилотлари, видеосалонлар, видеокўрсатув, видео ва аудиога ёзиш масканлари, кимошди савдолари, пулли ютуқлари бўлган казино, ўйин автоматлари, подавлат идоралари томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари, оммавий концерт-томоша тадбирлари, шунингдек 1995 йил 1 январгача амалда бўлган солиққа тортиш тартибини сақлаб қолган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари учун солиққа тортиладиган базадан чиқарилмайдиган харажатларнинг қўшимча моддалари

2.1. Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича:

2.1.1. Амалда бажарилган ишлар учун хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва

тизимларига, шу жумладан меҳнат унумдорлигини ҳисобга олиш бўйича дастлабки ҳужжатларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловларга мувофиқ ишбай баҳолар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш тусидаги ҳисобланган иш ҳақи.

2.1.2. Касб маҳорати, мураббийлик учун тариф ставкаларига ва маошларга устамалар.

2.1.3. Иш тартиби ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

2.1.3.1. Технологик жараён жадвалида назарда тутилган, тунги вақтда, белгиланган вақтдан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишлаганлик учун тариф ставкаларига ҳамда маошларга устама ва қўшимча ҳақлар.

2.1.3.2. Кўп сменали тартибда ишлаганлик, касбларни қўшиб бажарганлик ва хизмат кўрсатиш чегарасини кенгайтирганлик учун устамалар.

2.1.3.3. Ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шароитларида ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун иш ҳақига устамалар.

2.1.3.4. Алоқа, темир йўл, дарё, автомобил транспорти ва тош йўллар ходимлари ҳамда доимий иши йўлда ўтадиган ёки қатнов тусида бўлган бошқа ходимлар иш ҳақига, йўлда ўтадиган ҳар бир сутка учун, хўжалик юритувчи субъект жойлашган жойдан жўнаб кетган вақтидан у ерга қайтиб келган вақтигача тўланадиган устамалар.

2.1.3.5. Қурилишда, қайта жиҳозлашда ва тўлиқ таъмирлашда бевосита банд бўлган ходимлар учун, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ишлар вахта усулида бажарилганда, ишларнинг кўчма ва қатнов тусдалиги учун устамалар.

2.1.3.6. Ер ости ишлари билан доимий банд бўлган ходимларга, уларнинг шахтада (конда) иш жойига жўнаб кетишларидан ва орқага қайтишларигача ўтадиган меъёрий вақт учун қўшимча ҳақ.

2.1.3.7. Меҳнатга ҳақ тўланишини туманлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан туман коэффициентлари ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тог

ойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар.

2.1.3.8. Хўжалик юритувчи субъект жойлашган жой (тўпланиш маскани)дан иш жойига ва орқага қайтадиган йўлда ўтказилган кунлар учун вахта усулида ишлаш жадвалида назарда тутилган йўлда бўлинган кунлар учун, шунингдек ходимларнинг оби-ҳаво шароитлари бўйича ва транспорт ташкилотларининг айби билан йўлда тутилиб қолинган кунлар учун тариф ставкаси, ойлик маош миқдорида тўланадиган суммалар (ишлар вахта усулида бажарилганда).

2.1.4. Иш вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамлаб ҳисобга олинган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда ходимларга иш вақтининг одатдаги давом этиш муддатидан ортиқча ишлаганлик муносабати билан бериладиган дам олиш кунлари (иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун бериладиган дам олиш кунлари) учун ҳақ тўлаш.

2.1.5. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш.

2.1.5.1. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллар, фойдаланилмаган навбатдаги (ҳар йилги) таътиллар ва қўшимча таътиллар учун компенсация, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, оналарнинг чақалоқни овқатлантириш учун ишдаги танаффуслари, шунингдек гиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

2.1.5.2. Асосий иш ҳақи қисман сақланиб қолган ҳолда мажбурий таътилда бўлган ходимларга тўловлар.

2.1.6. Давлат вазифаларини (ҳарбий йиғинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йиғинлар ва ҳоказо) бажарганлик учун меҳнат ҳақи тўлаш.

2.1.7. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармасига белгиланган тартибга мувофиқ киритиладиган бошқа хил тўловлар.

2.2. Давр харажатлари бўйича:

2.2.1. Мазкур Низомнинг 1.2-бандида санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари.

2.2.2. Қонунчиликка мувофиқ ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига кўра мажбурий ишга чиқил-

маган вақт ёки паст ҳақ тўланадиган иш бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш.

2.2.3. Меҳнат лаёқати вақтинча йўқотилган тақдирда қонунчиликда белгиланган амалдаги иш ҳақигача бўлган устама.

2.2.4. Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчилари ва мутахассисларига улар ишдан ажралган ҳолда малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақт учун ҳақ тўлаш.

2.2.5. Болаларни тарбиялаётган аёллар таътилига қонунчиликка мувофиқ ҳақ тўлаш.

Изоҳ. *Ушбу илованинг биринчи қисмида (1.1, 1.2, 1.11, 1.12, 1.21, 1.35, 1.36, 1.37, 1.38, 1.40, 1.41, 1.42, 1.47-бандлардан ташқари) назарда тутилган харажатлар сметаси хўжалик юритувчи субъектнинг ваколатли бошқарув идораси (қатнашчилар, муассисларнинг умумий йиғилиши, акциядорлик жамиятларида эса кузатувчи кенгаш) томонидан тасдиқланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг устав жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан ортиқ бўлган тақдирда харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланади.*

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида
Низомга
2-ИЛОВА

Ушбу даврнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариладиган харажатлар (вақтлар бўйича тафовутлар)

Харажатларнинг ушбу моддалари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Бироқ улар солиққа тортиш мақсадлари учун уларни солиққа тортиладиган базага киритиш учун фойдага қайтадан ҳисобга олинади, сунгра эса ушбу

харажатларнинг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлардан қайси бирининг (вақтлар бўйича тафовутларнинг) қисқа бўлишига қараб, кейинчалик чиқариб ташланади.

Товар-моддий захираларни давр харажатлари сифатида ҳисобга олинадиган иккита энг паст таннарх: таннарх бўйича ёки соф бозор нархи бўйича баҳолаш билан боғлиқ бўлган махсус ажратмалар солиққа тортиладиган базани ҳисоблашда фойда таркибига қайтадан киритилади, бироқ товар-моддий захиралар ҳақиқатан сотилгандан кейин чегириб ташланади.

Ушбу даврнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариладиган харажатларга қуйидагилар киради:

1. Хўжалик юритувчи янги субъектлар, ишлаб чиқаришлар, цехлар ва агрегатларни ўзлаштириш харажатлари.

2. Машина ва механизмларнинг айрим турларини якка тартибда синаб кўриш ҳамда барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида (ишлатилаётган ҳолатда), мажмуа синаб кўриш харажатлари.

3. Асбоб-ускуналарни етказиб берган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган оталиқ-монтаж харажатлари.

4. Қурилаётган хўжалик юритувчи субъект дирекциясининг, дирекция бўлмаган тақдирда - техник назорат гуруҳининг харажатлари (маъмурий харажатлар), шунингдек хўжалик юритувчи янги субъектлар ва объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ харажатлар.

5. Янги ишга туширилган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун ходимлар тайёрлаш харажатлари.

6. Янги технологияларни яратиш ва қўлланаётган технологияларни такомиллаштириш бўйича, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, хомашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича харажатлар.

7. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

8. Якка тартибда ва кенг кўламда чиқариладиган маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўзлаштириш харажатлари.

9. Қонунчиликка мувофиқ ишчи кучлари қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар.

10. Ихтирочилик ва ишлаб чиқариш тусидаги рационализаторлик, тажриба-синов ишлари ўтказиш, ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналар тайёрлаш ва синаб кўриш, ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича кўргазмалар ва кўриклар, танловлар ўтказиш, сертификатлаш ҳамда бошқа тадбирларни ташкил этиш харажатлари, муаллифлик мукофотлари тўлаш ҳамда бошқа харажатлар.

11. Қазилмаларни қазиб олиш соҳаларидаги тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар, агар улар капитал харажатларга тааллуқли бўлмаса (яъни асосий фондлар сифатида капитал билан таъминланмаса).

12. Хўжалик юритувчи субъектларни, ишлаб чиқариш тизимларини ривожлантириш (такомиллаштириш) харажатлари.

13. Жадаллаштирилган усул билан ҳисобланган амортизация суммаси ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ:

а) асосий воситалар бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ;

б) номоддий активлар бўйича бошланғич қийматидан ва фойдали ишлатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисоблаб чиқилган меъёрларга мувофиқ.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИ

Ҳисоб варақ-лар рақами	ҲИСОБВАРАҚЛАРНИНГ НОМИ	Ҳисоб-варақ-ларнинг тоифаси
	I ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР	
	1-БЎЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР	
1	2	3
0100	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинадиган асосий воситаларни ўзлаштириш*	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узаткич мосламалар	
0130	Машиналар ва ускуналар	
0140	Мебел ва офис жиҳозлари	
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	
0180	Кўп йиллик экинлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
0200	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**КА**
0211	Ободонлаштирилган ерларнинг эскириши	
0212	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олиниб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши	
0220	Бинолар, иншоотлар ва узаткичларнинг эскириши	
0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши	
0240	Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши	
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	

* "Узоқ муддатли ижара" лизингтушунчасини ҳам қамраб олади.

1	2	3
0270	Иш ҳайвонларининг эскириши	
0280	Кўп йиллик экинларнинг эскириши	
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	
0300	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0310	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
0400	**НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, маҳсулот белгилари ва саноат белгилари	
0430	Дастурий таъминот	
0440	Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи	
0450	Ташкилий харажатлар	
0460	Франчайз	
0470	Муаллифлик ҳуқуқи	
0480	Гудвилл	
0490	Бошқа номоддий активлар	
0500	**НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ ЭСКИРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**КА**
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауниинг эскириши	
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши	
0530	Дастурий таъминотнинг эскириши	
0540	Ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши	
0550	Ташкилий харажатларнинг эскириши	
0560	Франчайзнинг эскириши	
0570	Муаллифлик ҳуқуқининг эскириши	
0590	Бошқа номоддий активларнинг эскириши	
0600	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0610	Қимматли қоғозлар	

1	2	3
0620	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0640	Хорижий капитал билан қатнашган корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
0700	**ЎРНАТИШ ЖИҲОЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0710	Урнатиш жиҳозлари - мамлакатимизда ишлаб чиқарилган	
0720	Урнатиш жиҳозлари - четдан импорт қилинган	
0800	**КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0810	Тугатилмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш	
0830	Номоддий активларни сотиб олиш	
0840	Асосий подани шакллантириш	
0850	Ерни ободонлаштириш учун капитал қўйилмалар	
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
0900	**УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИ ВА МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
0910	Олинган векселлар	
0920	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	
0950	Вақтлар бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
0960	Дисконтлар (чегирма) бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар	
0990	Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар	

II-ҚИСМ. ЖОРИЙ АКТИВЛАР		
2-БЎЛИМ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР		
1	2	3
1000	**МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1010	Хомашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар	
1030	Ёқилғи	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идиш материаллари	
1070	Бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар	
1080	Инвентар ва хўжалик ашёлари	
1090	Бошқа материаллар	
1100	**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА БОҚУВДАГИ ҲАЙВОНЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1110	Етказиб беришдаги ҳайвонлар	
1120	Боқувдаги ҳайвонлар	
1200		
1300		
1400		
1500	**МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА СОТИБ ОЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	
1510	Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш	
1600	**МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ОҒИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1610	Материаллар қийматидаги оғишлар	
1700		
1800		
1900		
2000	**АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
2100	**ЎЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
2110	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар	
2200		

1	2	3
2300	**ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	А
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
2400		
2500	**УМУМИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	А
2510	Умумишлаб чиқариш харажатлари	
2600	**ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ЯРОҚСИЗЛИКНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	А
2610	Ишлаб чиқаришда яроқсизлик	
2700	**ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
2800	**ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	А
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот	
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулот	
2830	Комиссия қилиш учун берилган тайёр маҳсулот	
2900	**ТОВАРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	А
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўргазмадаги товарлар	
2940	Ижарабўюмлари	
2950	Товар ости идишлари ва бўш идишлар	
2960	Комиссия қилиш учун берилган товарлар	
2970	Йўлдаги товарлар	
2980	Савдо устамаси	
2990	Бошқа товарлар	

3-БЎЛИМ. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР – ЖОРИЙ ҚИСМ

3000		
3100	**КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	А
3110	Олдиндан тўланган ижара	
3120	Олдиндан тўланган хизматлар	
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари	

1	2	3
3200	**МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
3210	Вақти бўйича фарқи билан кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
3220	Дисконтлар (чегирма) бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли харажатлар	
3290	Бошқа муддати кечиктирилган қарзлар	
3300		
3400		
3500		
3600		
3700		
3800		
3900		

4-БЎЛИМ. ОЛИНАДИГАН ҲИСОБВАРАҚЛАР – ЖОРИЙ ҚИСМИ

4000	**ОЛИНАДИГАН ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган ҳисобварақлар	
4020	Олинган векселлар	
4100	**АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРДАН, ШЎББА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
4110	Алоҳида бўлинмалардан олинадиган ҳисобварақлар	
4120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятлардан олинадиган ҳисобварақлар	
4200	**ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
4210	Меҳнатга ҳақ тўлаш учун берилган бўнаклар	
4220	Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар	
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар	
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
4300	**МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**

1	2 3	
1310	Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга товар-моддий бойликлар ҳисобидан берилган бўнаклар	
1320	Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли активлар ҳисобидан берилган бўнаклар	
1330	Берилган бошқа бўнаклар	
1400	**БЮДЖЕТГА ТЎЛАНАДИГАН БЎНАКЛАНГАН ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1410	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар (турлари бўйича) бўнакланган тўловлар	
1500	**ДАВЛАТНИНГ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ВА СУҒУРТА БЎЙИЧА БЎНАКЛАНГАН ТЎЛОВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1510	Суғурта бўйича тўланадиган бўнакланган тўловлар	
1520	Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўланадиган бўнакланган тўловлар	
1600	**МУАССИСЛАРНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИГА БАДАЛЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1610	Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари	
1700	**БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ХОДИМЛАР ҚАРЗИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1710	Ходимларнинг қарзга берилган товарлар бўйича қарзлари	
1720	Ходимларга берилган заёмлар (қарзлар) бўйича қарзлари	
1730	Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари	
1790	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
1800	**ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ҚАРЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
1810	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар	
1820	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
1830	Олинадиган фоизлар	

1	2	3
4840	Олинадиган дивидендлар	
4850	Олинадиган роялти	
4860	Даъволар бўйича олинадиган ҳисобварақлар	
4890	Бошқа дебиторларнинг қарзлари	
4900	**ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА РЕЗЕРВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**КА**
4910	Даргумон карзлар бўйича резервлар	
	5-БЎЛИМ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР	
5000	**КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5010	Миллий валюталаги пул маблағлари	
5020	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	
5100	**ҲИСОБ-КИТОБ ВАРАҒИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5110	Ҳисоб-китоб ҳисобвараги	
5200	**ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5210	Мамлакат ичкарисидаги валюта ҳисобварақлари	
5220	Чет элдаги валюта ҳисобварақлари	
5300		
5400		
5500	**БАНКДАГИ МАХСУС ҲИСОБВАРАҚЛАРДАГИ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус ҳисобварақлар	
5600	**ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
5700	**ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ (ЎТКАЗИЛГАН)НИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5710	Йўлдаги пул маблағлари (ўтказилган)	

1	2 3	
5800	**ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5810	Қимматли қоғозлар	
5830	Берилган қиска муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
5900	**КАМОМАД ВА БОЙЛИКЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРДАН ҲОСИЛ БЎЛГАН ЙЎҚОТИШЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**А**
5910	Камомадлар ва бойликларга етказилган зарардан йўқотишлар	
5920	Бошқа жорий активлар	
	III-ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР	
	6-БЎЛИМ. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР	
6000	**ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6010	Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар	**П**
6020	Берилган векселлар	
6100	**АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРГА, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИКЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6110	Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган ҳисобварақлар	
6120	Шўъба ва қарам хўжаликларга тўланадиган ҳисобварақлар	
6200	**МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6210	Дисконт (чегирма) қўринишидаги муддати узайтирилган даромадлар	
6220	Мукофот (устама) қўринишидаги муддати узайтирилган даромадлар	
6230	Бошқа муддати узайтирилган даромадлар	
6240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар	
6250	Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар	

1	2 3	
6290	Бошқа муддати узайтирилган мажбуримятлар	
6300	**ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияларга ёзилган шахслардан олинган бўнаклар	
6390	Олинган бошқа бўнаклар	
6400	**БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)	
6500	**СУҒУРТА ВА ДАВЛАТНИНГ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ҚАРЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6510	Суғурта бўйича тўловлар	
6520	Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар	
6600	**МУАССИСЛАРГА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6610	Тўловга дивидендлар	
6620	Чиқиб кетган муассисларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар	
6700	**ХОДИМЛАР БИЛАН ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6710	Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар	
6720	Депонирлаштирилган иш ҳаки	
6800	**ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6810	Қиска муддатли банк кредитлари	
6820	Қисқа муддатли қарзлар	
6830	Тўланадиган облигациялар	
6840	Тўланадиган векселлар	
6900	**ҲАР ХИЛ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
6910	Тўланадиган қисқа муддатли ижара	

1	2	3	
6920	Ҳисобланган фоизлар		
6930	Роялти бўйича қарзлар		
6940	Кафолатлар бўйича қарзлар		
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм		
6960	Даъволар бўйича тўлаш учун ҳисобварақлар		
6970	Жавобгар шахсларга қарзлар		
6990	Бошқа мажбуриятлар		

7-БЎЛИМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

7000	**ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**II**
7010	Товар етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар	
7020	Берилган векселлар	
7100	**АЛОҲИДА БЎЛИНМАЛАРГА, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР**	**II**
7110	Алоҳида бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарзлар	
7120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар	
7200	**МУДДАТИ КЕЧИКТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**II**
7210	Дисконт (чегирма) кўринишидаги муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар	
7220	Мукофот (устама) кўринишидаги муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар	
7230	Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли даромадлар	
7240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар	
7250	Вақтлар бўйича фарқи билан даромад (фойда) солиги бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар	

1	2	3
7300	**ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
7400		
7500		
7600		
7700		
7800	**УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
7810	Банкнинг узоқ муддатли кредитлари	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7830	Тўланадиган облигациялар	
7840	Тўланадиган векселлар	
7900	**ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
7910	Тўланадиган узоқ муддатли ижара	
7920	Турли кредиторларга узоқ муддатли бошқа қарзлар	
	IV-ҚИСМ. ЎЗ КАПИТАЛИ	
	8-БЎЛИМ. КАПИТАЛ, ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР	
8000		
8100		
8200		
8300	**УСТАВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
8310	Оддий акциялар	
8320	Имтиёзли акциялар	
8330	Пай ва қўйилмалар	
8400	**ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	
8410	Эмиссион даромад	
8420	Устав капиталини шакллантиришда курснинг фарқи	

1	2	3
8500	**РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**И**
8510	Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	
8520	Резерв капитал	
8530	Беғараз ёрдам тарзида олинган мол-мулк	
8600	**СОТИБ ОЛИНГАН ЎЗ АКЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**КП**
8610	Сотиб олинган ўз акциялари оддий	
8620	Сотиб олинган ўз акциялари имтиёзли	
8700	**ТАҚСИМЛАНМАГАН ДАРОМАДНИ (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР)НИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
8710	Ҳисобот даврида тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	
8720	Ишланган фойда (қопланмаган зарар)	
8800	**МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
8810	Грантлар	
8820	Субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8840	Мақсадли фойдаланилган солиқ имтиёзлари	
8890	Бошқа мақсадли тушумлар	
8900	**КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР РЕЗЕРВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**П**
8910	Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резервлари	
	V-ҚИСМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИШЛАТИШ	
	9-БЎЛИМ. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР	
9000	**АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Г**
9010	Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар	
9020	Товарларни сотишдан олинган даромадлар	
9030	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар	

1	2 3	
9040	Сотилган товарларни қайтариш	
9050	Харидорларга ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	
9100	**СОТИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР (ТОВАРЛАР, ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ТАННАРХИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9110	Сотилган тайёр маҳсулотнинг таннархи	
9120	Сотилган товарларнинг таннархи	
9130	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи	
9140	Тақрорланиб турадиган ҳисоботда ТМБни олиш/харид қилиш	
9150	Тақрорланиб турадиган ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар	
9200	**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9210	Асосий воситаларнинг реализация қилиниши ва бошқача чиқиб кетиши	
9220	Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши	
9300	**АСОСИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН БОШҚА ДАРОМАДЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9310	Асосий воситаларни реализация қилинишидан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда	
9320	Бошқа активларни реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда	
9330	Пеня, жарималар, ва бошқа тўловларни ундириш	
9340	Ўтган йиллар даромади	
9350	Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар	
9360	Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад	
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари	
9380	Бегараз молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромадлар	

1	2	3
9400	**ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9410	Сотиш бўйича харажатлар	**Т**
9420	Маъмурий харажатлар	
9430	Бошқа операцион харажатлар	
9440	Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даврининг харажатлари	
9500	**МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТДАН КЕЛАДИГАН ДАРОМАДЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9510	Роялти кўринишидаги даромадлар	
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	
9540	Валюта курсларидаги фарқдан олинадиган даромадлар	
9550	Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар	
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш бўйича даромадлар	
9590	Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар	
9600	**МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9610	Фоизли кўринишдаги харажатлар	
9620	Валюта курсларидаги фарқлардан кўриладиган зарарлар	
9630	Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
9700	**ФАВҚУЛОДДА ФОЙДАЛАР (ЗАРАРЛАР)НИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9710	Фавқулодда фойдалар	
9720	Фавқулодда зарарлар	
9800	**СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИ ИШЛАТИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9810	Даромадлар (фойда)га солинадиган солиқ бўйича харажатлар	

1	2 3	
9820	Фойдадан тўланадиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар	
9900	**ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ ҲИСОБВАРАҚЛАР**	**Т**
9910	Якуний молиявий натижа	
VI-ҚИСМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАР		
001	Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар	З
002	Жавобгарликда сақлашга олинган товар-моддий бойликлар	З
003	Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар	З
004	Комиссияга қабул қилинган товарлар	З
005	Монтаж қилиш учун олинган асбоб-ускуналар	З
006	Қатъий ҳисобда турувчи бланкалар	З
007	Тўлов қобилиятига эга бўлмаган дебиторларнинг қарзларини зарар ҳисобида ҳисобдан чиқариш	З
008	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш – олинган	З
009	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш - берилган	З
010	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар	З
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мол-мулк	З
012	Кейинги даврнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқариладиган харажатлар	З
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	З
014	Инвентар ва фойдаланишдаги хўжалик ашёлари	З

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I БЎЛИМ. КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

1-боб. Бухгалтерия ҳисоби, унинг аҳамияти ва турлари. 4
1.1. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида тушунча..... 4
1.2. Бухгалтерия ахбороти ва унинг бошқарув қарорларини қабул қилиш учун аҳамияти..... 8
1.3. Бухгалтерия ахборотидан фойдаланувчилар..... 10
1.4. Молиявий ва бошқарув ҳисоби, уларнинг фарқлари ва ўзаро боғлиқлиги..... 16
1.5. Ўзбекистон Республикасида молиявий (бухгалтерия) ҳисобини меъёрий тартибга солиш..... 22
1.6. Бозор шароитида бухгалтер касби..... 26

2-боб. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари ... 30
2.1. Бухгалтерия ҳисобининг субъектлари ва объектлари (элементлари) 30
2.2. Корхона активлари ва уларнинг гуруҳланиши 31
2.3. Корхона активларини шакллантириш манбалари 34
2.4. Даромадлар ва харажатлар, фойдалар ва зарарлар 38

3-боб. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва тамойиллари ... 39
3.1. Бухгалтерия ҳисобининг усуллари 39
3.2. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари 41
3.3. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари 48

4-боб. Бухгалтерия баланси 51
4.1. Бухгалтерия баланси тўғрисида умумий тушунча 51
4.2. Бухгалтерия балансининг тузилиши ва мазмуни 53
4.3. Хўжалик операцияларининг бухгалтерия балансига таъсири 58

5-боб. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари тизими ва икки ёқлама ёзув 62
5.1. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари ва уларнинг тузилиши 62
5.2. Ҳисобварақлардаги икки ёқлама ёзув ва уни асослаш 67
5.3. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва унинг амалий қўлланиши 71

6-боб. Ҳужжатлаштириш ва инвентарлаш 76
6.1. Ҳужжатлаштириш, унинг моҳияти ва аҳамияти 76
6.2. Инвентарлаш, унинг турлари ва ўтказиш тартиби .. 81
6.3. Ҳисоб регистрлари. Ҳисоб регистрларида хатоларни тузатиш усуллари 84
6.4. Бухгалтерия ҳисоби шакллари 89
6.5. "Балансдан балансгача" ҳисоб цикли 95
6.6. Корхонанинг ҳисоб сиёсати 104

II БЎЛИМ. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

7-боб. Пул маблағлари ҳисоби 113
7.1. Кассада нақд пуллар ҳисоби 113
7.2. Ҳисоб-китоб вараги бўйича ҳисоб тартиби 127
7.3. Валюта ҳисобвараги бўйича операцияларни ҳисобга олиш тартиби 142
7.4. Банкдаги бошқа ҳисобварақлар бўйича операциялар ҳисоби 157

8-боб. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби 160
8.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, иш ҳақи ва бошқа тўловларни ҳисоблаш тартиби 160
8.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштириш 168
8.3. Ходимлар билан иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби 170
8.4. Даромад солиғи ва иш ҳақидан бошқа ушланмалар ҳисоби 173

8.5. Суғурта балларини ҳисоблаш, тўлаш ва ...рфлаш тартиби 181

9-боб. Моддий бойликлар, инвентар ва ...фойдаланишдаги хўжалик ашёлари ҳисоби 184
9.1. Материаллар, уларни таснифлаш на баҳолаш 184
9.2. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ ...операцияларни ҳужжатлаштириш 190
9.3. Омбордаги материаллар ҳисоби 204
9.4. Бухгалтерияда материаллар ҳисоби 205
9.5. Материалларни узлуксиз ва даврий ҳисобга ...лиш тизимлари 211
9.6. Инвентар ва хўжалик ашёларининг ҳисоби 214
9.7. Материалларни инвентарлаш 216

10-боб. Асосий воситаларнинг ҳисоби 219
10.1. Асосий воситалар тушунчаси ва уларни баҳолаш 219
10.2. Асосий воситаларнинг келиб тушиши ҳисоби 224
10.3. Асосий воситаларнинг эскириши (аморти зация) ҳисоби 231
10.4. Асосий воси та ларнинг ҳисобдан чиқарилиш ҳисоби 237
10.5. Асосий воситаларнинг таъмирланиши ҳисоби 244
10.6. Асосий воситаларни қайта баҳолаш ҳисоби 245
10.7 Асосий воситалар ижараси ҳисоби 247

11-боб. Номоддий активлар ҳисоби 253
11.1 Номоддий активлар ва уларнинг гуруҳланиши 253
11.2. Номоддий активлар келиб тушиши ҳисоби 256
11.3. Номоддий активлар амортизацияси ҳисоби 259
11.4. Номоддий активларнинг чиқарилиши 263

12-боб. Молиявий инвестициялар ҳисоби 265
12.1. Молиявий инвестициялар тўғрисида тушунча, уларни табақалаштириш ва баҳолаш 265
12.2. Инвестициялар келиб тушишини ҳисобга олиш ... 270
12.3. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қиймат усули ва улушли қатнашиш усули билан ҳисобга олиш 275

12.4. Инвестициялар чиқарилишини ҳисобга олиш 279

13-боб. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоби ҳамда маҳсулот таннархини калькуляция қилиш 281
13.1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш харажатлари ва уларнинг туркумланиши 281
13.2. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби 285
13.3. Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг ҳисоби 295
13.3. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби 300
13.5. Маҳсулот яроқсизлиги (брак) ва туриб қолишдан йўқотишлар ҳисоби 303
13.6. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби ва уни баҳолаш 306
13.7. Келгуси давр харажатлари ҳисоби 309

14-боб. Давр харажатлари ва бошқа харажатлар ҳисоби 311
14.1. Сотиш бўйича харажатлар ҳисоби 311
14.2. Маъмурий харажатлар ҳисоби 313
14.3. Бошқа операцион харажатлар ҳисоби 314
14.4. Келгусида солиққа тортиш базасидан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларининг ҳисоби ... 318
14.5. Бошқа харажатлар ҳисоби 321
14.6. Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари 328

15-боб. Тайёр маҳсулот, товарлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш 331
15.1. Тайёр маҳсулот ва уни баҳолаш 331
15.2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва унинг омборга келиб тушиши ҳисоби 332
15.3. Тайёр маҳсулотни юклаб жўнатиш ҳисоби 333
15.4. Маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматлар сотилишини ҳисоби 337
15.5. Товарлар ҳисоби 341
15.6. Корхонанинг бошқа даромадлари ҳисоби 344

16-боб. Фондлар ва корхона фаолияти молиявий натижалари ҳисоби 347

16.1. Корхона устав капитали (фонди)нинг ҳисоби 347
16.2. Резервлар ҳисоби 351
16.3. Молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ва тақсимланмаган фойда ҳисоби 355

17-боб. Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалардан олинадиган солиқлар ҳисоб-китоби ва ҳисобини юритиш тартиби 361
17.1. Солиқлар ва уларнинг гуруҳланиши 361
17.2. Юридик шахслар даромадларидан (фойдасидан) солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 362
17.3. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 370
17.4. Акциз солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби 379
17.5. Ер остидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 382
17.6. Экология солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 383
17.7. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 384
17.8. Ер солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби ... 387
17.9. Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ... 389
17.10. Ободонлантириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 395
17.11. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби 397
17.12. Ягона солиқни ҳисоблаш ва ҳисобга олиш тартиби .. 400

ИЛОВАЛАР:
1. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга ... 406
2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга ... 414

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ... 417

«СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ»
ГАЗЕТАСИ КУТУБХОНАСИ

Масъул муҳаррир — *Файзиев Т. Ю.*

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ МУСТАҚИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Менежер *Муслимов Б. С.*

2004 йил 22 августда босишга рухсат этилди.
Ҳажми 27,5 б.т. Бичими 84x108 1/32.
Адади 1500 нусха. Буюртма № 284.

IQTISODIYOT VA HUQUQ DUNYOSI
NASHRIYOT UYI

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи.
Тошкент ш., Маҳтумқули кўч., 1.

«KO'HI NUR» босмахонаси, Тошкент ш., Муқимий кўч., 178.



«СБХ» газетаси кутубхонаси» туркумида китобларни харид қилиш масалалари бўйича ахборотни тел./факси (99871) 144-44-29, 132-18-80 орқали олиш мумкин.

ЖОЧИ Б ЎЗБ ДЕВ НАШРИЁТ УЙИ

СОЛИҚЛАР ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ